

Миллатимиз ғурурри, фахри,
ифтихори, қадру қиммати, шону
шавкати, соҳибқирон Амир Темур
таваллудининг 680 йилигига
бағишлайман



ТУРОНЛИК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР



Тошкент
«Navro'z» нашриёти
2015

КВК 83.12.(50‘zb)7
УО‘К 157.10.2.4

Фулом Жўра

“Туронларик Соҳибқирон Амир Темур”/Достон/
Ғ. Жўра. Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2015 — 400 б.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р

Тўлқин Ҳайит -Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

Т а қ р и з ч и л а р:

Нажмиддин Комилов	Филология фанлари доктори, профессор;
Ҳаким Сатторий	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Ваҳоб Қўчқоров	Сиёсий фанлар доктори, профессор;
Ўктам Мавлонов	Тарих фанлари доктори, профессор.

Мазкур маснавий достонда Соҳибқирон Амир Темурнинг юртни озод этиш учун Жета истибдодига қарши тик юриши ва ўз атрофига эркпарвар сафдошларини озодлик жангига сафлагани, Мовароуннаҳрда Мўғулларнинг бир юз эллик йиллик зуғумига қарши эрк юришларидаги шафқатсиз жанглار, Оврупани Рум босқинидан холос этиш юришлари тафсилоти келтирилган. Ота юртни озод этишга ўз жонини фидо этгани, адолатпарвар суронли юришлар тарихий манбаларга таянган ҳолда содда лирик қочиримлар орқали баён қилинган.

Достон Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига биноан нашр қилинди.


ISBN 978-9943-381-61-2

© Фулом Жўра (Джўракул
Нурматов) «Navro‘z»
нашриёти, 2015 й.



Амир Тему́р шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қазрига чуқур илдиз отган томиримизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир

Ислом КАРИМОВ





БИР КҮНГИЛНИНГ ХУМОРИ

Мустақиллик шарофати билан тарихимизга, жумладан, Амир Темур ва Темурийлар ҳаётига қизиқиш, уларни қайта ўрганиш ва янгича аспектда талқин этиш кучайди. Бу ҳолни фақат ижобий баҳолаш мумкин. Нафсиламрини айтганда, ўрганишнинг азалдан қарор топган тамойиллари бўлган. Яъни тарихда ўчмас из қолдирган буюк Шахс — маълум, фақат унга турли манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашув мавжуд эди. Узоқ йиллар тўп ҳавога отилар ва у ўз йўналишида бирор жойга бориб тушарди, яъни қайтмасди. Моҳиятан олиб қаралганда, бу мавзунини муаллиф ўзи истаганча талқин қилар, уни тергайдиган зот йўқ эди. Юртимиз мустақил бўлгач, тўп йўлида девор қўйилди, Соҳибқирон Амир Темурнинг мамлакати, ворислари қайтадан бўй кўрсатди. Шу маънода “Шуҳрат” медали совриндори, техника фанлари номзоди Ғулом Жўра (Жўрақул Нурматов)нинг 12,6 минг мисрадан ортиқ дoston қоралаши қонуний асосга эга. Агар бу миқдорни, дейлик, Фирдавсий қўли билан ёзилган шунча ҳажмли асарга қийёслайдиган бўлсак, муаллиф қанчалик оламшумул юмушни адо этгани ойдинлашиб қолади.

Ҳар ҳолда “Орзуга айб йўқ” дейдилар. Албатта, тарихда ўтган буюк шахслар, хусусан, Амир Темурдек беназир зотлар ўз номини маданиятнинг бир қанча соҳасида абадий муҳрлаб қолдирган экан, улар ҳақидаги битиклар бу кўламни тўла қамраб олиши қийин ва шу маънода ўша битиклар, асосан, муаллифларнинг ўзи (уларнинг салоҳияти, дунёқараши, маслағи) ҳақида кўпроқ маълумот берган. “Туронлик Соҳибқирон Амир Темур” достонида ҳар бир сатрда, қолаверса, сўзда сингиб акс кетган меҳр эса устознинг шу юртнинг ҳақиқий фуқароси, унинг тарихи билан фахр этувчи зиёлиси эканини тасдиқлаб турибдики, бу шоён таҳсинга лойиқ.

Бевосита дostonга келадиган бўлсак, муаллифнинг кунт ва заҳмат билан анча салмоқли ишга қўл ургани сир эмас. Асар ўша давр юзасидан кўпроқ маълумот беради. Бу ўринда ҳам ҳурматли Ғулом Жўранинг бутун талғати тўла намоён бўлиб турибди. Кимдир улкан жарликни кўрса, унинг қаршисида довдираб туриши, сакраб ўтишни



жаҳд қилса, ўртага тушиб қолиши мумкин. Мабодо, кўзи боғлиқ одамни жар лабига олиб бориб, қистаса, таваккалига сакраб ўтиб кетиш эҳтимоли бор. Бу қиёс шеърят назарияси билан қанчалик танишлик даражасига ҳам тааллуқли. Назм асрорларини неча жилдлик китоблардан ўрганган ориф бу заҳмат олдида тиззаси қалтириаб тураверади, техник олимга эса бу писанд эмас...

Маснавий Шарқ шеъриятида лиро-эпик жанрнинг асосий услуби ҳисобланади ва бу санъатнинг улуг пирлари борки, улар руҳи қаршисида фақат таъзим қилиш лозим. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий шоҳ асар “Хамса”ни ҳам шу жанрда ёзганлар ва маснавий (иккилик)нинг туркий шеърятдаги битмас-туганмас имкониятларини кашф этганлар. Гулом Жўра бу усулга мурожаат қилар экан, назарни яна ҳам ичкарига, шеърятнинг бокира даврларига қаратади, ўлчамни илк намуналардан олади. Унинг достони Урхун-Енисей ёзувларига, “Қутадғу билик” ёки “Ҳиббатул ҳақойиқ” шаклига ўхшаб кетади. Муаллифнинг тап тортмаслиги, дадиллиги шеърятнинг ҳар қандай қонуниятларини ёнлаб ўтади ва мутлақ эркинлик касб этади. Эркинлик адабиётнинг асосий шартларидан биридирки, бу орқали муаллифнинг дардлари тўлароқ намоён бўлади. Айниқса, у ўта истеъдодли бўлса, бу яна ҳам қўл келади.

Гулом Жўра ўз достонида жуда катта даврни қамраб олган ва уни ўз истеъдоди даражасида акс эттирган. Маълумки, бадий асарга қўйиладиган талаблардан бири унинг китобхонларнинг турли даражаси ва қатлами учун тушунарли, ҳатто жозибали, балки оҳанраболи бўлишидир. Негаки, адабиёт ҳам маърифат тарқатиш воситаси ва китобхон у орқали билим ва тасаввурларини бойитади. Шунинг эhtiборга олган ҳолда асосий қаҳрамон — Амир Темур ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеа, шахсларга кўпроқ урғу берилиши таъминланган, уларнинг фаолиятини чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилинган. Албатта, бундан ўқувчилар анча наф қўрадилар.

Шеърдек инжа санъатда мухлислар эътиборини қозонган беназир истеъдод соҳиблари бу соҳани косибликка айлантириб, жиддий меҳнатга қўл урмаган ва ҳунарини узук ясовчи уста даражасида истифода этиб, бир лутфни “шеър”га айлантириб, шу билан бурунги мавқеини тасдиқлашга тиришиб ётган пайтда ҳаваскор шоир даражасидаги техник олимнинг йиллар давомида заҳмат




чекиб, мухлисларга илинган достонини ўзбекона андиша билан қабул қилишимиз тайин.

Бадий адабиётнинг асосий талаби бадийлик. Бу даражага қанчалик эришилганини эса мутолаа жараёнида ҳис этасиз. Хуллас, дастлабки шеърӣй тўпламларини чоп этиш билан ўзининг Сўзга алоҳида меҳри борлигини намоён этган шоир қалб ишқи билан бир бисотни воқеъ этди. Уни “Ишқ чечаги” деб аташ жоиз бўларди. Негаки, мавзуга нисбатан улкан муҳаббат йиллар оша шоир дилида яшади, томир отди, қулф уриб очилди. Энди унинг қанчалик жозиба кашф этганини баҳолаш ўқувчига ҳавола. Умид қиламизки, ўша меҳр барчамизга юқади. Зеро, ватанпарварлигини намоён қила олган ватанпарварга ҳавас қилиш лозим.

Ҳаким Сатторӣ
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.



ИБТИДО





Оллоҳим, этиб хўп тиловати Қуръон,
Сўрадим жонга омонлик, қалбга — Иймон!

Ёд олиб кўҳна дунё битик маъносин,
Мозийдан топдим ҳақ, адолат шуъласин.

Ривоятлар мўл кўҳна тарих сатрида,
Адабий, диний буюк китоблар қасрида.

Вале бу битиклар ичра хўп, бисёр,
Ул Амир Темур исми ҳам бўлган тақрор.

Ёдномалар ҳар лавҳин қилганча тавоф,
Мен ҳам ул сиймо азмин қилдим эътироф.

Мозийдан истаб, ёзди ҳақни қаламим,
Эл-юртим эркни кўриб, битди алашим!

Битганим ҳар бир сўз Тангрим инояти,
Дил эътиқодим асло йўқ ниҳояти.

Ўқинг, хўп баҳра олинг, — шул дилда ният,
Ёкса гар, дуо айланг эй аҳли хирад.

Саховатли бир ишга урдим ўнг қўлим,
Хуш оқибатин сезгандай хоксор дилим.

Илиқда бўлса ҳам нақшиндор зирк ҳасса,
Ул тавсифига қўшай деб озроқ ҳисса,

Амир-ут Турон қабрига қўйибон бош,
Ҳазрат руҳидан сўрадим афву бардош.

Улус дардига бўлғайман деб ул малҳам,
Адолат-ла ноҳаққа берди барҳам.

Халқ тинчлигига бўлайин деб кафолат,
Ўрнатар бўлди Соҳибқирон адолат.

Икки минг олти санаси, фасли баҳор,
Амир-ут Турон мадҳин бошладим илк бор.

Пок панжам уриб донишлар панжасига,
Илмин ёд олиб, зеҳн тикдим барчасига.

Кўрдим титибон кўп китоблар ошёним,
Мағзин чақибон топдим роҳим равоним.

Шоҳ Амир Темур тарихин уқиб бир-бир,
Ҳаяжон босиб титради танним дир-дир.



Соҳибқиронга хос битикни ўқидим,
Соний тавсифин бирма-бир тўқидим.

Саксон ёшимда битдим қалбий бўстонни,
Амир Темурга хос маснавий дostonни.

Ўқинг, баҳраманд бўлинг, баркамол авлод,
Ёш қалбингизда ўйғонур туйғу, мурод.

Жаҳонда бисёр тарихи Соҳибқирон,
Ҳақ қалқиб чиқиб саҳнга, тарқар чор томон!

Тарих сўзласин фожиа, зулмдан бир сатр,
Эвоҳ, инсонда йўқ эди заррача қадр!

Оналар кўксин ёриб Жета ўхшатиб,
Ҳомила жонин оларди қон-қақшатиб!

Босқинни кўрган, мусулмон фалокатин,
Муаррих Ибн ал-Асир ёзмиш битигин!

Босқин, зуғумга бой эрди ҳар воқеа,
Аҳли мусулмон кўрган бисёр фожиа.

Хато кетса гар битик, чизғиларда изн,
Сатрларим кўрсин иқболу олам юзин.

Бандадин агар бир саҳву хато ўтса,
Ислоҳ қилиб ўқувчим мени афв этса.

Қаламим тутиб найзадек шод беадад,
Киришдим Тангри таолодан сўраб мадад.

Ўқиб тарихни ўқдим не заҳматларни,
Эл тортган жабру бедодлик, туҳматларни!

Бир юз ўттиз йил эл кутиб халоскорин,
Қирон буржида кўрди эл эркпарварин.

Бир мингу уч юз ўттиз олтинчи йил,
Моҳи ҳамалда Текина қучди ўғил.

Хўжа Илғорда туғилди нурдек ўғлон,
Оламни этиб қуёш каби нурафшон.

Бу манзилгоҳдан эсиб анвойи ифор,
Диллар баҳрини яйратди мисли баҳор.

Амир Тарағай тутиб нури аржумандин,
Элти пир Кулол" ҳузурига фарзандин.



Зоижа очиб аълоҳазрат сўнгида,
Миррих, Зуҳални кўрди қирон буржида!

Аллома тенгдоши Нақшбандий тариқатин,
Билимдони шайх, пир Кулол айлади ҳикоятин.

Чақалоқ бахту тахтин этди башорат:
«Бўлур султонун шоҳ, юртда қилур каромат.

Илк олампаноҳ, инсоний улуспарвар,
Илм, санъат аҳлин ҳомийси, эркпарвар!


Ўғлон учинчи соҳиби буржи қирон,
Бўлур элпарвар, албатта, Соҳибқирон!

Турфа шиорин айтар жафокор элга,
Тақилди ханжар, камар халоскор белга!»

Ҳам Қуръон каломи бўлсин деб темирдай,
Исмини қўйди Темурбек ибн Тарағай.



ХАЛОСКОР СОҲИБҚИРОН





Амир Темурибн Тарағай шажарасининг баёни

Соҳибқирон шажарасига мансуб томирлар

Аҳли башарга бўл деб, Тангри раҳнамо,
Набийликни Нуҳ² га кўрдилар раво.

Ерликдай ҳамду сано, ақл, нафс балосин,
Олур қилмишга мос неъмату жазосин.

Тўрт ўғил—Ёфас, Сому Хом бирлан Канъон,
Қаноту қудрат бўлди падарга чунон

Ёфас ибн Нуҳким саккиз ўғил отаси,
Тўнгич ўғлони Абу-т-Турк —Турк каттаси.

Ёфас ибн Нуҳга пайғамбарлик маснади,
Илк ато бўлди Тангри амри-мақсади.

Бир тунда Тангри амри-ла саккиз ўғлон,
Турфа забонда сўз айтди, бари ҳайрон.

Англамай оға-ини бир-бирин тилин,
Тарқаб кетдилар Заминдан истаб ризқин.

Турк ибн Ёфас илк бор ота амрига мос,
Итилу Ёйиқ бўйига қўйди ихлос.

Нуҳ Ҳазрат ҳам кетди ҳаёт қошидан,
Тўққиз юз эллик баҳор ўтди бошидан.

Турк ибн Ёфасдан илк тарқаган Турк зоти,
Ўзбекнинг тўқсон икки элатин оти.

Туркий забонда сўзлашар бўлиб иноқ,
Қозоқу туркман, қирғизу қорақалпоқ...

Туркийда Ёфас бува одами ҳурфикр,
Тўққиз ярим аср яшади этибон шукр.

Турк, Хазар, Сақлоб, Рус, Минг, Чин, Қамари, Торих,
Авлоди Ёфас шажараси бир тарих.

Шу ўғлонлардан тарқалган халқлар бари.
Уч минг тилда сўз айтар олам сарвари

Деббоқўйхон ибн Ёфасдан Сақлоб аҳли,
Кўкхон ўғлондан славянлар сероб аҳли.



Босабр, боақл халқ, эмас асло қизиққон,
Сариқ соч, мовий кўз, гулрў қизу ўғлон.

Рус* ибн Ёфас-т-Турк ибн Нуҳ аждодидан,
Александр Мақдуний* Рус ўғлон авлодидан.

Шарқда ул номи бўлган фотих Искандар
Этган эрк, обод эллани яксон бедар.

Амур Темур аждодларининг зикри

Оллоҳ таоло кечирсин, қўлласин Хизр,
Гар ўтса тарих баёнида хато, узр.

Мўғул ҳам Тотор Алинжаҳон дилбанди,
Эгизакларким падарнинг бош фарзанди.

Мўғул ўғлон илк турк—мўғуллар боши,
Ўн олти авлод ўтгач синди бирлик тоши.

Мўғул— мўғулзот уруғин бош сардори,
Тотор — тоторзот уруғин илк саркори.

Мўғул набираси Ўғузхон ибн Қорахон,
Ўғузхон набираси Минглихон ибн Юлдузхон.

Набира Элхон бош буваси Минглихон,
Тангрихонга ул набира Мингли ибн Элхон.

Мингли ибн Элхон илк набираси Юлдуз,
Довюрақ ўғлон, сийрати мисли юлдуз.

Мўғул ўғлондан илк тарқаган Қорахон,
Қорахонзода-асил ботир Ўғузхон.

Буқа тўнғичи Дутамманин баҳодир,
Элга Хон бўлди ул бузруквордек қодир.

Дорилбақога ўтгач падар бериб жон,
Дутамманнинг бош ўғли Қайду бўлди Хон.

Жалойир эди саккизинчи фарзанди,
Қизиққон ўғлон Буқаким ул дилбанди.

Соҳиби шамшир Бойсунғур ибн Қайдухон,
Инилар Таймут, Жирқаланқум тану бир жон.

Ўғузхон туркий қавмларга берди илк ном,
Уйгуру Қонғели, Қипчоқ ҳам Қорлиқ мақом.

Ўғузхон етти ботир ўғлон отаси,
Кунхон, Менғелихон, Ойхон, Юлдуз—каттаси.



Кунхон, Юлдузхон бирлан Ойхон –баронҗор¹,
Менглихон, Элхон ҳам Тангрихон –жавонҗор².

Ўғузхон зотин жами шерқалб баҳодир,
Оға-инилар бўлган ҳар ишга қодир.

Юлдуз ибн Менгли қизи Жубина,
Алонқуво ул она эрди хубгина.

Юлдуз ибн Менгли кенжа мўғулий авлод,
Андин сўнг кетди шажара эрдан умрбод.

Жубина Элхон набираси, Юлдуз қизи,
Алонқуводек ажаб ул сулув ўзи.

Алонқуво ул Хурилтой мерган қизи,
Ойдек жамоли, қирмизи гулдек юзи.

Илк ёстикдоши Дивун-Боён баҳодир,
Хурфигр, довюрак ўғлон ҳар ишга қодир.

Тўнғич дилбанди баҳодир Илигдихон,
Соний туғилди баҳодир Илчигдихон.

Шоҳ Дивун-Боён кетгач дорилбақога,
Алонқуво ҳам ўтди матомсарога.

Мардлардек жувон бошқарди эр давлатин,
Шоҳдай ўрнига қўйиб эрдек савлатин.

Алонқуво кўз ёшлари оқди дур-дур,
Оллоҳ кўрувчи, раҳми, юборди Нур!

Ривоят қилур бир Нур товланиб тунда,
Туйникдан кириб чиққанмиш порлаб шунда.

Малика бону гулбаргин силаб пурнур,
Тангри амри-ла қучиб қўндирган уч дур.

Партав³ авлоди сиёдат⁴ башаридан,
Нур дил жангида ўпган гул қаншаридан.

Тонг саҳарда Нур кўзга кўриниб юлдуз,
Фалакка учган шардек ёлқинли кундуз.

Илоҳий шуъла бўлганмиш ўчоғида,
Гуллола терган ул дилбар қучоғида.

Тангри “Бўл!” амри-ла Марям Имрон қизи,
Туққач Исони, порлаган наби кўзи.

Оллоҳ Нури ҳар он буюку қуввадор,
Ҳақ яратувчи зот, илоҳий ул шуъладор.



Оллоҳ берди бахт Алонқуво жувонга,
Ривоят зикри шудур ёруғ жаҳонга:

Алонқуводан бўлди пайдо уч фарзанд,
Алп қомат, она қалби каби аржуманд.

Қатаған, Солжи, Бўзунжар Мунқоқ ботир,
Уч ўғилдан уч қабила бўлмиш содир.

Уч қабилани дерлар авлоди нирун,
Нурдан бўлганмиш пайдо алар инчунин.

Бўзунжар Мунқоқ илк мўғул турку боши,
Тарқаган эллар унинг асил қондоши.

Алонқувога набирадур Буқошер,
Довюрак ўғлон бувасин саййидий дер.

Буқо баҳодир тўнғичи Дутамманин,
Бўзунжар унга буважондир ҳамчунин.

Туманакхон ибн Бойсунғур тўнғич ўғлон,
Буваси Қайду баҳодир мисли сиртлон.

Қобул, Қочувли — Туманакхон ўғлони,
Оға-инилар падар дилбанди жони.

Бойсунғур ўғлон Туманакхон отаси,
Эгизак Қобул, Қочувлилар бобоси.

Қочувли, Қобул Бойсунғур набираси,
Оға-инилар Қайдухон эвараси.

Қобул Мўғулнинг, Қочувли — Туркнинг боши,
Ажралди ака-укалар тугаб сабру бардоши.

Эрдамчи барлос — Барлослар бузруквори,
Қочувли улуғ отаси эл улуғвори.

Эркесвар Амир Темур аждоди аён,
Қорачор, Ижил, Илангиз туркий нўён.

Амир Буркулга тўнғич ўғил Тарағай,
Мўмин мусулмон, элсевар эди ҳой-ҳой!

Темур маснади баҳодир, амир, нўён,
Шерқалб ботирлар, сиртлон ҳаммаси аён!

Амир Темурга мос улуғ шажарада,
Авлодлар турар исломий канорада.

Қочувли бува саккизинчи отаси—
Қобул бобоким улуғ амакзодаси.



Қочувли-Қобул оға-ини ўғлонлар,
Ота-онага эгизак, зўр полвонлар.

Тўртинчи авлод улуғи Қорачор нўён,
Бешинчи бува улуғи Сўғу сечан,

Ийжил нўёндир уч авлод буважони,
Илангиз баҳодир иккинчи буважони.

Амир Тарағай илк ёри қундузи,
Йўқунхон Моҳким отда юрар бир ўзи.

Илк амируннос Қазаган серфикр қизи,
Турклар сулуви, рашкдил, қопқора кўзи.

Амир Тарағай эдиким куёв тўра,
Кофирзотга ёв, мусулмонга дўст-жўра!

Амир Темур таваллудининг зикри

Миррих⁵ ҳам Зуҳал⁶ этганда буржи қирон,
Хўжа Илғорда бу тонг отди нурафшон.

Минг уч юз ўттиз олтинчи йил Ҳамалда,
Барлос тоқида учди Миррих, Зуҳалда.

Чақалоқ туғилди соҳиби тақдир,
Оламга сочиб шуъла-зиё беназир.

Гўдак инғаси-ла эсди бир муаттар ис,
Қалбларга тўкиб эрк, куч, одил туйғу, ҳис.

Оллоҳ амри-ла бўлди соҳиби қирон,
Мовароуннаҳр ори амир-ут-Турон.

Она ер юзин ўпди буюк халоскор,
Фотиҳ бўлди дағи элга мададкор.

Отаси эрди амир Тарағай баҳодир,
Эрку элпарвар, ҳар ишга содиқ, қодир.

Онаи зори — Текина Моҳ маърифдон,
Убайдуллоҳ қизи Бухорои шарифдан.

Қози Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал - Маҳбубий,
Насли насаби ул Сайфиддин Бухорзий.

Онаи зори Манучеҳр зуриёдидан,
Ул Бухтаннаسر Бобил шоҳ авлодидан.

Модари жон — Текина шаҳри маърифдан,
Билимлар кони — Бухорои шарифдан.



Бухоро Садр аш-шаъриа зотнинг қизи,
Дилрабо, ёнар ул икки қора кўзи.

Муштипар Қадақ хотун - ўғай онаси,
Сермехр, оқида, тарбиякунандаси.

Меҳрибон Қутлуғ Туркон оқа опаси,
Сингил Шербийк оқа — она дурдонаси.

Суюрғатмишу Оламшайх, Жуги нуён,
Инилар мисли сиртлонун қоплон ҳар он!

Ўқинг, дўстларим, илму толиб, муаррих,
Амир Темурга хос шул шажара — тарих.

***Темурбекнинг ёшлик ва навқиронлик
даври туғиларининг зикри***

Икки ёшида чиқиб забони бийрон,
Сўзларни бурро айтиб қолдирган ҳайрон.

Илк ўргангани “Ла илаҳо иллаллоҳ”.
Мурғак қалбига тикди дин уруғин Оллоҳ.

Сўнгра “Фотиҳа” сурасин ул олди ёд,
Орзу ниятлар ёйди исломий қанот.

Тарбиячисин меҳри ошиб сарҳаддан,
Чикди саводи тўрт ёшида абжаддан.

Мулло Алибек билимдон, илк устози,
Ўқдириб илмин толибни этди рози.

Сўнг сабоқ олгач араб алифбосидан,
Илғор бўлди ул сулс, куфий имлосидан.

Оҳангдор эди арабий таълаффузи,
Ўғлон эдиким ўқишнинг сарафрози.

Устоз ҳар сўзи тизиларди муҳрланиб,
Тошга битгандек ҳар калом зухурланиб.

Ўғлон билимга дилдан беадад мушток,
Ҳарчанд симирса ҳам босилмасди чанқоқ.

Тарағай бинни Беркулни чорлаб устоз,
Толиб ҳақида сўзлади бирма—бир сөз:

“Темур қувваи ҳофизаси бетакрор,
Зеҳну идроки буюкларга хос барқарор.

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

925319



Эшитганини муҳраб зеҳндор бошида,
Ёддан такроран айтар устоз қошида.

Ўнгу чап қўлда битар ҳусндор беҳато,
Сўз талаффузи шеърдек оҳангдор, ҳатто!

Тарбия олса олимлар қошида гар,
Тангри ёрлақар, бўлар подшоҳ муқаррар!"

Таърифни тинглаб амир Тарағай ҳайрон,
Қувончдан қучди устозни тили бийрон.

Хўжа Илғорда кўча чангитиб саркор,
“Уруш-уруш”, “Ёв-ёғий” уйнарди такрор.

Ўйинида ҳам мардлик бўлиб устувор,
Бу ўғилларга ҳам дерди бир бош даркор.

Етти ёшида хайрлашиб устоз ила,
Кўчди исломий масканга розилик-ла.

Иккинчи устоз Шайх Шамсиддин Кулол,
Билимдон инсон, толибин қолдирди лол.

Ёддан ул Қуръони карим оятларин,
Ўқиб уқдирди Оллоҳ иноятларин.

Сура маъниси толиб онгига синггач,
Сўраб турарди тонг саҳар, Офтоб қўнғач.

Қуръонни олиб ёд уч йилда Темурбек,
Қироат машқи илмига қўймади чек.

Ҳофиздек бериб ун садосига урғу,
Мутолаа-ла банд, лек дилда эрк, туйғу.

Соҳиби идрок, зеҳн, хотира беназир,
Ёрлақади танин Тангри,боққан Хизр.

Мушаклар, билак тўларди кучга ажаб,
Холироқ вақтда ул муштоқ машққа талаб.

Болалар ўғлон бўлди, бошга тўлди ақл,
Ўйин кунба-кун олдилар ҳарбона шакл.

Шайх чорлаб Темур отасини ўзига,
Дебди: Ўғлингиз беназир, боқ кўзига.

Учратмаганман бундай иқтидор толиб,
Буюк ақли бор, ҳар ишда бўлар ғолиб!

Бир мартда тинглаб оятни ёддан айтар,
Билим олишга муштоқ, вужуди ўртар:



—“Исботига “Шамс” сурасин айтгин такрор,
Падаринг билсин, зукколигинг бетакрор!”

Ул “Шамс” сурасин ёддан айтиб бемалол,
Соҳиби идрок, ақл пардаларин этди лол.

Тарағайдан олиб Шайх синашга рухсат,
Сабр ила кутди келишин муҳлат-фурсат.

Улуғ ҳофизлар йигинида бемалол,
Қуръон сурасин қилди қироат дарҳол.

Шайхулисломга баён этиб маъносин,
“Ёсин”ни ўқиб чархлади хотирасин.

Илк тинглаб янги ғазал байтлар шодасин,
Такроран айтди ҳар сўз, шеър, қасидасин.

Аждодларига келтириб шону шараф,
“Ҳофиз” унвонига Темур бўлди мушарраф.

Шайх мактабига ўн тўртда ясаб якун,
Шараф-ла кетди дилга муҳрлаб билим қурин.

Ушбу ёшида тўхтаб кўча ўйини,
Куйдирар бўлди босқинчилар ўйини.

Қалбида ғазаб тутаб-ёниб гулхани,
Зугум, босқинга зид юрди эрк жаҳони.

Ўйинлар секин-аста олди ҳарбий тус,
Бўлди келажак жангга мактаб, мударрис.

Устоз Абдулла Қутбни қучиб бахтиёр,
Ҳарбона машқни ўғлон этди ихтиёр.

Темурбек икки йил ўрганди ҳарб машқин,
Шамшир серпаш, ўқ отиш, кураш ишқин.

Ҳарбий ҳунарлар ҳадисин олиб ўғлон,
Сувда сузишда эди илғор ул ҳамон.

Чавондозлик зўр, чаққон йигит ҳунари,
Улоқни олар узиб полвоннинг зўри.

Пойгада мудом илдам оти Қорабайир,
Улоқ тўдасин ул ёрарди беғайир.

Икки қўли-ла шамшир серпаб Темурбек,
Тенгқурларини енғарди бирма-бир тек.

Тўлганда ўн олтига ёши жавон,
Падар-ла борди ул мазори саййидон.



Отаси деди: “Бу ер руҳлар макони,
Аждодларимиз хокин азиз маскани.

Боболаринг эрк истаб ўтган мусулмон,
Бўлма золим, бўл адолатли ўғлон!

Кўз ўнгингда бу ёруғ дунё — олтин жом,
Ёхуд ул ичи илон, чаёнга лиқ том!

Заҳар сочмоқдир аларнинг асрий касби,
Шу ила қонмиш газандаларнинг нафси.

Ўнга, эҳтиёт бўл Жета—ташқи душман,
Сўлда маҳаллий мулкдорлар — ички душман,

Ҳарб касби сенга зарур суву ҳаводек.
Баракс қозон бўш қолар мойсиз товадек!”

Оллоҳ умрини бутун этса бўлгай паноҳ,
Кирмас бир тикон, гар йиқилса тоғ, ногоҳ.

Тангри буюқдир, асл ҳимояси чиндир,
Гар қўлламаса ҳолига вой, қийиндир!

Комига тортиб Темурни қора излар,
Ололмай ўтди сиймтан, лола қизлар.

Темурбек ёши ўтганда ўн тўққизга,
Самар тархонга борди боқмай бир қизга.

Фақат бўйнини эгди қиличбоз хонга,
Собоғи-чун ул устоз Самар тархонга.

Даставвал боғлаб жавон ўнг қўлин, ҳай-ҳай,
Бошлади шамшир серпаш машқин чапақай.

Чапдаст Темурбек қўллаб ўз маҳоратин,
Оқлади зарба ила устоз кафолатин.

Қиличбоз устоз ўргатди жанг сирларин,
Ҳасисланмай ҳеч шоп серпаш қингирларин.

Бисёр машқлар-ла уқдирди Самар устоз,
Серпаш ҳадисин Темурбек уқди оз-соз.

Ўйин қароғи жўралар бир-бир қайраб,
Уюр ортидан кетарди даштга ўйнаб.

Гар топса бўш вақт шоп серпаш қароғидан,
Отин чоптириб чиқарди чарчоғидан.

Узун арқонни аста олиб қўйнидан,
Тутарди бедов отни каманд⁷-ла бўйнидан.



Сўнг яйдоқ отга минарди ёндан ирғиб,
Жийрон от олиб қочиб, тўхтарди ҳориб.

Самар қиличбоз машқларини якунлаб,
Қалбда урди жўш ҳарб ишига инқилоб.

Ҳоким Яхмакда ўн тўққиз ёшли Темурбек,
Самарқандда бош-қош бўлди ҳарбга шердек.

Ҳақоратомуз “бачча” сўз-чун беомон,
Собиқ қўмондон бошин кесди шу замон.

Шу сониядан бошланди адолат жанги,
Инсон эрки-чун кураш, матонат жанги.

Билаклар тўлиб кучга бўлганда навқирон,
Куртак отди эл ҳимояси дилда ҳукмрон.

Қалбида тутаб-ёниб ғазаб гулхани,
Юрди зуғумкор босқинчини қиргани.

Ўткир қалами айлангач ўқ-ёйига,
Тутиб қўллар шоп тушди ёв пайига.

Илиқлар тутиб, серпаб эрк қиличин,
Кўрсатар бўлди истебдодга зид кучин.

Жами аччиғу ширин ҳақни тан олмоқ,
Тарих узугига бўлур ёқут кўз солмоқ!

Амир Қазаган гуркураган бир даврда,
Улғайди ҳамма болалардай шу таврда.

Баднафс Қазаган оғир ўша замонда,
Ўзин тутди-ку мисли амир жаҳонда.

Темурбек ўйлаб элу юрт омонлигин,
Муфассал билар эди ёв ёмонлигин.

Ҳарб ўйинига бўлиб сардор бошидан,
Ёвни қувмоқ-чун шоп тутганди ёшидан.

Қиличбозлик-ла найзабозлик санъатин,
Ўрганиб пухта пишитди маҳоратин.

Ҳарбона сафдай ул тизиб, тузиб ясол,
Қўллари тутди шоп, найза-ҳарбий қурол.

Жета зуғумин кўриб ўсди новқирон,
Қалбда ловуллаб ғазаб, излади имкон.

Элим-юртим деб истабон маслакдошин,
Ўт-тиғ домида йиғди асил қўмакдошин.



Навкар тулланиб тизилди ясол-сафлар,
Қурол-аслаҳа йиғди жавон садафлар.

Турфа шиорин айтиб жафокаш элга,
Тақди ҳанжарли камар халоскор белга.

Ёв истибдодин тортган эл деб Темурбек,
Эрк туғин тутди қўяй деб зуғумга чек.

“Куч - адолатда” деб уққанди илм жавон,
Ёв сирин илғаб, жанг қилармиш навқирон.

Нақшбанд, Яссавий хокин айлаб зиёрат,
Аввал турбатга қурди куббадор иморат.

Эл-юрт эрки-чун қон тўкмоқ улуғ савоб,
Эрк жангида ул этармиш дилин кабоб.

Шамширу ўқ-ёй тақиб букилмас белга,
Сунг кирди жангга ул шафий⁸ бўлиб элга.

Меҳру истак-ла тиловат этиб Қуръон,
Ёвни илк босди учинчи соҳиби қирон.

Эзгу иш сари тик тутиб эрк шамширин,
Ёғий изига тушди билай деб сирин.

Билмоқ-чун ғаним яшрин сир-асрорини,
Ўрду⁹га юрди жамлаб куч-қарорини.

Урмас ҳар ким юрт деб ўзин тиғ, тузоққа,
Қодирмас ҳар бек, ширин жондин кечмоққа!?

Тарағай ўғли-қоплонсимон Темурбек,
Нотинч замонда асло туролмади тек.

Эл-юртга бўлай деб халоскор, эркқўргон,
Кезди Жайхуну Сайхун бўйлаб турк ўғлон.

“Бирлаштирай” деб уруғ-аймоқларини,
Йўлин йўқотган дайди маймоқларини.

Қувай деб юртдан босқинчи қонхўрларни,
Туплайин сафга ҳамфикр дўст, хеш, зўрларни,

Қурдирай масжид, мадраса, боғ-роғларни,
Халқ обод этсин, дашту чўл, ўтлоқларни,

Ўқисин улус, олиб илм фарзандлари,
Ўргансин ҳунар, ҳалқлар аржумандлари!”

Дебон қидирди фикрдош, мард маслакдошин,
Эрку элсевар, турку форс кўмакдошин.



Тўпланиб илк бор олтмишта навжавонлар,
Саркордан уқди ҳарб ишин паҳлавонлар.

Оллоҳдан сўраб мадад, пири Кулолдан дуо,
Эл-юрт эркига айлади ўзин фидо!

Уйланишга ҳам келар вақт, муҳлат- фурсат,
Тангри таоло берса ижозат-рухсат.

Темурбек тикди жон, инон-ихтиёрин,
Озод этмоққа ёғийдан ўз диёрин!

Билмоқ истабон мўғул истеҳком қўрин,
Сарфлар бўлди Темурбек шиддатин зўрин.

Шу боис билиб урди ўзин «тузоқ»қа,
Ёвдан танлаб «дўст», борар бўлди узоққа.

Темурга Нурмушк оқа бўлди ёстиқдош,
Жоку барлоснинг кабираси ёвуқдош.

Жаҳонгир Мирзо, Оқабегим онаси,
Алар Темурнинг орзуманд дурдонаси.

Ўлжой Туркон ул Қазаган набираси,
Темур жавзаси, Султонбахт бегим онаси,

Амир Ҳусайнбек ибн Мусаллаб синглиси,
Казо-казолар зотидан севиклиси.

Интилиб ўрду сари топди зўр ишонч,
Юз нафар дўстлар сафи келтирди қувонч.

Тигизланди дўст,хешлар сафи барқарор,
Жета “ичига” шўнғиши чин, муқаррар.

Сайхун соҳили — Тарағай мулкин хурди,
Ёйилган чўлга йилқи, моли, бор-буди.

Қўриқда бисёр ҳуку парранда ҳам туз,
Шикор бўлар зўр, салқин келса зебо куз.

Тўрт фасл-куну тун, демайин моҳи Ражаб,
Шикор-ла ёғий хўп таларди, вожаб!

***Мовароуннахрнинг мўғулларга
тобелиги зикри***

Золим давлат-Мўғул империяси,
Шарқ салтанатин жарангдор мадҳияси.

Жамуха таслим этмасдан Чигатойни,
Чингизхон минди янги ҳарбона тойни.



Темучин бўлиб империяни тўртга,
Деди: «Ўғлонлар, бирлашиб қаранг юртга!

Жамуха ҳарбий саркарда ҳам билимдон,
Ҳушёр, жипс туринг, улким мард, эмас нодон!»

Жучи, Чигатой, Ўқтой, Тули ўғиллар,
Довюрак эди сиртлондек тез мўғуллар.

«Чигатойга юрт бўлсин Мовароуннаҳр,
Икки дарёлар орасига қўйсин меҳр!»

Туронзамин мулк бўлди Чигатойхонга,
Барлос Қорачар нуён синч-таянч Хонга.

Шул диёрга ул қўйсин деб меҳр, ихлос,
Қорачарга илк бор берди лақаб барлос¹⁰.

Кекса Темучиннинг ушбу васиъти,
Чигатойхонга қонундир насиҳати.

Чигатой мулки ташкил топган ул замон,
Минг икки юз йигирма етти эди бегумон.

Сарҳадга кирган Еттисув, Ила воҳаси,
Шарқий Туркистон, Жайхун-Сайхун ораси.

Мовароуннаҳрни «Чигатойхон улуси»,
Дебон атаган ҳукмдор оға-иниси.

Иноқлик меҳри яшади ўзоқ йиллар,
Аланга чўгин тутмади ҳарбий қўллар.

Ўғадой^{3*} қоон — Мўғулистон хоқони,
Бақога кетгач ганим сочди хокини.

Талонга тушди эл-юртнинг қуриб шўри,
Олди бир-бирин босиб қавм-қариндош зўри.

Туракина хотин-улуғ хоқон беваси,
Эрдек иш тутди, бошин эгди барчаси.

Лек бир минг икки юз қирқ олти санада,
Гуюкхон қоон турди ўрду шоҳонада.

Ўтказиб уч йил ҳукмин дарғазаб қоон,
Тангри амри-ла қон тўкмайин берди жон.

Бир минг икки юз қирқ тўққизинчи йилдан,
Ўғил Гаймиш^{6*} тож-тахтни бермаган қўлдан.

Мансабпарастлар тургач жумбуш бошида,
Исён авжига чиқди мўғул қошида:



Фитнага бўлган бош Тулихон беваси,
Сўрқиқти бегим, Мангу қоон онаси.

Тиклай деб Мангу ибн Тули тахтин,
Қалтис макрга қўл урди ўйлаб ўз бахтин.

Тиллашиб исён боши Ботухон бирлан,
Хуфиёна аҳду паймон қилган қон билан.

Қорақурумда ўтказиб ул қурултой,
Макр ижроси-чун сайлади Хон, ҳайнаҳой.

Хон тож-тахтини олди саркашлар шу он,
Эгалик бўлди тож-тахти Мангу қоон.

Кўтарди исён тикка Ўгадой қоон,
Чигатой эли терс турди, ўта ёмон.

Исён шафқатсиз бостирилди ҳамоно,
Вале, вахшийлик кўрмаган ҳеч замона!

Тигланди етмиш етти шаҳзода, нўён,
Бевақт сабил кетди жонлари қурбон!

Ўгадой қоон зотидан Ширамун, Наку,
Чигатойзода Бўри, Қора Ҳолаку.

Ўғил Гаймиш қатл домига бўлгач дучор,
Ҳукм ижросига саркаш эгди бош ночор!?

Бир минг икки юз эллик бир санасида,
Қотиллик қолди ул тарих саҳнасида.

* * *

Мовароуннаҳр тобе бўлиб Ботухонга,
Инсонийлик сунди, диллари тўлди қонга!

Бир минг икки юз олтмиш санадан бошлаб,
Олтин Ўрдалиқ зотин қувди “хўш-хўш”лаб.

Илк Чигатойхон набираси Олғуйхон,
Жўчизотларни суриб чиқарди беқон!?

Чигатой улус қайта бўлди озод-хур,
Эрк шамчироғи топди қалбларда зухур.

Олтин Ўрдага қул бўлган,тобе зотлар,
Қатли омга учраб топди мамотлар.

Олғуйхон дохил бўлгач дорилбақога,
Аҳли Чигатой етди-ку муддаога.



Бир минг икки юз олтмиш олтинчи йилдан,
Барлос, Жалойир қайтди кўчманчи йўлдан,

Ўтроқлашиб тарк этди қувғин ҳаётни,
Қуриб кент афзал кўрди турғун ҳаётни.

Оҳангарону Қашқа воҳада ўтроқ,
Эл-ла яшади қавмлар танлабон ўтлоқ.

Илк Муборакшоҳ келди Оҳангаронга,
Сўнгра Бароқхон ўғил Чағониёнга.

Мусулмон дини этгач ўтроқлик пайдо,
Кофир зотлари бўлди макондин жудо.

Меҳри Оллоҳ ҳам қалбу дилдан олди жо,
Номозгоҳлар ҳам қурилди жойма-жо.

Чорлагач дини Исломга Муборакшоҳ,
Бемурсалик, жанжаллар бўлди гоҳ-гоҳ.

Исломга ўтиб кўплар топди равон роҳ,
Ҳақиқат қаддин ростлаб, камайди гумроҳ.

Мўғулга бўлди кўчманчилик соз, манзур,
Бу ҳаёт тарзи жабрин кўрармиш баҳузур.

Кўчманчиликни мўғулзот ёқлаб бари,
Ислом динига зид турди ёшу қари.

Еттисув, Ила бўйи, Тангритоғ шарқин,
Эли билмасмиш диндор, бединнинг фарқин!?

Лек бир минг икки юз олтмиш санасида,
Чигатой қолди Хайду ҳимоясида.

Ўгадой қоон набираси Хайдухон,
Тахтига ўтди Дувахон ибн Бароқхон.

Дувахон таъмир этди кент, қалъа, қўрғон
Қурди шаҳри нав, қарвонсарой бефигон.

Ўзганд шаҳрини этиб пойтахт ўзига,
“Туф” демади ул Чигатой тузлиғига.

Дувахон таъмир этиб кенту қалъа-қаср,
Бўлмади қаззоб, муфтихўр, тутмади асир,

Қурди шаҳри нав, қарвонсарой бирма-бир,
Юрмади ялаб улус қонич қораманқир.

Бир минг икки юз олтмиш тўққиз санада
Зиддият олди олов тахтидан қалъада.



Мутҳиш воқеа бор тарих варогида,
Чирсиллаб турар тож-тахт қарогида:

Мозийда номи-Талос Қурултойи,
Мўғуллар хуруж этган шарқдан бинойи,

Иккига бўлган яхлит Чигатой элин,
Ажратиб Шарқу Ғарбга синдирган белин.

Кўчманчи Шарқ олди «Жета» мақомин,
Ғарбдаги ўтроқ халқ «Қораунас» номин.

Улус яшаган ярим аср танҳо-танҳо,
Қаноат-ла тож-тахтига боқиб гоҳо.

Бир мингу уч юз ўн саккизинчи йилдан,
Ғарбда Кепакхон⁷ юрди ул ҳурфикр йўлдан.

Хон иликига ўтди Мовароуннаҳр,
Ул чингизийлар вориси ҳам бағри баҳр.

Қарши саройин барпо этиб Кепакхон,
Ул кароматин кўрсатди чингизий хон.

Муҳаммад дини ёйилиб, топди равнақ,
Қурилди масжид, ўқилди номоз барҳақ!

Зарб этгач олтин-қумуш кепаккий пуллар,
Тутдилар динор⁸, дирҳам⁹ тангани қўллар.

Тужжорлар динор, дирҳам-ла этиб савдо,
Бозорда пайдо этмади бир муаммо.

Мансаб истабон кўрнамак Тармаширин¹⁰,
Чопиб бузруквор бошин қучган тақдирин.

Бир мингу уч юз йигирма олти сана,
Ворис бўлди ул мамлакатда ягона.

Сал сайқаллади кепаккий ақча ишин,
Мустаҳкамлади савдо-сотиқ юмушин.

Уч йилдан соний амакваччаси Бузан,
Бошини узган сочиб қонли чанг-тўзон!

Жета-кўчманчи, ёвуз улуснинг номи,
Йўқ уяти, касби талаш шудир мақоми!

Тармашириндан сўнг хуруж-ла жеталар,
Кўчирди тахтни Еттисувга шўрталар.

Қа¹¹таргач тахтни Занжирсаройга Қозон¹¹,
Ўртага кирди эл амири Қазаған¹².



Ёвлашиб Хон-ла амир қилди мажаро,
Тушди қасдига бир-бирларин ўзаро!

* * *

Ўн учинчи аср биринчи чорагида,
Чигатой эрди зўр давлат қаторида.

Яшнардн Қашғор, Еттисув, Ила бўйи,
Мовароуннаҳр узра янграрди эрк куйи.

Чорак аср давом этди юртда бирдамлик,
Бошланди сўнгра уруш-ла беҳамдамлик.

Мовароуннаҳр ичра турк барлослари,
Темур аждоди бош-халқ ихлосмандлари:

Қорачор, Ийжил ҳам Илангиз нўёнлар,
Амир Буркулдан сўнг нуфуз кетди ҳар ёнлар.

Орлот, Жалойир, Қавчин, Барлос-тўрт қабила,
Бир-бирин талаб ёвлашди кўра-била.

Аҳли Чигатой ичра ҳукмрон тарқоқлик,
Эларо ўкинч, сарҳад билмас шаккоклик.

Самодан қайтар дод-фарёдлар аксланган,
Бошбошдоқлик, қавм, қабилалар терсланган.

Оломон сели оққан зўр шошқалоқлик,
Оға инига ёв, сарҳад билмас кўрқоқлик!

Зугум кўлами зарбидан қалқиди эл,
Қўзғалди мисли пўртана эркталаб «сел».

Ёвлашди Мункэ қоон-ла Ботухон терс,
Талашди тожу тахт деб мисли қорлик барс.

Ботухон-Олтин Ўрда Хони, серзарда,
Мункэ қоонким Чигатойда саркарда.

Жеталар элдан чўчиб, кўчирди тахтни,
Мовароуннаҳр ҳудудига пойтахтни.

Кетма-кет ўттиз бир чингизийлар авлоди,
Зулукдай сўрди қон, чиқди эл фарёди.

Бир юзу эллик йил авлоди Чингизхон,
Мовароуннаҳр қонин сўрди беармон!

Юнону араб ҳам мўғул истилоси,
Элларни этди эрксиз, бетил интиҳоси!

Мовароуннаҳрдаги ички низоларнинг зикри

Улусга бўлгач Хон чингизий Қозонхон,
Даврин сурарди эл-юртга куйдирмай жон.

Қозонхон сўнги Чигатойи зуғумкор,
Мўғул зотдан йигирма биринчи ҳукмдор.

Эл бирлашмаган, турфа оқим, кекланган,
Талаб-тортишар зўрлар, улус ҳўрланган.

Суронли олғов-долғов нурсиз замонда,
Туркий амалдор пишқирарди ҳар онда.

Амир Қазаған хушламай куёв баҳрин,
Тарағайга сал тўкмади қалб меҳрин.

Лек Йўқун Бегим куёви-амир Тарағай,
Илк ёстиқдоши, севади очиб чирой.

Хушомад қилмай Қозонхонга Тарағай,
Тенгқурлараро бўлди баҳодир ўғай.

Қозонхон кўрмай эп Тарағайга Кешни,
Ҳоким этдилар амирмеш Хасма-хешни.

Теккани бўлди Тарағайга юз боши,
Поку покиза мусулмон, ҳалол оши.

Улусга ёвлар келтирганда зап қиргин,
Бирлашмай турку форс бўлмади жипс бўгин.

Эл-юртдан қочди беҳис, кўрқоқ “дарға”лар,
Улусни талаб босди жета- «қарға»лар!

* * *

Юнон, арабдан сўнг босди жетазотлар, -
Мўғулистонлик босқинчи, безотлар.

Улусни шилди, босиб, ўйнатиб қамчи,
Ёв чилвиридан томди лоларанг томчи.

Кадхудо даврин такрорлаб ҳужумларин,
Буздилар калъа, кенту бор удумларин.

Малаҳдай келди Жета бостириб беҳад,
Гўё йўқ бундай балога сўнги ҳад.

Мутлақ беҳаё ёғий, тўнғиздек сассиқ,
Эл-юрт қарғади, бермади бирор иссиқ.

Лек кўтармади бош кадхудо, бек, Хон,
Улус буқилди беҳад, тўқилди мўл қон!



Бирлашмай форс, турк ёвлашди қавму уруғ,
Талаб еди ёв бирлан демай эл улуг!

«Қонга-қон, жонга жон!» -ҳақ талабдан чўчиб,
Қочди амир-ул-умаро борин қучиб.

Юртбоши бўлган амир Ҳожи барлос^{13*},
Темурга қондош амаки, қуёнга хос.

Элни бирликка чорламай, кетди қочиб,
Оларми ўзга эл-юрт бағрини очиб?!

Амиру бекдан айирди ёв хуфуюна,
Эл-юртни қилай дебон ажаб вайрона.

Бу бедодликнинг бордур жавоби,чети,
Мўмин улуснинг сабру тоқатин кети!?

Кимгадир бу бир баён, лек менга аён,
Босқинчидир гар кирса берухсат қаён!

Ақлу кучни ҳам керак қалбдан тан олмоқ,
Элу юрт учун ҳам керакдир жон бермоқ!

Қўрқоқ, беҳислар дашт-чўлдан элга қайтинг,
Падар заминни ким этар ҳимоя, айтинг!?

Қўрқинч даҳшати гар ҳукмрон қари-ёшда,
Ким борар ёвга қарши ёлғиз от, бошда?!

Оллоҳ кўрибон мусулмон қалб исёнин,
Кешга йўллаган эркдор Соҳибқиронин.

Ортди ихлоси пир, шайх назари меҳри,
Навқирон қалба ёнди ёғийга қаҳри!

***Мовароуннаҳр улусининг тарқоқлик
гирдобига тушгани зикри***

Мовароуннаҳр ичра ҳукмрон тарқоқлик,
Элда устувор ўкинч, ажаб қўрқоқлик.

Оға инидан чўчир, тоға жияндан,
Уруғ аймоқдан, бечоралар қуёндан!

«Бос, тала! Зўрлар шамшири айлар давъат,
Шабихун ўрнак, кимса дейолмас лаънат!»

Ул золим даврин қонуни-зўравонлик,
Босқину талаш, беҳаё, беомонлик.



Ўзга қавм, уруғ мулкини талаб бойиш,
Кимса сўрамас, йўқ жазо бирлан қойиш.

Нафс деб аталмиш тўфон-иблисга макон,
Гадони айлар шоҳ, шоҳни гадо, бемакон!

Амир Буркулдан сўнгра Мовароуннаҳр,
Бўлиниб тўртга ёвлашди сочибон қаҳр.

«Бирлик» чокини йиртиб «ман-ман»лик наҳри,
Қамрагач юртни, ортди оломон қаҳри.

Ёвлашди Орлот, Жалойир, Қавчин, Барлос,
Талашди, босиб бир-бирин, олди қасос.

Мовароуннаҳр элида бошбошдоқлик,
Ўзаро босқини, юртда ҳукмрон ноҳақлик.

Улусга ҳоқон чингизийзот Қозонхон,
Олтин-зар йиғар, эл-юртга қойитмай жон.

Улусга амир-ул-умаро Қазаған,
Мансабпараст ҳам айёр, ул солмас фиғон.

Хон қўйиб найранг-ҳийла-ла турфа тузоқ,
Улуснинг кўзин ўйди, хор айлаб узоқ.

Мутлақо муте этиб раиятни Хон,
Канадек қонин сўриб, олар бўлди жон!

Эл қони кумуш-олтин, дурга айланиб,
Сирқиб оқарди хазинага товланиб.

Амирлар Хонни мақтаб қўйгани ёлғон,
Ёвлашди хон-ла юрт амири Қазаған.

Якка ҳудудда икки зид ҳокимият,
Хон ҳам, амир ҳам, қилмади асло уят!

Икки муҳолиф бир-бири-ла зидлашиб,
Дорилбақога бўлди дохил савашиб.

Зуғум уммонин мавжи сапчиб фалакка,
Оломон юрди интилиб эзгу тилакка.

Кимлар бу тўфон гирдобига бериб дош,
Халқни тортди эрк туғёнига бўлиб бош.

Қай бири эл-юрт эркига бўлиб бефарқ,
Ашаддий тўфон бўҳронида бўлди фарқ.

Ёғий саралаб бардошли сардорларни,
Занжирбанд этди бирма-бир саркорларни.



Зар-дурин юклаб қочди юрагин ғашлаб,
Қўрқоқ, бибурдлар Она заминни ташлаб.

***Мўғул хоқони Туғлуқ Темурхоннинг
Мовароуннаҳрга босқинлари баёни***

***Аввал Туғлуқ Темурхон таваллуди
ва мусулмон бўлганини зикри***

Эсан Буға ибн Дуй Чечан аржуманди,
Таваллуд топган Бухорода дилбанди.

Давлати машҳур, ўзи бўлса-да ғани,
Меросхўр ўғил фарзанд топмаган зани.

Эсан ўғил фарзандга бўлиб орзуманд,
Ташлади Манглай канизакка каманд.

Сотилмиш хотун подшоҳ бош маликаси,
Бошига тушди канизак таҳликаси.

Ҳомиласи бор жувонни олди Шира,
Сўнгра Мўғулга жунади юклаб захира.

Шоҳ рихлат этди бир ўғилга бўлиб зор,
Беэга қолди эллар, ҳокимият хор.

Бўлибон келин Манглай Мўғул юртига,
Топиб аржуманд қайтмади ул ортига.

Кўзмунчоқдай илк фарзанд аржумандига,
Туғлуқ Темур¹⁴ деб исм қўйди орзумандига.

Амир Пўлодчи бу ўғлондан хабардор,
Деди: «Улғайса, элга бўлар бош-сардор!»

Ўғлонни олиб келди Пўлодчи дуглат,
Эсанзодага юқдирмай бирор иллат.

“Туғлуқ Темур ҳам чингизий авлодидан,
Ул насл-насаби улуг шоҳлар зотидан”.

Дебон эл-юртнинг улусин этиб огоҳ,
Уйғуру Мўғул элига этди подшоҳ.

Асли бухорий ўғлон тахтга уриб қўл,
На кароматли хулқи-ла кўрсатур йўл?

Туғлуқ Темур ўн олти ёшинда подшоҳ,
Тўй-тамоша-ла бахту тахтга очди роҳ.



Бухорий ўғлон Чиготой авлодидан,
Иниси Темур Малик мўғул зотидан.

Тасарруфига ўтди Қашгору Ёркенд,
Яна Олатоғ, Уйғуристону Бобкент.

Ёш подшоҳ экан шикорга хўп ҳавасманд,
Сайд-ла завқланиб бўларди гоҳ-гоҳо банд.

Шикорда ногоҳ кўриб Туғлуқ Темурхон,
Кўчманчиларни виқор-ла тутди шу он:

«Нега кирдингиз шикоргоҳга берухсат,
Сизда ҳам борму камроқ ақлу фаросат!»

Қайдин келурсиз, қорлиқмисиз тил билмас,
Жалолиддин деди: «Биз тожикмиз, бас».

“Хўш, тожикда не эмиш ортиқ турур?
«Иймон эрур, шундан бизда гурур!”

«Иймон» сўзини англамай Туғлуқ Темур,
«Шайхни келтиринг ўрдуга!» деди баҳузур.

Шоҳ савол берди, Шайх сўзлади жавобин:
«Иймон» маънисини надур, айтинг савобин?»

Шайх Жалолиддин «Иймон» тавсифин пухта,
Батафсил баён этди қўймасдан нуқта.

Йиғлади Шоҳ мойдай эриб, афсус чекиб,
Иймон келтурди дийдаси дурин тўкиб.

Такрор ўқибон калимаи Шаҳодат,
Намозгоҳда этди исломий ибодат.

Элларни дини Исломга этиб давъат,
Подшоҳ фаҳмлади динсизлик кони бидъат!

Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхон босқинининг зикри

Туғлуқ Темурхон — Дувахон набираси,
Мўғуллар зўри, сайрар довул ногораси.

Беэга, тарқоқ, хор Мовароуннаҳрни
Туғлуқ Темурхон босди пуркабон захрни.

Ботухон этган пароканда, хор улус,
«Бирлаштириш—чун келганмиш», алалхусус.

Олтин Ўрдадир жетазотига ошён,
Мовароуннаҳр — «қораунас»га макон.



Ҳамагон ушбу элда ёшу қари,
Барлашмаган бир туғқа эл, бефарқ бари.

Беку амирлар элга парвойи фалак,
Жавоҳир туплаш билан овора-ҳалак.

Жетадан чўчиб хапакак Ҳожи барлос,
Амир элга бош бўлмай қочди ул,халос.

Хўжанд ҳокими жалойирзот Боязид¹⁵,
Мансабпараст ул ёвга туролмади зид,

Падар эл-юртин ёвдан сақлай деб ўғлон,
Юрди ёвдан “дўст” танлаб,ғазабнок қирон.

Хон ўрдусига қўйнб қадам Темурбек,
Ёв сир-асрорин билар бўлди аста, тек.

Чамалаб юрди Фузор-Қарши орасин,
Узоқдан кўрди ёв чанг ила қорасин.

Тутқин бўлиб илк бор Жета навкарига,
Йўлиқди амир Ҳожибек¹⁶ саркорига.

Темурбек бўлди амирга меҳмон-тутқин,
Сипоҳин айёр амир тутди беучқин.

Меҳмоннавозлик макрин қўллаб Ҳожибек,
“Меҳмон”ни тутди Фармонга мос-хос тек-тек.

Ёв бу фурсатда Қаршини босиб-талаб,
Жета навкари етди Кешга эр талаб.

Темур кўнглига чўкди ситорасиз тун,
Тоқати бардош бермас яна туну кун.

Қок ярим тунда топди Мамат навкарин,
Тутқиндан озод этиб жўнатди «сарварин».

Бўлолмай амир на сирдошу, на улфат,
Темур ғазабин тоширди белутф суҳбат.

«Тутқин»дан қочиш чорасин кўрган замон,
Англабон амир Ҳожибек берди Фармон:

«Етказинг тезроқ Туғлуқ Темурхон томон,
Амир Тарағай ўғлини эсон-омон!»

Қаршига етди уфқ қизарган чоғида,
Тунади сокин карвонсарой боғида.

Тутқиндай элтди Жета қароргоҳига,
Журъат-ла кирди Хон кўринишгоҳига.



Ўқиб Қуръондан сура, ҳукмдорга боқди,
Сумбати Темур Тарагай хонга ёқди.

***Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхоннинг
биринчи босқини зикри***

«Бирлашмаганни бўри ер» - шундай нақл бор,
Мовароуннаҳр улусига бу дахлдор.

«Мен сендан бойроқ» ёхуд «...сендан зўр» дебон,
Ғажишиб амир, бек бўлди хонавайрон!

Асрлаб бирикмай «ман-ман»лик гирдобиди,
Букилди улус келгинди итобиди.

«Ман-ман»лик тоғи остида бўлиб талқон,
Қочди юртдан не амир, бек сочиб тўзон!

Армон-ла ўлиб кетди кўрмай жон ёрин,
Қавму қариндош, Она каби диёрин.

«Ҳожи барлос ҳам ўтди Жайхундан нари,
Нишонсиз Ҳусайн¹⁷» кетди бадар сарсари.

Бири қочиб ўз юртидан, бири кўчса,
Мой чироқдай гоҳ пирпираб ёниб-ўчса,

Амир Боязид каби юкуниб ҳуркса,
Ким бирлаштирар элни, амир, бек кўрқса?»

Темурбекни шу ўй, ҳурфикр, қовурди,
Орзу сўнмасин деб қидирди бовурни.

Эрк-чун урармиш ўзин ёв тўрасига,
Ки-рармиш «тутқин» бўлиб Хон ўрдусига.

Элнинг бирдаму бутунлиги — мурувват,
Оллоҳ ғайратга журъат бергай, куч-қувват.

Ота-она, эл-Ватанга хизмат килинг,
Ва бу иноят Оллоҳники деб билинг!

«Суғориб лўли итин ол пулин » дебон,
Нақлидек истаб эрк, ёв сари юрди сарбон.

Оллоҳ таоло кўрсатди марҳаматин,
«Дўппи келганда тор» берди ўз неъматин.

Суҳбату савол бирлан маккор Темурхон,
Бегумон этди Темурбекни имтиҳон.

Занжирсиз тутиб синаб кўрди юришин,
Чавгон ўйинда, ҳарб санъати, туришин.



Ўғлон Темурхон ҳузурига кириб боз,
Ғайрати дилдан жўшди шоввозни бироз.

Хон ҳузурида кўрсатди салобатин,
Жасур, мардлиги бирлан дил маҳобатин.

Бузмасдан Туғлуқ Темурхон зирҳ асабин,
Темурбек олди «Мингбошилиқ» мансабин.

Хон Темурбекка этди суюрғол Кешни,
Унутмасин деб боболар юртин, хешни.

Асл даромаду буромадини қўшиб,
Жайхун соҳилигача хон берди жўшиб.

Ёғийдан ота-бобо юртин сақлабон,
Кеш сари қайтди бўлиб элга соябон.

Яйдоқ минганди илк «Элнинг эрк» отига,
«Қирғин келтирай» деб Жеталар зотига.

Элдан жамлаб мард эрксевар сарбозларин,
Кешда сафлади фидойи жонбозларин.

Лек сотқин айшин суриб кунни ўтар бот,
Элин унутиб яшар нокас, тубан зот.

Ёғий эл-юртни босиб, талаган чоғда,
Боязид кучоқ очиб, айш сурди боғда.

Лек қон сўрганда «етти бошли аждаҳо»^{18*},
Сотқинлар ўпди Хон этагин деб «даҳо».

Мўғул сарқитин еб, итдай ялаб товоғин,
Эларо бўлди кулгу, осиб қовоғин!

***Мўғулистонда тўс-тўполон, Мовароуннаҳрда
эса бошбошдоқликнинг зикри***

Жеталар четда сурганда кайф-сафони,
Мўғул юртида эл тортарди жафони.

Ёғий элида бошланди тўс-тўполон,
Зугум, ур-йиқит, элга келтирди талон.

«Оломон мавжи бўлмасин, деб қўзғолон»,
Шошиб хон йўлга чиқди юртига томон.

Туғлуқ Темурхон қайтди ўз диёрига,
Чигатой қолди ўғлин ихтиёрига

Мўғулни қувар шахтига кирди уч амир,
Бирлашди илк бор маслакдошликка ахир.



Хуфёна Кенгаш қуриб амирлар аввал,
Ёвни қувмоқ-чун режа тузди муфассал.

«Йиғиб, қўшайлик» деб амир, бек бошини,
Ёрйлоқда илк тузди эрк Кенгашини!

Уч амир бошга олди юрт залвор ишин-
«Хуррият тонги», «Озодлик», «Эл ташвишин».

Махфий Кенгашдан хабар топиб айғоқчи,
Хонга етказди «Шум хабар» деб аймоқчи.

Хонвачча кўрар бўлди тезкор чорасин,
«Бебош»лар тўпин йўқотармиш қорасин.

Бек, амирларин тезкор йўлаб чор тараф,
«Бўйинтовлар» ни этар бўлди бартараф.

«Бўлиб-бўлиб, қил ҳукмронлигингни» нақли,
Илёсхўжанинг¹⁹ шунга етибди ақли.

Жетага қарши чиқмасин деб оломон,
Хонвачча берди хуфёна кибрли Фармон:

«Зудлик-ла Хўжанд сари юрсин Боязид,
Амир Беккичик, Темур турсин зидма-зид!

Хизр Ясовурий²⁰ Тотканд-Сарипулга сайр,
Навқари бўлсин омон, ҳарб иши бохайр!»

Ҳукмфармо ошкор қилиб хавфли Фармонин,
Жабр-ла қуритди эркпарварлар дармонин.

Элпарвар қочиб элда қолдирди бўрон,
Жон талвасаси бўҳронда улус ҳайрон!?

«Учлар Кенгашин қарори бўлса барбод,
Бўйинтовлар ҳеч кўтармас бошин умрбод!

Исён, қўғолон бостирилар бек, ганда!»,
Деб хон Темурга қилди хўп заҳарханда.

Бўйинтов амир, бекни қиличдан бир-бир,
Ўтказай деб хон юрар бўлди қирма-қир.

Шамшир амирлар бўйнин силармиш аста,
Бўйинтовларни гум қилар ёхуд хаста.

* * *

«Ҳожи барлосу Ҳусайн ҳам Баён сулдус²¹,
Қувғинда, сўнган гўё учала юлдуз.



Учар юлдуздек гоҳ чақин ёйир порлаб,
Жонин сақлайди сал-пал бир-бирин чорлаб.

Хусайн таласа Балхни,Хисорни-Баён,
Мўғуллар босса,алар қочади қаён!?

Сафдош ҳарб бўлган,бир кўзадан сув ичган,
Элу юрт дебон ёвни босиб қон кечган.

Бисёр савашу жангга қилибон тоқат,
Ўзини ёвдек тутди, шуми садоқат!?

«Қовуштирайлик уч амир гаранг бошин,
Тинч бирлашиб биз бирлан есин нон-ошин!

Хизр Ясовурий «кўчар»миш ўз юртидан,
«Мўғул лашкари борсинмиш»ул ортидан?!

Қочса эл-юртин ташлаб кўрқоқ сардор,
Хизр Ясовурий дарбадар кимга даркор?!

Чиқмаса ундан бамаъни бир фикр дуруст,
Заҳматдан кўрқса, кимга керак беор дўст!?

Беулус макон-фалакка бўларми хон
Бегона юрт ҳеч бўлмас асло чин макон!«

Ўй уммонига шўнғиб билди Темурбек,
Чораси «Бирлик», ўзгача бўлмас тек-тек!

Хатосин англаб, қайтди Хизр Ясовурий,
Уч дўст-ла қолар бўлди сардор ҳам орий.

Жета гар ўтса Жайхунни кечиб нари,
Кенгаш қарори барбод бўлгайким бари!

«Мўғул таласа Балх, Бағдод ошёнларин,
Сабзозор замин йўқотар кошонларин,

Балху Бағдодга етар ур-сур зиёни» ,
Жета босқинин шу оқибати, баёни.

Темурга кенгаш дастури бўлди ҳақ йўл,
Бирлашиш зарур,дўсту қардош чўзар қўл?

Хизр Ясовурий, Темурбек қилди қарор:
«На бўлса Оллоҳ берган тақдирдан нисор! »

Боязид қолди Самарқанд тарафида,
Кўз-қулоқ бўлар Жеталар атрофида.



Темурбек бирлан Хизр Ясовурий бирга,
Хусайнни топар бўлди от суриб ўрга!

Илёсхўжахон бўйинтов уч амирга,
Қўшин-ла юрди бесас қуйи Помирга!

Илқисдан босди исёнкор амир,бекни,
Топмай талади эл мулкин, нетек-текни.

Хуфиёна тутиб кесармиш асл бошин,
Қирғин-барот-ла ёрармиш исён тошин?

Тутиб Хутталон, Ҳисор, Кеш ҳокимларин,
Осармиш учала исёнкор «боқим»ларин.

Темурбекни хон тутиб занжирсиз ҳар дам,
Амиру бекни силжитмади бир қадам.

Этмай ошкора, хон босқинни сир сақлаб,
Хўп ваз-баҳона айтди камонни ўқлаб.

Баён сулдусу Ҳусайнга етди хабар,
Шу замона тез қочди тоққа бохабар.

Оллоҳ қаҳридан қўрқмай Илёсхўжахон,
Хутталон, Ҳисор, Кешни босди беармон.

Уч амир изин топмай қайтди кеч кузда,
Сўнгра айшу ишрат қурди ул бўзда.

Мўғулистондан падар қайтарин илғаб,
Жавоҳир йиғди вужудин ғазаб чўлғаб.

Ҳолатни падар келгач, этганда баён,
Улус,амир,бек тарқаб кетганди ҳар ён!

Темурхон қайтгач Мовароуннаҳр сари,
Итобга олди эл- юрт улусин қари!

«Оллоҳ карами кенг, қўл очинг дуога,
Иймон келтиринг Тангри таоло-Худого!

Дўппайтиб берар ўз карамидан қирдай,
Кўрар тақдирда борини ҳар ким бирдай!»

Фикр бўстонида сайр айлабон Темурбек,
Ўрдуда юрди сайёддек режа-ла тек.

* * *

Ғаним Беккич^{22*} Темурни қўриб ёмон,
Иғво-ла олар бўлди бошин беомон.

Темурни элга Бош деб билди иғвогар,
Эмиш исёнга бош,хонликка даъвогар!?



Туғлуқ Темурхон қулогига яна хоин,
Бетга ошкора гудурлаб сурди лойин:

«Кешликлар кимга суяниб бозор нархин,
Тужжор недин тезлатар нарх чархин?

Темурбек ота юрти Кеш, билса на дер,
Савдо-сотиклар нарhini туширар «шер»!?»

Темурбек илк бор ножўя сўзин айтди:
«Кешдур юртимиз, эмас Жета» деб, қайтди!

Темурбек ёмон, боқди «Жета» деб хонга,
Амир Беккичик ёқди босқинчи хонга.

Ўқрайди кулиб ул ҳукмдор Темурбекка,
«Мингбоши» тайёр, ўч-ла етмас тилакка!?»

Ғазаби дилда қолди, жилмайиб қўйди,
Темур оёғи сиёсатда илк тойди!

Ёрайлоқ сари қадам босиб аста бек,
«Хону Беккичик қўймас энди мени тек!»

Ўй суриб кетар бўлди ошиб қирма-қир,
Серхазон ҳадик боғида босиб бир-бир.

Хуфёна берди Фармон Темурни тутарга,
Ясоқда чопиб сипоҳ қонин тўкарга!

Тонгдан Темурбек йўл олди Жайхун сари,
Хонга хизмату мансаб тугади, бари!

Беулус шоҳу амир, бек ҳам гадодур,
Куну туни зим-зиё, макон-қорадур!

Уйғониш ёхуд эрк сари юришининг зикри

Бир мингу уч юз эллик саккизинчи йил,
Куз. Хазонрезги, боғларда сўлган гул.

Жайхун бўйида, Солиҳ сарой бағрида,
Икки тўлқин мавж урди мақсад баҳрида.

Қуръондан сура ўқиб, бўлдилар масрур,
Бирлашув ато этди куч, базму ҳузур!

«Бирлик»ка чорлаб учди нома пайкондан,
Кутди сас дўсту ҳамдард чўнг кўҳистондан:

«Эй эли Ҳисор, Бадахшону Хутталон,
Жеталар юртни айлар вайрона,талон!



Бирлашинг, шунда қудрат, эл бўлар шодмон,
Озод бўлар юрт, эрк туғи қалбга дармон!»

Амирлар битган хати етгач беҳато,
Интизор бўлиб кутди дўстидан акс-садо.

Амирлар англари етса «Бирлик» хабари,
Лек кутмай садо, юрди Қўҳистон сари.

Хизр Ясовурий, Темурбек гами тошиб,
Ҳисор-Бадахшон сари босди тоғ ошиб.

Кайхусрав^{23*}, Баён сулдус қочди тоғ сари,
Қўҳистон бўйин эгди Темурга бари.

Билолмай Баён сулдус, Кайхусрав сирин,
Қўролмай қайтди беку амирлар бирин.

Форсий забонни Ҳусайн англари деб пухта,
Қўҳ мулкин тортиқ этибон қўйди нуқта!

Очқўзу беҳис ҳам мансабпараст Ҳусайн,
Ҳисор элига бўлди ҳоким-хўжайин.

Қўҳистонни тобе этмоқ- ният дилига,
Баднафсликдан чўп тикди «ари» инига.

Эл мулкин йўйди «моли омон»га очқўз,
Қўзғолиб Ҳисор аҳли очирмади кўз.

Савашди зану мард қирқ чирмаб, туғиб бел,
Оқди лоларанг қон пишқириб мисли сел.

Туғлуқ сулдуским исёнбоши эди ҳақ,
«Бесамар талаб, улус эмишким ноҳақ», -

Дебон Ҳусайнбек қирғинга урганди қўл,
Беайб жавонлар бақога кетдилар мўл.

Туғиб «саркаш» деб мардларни аста, бир-бир,
Айбдору беайб бошини узди дир-дир!

«Ал қассосу мин ал- ҳақ!» тик қўзғолди эл,
«Қонга қон, жонга жон!» деб ханжар тақди бел!

Ҳусайн зулмидан Қайқубод бўлди қурбон,
Кайхусрав «иним» деб зидлашди ул ёмон.

Ғалаён қамраб элу элатни беҳад,
Истади мардлар эрк жангини беадад.

Улус бесабаб ҳеч маҳал чалмас қарсак,
Ҳусайнбек нопок мутлақ, ўйлаб кўрсак.



«Исёнбоши ҳақ талаби-эл талаби,
Жазосин олғай ноҳақ, кўкариб лаби!»

Уч амир сўзи шариатга мос эди,
Лек сармаст ҳоким эса бир қўтос эди.

Қамалиб Ҳисор калъасига Ҳусайнбек,
Афву омонлик сўради Темурдан тек!

Хизр Ясовурий, Темурбек голиб такрор,
Ҳисорда тинчдик, ҳаёт бўлди барқарор.

* * *

Савашлар тугаб, қўлга қўнганда зафар,
Келди олисдан бир совуқ, нохуш хабар:

“Кешни босганмиш Ҳожи барлос шу тунда”,
«Эҳ воҳ! Ўз юртин талабди оғир кунда!»

Дебон Темурбек турди ўрнидан сакраб,
Ногоҳ тушгандай бир мушт, дарғазаб наъраб!

Қуюқ зиёфат татимай тану жонга,
Номатлуб хабар заҳари ўтди қонга.

Отланди шошиб тонгдан амиру лашкар,
Тиғу шамширин чархлаб, беҳисоб навкар.

Оқёр саҳнига чорлади жон амакни:
«Келинг савашга, кулиб, очиб қовоқни!»

Темур зарбидан сал чўчиб Ҳожи барлос,
Боязид сари тонг-ла қочди гурос-гурос!

Тахти қорача даштида лашкар олди тин,
Кечаси иссиқ, қоронғу, юлдузсиз тун.

Хизр Ясовурий кетди машъум шу тунда,
Тоткандга бесас нобакор оғир кунда.

Тонгда лашкаргоҳ навкардан бўлди холи,
Темурбекнинг на кечар, савашса холи?!

Илтижо айлаб Ҳақ Оллоҳга Темурбек,
Лашкар сафига чорлади хешларни тек.

Куёв мардлигин илғабон Жоку барлос²⁴,
Бўлажак амир-ут-Турунга қўйди ихлос.

• Тўплади сара навкарни синаб бир-бир,
Лашкар сафига тушмасин деб «қора кир!»



Ўргатди машқ-ла жангу саваш сирини,
Норгул йигитга ўқ-ёй, шамшир турини.

Сафардан аввал ёш лашкарга берди дам,
Навкарлар тунда қочди бўлолмай ҳамдам.

Тахти қорача дашти яна белашкар,
Кетибди изсиз, қолгани-қирқ бир аскар!

Ваҳима босди Темурбек қалб кўрини,
Башорат қилмас безоижа тақдирини!

Тангридан ўзга бир мадаккор топилмас,
Оллоҳ таоло қўлласа жангда қоқилмас:

«Оллоҳ карами кенг, кўрсатур порлоқ йўл,
Иншооллоҳ, бош устига тушурмас дўл!

Эй Темурбек! Асл орзу ниятдан қайтма,
«Таслим» сўзини олма тилга, ҳеч айтма!

Миндингми эркнинг эзгу бедов стига,
Тушма, тегмасин доғ барлослар зотига!

Ўйла улусни, Мовароуннаҳр-юртинг,
Жон кетса ҳам Жета зотин қуритинг!»

Сўзларни айтиб Жоку барлос тик турди,
Жавобин кутмай лашкаргоҳ сари юрди.

Темурбек Жоку барлос бирлан кенгашиб,
Боязид сари олди йўл биргалашиб.

Пинҳона юрди “сулҳ” сўраб саркорлар,
Шаҳид бўлмасин дебон норгул навкарлар.

Боязидга зап бўлиб Темурбек «қўноқ»,
Лек на сабабдин жалойир беҳад иноқ?!

Зиёфатни берди аямай, тўкиб-сочиб,
Кўз-қулоқ бўлди, ул кетмасин деб қочиб.

* * *

Қўноқлар билан суҳбат авжга чиққанда,
Темурбек улус ҳақида гап тикканда,

Улус «Бирлиги» борасида баҳс қизиб,
Боязид ўзин тутди шоҳдек қад чўзиб.

Сохта илтифот бирлан гўр режа тузди,
Гурунгда хондек Боязид кўзин сузди:



«Хизр Ясовурий Тоткандан қувилса гар,
Хонликка бўлар Боязид боз давогар?»

Туллакни чулғаб шу ўй жонини ёмон,
«Меҳмон» шахтидан сал-пал чўчирди ҳамон.

Жангу савашга доим Темурбек тайёр,
Дўстга-дўст, ёвга-ёв бўлган, бўлмай айёр!

Мансабпараст Хизр Ясовурий, Боязид,
«Хон бўлай» деб ҳар он қилди жанг зидма-зид.

Боязид бўлиб бош, Ҳожи барлос ёнбош,
Жам бўлиб юрди Тоткайдга уч ҳарб қондош.

Мансабпараст Хизр Ясовурийга қасдма-қасд,
Савашди навкар, Темурбек, Боязид ҳамдаст.

Бир мингу уч юз олтмишинчи йил, Ҳамал,
Темурбек Сарваш қишлоғин этди қамал.

Халқумга келгач жони таъқиб дамидан,
Асл боши кетар бўлди навкар камидан.

Хизр Ясовурий от тизгинини қўйиб сал,
Ясолни узди Темур ёнидан тонг маҳал,

Отин савалаб қочди Кеш довон сари,
Ортидан қувди бутун навкарнинг бари.

«Дўстни ганимдан фарқласа кириб ақли»-
Келар, қувмади дўстни бўлса-да ҳақли.

* * *

Темурбек ёвни чопди, қўллари толиб,
Ҳожи барлосу Боязид бўлди ғолиб.

Боязид тулки авради йўли билан,
Ҳарбдошни енгди Темурбек қўли билан.

Суюрғол этди Ҳожи барлосга Кешни,
Номард Боязид “сотди” жавоний тешни.

Темурда кўриб куч-қудрат, шижоатни,
Боязид бузди ваъда-ю қаноатни.

Ёмонликни зўр ўйлабон бу касофат,
Ғолиблар шаъни-чун берди зўр зиёфат.

Мақтовни этиб обод Боязид тулки,
Темурбек шаънин қилди билинмас кулки



Қош қоқиб, кўзин уруштириб қул билан,
Имо айлади ҳидлаб атир гул билан.

Бириктириб тил қулвачча ҳамкор билан,
Темурбек бошин олармиш ҳар кор билан.

Фаросат ила фаҳмлаб макрни Темурбек,
Жойидан сокин турди ўтиролмай тек.

Бек ортидан тез турди қора қулвачча,
Қотиллик пулин санаб олган гўлвачча.

Чодир олдида навкар сотқин бўғзидан,
Фирт бўғиб олди чиқармай дамин оғзидан.

«Номард косаси оқарса - пишқиради,
Кўзи қизариб, қонсираб ўшқиради.

Сўқирликдан ул важоҳати тошади,
Ғолиблик йўлин истаб беҳад шошади.

Супириб гову тўсиқни найрангона,
Тўғриини эгри деб, қилар бир баҳона.

Насиб этмаса лунждаги луқма-оши,
Ҳиқик тутар дам-бадам, оқар кўз ёши».

Темурбек илгаб бу фалокат бошини,
Навкарин кўшиб қочди емай ошини.

* * *

Жайхун бўйига етди, тинч Солиҳ сарой,
Навқари олди дам, очди кўнғил, чирой.

Боязид билан тиллашиб Ҳожи барлос,
Жиянин тутар бўлди «сулҳ» билан паққос!

Бевафо маккор доғули амак-ҳамкор,
Темурни макр-ла тутмоққа қилди қарор.

«Тангри таоло қилар йўқдан пайдо нур,
Этга берар жон, мусулмонга Иймон, дур!

Иймонли навкар кўрар жанг самарини,
Эрксевар тақар ғолиблик камарини.

Шамшир дамидан чиқса ёлқинли олов,
Бу инояти Оллоҳ, бас келолмас ёв!

Тангри оловли шамширин қилиб ато,
Дарғааб ёвни чўл-даштда қилар адо.



Оллоҳ жанггоҳда ғолибга бериб садо,
Бешафқат хону шоҳни ул этар гадо.

Ноҳақ савашу курашда йўқ ҳаёт,
Нопок жанг интиҳоси беҳуда мамот.

Оллоҳ ёғдирар нур ўрнига ёмғир-дўл,
Қонли жанггоҳга юборар қирувчи қўл!»

Хур фикр-ла Темур аввалроқ режа тузди,
Боязид бирлан амакдан қўнгил узди.

*Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхоннинг
иккинчи босқини зикри*

Минг уч юз олтмиш бир сана баҳорида,
Туғлуқ Темурхон фатҳ этиш қарорида.

Мовароуннаҳр осмон ўпар тоғларин,
Жаннатмонанд шарбат тўккан боғларин,

“Соғинибди” ул такрор ажаб макарона,
Талаб босармиш улусни ошиқона.

Олам аҳлини ром этган хоки Турон,
Эли меҳнаткаш, содда, меҳмондўст ҳар он.

Мафтункор ўлка, қайнар шир булоқлари,
Топармиш шифо бемор қар қулоқлари.

Беҳисоб зару олтин-кумуш макони,
Миҳвари Замин, Офтоб тафтин ошғони.

Жаннат маконни қумсаб Туғлуқ Темурхон,
Мовароуннаҳр сари юрди бедармон.

Чигатой элу юртин малахдай босди,
Беғуноҳ улусни бешафқат чопди, осди.

Йўл-йўлакай Сайрам билан Туркистон,
Юкунди кўрмай қирғину лоларанг қон.

Хон тўхтаб Сайхун бўйи-Чаноҳ булоқда,
Дам олди Хўжанд «беги» билан қўноқда.

Боязид чуқиб тиз қавми-ла Жетага,
Ўз ғанимларин сотди, тепди кетига.

Жалойир зоти таҳқирлаб туркун қорсени
Сотқинлигу нафс жангида урди қарсени.



Улус тузин еб, туфурди тузлуғига,
Сувини ичиб, юз бурди қудуғига!

Туллакка этиб тақлид Ҳожи барлос-ла,
Баён сулдуз ҳам сафга кирди ихлос-ла.

Соний сотқинлар тўдаси чалибон уд,
Хон этагин ўпди қилиб саждаи мавлуд!

Темурхон «миш-миш» игвога қилиб амал,
Ясоққа тортди Боязидни бир маҳал.

Хон важоҳати чўчитди кўп бекларни,
Бадарға қилди эл-юртдан бетекларни.

Қочди юрагин ҳовучлаб Ҳожи барлос,
Юртини ташлаб Хуросон сари халос!

Дорилбақога кетди бузуқ қўлида,
Идику барлос ҳам бирга ака йўлида.

Хоки Хуроша заминда қолди абад,
Улусга тегмай бир нафи, кетди минбаъд.

Минг уч юз олтмиш бир санаси, Хут ойи,
Жеталар такрор босди қилиб хиргойи!

Мовароуннаҳр истилосининг зикри

Кепакхон даврин ҳосиласи Қозонхон,
Мовароуннаҳр узра кучли корфармон.

Жайхуну Сайхун орасида бўлган ҳоқон,
Дегани - деган, бош Жета, ичгани қон!

Туғлуқ Темурхон зуғумин этди давом,
Мўғуллар руҳин шод эттириб батамом.

Сотқину туллак, мансабпараст, бетайин,
Боязид ўпди боз ёв этагин, атайин!

Хушёри улус-аҳли мўмин-мусулмон,
Илк бор бирлашди, бўлайлик деб тинч, омон.

Юртда эрксевар ёшу қари қўзғолди,
Жета малахга зид эркпарвар от солди.

Лек мулкдор зотлар бир-бир, аста сурилиб,
Бирлик чокини йиртдилар керилиб.

Мул - мулк талоши-бекларнинг инқироzi,
Ота-инилар ёвдек ўзаро норози!



Тангри сақласин ўзи нафс балосидан,
Нафс деб гоҳо воз кечар ўз боласидан.

Лек қон қақшатиб мўл йиғиб, жавраб ўтар,
Гоҳ насиб этмай, дорилбақога кетар!

Ношукр бандага ҳеч тушмас Хизр назари,
Гар тушса ҳар он, қўймас куйгунча бари!

* * *

Қозонхон сал-пал бўлса-да марду ростгўй,
Унда жаҳл, мудом кўрсатарди чўнгдор бўй.

Хон ўрдусига чорланган ҳар бир киши,
Видолашибон келар, битса-да иши!

Амир Қазаған Хон ишига тайёри,
Темурбекнинг ҳарб илмин ул бош устози!

Мансаб тақсимотида амирлар боши,
Куёвни сийлаб этди кешга мингбоши.

Қозонхон кўнглин овлаб бўлди овора,
Элга бўлди илк бор амир-ул-умаро.

Айшу ишрат, сайд бўлди Қазағанга иш,
Емоғу ичмоқ - унга беҳад бир ташвиш.

Тан олмас бўлди, мўл еб Хон ош-тузини,
Танимай қолди тўнғиз каби ўзини!

Хон сўзига важ тўқиб амир-ул-умаро,
Ёвлашди зидма-зид хон ила ўзаро.

Қазаған ерли халқ дадил вакили,
Жетани кўрса тик турарди «кокили».

Ўта ҳийлакор зот, амирлар сардори,
Ёвни отарга йўқ ўқи, осарга дори.

Лаълу жавоҳир бандиси, қайсар сайёд,
Ҳаймиқар ҳар ким, қочиб солар дод-фарёд!

Парипайкарга ул хуштор ҳам ўта ўч,
Илики тўла, белида бор эмиш куч?

Гар таом еса, қўлидан тушмас қошиқ,
Жононлар амир-ул-умарога «ошиқ»?

Орзулари бир олам, бош мақсади - Хон,
Могу мулк йиғар, беҳисоб зар. беармон.



Юрт озодлиги эмиш ушалмас туйгу,
Яшамоқ унга еб-ичишмиш беқайгу?

Қазаған тутди сўллар ноаниқ йўлин,
«Эл-юрт» деб совуқ сувга урмади қўлин!

Ақча тўплади, бели огримай асло,
Заррин либосу бойлик —асил муддао.

Қурмади масжид,экмади бир туп дарахт,
Лек юрди бузиб, кесиб майхўрдек карахт.

Сўнгра тўплаб ул ўз гумашталарини,
Навкар айлади қул, даргашталарини.

Қозонхон бирлан аразлашиб мисли ёв,
Қасдлашди беҳад, жанг қилармиш беасёв!

Оқибат,низо ечими топмай яраш,
Дараи занғда бўлди талашу саваш.

Қазағанни кўр қилиб дайди ўқ жанғда,
Қозонхон зафар кучди баланд оҳанғда.

Хонга келолмай бас, ул боши тешикдай,
Солиҳ саройга қочди кўрқоқ мушукдай.

Қазаған етти йил кутиб,тўплаб заҳар,
Дигар отланди оч аждаҳодек саҳар.

Бир минг уч юз қирқ олтинчи йил,қишида,
Қозонхонни ул тутар бўлди Қаршида.

Омад кучди-ку Қазағаннинг қўшини,
Уртўқмоқдай ўқ ўйди Қозонхон бошини.

Бир мингу уч юз қирқ саккизинчи йилда,
Мутлақо синди Мўғул зуғуми шунда!

Юз тўққиз йиллик маснади Чигатойхон,
Ситилиб битди бамисли шода маржон.

Қазаған амир-ул умаро бўлди бой,
Сурибон даври давраи, еб эт, ичди май.

Қазаған бўлмоқ истаб улусга хоқон,
Чингизийлардан олар бўлди қасос-қон.

Донишмандчахон элга бўлгач корфармон.
Ўгадой қоон насли олди шараф-шон.

Амир Қазаған тор ўйлаб, кесди калта,
Иқболи кулмай иш бўлди «чатан халта».



Қора заминдан ёш хонга тайёрлаб жой,
Сирли жўнатди дорилбақога, ҳой-ҳой!

Чингизийларга қайтди амир Қазаған,
Баёнқули Хон бўлди, ёпилди «қозон!»

Баёнқулихон пинжига кириб, авраб,
Деди: «Захира чўғи паст, кўринг қараб».

Етмагандай ризқ, истаб кўп олтин-кумуш,
Ҳирот устига хон-ла айлади юриш.

Бир мингу уч юз эллик бир санасида,
Ҳиротни олиб, ўйнади тантанасида.

Малик Ҳусайн Карт қабрига «қалабон тош»,
Баёнқулихон ҳам ўзини этди фош!

Мўмин-мусулмон ўлиб жангда бесабаб,
Зиддият чўғида диллар бўлди кабоб.

Амирдан хон терс тутиб ишонч юзини,
Ўймоқ истади шум ниятли кўзини.

Баёнқулихон тинглаб амир сўзини,
Тик боқди, узмай кўзидан қўй кўзини.

Ўгириб аста забардаст қад, сумбатин,
Айтар бўлди бир залворли ҳикматин:

«Хон эрурким хон, маслакка бўлмас муҳтож,
Уқмас Қазаған гапин, унга йўқдир эҳтиёж!»

Икки ўртала унди қалба зиддият,
Ногоҳ ўзаро сўнди бирлик, ҳамият.

Қасдма-қасд юрди тараф гумашталари,
Хуфёна ўтди жангга даргашталари.

Айш- ишрат, шикор бўлган Қазаған жони,
Тўхтаб қолса-да дил, топилур имкони!

Сайд бир баҳона, уюштирди зўр дамни,
Қўлида камон, унутайлик деб ғамни.

Бир мингу уч юз эллик саккизинчи йил,
Қазаған кетиб ўзидан сочди ул кул.

Шикор хабарин айғоқчидан билиб хон,
Гумашталарга берди кўрсатма- Фармон:



«Аямасин ҳеч Қутлуғ Темур ўқини,
Дорилбақога жўнатсин бор-йўгини!»

Арханг туқайда совуқ, кун чошгоҳида,
Авжга чиқди сайд, Бош амир сайдгоҳида.

Урёт умоқин зўр мергани Бурулдой,
Ўғлони Қутлуғ Темур юрди, ҳонаҳой,

Жайхундан ўтиб сайдгоҳга кирди бардам,
Пўстин ёпиниб туқайга қўйди қадам.

Пўстинли «ҳўкиз» чангалга ургач ўзин,
Сайд сари қочди чалғитиб сайёд қўзин.

Қазаған қувлаб қочган семиз тўнғизни,
Тўғрида кўрди қора улкан «ҳўкиз»ни.

Шарпадан парвоз этди дайди ўқ чунон,
Қазағанни шу топда айлади қурбон!

Рост нафас тортди, хон, Арханг, Солиҳ сарой,
Туқайда илк бор парранда — дарранда,сой!

* * *

«От ўрнини той босар» қабилида хон,
Падар ўрнини ёш амир босар дебон,

Абдуллага илк берди падар унвонин,
Бузруквор шаъни-инону ихтиёрин.

Бажо этибон ул қазо маросимин,
«Сайёдга инъом йўллармиш қасд босимин!»

Дебон Абдулла хонга қилди зид юриш,
Сезилмас, қалбан очди бешамшир уруш.

Хонга етгач «миш-миш»лар бамисли чақин,
Қасоскорга ўқ пайкони учди яшрин.

Лоларанг қон,жонидан чўчиб ёмон,
Саросимага тушди Баёнқулихон.

«Бевақт олай хон жонини» деб Абдулла,
Ишлатди ажаб, билинмас ғазаб, ҳийла.

Улусни жами кўрсин дебон ёш амир,
«Эл удуми» деб топди макрли бир томир.



Ўтқизди хонни қайта оппоқ кигизга,
Хутба ўқитди урф-одат деб «кўз-кўзга».

Зиёфат айлаб маснад эгри-ростига,
Истади жавоб дилдаги асл қасдига.

Бўлди зиёфат,ҳангома-ла сўз жанги,
Турфа баҳона, амирнинг фикри янги:

«Қарши ҳавоси иссиқ бу чўлнинг нақши,
Самарқанд сўлим хону амирга яхши!»

Фикри амир —ул-умаро келди голиб,
Хонни тер босди, юзи оқариб, толиб.

Минг уч юз эллик саккиз санаси,Мизон,
Самарқандга тахт кўчди тушганда хазон.

Мунофиқ амир —ул умаро ўйини,
Шитоб ила зарб урди бечанг қуюни.

Фитна ниқоби бирлан амир Абдулла,
Баёнқулини қилди бежон баралла.

Минг уч юз эллик еттинчи йил ёзида,
Фитна тарихда қолди, улус оғзида.

Улусга бўлди хон Темуршоҳ чингизий,
Ўйламай эл-юрт ташвишин,ҳеч бир чизий.

«Ман Искандари Соний...» дебон Абдулла,
Ўйнатди хонни ҳар мақомда, қўллаб ҳийла.

Тутиб шаҳидий қон Абдулла жонини,
Амиру улус сўради Хон қонини!

Ижозат олиб шайхулисом, мўлладан,
Талаб қилди хон қонини Абдулладан.

Улус тузини оқламай Абдулла ҳеч,
Андароб томон қочди сездирмай кеч.

Машъум, қоронғу азим Самарқанд туни,
Фитна дастидан битди Темуршоҳ куни.

Мутлақ тугади маснади Жета томон,
Ва маснади улус Бош амири Қазаған.

Хонсиз Чигатой улусин силсиласи,
Синд қилпарчин бўлиб,сўнди силласи.



Етти элатга бўлиниб эл ҳар томон,
Бошланди уруш, босқин, ур- йиқит, талон.

Ҳожи барлосу Ўлжой Буга кимга зид,
Хизр Ясовурий, Кайхусрав ҳам Боязид!

Муҳаммадхўжа Аперди бирлан Хусайн,
Талашди элга бўлай деб хон-хўжайин.

Бўлолмай бири ҳам эл ҳокими мутлақ,
Теккани бўлди вилоят ёхуд ўтлоқ!

«Бирлашган улус, раият, амир ўзар,
Лек бирлашмаган эл-юрт қудрати тўзар!»

Тарихни ўқинг устозу шогирд, ҳамдард,
Билурсиз юрт аро бўлган не ғам, дард!?

Амирлар тахти эмиш абад, мутлақ бахт,
Ярим йилга ҳам етмай тўкилди бу тахт.

Аслида якка ҳокимдур мутлақ-Оллоҳ,
Мулку маснадни берар ёхуд олар гоҳ!

Кадхудо даврин қонуни—кучли ҳақдир,
На десаким рост, егани болу ош, нақддир.

Кучлилар талаб, босиб хўрлар ночорин,
Унутиб оға-инилар хеш-тоборин.

Парокандалик тез қамраб мисли бўрон,
Мулк талошидан тўкилди қирмизи қон.

Қовушмай оға, жиян, тоғалар боши,
Жеталар юртни талаб тўкилди оши.

Бир мингу уч юз олтмиш сана, бемадад,
Барлос измидан чиқди элу юрт умрбод.

Ушбу уруғин амир—ул-умаро бахти,
Синди бир юзу ўн тўққиз йиллик тахти!

Улус безга, Жета этар вайрона,
Етишмасди бир бош элпарвар ягона!?

Хон ҳузурига Темурбекнинг чорланишини зикри

Бошлай Темурбек ўғлон хикоятини,
Тангри таоло берган иноятини.



Тақдири азал бўлса Оллоҳга аён,
Макру ҳийла-ла ҳатто чақолмас чаён!?

Буюк тафаккур соҳиби, яратгувчи,
Борлиқ эгаси, бежонга жон бергувчи.

Тангридин ўзга яратувчи илоҳ йўқ,
Ақлу фаросат бергувчи руҳ, паноҳ йўқ.

Оллоҳ амрига таяниб ибн Тарағай,
Қалб тугёни-ла ёғийга зид юрди шай.

Темурбек дилдан ўрдуга боқиб ёмон,
Босмайин оёқ ўзин сақлади омон.

Ҳамид тархондан сўради хон илжайиб :
“Келмаган борми таъзим билан букчайиб?”

-Қадам босмади Темур Тарағай ўғли,
-Чорланг қошима, не истар барлос кўнгли.

Кўриб сиймосин,билай олай суҳбатин,
Хўп мақтағайлар, мард навқирон шиддатин?

Бурулдуқ боши серсавлат Ҳамид тархон,
Темурбек зотин этди таъриф ҳар томон.

Хон ҳузурида инон-ишончли амир,
Ҳамид тархон тез Темурга топди томир.

Хон эслаб «Жета» айтган аччиқ сўзини,
Темурбекни хон кўрар бўлди ўзини.

Тарағай ўғли Темурбекни хон сийлар,
Ёхуд,хонтўра мойсиз қовуриб ийлар?!

Темурбекни шер кўриб Туғлуқ Темурхон,
Ўғлонда сизди «хонлик журъати жаҳон»:

«Темурбек, Ҳусайн тортилмаса ўрдуга,
Улус турар тик, ўт кетар бор-будига!

Бу жадал уруш, саваш тўкилар кўп қон,
Тожу тахт нузар,тинч қолурми амир, хон?»

Ўйлаб сукутга толди Туғлуқ Темурхон,
Сўнг мулозимга қилди имо шул замон

Сарполар ёпди Темурбек елкасига,
«Мингбошилиқ»ни боз берли Кеш эркасига.



Қартайган Туғлуқ Темурхон тошиб меҳри,
Кешни берди, бу инъомни ҳам бор сеҳри?

Хоннинг назари тушиб кулди омади,
Шу бўлди Оллоҳ таоло каромати.

Шу боис «Енгдим!» деди Темурбек аста,
Олдинда жанглар, Жетани қилар хаста!

*Ҳусайнбек ибн Мусаллабнинг
қочиб яшириниши зикри*

Амир Темур ибн Тарағай «енгдим» деди,
Вале илк Туғлуқ Темурхон сал панд еди.

Ҳусайнни Ўрду сари чақириб олар,
Кўҳистонлик сардорни ёнида кўрар.

Туғлуқ Темурхон уқдириб ўз фикрини,
Амиру бекка ўргатди ҳарб зикрини:

«Ҳусайнни топинг, бошга битган балони,
Бўйинтовловчи кўҳистонлик болани!»

Мутлақ унутиб хон совуқ изғиринни,
Деди: «Шайланг жанг-жадалга қўшинни!»

Илон инида болаламасдан аввал,
Шиддат-ла янчинг ораламасдан аввал!»

Ҳусайнга етди, хабари шатурпари:
«Жета қўшини отланди Ҳисор сари!»

Лашкарга тўплаб қавму қариндош, мардни,
Вахш сайҳонида жория қилди дардни:

«Мўғул лашкари келар босиб малахдек,
Жангу жадалдан қўрқма, турма карахдек!»

Ёмғирда етиб мўғул Вахш сайҳонига,
Дирдираб навкар кирди жанг гулханига.

Совуқ сайҳонда жадал савашди мўғул,
Ғолиблик истаб босди ҳисорий ўғил.

Ортдан кетма-кет лашкари Ҳамид тархон,
Жанггоҳга кирди саркор Қирилтиқ нўён.





Ёв шамшир тортди бўялиб ўз қонига,
Қасдлашиб Жета омонат ўз жонига!

Шаҳидлар сони ортди ҳар лаҳза сайин,
Номози асрда Ҳусайн ғолиб эди тайин.

Лек шу лаҳзада лашкар жавонғори рост,
Ўтди Кайхусрав сотқин ёвга рўйи-рост.

Қуриб жангни бой берганин амир Ҳусайн,
Жайхунга қочди манзили бўлмай тайин.

Қувлашди Жета Ҳиндиқуш довонгача,
Изин тополмай қайтди Вахш томонгача.

Мовароуннаҳр сари айтиб қайтарин,
Албатта Ҳусайн ёвга зарба берарин,

Тил тишлашиб бек, амир кетдилар "яйраб",
Ҳусайн дудама ханжардек тишин қайраб.

Амир қочиб ўз юртидан Ҳинд томонга,
Эларо бўлди бебош, чиқди ёмонга.

Ҳисорга бўлди Баён сулдус ҳақ ҳоким,
Суларди даврон, билмай ўларин токим.

«Бошинга келса на бало тилингдандур!»,
Ҳар неъмат билки тақдир толеингдандур.

Жеталар зулм-ла зап топтаб ғурур, шонни,
Жабр-ла беҳуда тўқди кўз ёшу қонни.

Ҳоким мўғулни кўрарди беҳад ёмон,
Сақларди сирийн ютиб, ўзини омон.

Аламиндин гоҳ-гоҳ ичар қиттак қумрон,
Ўз элига гар бўлса-да ҳоким-ҳукмрон.

Бадмастликда бир кун Баён сулдус бехос,
Илинди тилдан ҳукмдорни сўкиб паққос.

Элтди томачи сўзма-сўз барин Хонга,
Беустухон тил келтирди қассоб жонга.

Темурхон кесиб Баён сулдус бошини,
Қон ялаб еди луқма, заққум ошини.

Хонни келарди босиб, қамраб ваҳима,
Чўчирди элдан, босганди саросима.





«Ёхуд Хусайнбек забардаст қалдин эгар,
Баракс узилар боши ёхуд бир мансаб тегар?»

Деб ҳукмдор Темур дилин тинчлантирди,
Ва яна жетазот жосусин отлантирди.

Қилмишдан титраб,чангаллаб саркаш бошин:
“Тутамиз тирик ёхуд ул эркдор лошин!?”

Тангри таоло олар омонот жонни,
Ким келиб-кетар,ҳеч ким билмас гумонни.

Хусайнбек кетар ёхуд Туғлуқ Темурхон,
Оллоҳ таоло билар,берар бир Фармон!

Тожу тахтни не хон, беку амир кутиб,
Бақога кетди тақдир майини ютиб.

*Илёсхўжахоннинг хон бўлиши ва
эркчиларни таъқиб қилиши зикри*

Туғлуқ Темурхон ақли келиб ўзига,
Мўғуллар юрти гул кўринди кўзига.

Қайтар бўлди тагин келган жойига,
Яъни мўгул юрти тахти пойига.

«Боради хокка не шоҳу гадо ҳам қул,
Вақтида ортга қайтмоқ Хоқонга маъқул!

Улуғ падар асл эл-юрт,замин хоки дур,
Бобом Дувахон гирд-ёни менга манзур!

Ҳалқумим бугар бу ерларнинг ҳавоси,
Дардга топилур Мўғулда бир давоси?»

Ушбу сўзларин айтиб падари бузрук,
Ўғлига боқди ўтли нигоҳ -ла тузук.

Ўгил унутиб кураш,саваш эртасин,
Кўзига суртди золим ҳукмдор хирқасин.

“Мансаб балоси ўтида ким куймагай,
Нафсу мансабдан одамзод ҳеч тўймагай.

Бир-бирин бошин кесарлар мансаб дебон,
Этин бурдалаб кетарлар мансаб дебон.



Оллоҳ амридан қўрқмай қилар бебоклик,
Мансаб, молу мулк деган жойда йўқ поклик.

Талашиб тожу тахт қилолмас яхшилик,
Ёвлашиб оға-ини қилар ваҳшийлик”.

Дебон Темурбек ўй-фикр богида узоқ,
Қаддини ростлар бўлди, ёв қўймасдан тузоқ.

Туғлуқ Темурхон тақсимоти мансабда:
«Оларлар ҳар ким ўз ўрнини насабда.

Темурбек Сизни илк олдик яқин хонга,
«Сипоҳсолорлик» юкланди Сиз жавонга.

«Мовароуннаҳр танилур» жаҳон аро,
Тушмағай моли жони ҳам талон аро?”

Дебон Темурхон Беккичик ҳолин сизди,
Кўз қири ила беҳис дилини эзди.

Амир Беккичик қовоғидан ёғди қор,
Зеро ул ҳам бир мансабга эди зор.

Хон боқиб ҳар бир амирига баҳазур,
Амир Беккичикка тикди зеҳнин масур:

«Илёсхўжага зарур ҳамдард бир саркор,
Ўрду ишларин билувчи зукко ҳамкор..

Мовароуннаҳр соҳиб-ихтиёрлигин,
Беккичикка бердик элу юрт ёрлигин!»

Амир Беккичик чўкди ҳукмдор пойига,
Сигмайин сўқим ҳукиздай жойига!

«Қолган амиру бек ўрнида барқарор,
Бирлашиб ишланг, улус бўлсин бахтиёр!»

Ўпди тиз чўкиб амирлар хон пойини,
Сўроқлади ҳар бирин насаб-жойини.

Мўғул юртига жўнаб Туғлуқ Темурхон,
Аржуманд ўғил бўлди улусга хон.

Илёсхўжахон номига улусга хон,
Амир Беккичик берди буйруқ ҳам Фармон.

Темурбек саргардонлигининг зикри

Темурбек ақлу-заковатин олмай тан,
Иғвога берди куч амир Беккичик «ман-ман».

Синдирмоққа жазм этди Кешлик амирни,
Тузди зўр режа, қўпчиттандек хамирни.

Темурбек тилаб Тангридан омонликни,
Эл-юртга раво кўрмади ёмонликни.

Бирлашсин эл деб чекди ул заҳмат-жафо,
Ота заминга истаб омонлик, вафо.

Кишанлайин деб Темурбек имконини,
Хон берди инон - ихтиёр нишонини,

Илёсхўжахон улусга бўлиб бефарқ,
Ишратга бўкиб, бўзага бўлганди фарқ!

Улуснинг чиқди дод-фарёди фалакка,
Ўрин қолмади элда орзу тилакка.

Бир мансабпараст Жета таёгин заҳри,
Дастидан тошди улусу бекнинг қаҳри.

Жетазот сочиб қаҳрин талади элни,
Аямади қиз- жувонни чирмаб белни.

Жета қабзасин боши Беккичик қаҳри,
Етмиш саййидийни ютди зиндон заҳри!

Айшу ишрат-чун бўлди банди-асира,
Сиймтан тўрт юз қиз, Жетадан қайтмас сира!

Тугён урди эл, сапчиб тўфони билан,
Қўлга тутди тиг, илму иймони бирлан.

«Иншооллоҳ! Эрк сари қиргин, жанг бўлар,
Жета ер тишлаб, додлаб, қонсираб ўлар!

Гар беизн қон тўкилса-гуноҳи азим,
Улус дедиким, йўқолсин қонхўр тузум!»

Зулм заҳри етди дилу қалбга, сўнгакка,
Билмасдан қолди улус қочишин қаёққа?!

Босиб келарди сел каби ғаму андуҳ
Амир Беккичик зулмидин халқ тортди уҳ!



Ёқут рангда чак-чак оқарди кўз ёши,
Вужуд зирқирар, тугаган эл бардоши.

Қуёш юзини зулмат босгандек қора,
Зуғумдан улус эзилган, йўқ бир чора.

Сабр дарёси гоҳ-гоҳо оқарди тошиб,
Ҳақ узан топмай сўнар қирғоқдан ошиб.

Яккалаб қўйди олғов-долғов замонда,
Кешлик амирни қўймас бўлди омонда.

Беккичик ёпди Темурга тухматларни,
Қилган ишига ҳеч айтмай раҳматларни.

«Оломон боши Темурбек» деди ағёр,
Чигирткадек «чик-чик» хон ёнида айёр.

Хон хос мажлисга чорламай Темурбекни,
Илёсхўжахон «йўқотди» Кешлик бекни.

Тухмат тошидан бош бўлмасдан қашқа,
Ўрдудан кетди, йўли, тақдири бошқа.

Темурбек ҳолин билиб кимса бировдан,
Ҳусайнбек ташвиш тортди барлос куёвдан.

Дўст Ҳусайнбек ибн Мусаллаб ибн Қазаған,
Илк сўроқлатди куёвга бўлиб қўрғон.

Тез отлантирди дўст сари чопарини,
Айтиб сафдошин Кешдан тез топарини.

Минг уч юз олтмиш иккинчи йил, Саратон,
Кеш ҳавзасидан топди дўстни, бағри қон.

Олий ҳимматли қайнағаси Ҳусайнбек,
«Бирлашайлик» деб илк чорлаган экан тек.

Темурбек кутиб хушхабар чопарини,
Тезкора йиғди сафдошу ҳамкорини.

Чопар—хажарчи, отланди Чоржуй томон,
Шитоб-ла сафи навкарлар эсон-омон.



Мўғулларга қарши илк илтифоқ тузлишининг закри

Хусайн изини топмай Чоржуй тарафда,
Отини боғлади чўл жинғили-алафга.

«Гар бунда қолсак бўламиз кимгадир қул,
Кетмоқ керак тез, кезибон бепоен чўл!»

Ўй уммонида Темур сузиб барқарор,
Чўлдан шиддат-ла чиқишга қилди қарор.

Туркман Қурбоний қули бўлмасдан аввал,
Хоразмга юрди қоқ чўл бўйлаб,таваккал!

Учраб Сағаржий ўғлони Шоҳ Муҳиддин,
Бирлашиб босди йўл, қум чўл бўйлаб ҳамдин.

Хавак ҳокими Таваккалга юкуниб,
Қардош ҳукмдор-ла «сулҳ» тузди ул «сўкиниб».

Эслатди мезбон Таваккал илтифоти,
Мисли Боязид тулкидек маҳорати.

Темурбекни тер босди бу ваҳимадан,
Қочармиш бевақт бу ўлим ҳар нимадан.

«Темур тутилсин!» дашту чўлда даставвал,
Хондан олганди Фармон ҳоким Таваккал.

«Касофат пой остидан чиқса..», нетайлик,
«Эй, дўст Муҳиддин, богдан кетайлик!»

Йўлдошлар қилиб шул фикрга дадил амал,
Поёбга қочди тонгда бўлмасдан қамал.

Таваккал богдан топмай қўноқ изини,
Ишга туширди қабих буйруқ-измини:

«Қочибди қўноқ Қўнғирот эл-қавмидан,
Қувиб тутинг тез ёвни йўлнинг ярмидан!»

Сарсон-саргардон бўлиб Хоразм чўлида,
Икки дўст сузди оёқда қум қўлида.

Хуфия тафтиш этибон берди огоҳ,
Фирт чўл манзили-Пойобни топди ногоҳ.

Олжасинъоми «қидирганга толе ёр...»,
Пойобдан топиб Хусайнни бўлди бахтиёр!



Дўстлар дийдори бу Оллоҳ неъмат,
Дилдан сўрасанг, кучга кирар ҳикмати.

Дўстлар суҳбати кечди фикрдош, шушчақчоқ,
«Бирлашиш зарур, бирликда қудрат ҳар чоқ!»

Аҳдлашиб куёв ила қайнаға илк бор,
Қасам ичдилар бузмаймиз дебон зинҳор!

Хомтама ҳаёл суриб Таваккал беҳол,
«Қочоқ қўноқни тутар бўлдилар филҳол».

Даставвал боғлаб Темурни элтар хонга,
Соний оладур зардўзий сарпо танга.

Беклар изини топиб зуғимкор агёр,
Писиб келди ул мисли тулкидек айёр.

Темурбек, Ҳусайн тузиб жанговар ясол,
Деди: «Ғанимни бос, чопиб ўчингни ол!»

Ҳарб Тоғай Буқо шай турди баронғорда,
Элчи баҳодир жангжўйи¹² жавонғорда.

Отлиққа амир Бобону, Сайфутдин қош,
Темурбек, Ҳусайн-ясол қалбиға бош.

Оллоҳ қўласа, ҳар жойда бандасини,
«Олов» шамшир-ла қиради барчасини.

Узоқ савашди навкарлар, зап толиқди,
Оқибат, ёғий ер бағрига йўлиқди!

Таваккал боши тандан жудо, бандалик,
Ёв қўшинига тушди поракандалик.

Қочди чор тараф, қўнғиротзот ўрмалаб,
Ҳансираб, ётиб, тошбақадек думалаб.

«Ғолиблик туғи бегона юртда омонот,
Қўнғирот қайта босса-булар қиёмат?!»

Улов-тушовни олиб кетай деб нари,
От жilовини бурди Бухора сари.

Босди бепоён қумлоқ чўл ваҳимаси,
Қалбадаги ишонч, ҳаёт-жон васвасаси.

Қум барханини мавжи солиб уюрма,
Дил орзусини айларди жиз-қовурма.



Тангрини асло унутмай ҳар сония,
Ҳақ карамидан сўрар имдод имкония:

«Оллоҳ таоло! Бергин илоҳий қудрат,
Жонга омонлик, юриш йўлимга рағбат!»

Тукиларди қум сели отлардан ошиб,
Мўнкиб одаму от йиқиларди шошиб.

Қум бўронида занлар суруниб-мўнкиб,
Борардилар қум босиб, гоҳ-гоҳ тутоқиб.

Ожиз бандага бу дузахдан шарора,
Сардорларга бу келажакка ишора.

«Карвон» чўкди бир қудуқ ёнида омон,
Сув-ла кирди жон, толиққан танга дармон.

Таҳорат олиб бўлгунча тинди шамол,
Намози асрни ўқидилар бемалол.

Тиловат қилиб Қуръони каримдан хўп,
Сўради Оллоҳ таолодан мадад кўп.

Ҳурфикр кўнглидан ўтди ярқираб, ёниб,
Темурбек хушёр тортди, беҳад қувониб:

«Рухлар мададкор, агар қўлласа Худо,
Ҳозироқ пиру авлиёга қил дуо!»

Муножот этиб юрди туркман сари тек,
Йўлга ғов солди йўлтўсарлар чиқиб тик.

Савалаб «Ҳашму Шарорат» туркманини,
Сал татиб кўрди зуғум, мушт манманини.

Тўхтамай «карвон» ўтиб кетди оҳиста,
Чапани мардлар қолиб кетди бирпасда.

Танигач туркман беги-Ҳожи Муҳаммад,
Сўнг этди меҳмон, дўстлашиб берди мадад.

Темур совғасин олиб Ҳожи Муҳаммад,
Қўноқни йўлга солди қувониб беҳад.

Бадахшон лаъли асқотди офир кунда,
Ҳожи Муҳаммад дўстни жўнатди тунда.

От-улов, озиқ бериб узатди чўлга,
Ғажарчи қўшиб қузатди таниш йўлга.



«Карвон» чўкканда оби-ҳаёт кўнжида,
Кутди бекларни серсув қудуқ пинжида.

Бир бор қутилиб ажал қопқонидан,
Чарчаб чиқдилар зўр кураш ўпқонидан!

***Темурбек ва Ҳусайнбекни Моҳон ҳокими
бандиликда тутганлигининг зикри***

Қардош туркманлар зўр овули Маҳмудий,
Серсув қудуқли йўл устида ҳам сахий.

Карвонлар қўниб унда олар дамини,
Мешларга солиб сув, кўрар йўл ғамини.

Қудуқ бошига карвон тушгани ҳамон,
Кафтдагидек рост кўрадурлар чор томон.

Қудуқ ёнига етиб беклар «карвон»и,
Оби ҳаётга қонди, қолмай армони.

Хабар топди бу «карвон»дан эллар,орий,
Моҳон ҳокими Алибек Жони Қурбоний²⁴.

Келмай Маҳмудий овулидан бир банда,
Жони Қурбоний бекларни тутди ганда.

Кана, бурга, босган тундек ер тўлада,
Қамалиб ётди қоқ қамиш-чий бўйрада.

Занжирбанд этди икки дўст маюсни,
Қулдай сотармиш, эшитинг бу даъюсни.

Харидор келмай олтмиш икки куну тун,
Жони Қурбоний «ёнди» чиқармай тутун.

Пуллолмай олтин-кумуш, асл нақдинага,
Сотар бўлдилар «банди»ни Мадинага.

«Банди»да номоз,уйқудан ўзга иш йўқ,
Оллоҳдан ўзга мададкор бирор «қуш» йўқ.

Тушда рангбаранг товланур орзу ният,
Тутқин кишида чекланган асл қатъият.

Гоҳ қизиқ-бузуқ тушда шоҳ гадо бўлар,
Одам каптардек самода ўйнаб кулар.

Қалбдаги буюк орзу истакнинг иши,
Ўнгида ҳайрон қолар ҳар тушга кинчи:



«Тушда Темурбек сувориймиш жонзотга,
Семургдек улкан олтин қанотли отга.

Тойчоқ учириб кетганмиш фалакка,
Дарё бўйида етганмиш эрк, тилакка.

Оппоқ либосда Зайниддин Тайободий²⁶,
Ёнида эмиш Боғи эрамдек водий».

Ўлжой Туркон тез очди туш тафсилотин,
«...Озод бўласиз, Бек!...» айтди башоратин.

Айирар Оллоҳ таоло бир сабаб-ла,
Гоҳ берар кўмак, синов, раҳм-шафқат ила.

Қум бўронида қолганди навкар ажраб,
Бесардор Тусга етди тунда шалвираб.

Тинглади «миш-миш» етибон шаҳри Тусга,
Темур кирарди ҳар тунда оғир тушга?

Туш тафсилотин тинглаб йўлдош дўстидан,
Босди совуқ тер, сув қуйгандай устидан.

Дўстга ҳикоят қилиб йиғлади бир кун,
Темурбекни чўл, туркманда қолгани-чун.

Ҳикоят кўчди Тус бўйлаб гармсел каби,
Муҳаммадбекка ҳам етди безавқ ел каби.

Отланди босиб тулпорга кумуш эгар,
Етса манзилга «Бекларни озод этар!?»

Сафарга «карвон» тушарда оғриб оёқ,
Йўлга чиқолмай қолди тутиб зирк таёқ!

Муҳаммадбекнинг «карвон»и тушди йўлга,
Огадан тутаб бек боқди қумли чўлга.

Олтмиш икки кун ўтиб Тусдан бир «карвон»,
Саройга кирди Оқ айғир билан равон.

Мохон ҳокимин акаси Муҳаммадбек,
Нома йўллабди «Бергин деб бекларни тек!»

Нома мазмунин англаб номард Алибек,
Беклар қонини ичар бўлди тинч,тек.

Талқон қилибон сўнгаларини келида,
Сочармиш тонгда кулдек Моҳон елида.



Айғирни совға деб димоғдор Алибек,
Озод этмади «банди»ларни, сақлаб кек!

Аждаҳодек нафс гирдоби келиб устун,
Аждодлар руҳин топтади, Алибек нигун?

«Арғунхон Жони Қурбоний улуг бувадир,
Руҳин этмасанг шод, қўл узра қувадир!

Руҳлар қўймайди сени асло тинчу тек!»
Мактуб қатида битганди Муҳаммадбек,

Бешукр бандалар бир-бирини чопарлар,
Тангри измисиз, дўстдан ғаним топарлар.

Оллоҳ юборар жабрдор бирор балосин,
Шунда сал англар қилган улкан хатосин!

Мохон шамоли ҳам тегиб асл нишонга,
Нохуш воқеа етди Муборақшоҳ эшонга.

Захмат тегмасин дебон Темурбек зотга,
Пир Муборақшоҳ Санжарий минди отга.

Пирга ихлосманд эди Жони Қурбоний,
Дуо қиларди Муборақшоҳ Санжарий.

Кибриё эшон, асил мўмин-мусулмон,
Улус, эрксевар, раҳмдил динпарвар инсон.

Алибекка ҳақ, қонундир эшон сўзи,
Ижроси аниқ, ўзгача бўлмас ўзи!

***Темурбек ва Хусайнбекнинг
бандиликдан озод бўлиши зикри***

«Оллоҳдин ўзга яратувчи илоҳ йўқ,
Шукр айла, Иймон сўра, кўнгил бўлар тўқ.

Қўрувчи, йўлга солувчи илоҳий зот,
На қилурсан эй банда, танга берса бот?!»

Пиру муршид асл сўзин қилолмай икки,
Бекларни берди эшонга, зап еб дакки.

Занжирбандларни бошлаб Жони Қурбоний,
Чўқдирди эшон қошига «қулдор», орий.





«Озод қулларга айландик» энди,гумон,
Куйинди, Оллоҳ эди мададкор ҳамон.

Лек ваҳима, фикр чиқди ажаб нодуруст,
Эшон-аслзода, билдилар ҳақиқий дўст.

Пир Муборакшоҳ Санжарийда мўл имкон,
Бекларга берди дам, этди улуғ меҳмон.

Маърифатпарвар, элу эрксевар мезбон,
Кибриё эшон-авлиёдек бир инсон!

Сўз очиб мўғул-беҳис,баднафс малахдан,
Курашга омад тилади Ҳақ Оллоҳдан.

От-улов, озиқ бериб,кўрсатди рост йўл,
Ғажарчи қўшди, бейўл юрмасин деб мўл.

Фотиҳа олиб Темур ҳазрат эшондан,
Сафарга равон бўлди эркдор кошондан.

Осмонга қуёш ёйирди шафағини,
На кечар тунда Оллоҳ билур буёғини.

Ёнди Айлбоши овулда мой чироқлар,
Учса гар юлдуз кўринади йироқлар.

Манзилгоҳ содда ҳам софдил одамлари,
Зап суҳбат қурди, мўл экан ҳардамлари.

Осмонда Ой ҳам сокин сузиб порларди,
Зиёфат авжга чиқиб диллар яйрарди.

Кечаси ажаб алаҳсиради Ҳусайн,
Тонгдан сафарга отланди манзил сайин.

Онт ичиб дўстлар дедилар «...жетакушман!»
Айлаб аҳд-паймон, мўғулни билди душман.

Чингиз авлоди Мовароуннаҳрга дард,
Чипқондан баттар, куйдирги, сассиқ чанг-гарл!

Эл-юрт давоси-кураш,бирлик,озодлик,
Сўздан қайтмоқ бу кечирилмас номардлик!»

Қалб-ла қайнаға, куёв олди аҳдлашиб,
Сўнг босар бўлди ёғийни биргалашиб.

Манзилга етиб йиғар бўлди мўл аскар,
Асл сирни асло навкарга қилмай ошкор!



Ёллаб Ҳазорайи Никудорий²⁷ дан навкар,
Ўргатар бўлди жанг турини сарбасар¹³.

Оллоҳдан сўраб мадад, Куръон тиловат,
Сафлар черикка тўлармишлар ниҳоят..

Дўстлар сўнгра ҳар томон бурди отини,
Кўрсатур ҳарбу зарбда маҳоратини.

Ҳусайн, Дилшода Гармсиру Хирманд сари,
Отланди кўчу кўронила тик бари.

Куёв юзланди Бухоро шаҳри томон,
Сафари огир, Жета мўл, йўли ёмон!

*Темурбек ва Ҳусайнбекнинг
ажралиши ва қайта бирлашиши зикри*

Жайхунни кечиб, Каркидан ўтган ҳамон,
Темурбек деди: “Оҳ, ота юрт Туркистон!

Тупроғинг олгай малҳамдек бор дардингни,
Сажда-ла ўпгум ўт-ўлан бор гардингни!”

Ортда қолдириб манзилларнинг нечасин,
Қорақўлга ул етди кутиб кечасин.

Дарвешдай сўраб, суҳбат қуриб ноилож,
Билдиким, Самарқанд-Кешда талон-тарож.

Қарши ҳам Солиҳ саройда Жета “меҳмон”,
Гар Бухоро тинч, юрмоқ керак шу томон.

Сал-пал амаллаб, аста наридан бери,
Минг азоб чекиб етди Бухоро сари.

Топиб зарфуруш савдогар маконини,
Зандонада илк бор қолдирди занини.

Кундузи тунаб, тинч юриб тонг саҳари,
Қадам қўярди амирларнинг сарвари...

Хузор²⁸га етиб, кундуз паналаб юрди,
Эл ҳол-аҳволин билиш чорасин кўрди.

Билдиким,бориб бўлмас жонажон Кешга,
Инонмоқ мушкул эрур бирорта хешга.

Тамуқа қавчин Хузорда ҳукмдор-ҳоким,
Жеталар элда эмиш ҳукмрон, боқим.



Бозордан сўраб-суриштирди хуфиёна,
Ҳокимга етди тез навкари миёна.

Темур ҳақида сўзлади Мамат навкар,
Учрашар бўлди ҳоким Тамуқа саркор.

Тамуқа кўриб Темурбекни Хузорда,
Ҳўнграб йиғлади, яшириниб гулзорда.

Бироз дардлашиб қилдилар аҳд- паймон,
«Бирлашиш зарур!» деб топди,шудир дармон.

Бир ойда тўплаб лашкар «ҳамир турушин»,
Темурбек кўрди хуфёна юришин.

Хузордан чиқди саҳарда уруғ-аймоқ,
От туёғига боғлаб латта, жун «пайпоқ».

Юзта суворий, от сурди Жайхун сари,
«Ҳусайн лашкарин топайлик» дебон бари.

Термиз томонга ўтиб лашкарга берди дам,
Ҳолатни билиб хушнуд отланди бардам.

«Жета сезмасин изимизни мутлақо,
Сафарга шайлан, кутма,ёв келмас танҳо!

Тез «Мадинат-ар-рижол»^{29*}дан кетмоқ даркор!».
Дебон лашкар-ла Жайхундан ўтди саркор.

Лашкар Рикистон бағрига сингиб чунон,
Ҳарбий машқ бирлан чўлда кўтарди тўзон.

Чўл узра ҳаво тортганда сарин салқин,
Юриш тури ҳам режа қилинди талқин.

Солиҳ сарой ҳам Оқоби қолди ортда,
Ачиғи қишлоқ асқотди, ўзга юртда.

Темурбек манзил аҳлидан олди ош-туз,
“Раҳмат” айтарга соний топди ширин сўз.

Лек ёз охирлаб эшигин очмоқда куз.
Отланди узоқ эрк сари кўргунча кўз.

Юриш бошлаган олғов-долғовли чоғда,
Лашкар сафига ўтди кўп йигит тоғда:

Темурхўжа ҳам сафга кирди беғайир,
Жангжўй навкари билан Баҳром жалойир.



Сара суворий сафин Темурбек томон,
Қад ростлатди илк бор Темурхўжа ўғлон.

Шибирғондан сал-пал ўтиб Хирмонд томон,
Лашкар олди тин, топди Ҳусайнни омон.

Дўстлар дийдори эрур Оллоҳ неъмат,
«Бирлик»да бўлар жам Оллоҳ қудрати!

Учрашиб куёв, қайнаға Хирмонд сойда,
Бирлашган қўшин тузди Саратон ойда.

Само ҳукмдорин карами беадад кенг,
Иймонли мўмин бандани кўради тенг.

Эрксевар қалбда илоҳий ғайрат тошар,
Қудратга қудрат, ҳикматга неъмат қўшар.

Бир мингу уч юз олтмиш икки санаси,
Ёз.Хирмонд сойда эрксевар аскар барчаси.

Мовароуннаҳр сари отланиш пайида,
Машқ қиларди жам бўлиб дарё пойида.

Тушармиш беклар ёвни қувиш пайига,
Бирлашган кучлар қовураб ёвни ўз мойида!

«Одам оласи ичида» дермиш нақл бор,
Дўст-душманлигин билиб бўлмас ҳеч,зинҳор!

«Фалокат оёқ остида..»дермиш нақл бор,
Баҳром жалойир чиқди сафдан, нобакор!

Жалойирий нақд,мўмай зар,олтин истаб,
Кетармиш Баҳром Ҳинд тараф отин қистаб.

Жалойирий зот Боязид туллак каби,
Улуғ орзуси эл-юртга бўлмоқ наби.

Азиз диёрдан кетса гар Ҳиндистонга,
Қайтмасмикин бир кун Она-юрт бўстонга?!"

Баҳром навқари қочиб Ҳиндуқуш томон,
Жетани босиш мақсудин бузди ёмон:

«Қочоқлар сафи ҳаётдан олиб савод,
Ақчани йиғиб, умрин айлармиш обод?

Чаласавод фикр кўпда учрайдиган ҳол,
Нафс гирдобида ёнар ҳар ким бемажол.



Одам боласи бўлса гар беҳад очкўз,
Дорулбақода тупроққа тўлар кўз!

Нафс суворийси бўлган очкўз ҳар банда,
Билингким, бўлур абадул-абад ганда!”

Семстондаги Зуранж жангининг зикри

Минг уч юз олтмиш иккинчи йил ёзида,
Дўстлар эдилар ёвни қувиш пайида.

Тангри гар берса бошга ақл, куч-билакка,
Темурбек, Ҳусайн етар орзу тилакка.

Куз бирлан қишни ўтказиб Хирмонд сойда,
Илкисдан ёвни босар бўлди Савр ойда.

«Мовароуннаҳр бўлса озод хурдиёр,
Ўзга буюк бахт бўлмас, улус бахтиёр!»

Добон Темурбек юрт соғинчини айтди,
Лек бормай Жайхун сўл соҳилидан қайтди.

«Боқманг ўзгалар луқмаси...», дер даҳолар,
Кимлигингни шу одобинг-ла баҳолар.

Ҳақ ҳақиқатни Ҳусайнбекка уқдириб,
Ночор эл-улус ҳолин айтди бўрттириб.

Қайнага тикка боқиб куёв-жўрага,
Терс гапирди ул ургандай нағорага:

“Лек эрк асло бежангу қонсиз бўлмас,
Ҳурлик элу юртга кураш, ақчасиз келмас!

Қўшинга даркор дон-дун, шамшир, от-улов,
Аларни асло бермас мулкдор-бой, биров!

Ўй-фикр-ла юриш беамал битмас зинҳор,
Баҳс—мунозара-ла жанг топмагай қарор.

Ақчасиз зафар йўқ, саваш ҳам бўлмас,
Сармоядор ҳеч бежиз бир дирхам бермас?!»

Ҳақ ҳақиқатни сўзлабон берди дашном,
Темурни жеркиб, жангни айтди номма-ном.

Зор бўлмасада бурда нон-зағорага,
Ҳусайнбек куёв ила юрди Хазорага.



Тажанг, серташвиш кунлар бирида, ногоҳ,
Шитоб-ла Бустдан етди қадами огоҳ.

Чопар келибон сардор Темурбек дўстга,
Қутбиддин дардин айтди чорлабон Бустга:

“Малик Қутбиддин Темурбекка ишониб,
Зуранжни қайта олмоқчимиш қувониб!?”

Ошёндан қувиб Шужоҳ Бустга адашин,
Собиқ шоҳ зап тортганди жазо-адабин.

Жангга Қутбиддин аскари бермай бардош,
Шужоҳ қувганда «қуён» бўлганди қардош.

Темурбек сари Қутбиддин эгганда бош,
Қайнаға деди: «Тоғликлар, қону жондош,

Қўшинга ақча, дону дун, шамшир даркор»,
Дебон авради куёвни Ҳусайн маккор.

“Гар баднафс қалбин тутса мол-мулк тумори,
Телба айлар ҳар кимни унинг хумори!”

Дуру жавоҳир кучи Ҳусайнини қамраб,
Темурни Зуранж жангига қўндирди авраб.

Айгоқчи зоти ғажарчи бўлди дўстга,
Чақир тоғ йўлин босибон етди Бустга.

Мезбон зиёфат айлаб бек, навкарларин
Ёйди ногоҳон ул ғазна гавҳарларин.

«Ҳамир учидан патир» деб шоҳ Қутбиддин,
Очди лиқ лаълу дурли ҳуққасин ҳамдин.

Беҳисоб дуру жавоҳир ваъда қилди,
Ҳусайн юрагин гўё лаъл билан тилди.

Куёв қўнглини олди Ҳусайн ҳийла-ла,
Йўл топди лаъл-чун «қудуқ қазиб игна-ла»:

«Мўмай бойлик, эй дўст, «Ол мени» деб турса,
Фурсат ғанимат, савашайлик на бўлса!?”

Сўзларин айтиб жавоҳирпараст Ҳусайн,
Жангу жадалга шайланди ул атайин.

Зуранжда дебди Шужоҳ ҳокими мутлақ:
«Темурбек келса тутиб қилармиш чўлоқ?!»



Ҳақоратомуз сўздан Темур дарғазаб,
Зуранжга боқди ёвқур ловуллаб ғазаб.

Беклару қўшин минди ғазаб отига,
Шужоҳни осар бўлди тутиб шотуга.

Зуранж қалъаси бу Сеистон пойтахти,
Ҳукмдорнинг унда жилодор олтин тахти.

«Зуранж ҳарбий, зирх, истеҳком қалъа-қалқон,
Атрофи хандак, лиммо-лим сувли қопқон.

Бир ҳамла ила бўлмайдиган қалъа таслим,
Қамал қилса гар азоб чекарлар муслим?»

Ўй- фикр-ла Темур тузиб саваш тарҳини,
Деди: «Куч очар ҳар не ошён зирҳини?! »

* * *

Зуранж қалъаси Сеистон улкан шаҳри,
Тошқаср истеҳком, жангари эл, ўт қаҳри.

Шаҳри берунда ўн уч дарвозаси бор,
Дурины эрса беш оҳанин дарвозадор:

Миёна, Даҳон, Ширак, Шаров, Бористон,
Шуъайб, Навжуйк, Оқон, Найшан, Рўзғарон,

Каргуя бирлан Асбарису Ғанжара,
Очилур дўстга бамисли тилсим дара!

Дарвозалардан чиқарлар чор тарафга,
Бешинчи Таом дарвозадан атрофга.

Бустга очилур Шарқ, Найшан дарвозаси,
Жануби-Ғарбга Нав, Кўҳна дарвозаси.

Ланг-ланг очилур Шимолга Каргуяси,
Қурилган бари зўр, соз, йўқ ноҳўяси.

Исломиё услуб бирлан нома йўллади,
Илк бор Темурбек сулҳ услубин қўллади.

Ҳақоратомуз жавобдан ул билдиким,
Бўлур жанг, қирғин-борот тақдири ул ким!?

Олиб дам, Зуранж қалъасин этди қамал,
Ишга тушдилар жами бор ҳарбий амал.

Ошиб ўтиб тиконли ҳавозасидан,
Қалъани босди ўн уч дарвозасидан.



Лашкарга отди зуранжлик қарию ёш,
Кўлда на тутса, ёғоч калтак, ўқу тош.

Ўттиз куну тун, бўлди зўр жангу жадал,
Шаҳидлар бисёр, қучди бемаҳал ажал.

Фалакка чиқди нидои доду фарёд,
Кўзлардан қон-ла оқди ёш сели, ҳайҳот.

Навкарлар олса ташқи қалъа- маконни,
Темур босармиш қалъача—Шоҳ ошённи.

Навкарлар тутиб серзарда ул ҳокимни,
Чангакка осар бўлди мисли сўқимни:

“Гул қолса сувсиз-ташна япроғи сўлгай,
Шоҳу гадо ҳам зўр жазога ул кўнгай!

Бузинг сув новин, қалъа бўлмаса таслим,
Ўқ отманг, нобуд бўлмасин мўмин-муслим!»

Дебон Темурбек берди ҳарбона Фармон,
Зуранж шоҳига юклаб абадий армон.

Тўсилди шаҳар сув нови моҳирона,
Лек тик турди қаср аҳли қаҳрамонона.

Тутиб саркарда жийрон от жilовини,
Бошқарди қирдан жанг-саваш қамравини.

Ёндан ёғди ўқ-жала, мисли шарора,
Темурбек ўнг кифт-оёғин қилди яра!

Темур ғазаби ортди бамисли сиртлон,
Шужоҳни тутиб этаргудек кул-толқон!

Унутиб яра дардин сирқисада қон,
Ташлаб кетмади жанг майдонини қирон!

* * *

Қирқинчи кунда оқ туғ кўтариб муслим,
Чанқаган аскар, оломон бўлди таслим.

Қалъадан Шужоҳ қочди-ку хуфиёна,
Улус ҳукмидан қўрқиб, этмай шукрона.

Малик Қутбиддин Шужоҳни этди адо,
Темурбекни ҳақ ажалдан асради Худо!

Ҳоким Қутбиддин ваъдага қилди вафо,
Лек улус, аскар тортди беадад жафо.



Ҳар даврнинг бордур қонуни яхши - ёмон,
Вале ул-улус маъқул дегайми, ёрон?

«Кадхудо даврин эди удуми талаш,
Мархум қабрига гоҳо кесак-тош қалаш.

Таоми эди хом-халаш пишган эт ҳам нон,
Эрксевар инсон гар бўлса ҳам дили қон.

Топилмас «Ватан» ҳам «Бирлик» тамоили,
Учрамас элда юртпарварликка мойили.

“Ота маконнинг маънисини англамай эл,
Ёв босқинига қарши боғламасди бел.

Жувонмарг бўлар эркдор навқиронлар,
Элда бўлмағач ҳимоячи қиронлар!

На қилмоқ керак озод элни кўрмоқ-чун,
Бош керак бизга, эрк туғин тутмоқ учун!»

Темур дилин шу ўй-фикр олганди қамраб,
Лек турку форсни жета «ютарди» яйраб.

* * *

Тан ярасидан қалбники оғирроқдур,
Ёмон дўстингдан доно ёв яхшироқдур.

Қайнаға Ҳусайн олиб зар-улушини,
Кўриб кетди жанг, Зуранжни талашини.

Тўқсон суворий йигит-ла сардор Ҳусайн,
Бақлонга юрди, лек манзили бетайин.

Тасодиф чиқди Жета оёқ остидан,
Тог дарасида амир Ҳусайн устидан.

Жуний баҳодир суворийсини кўриб,
Қочди қучоқлаб зарин ортга отин буриб.

Жуний баҳодир-Беккичик иниси ул,
Тутса Ҳусайнбек сафини этарди кул.

Сулаймония тоғида ҳам серрайиб,
Муфтихўр афғонлар талаб кетган ғаройиб.

Йўлакай жангда зарб-зарба еб Ҳусайнбек,
Йигирма аскар Шибирғонга етган тек.

Икки ой Бустда даволатди ярасин,
Ҳусайн кетди-ку кўрсатмай бир қорасин.



Куёв эслабон дўстлар аҳду паймонин,
Қидирди этмай жория дил Фармонин.

Хатто ўз дардин унутибон Темурбек,
Хусайнни топар бўлди ҳеч сақламай кек.

Нечун битарда битмасдан тан яраси,
Керак бўдилар қайнағасин қораси?

Отланди дардни унутиб Хусайн сари,
Саркарда бирлан йигирма беш навкари.

Хижолат-ла сир сақлаб дил ярасини,
Қутбилдин тўкди ўртага ваъдасини.

Совға-саломни этиб чин дилдан бажо,
Таъзим айлади, сўраб узру илтижо!

Суворий навкар кўчибон Арсиф томон,
Қохмардга ўн кун босиб йўл етди омон.

Тангри таоло гар қўлласа бандани,
Кучга куч қўшиб бут қилгайдур жандани..

Само ҳукмдори карами беадад кенг,
Асло бўлолмас банда зинҳор унга тенг!

Ҳалол, Иймонли бандага бергувчи зот,
Бахил, хасисни савалар қирон қанот.

Бисёр амирлар истаб сулҳу бирликни,
Излади Темур бош-қош субҳи бирликни.

Йўл-йўлакай Арсифга қадар ортди саф,
Навкар кўпайиб Темурбекка бўлди наф:

Қорачор нўён наслидан Сиддиқ баҳодир,
Бирикди ўн беш навкари жанга қодир.

«Арсиф тарафдан кўринди бир тўп отлиқ,
Билинг, дўст ёхуд мухолиф ёв!» кўп отлиқ.

Дўст бўлса «Ё Оллоҳ, ҳақ дўст» дегайсиз,
Баракс «Ҳу Оллоҳ, ё ҳу»ни эшиттаймиз.

Адирдан «Ё Оллоҳ, ҳақ дўст» садоси учди,
Қозончини қалб очиб Темурбек қучди.

Ҳарбдош бирлан юз йигитнинг қулди бахти,
Мустаҳкамланди қўшин, озодлик тахти.



Амир Сайфиддин сафга кирди эгиб бош,
Етмиш навкари бўлди ҳарбдош сафга қош.

Шербаҳром қайтгач рост бўлди сардор қадди,
Кучга куч қўшиб ортди навкарлар ҳадди.

Дўст — қайнағаси айшин сураб Бомиёнда,
Изкувар Сиддиқ ҳам Суюнчи бир ёнда..

Заррача қилмай ҳарб ҳаракатига кек,
Темурбек боқди қариндош Ҳусайнга тик.

Икки дўст, икки қариндош ўйлаб бисёр,
Юртга қайтмоқни этдилар ихтиёр!

***Мовароуннаҳри озод этишга
шайланиш зикри***

«Мовароуннаҳр устига улкан юриш,
Жета зулмига зидма-зид қонли уруш.

Чигатой аҳли ёвдан бўлмаса озод,
Беку амирга бўлар асл тамга-иснод!»

Дебон уқдирди халойиққа Темурбек,
Навкару улус, дили қон дўстига тек.

Давомий суҳбат, баҳсдан қилди хулоса,
Ойдинлаштирди ҳарбий аҳволни роса:

«Уруш талаби-дуру жавоҳир, олтин,
Лашкарга тўплаш зарур кўп эркак зотин.

Эл-юрт бергани бўлар юришга урвоқ,
Лашкар емайди фақат буламик, увовқ?!

Буюк юришга даркор олтин, жавоҳир,
“Эрк” деб ким лаълу зарини берар, ахир?!

Ёғий зулмидан боши чарх урса-гирён,
Улус англаса, қалбида урса тугён,

Бирлашса беку амир, улуснинг бари,
Бир туг остига жам бўлса ёшу қари,

Мовароуннаҳр улуси бўлар озод,
Турку форс яшар иноқ, юрт бўлар обод!»

Улус йиғилиб чин дилдан суҳбат қурди,
Улкан озодлик йўлига ўзни урди ..



Зиқналикдан ҳар гал қайнаға кўз нури,
Тушарди куёв бармоғига кўз қири!

Руммоний ёқут кўзли тилло узукка,
Очкўз нигоҳи тушди бойлик-тузукка.

Темурбек қўлин безаб турарди узук,
«Сотса бўларди, қуролу навкар тузук».

Зуранж жангидан эсдалик узук-совга,
Фатҳ берган лаълким, Сеистондан бир тамға!

Темурбек сурди ўй: «Қани Зуранж дури,
Талаганми зарни йўлтўсарнинг энг зўри?

Ҳусайн қўлида учта бебаҳо узук,
Лек қайнагадан чиқмади фикри тузук.

Элдан йиғармиш «уруш» деб катта солиқ,
Йиғмадан чўчир улус, ақчага боғлиқ?»

Сардор Темурбек дўстига боқди зимдан,
Зидма-зид фикр-ла қайтди турфа йиғимдан:

«Улус, раият чекмасин кўп азият,
Боқимандалик Сизу бизга ҳам уят!»

Лек бек, амирлар тинглаб юриш хабарин,
Хазора, Чораймоқ дилдан тўкдилар борин.

Чигатой катта-кичик беги ранжибди,
Пашшадай улус қонин сўриб алжибди.

Алажав қалъа, Дараи суф даридан,
Элчини ҳайдаб, айрилди бор заридан.

Ҳисорга қочиб Минглибой Буқо сулдус,
Жонин сақлади ўчгандай учар юлдуз.

Имлис тизгач саф-саф икки юз навкарин,
Тикди “Дараи суф” калиту аскарин.

Сафга ўтди Хулм, Хазорайидан уч юз навкар,
Дулан Чавон бош бўлди, сафга мададкор.

Беклар аскарин ҳади ортди кунба-кун,
Мовароуннаҳр лашкари бўлди бутун.

Оллоҳ гар берса, хайрли ишга кушойиш,
Дўстлар бўлиб жам этар кучин намойиш?!



Ички душман — Ҳусайнбек ғаразлигининг зикри

«Дил васвасаси, мол-мулк, бахтдан айирар,
Гулдиёр, дўсту ёр, рост йўлдан қайирар.

Солиб инсонлар орасига адоват,
Дўстни душманга буриб қилар маломат.

Кўз васваси-лаълу ёқут, рўи рухсор,
Дуру жавоҳир, кумуш-олтин дилбузар.

Туғри ишлатса бебаҳо зар, кумушни,
Аҳён-аҳёнда ечар мушкул юмушни!?»

Дебон ўй сурди Темурбек бирлан Ҳусайн,
Ниятлар улўғ, юксаларди кун сайин.

Икки дўст: бири куёв, бири қайнаға,
Темурбек, Ҳусайн-амирлар, «ини-оға»

Мовароуннаҳр сари озодлик юриш,
Мақсади битта-мўғулни юртдан қувиш.

Айғоқчиларга вазифа этиб аввал,
Она заминга тез йўллади даставвал:

«Оҳиста билинг улус чеккан азиятни,
Юртимиздаги сиёсий вазиятни!»

Мовароуннаҳр томон юрди айғоқчи,
Тамуқа саркор, уч навкар-чораймоқчи.

Айғоқчи Ҳусайн одами ул бедилкаш,
Мақсади алар-сирли алдоғ, ёмон ғаш.

Ёлгон-ла беиз алдаб куёвни букмоқ,
Соний бошини ёрарлар зап «ур-тўқмоқ!»

«Бор ёғийни йўқ, йўқни эса бор» демак,
Ҳусайн макрона буюрганди, бенамак.

Номига мўғулни қидирди айғоқчилар,
Айлаб сайр шаҳар бўйлаб чораймоқчилар.

Сотқин навкарлар пулади зар-дурини,
Кайф сафо айлаб, кўрди дам ҳузурини.

«Мовароуннаҳр ичра қурибди мўғул,
Осойишта юрт, халқ уйлантирар ўғил».



Амиру бекка етди хабари сохта,
Ҳусайн уйлаган эди даставвал пухта:

«Куёвни сураар сардорликдан оҳиста,
Бошидан жудо этар сездирмай аста.

Мақсади бўлиш мамлакат узра наби,
Мовароуннаҳр узра Чигатой каби.

Темурбек — куёв, ақли сардор, бош рақиб,
Сермулоҳаза иш кўрар, этиб таъқиб.

Ҳусайн этармиш жангда Темурни шаҳид,
Хуфиёна ҳеч қолдирмасдан бир шоҳид.

Соний бўлармиш Оллоҳ сояси шунда,
Оқиб келармиш жавоҳир куну тунда»

Қайнағаси пуч хаёллар ботқоғида,
Қоришиб етди манзилга шом чоғида.

Дараи суфдан кўчиб, Гурийдан ўтиб,
Дарағезга саф-саф етди лашкар кутиб.

Лашкаргоҳ этиб Ўлжой Буқо қўригин,
Юришга кўрди тадорик йўл-йўригин.

Соф оби ҳаво навкарни эттач бардам,
Балхга юришдан аввал, лашкар олди дам.

Йўллар кесишган тугунида лашкаргоҳ,
Кафтдек кўринар қоровул-навкарга роҳ.

Ироқи ажам, Ироқи араб томон,
Мозори Одам Ато, ўнгда Ҳиндистон.

Имом ҳазрати Али табаррук жойи,
Муқаддас замин, об-ҳавоси бинойи.

Чорраҳдан ўтар Маккаи мукаррамага,
Ҳожилар қайтар мунис муҳтарамага.

Оллоҳ назари тушган табаррук макон,
Жайхун ўнгида Муворауннаҳр жаҳон!

Карвон ўтарди саф-саф бўлиб чор тараф,
Кимга савдо, ким бўлар ҳажга мушарраф.

Бунда Болхобу Банди амир тўғони,
Балхга оқар ўн саккиз наҳрининг йўғони.



Музофотлар ям-яшил, очади баҳринг,
Унут бўлгайдур қалбдаги ғазаб - қаҳринг.

Навкар сайр айлаб, олиб мириқиб зўр дам,
Кайфияти чўнг, диллари чоғ ҳам бардам.

Лашкар отланди сабззор Балх томон,
Балх жилғасида Жета кутарди ёмон.

Қўшин сафлари етиб кўрди мўғулни,
Чумоли каби қатор-қатор ўғилни.

Жета амири Абу Саъид саркор-бош,
Мингли Буғо-ю Ҳайдар Андхудий сафдош.

Тирборон бўлди, ажал васвасасида,
Мўғулни тезроқ енгиш талвасасида.

Айрилди бисёр навкаридан тарафлар,
Жангдан чиқмади қочоғу бетарафлар.

Қўллаб қоқ тунда таблисни шарпасиз бек,
Чорлади ёвни пистирмадан аста тек.

Мўғул жавоби бўлди жала тирборон,
«Гар шундай ўтса жанг бўлар мўл ногирон!

Беҳйила ёвни енгиш мушкулду душвор»,
Гулхан шўъласи тизди зап «жонли девор».

Мўғулни босди даҳшату саросима,
Абу Саъидни чулғади чўнг ваҳима.

Тутар бўлди «тил» сардор устомона,
Турфа ваъда-ю алдоқ бирлан макрона.

Айғоқчи тутди жеталик бийрон «тил»ни,
«Тил» сўзлаб барин ошкора қилди сирни.

Қайта-қайтадан текшириб «тил» сўзин,
Хабарчи этиб ёвга йўллади ўзин.

* * *

Жетазот билан савашиб тоғма-тоғ, ҳар чоқ,
Ўз эл-юртида бўлганди қувғин, «қочоқ»,

Ҳисор, Қоратоғ, Зарафшон сой, тоғлари,
Эрк йигитларни танийди боғ-роғлари.

Жоку, Сулаймон ҳам Жалолиддин барлос,
Сардор Темурбек меҳрига қўйганди ихлос.





«Бирлашайлик» деб сафдош дўстлар қидирди,
“Қудрат «Бирлик»да, енгамиз ёвни”, — дерди,

Ҳарбдошлар излаб юрдилар Термиз томон,
Жайхун бўйига етдилар эсон-омон.

Чопарни йўллаб Темурбек ҳузурига,
Йўл олди Жайхун кечуви-гузарига.

Хабар келгандан туркий барлослар бари,
Жадал отланди серсув Жайхундан нари.

Сулаймон, Жоку, Жалолиддин акалар,
Амир Мусою Индукадек укалар.

Қондошлар жангни иккинчи кун ярмида,
Ётди ловуллаб ғазаб қалблар комида.

Ҳужум режасин ишлабон қайта пухта,
Сафдошлар жангга қўяр бўлдилар нуқта.

Темурбек ортдан босди ёвуз Жетани,
Сиддиқ баҳодир, Дулон Чавон четини.

Шоп серпади гул сафида Ҳусайнбек бош,
Қамалда синди муҳолиф беролмай дош.

Пана жой истаб Жета қочди чор тараф,
Ёғийни енгиб хавфни ётди бартараф.

Балх жилғасида енгиб мўғулни Темур,
Навқару бекка бўлди асл намуна-дур.

Ҳасад чўғи илк бор ўйди Ҳусайн дилин,
Юраги ёниб қуйди сўзлатмай тилин.

Юртга набилик ниятга тушиб гумон,
Қалбига қўнди ғазаб бир қасос ёмон.

Тушди бенидо «дўстлар» қалбига низо,
Совиб диллари жангга ҳам бўлди ризо.

Аҳд-паймон, дўстлик режаси пораканда,
Ҳусайнбек ҳақу Темурбек бўлди ганда?

Қайнаға бузди «Дўстлик», «Бирлик» пуштасин,
Уздилар дўстлар илк аҳд- паймон риштасин!

Ҳусайнбек бўлур лашқар-ла Балх сари гум,
Лек дўст Бурдалик кечувдан ўтиши зум.

Соний соҳилга отланди ганим Ҳусайн,
Сездирмасдан ҳеч «душман»лигин, бетайин.



Кема ёллади «Тезроқ кетсин» дебон узоқ,
Ғаним биларди соҳилда кутар тузоқ.

Жайхундан ўтди минг бир навкар юртига,
Қучиб Она юрт, кўксин босди ўтига!

Ҳусайн билганди шарқ соҳилда на кутар,
Жета Темурни босиб, талаб қақшатар.

«Ҳеч инонмагин пинҳон ғаним дўстингга,
Бир кун аврвбон сомон тикар пўстингга».

Нақл исботига Оллоҳ гувоҳ, муқаррар,
Кўрамиз жангда ким мутлақ ғолиб чиқар?!

Ёлонғоч қўрқар чўлдан қўргандек илон,
Қўрқоқ, писмиқнинг ортар ҳадиги ёмон.

Синай деб Тангри бошга солар мўл ғурбат,
“Душману дўстни ажрат” деб берар фурсат!

* * *

Жайхун кечуви қолди қўшин ортида,
Кимлар йиғларди хурсандликдан юртида!

Дарё соҳили кечқурин салқин,обод,
Кимлар истамас Ватан бўлишин озод?!

Соҳилда куйлар жўр сайроқи бақалар,
Уйқуга кетди лашкар, соқчи акалар.

Ғафлат уйқуси домига тортганда донг,
Юз отлик ўтди, қоровул урмади бонг.

Босди Очули Беккичик сафи таппа,
Тутганин чопиб қилдилар ғарам—тепа!

Жайхун кечуви толиқтирган жонни,
Ким билар эди оқишин шаҳид қонни?!

«Касофат оёқ остида...» дегани шу,
Лоқайдлик зарбин навкарлар тортгани шу!

Бисёр талофат, оҳ, чекинди Темурбек,
Жайхундан ўтиб,нола тортди-ку шердек..

Бу иш айгоқчи чораймоқ ҳосиласи,
«Дўст»нинг “бол” тутган заҳар-заққум меваси.

Жеталар ортга қайтгач беқурол сафдош,
Ҳусайнга юрди куёв мулзам эгиб бош.



Қурол-аслаҳа қолди ёғийда бари,
Пиёда навкар билан юрди Хулм сари.

Етибон Ҳусайн остонасиға чопар,
Бўғиқ оҳагда етказди нохуш хабар.

Куёв ҳолига «маймун йиғлаганин» билиб,
Ҳусайн ичидан суюниб, қўйди кулиб.

Ҳусайнбек бўлди ғарқ хаёлат баҳрига,
Фоввосдай шўнғиб эрк берди ўй, қаҳрига:

«Эрону Ҳиндни олибон ўз комига,
Талаб элларни дур босармиш жомига.

Тасхир!¹⁴ -ла Мурғоб, Бадахшонни йўли-ла,
Тобе этармиш «Чечан» куёв қўли-ла.

Бўйин эгдириб шердек кучли одамни,
Ҳусайн эзармиш «боқасан» деб подамни?

Фазнавий юриш давомчисимиш “авом”,
Олармиш Жайхун Синд-ул орасин батамом.

Туронзаминни куёв босармиш соний,
Ҳусайн бўлармиш, мутлақ наби замоний?

Тани жони гар бўлса куёвнинг омон,
Қувамиз ёвни элу юртдан бегумон!»

Хом хаёлларни кучиб қанаға “учди”,
Чопарга ёпиб сарпо, элга зар сочди.

Хабарчи иззат-икроми бир баҳона,
«Дўст» мағлубияти эди шодиёна.

Тўй бериб, очди хазина қулф эшигин,
Кепакий сочиб тебратди дил бешигин.

Илк нисор этди жавоҳир, дуру ақиқ,
Руҳи падарга сочмаган бир зар-ҳақиқ.

Сониян олиб фатво, юрди Хулм сари,
Сухбатда деди: «...енгилсанг отамдан нари!»

Тамуқа баҳодир тафтишин сезиб Ҳусайн,
Пинҳона тушди ташвишга «дўст»-бетайн:

«Эй чечан одам! Қўлимда-ку жиловинг,
Оз навкар билан қайга борар сўровинг?»





Дебон кўнгилда ғаламис қайнағаси,
Билдиким, “тешик” куёвнинг ногораси?

Гар чалса Ҳусайнбек ҳукмрона нағмасин,
Зар-чун куёв-ла ўйнатармиш барчасин?

* * *

Хулмда лашкарга Ҳусайн бўлди бош саркор,
Темур ноилож эгди бош, ҳарбга даркор.

Темур ўйлади: “...ўртада бор аҳд-паймон,
Бузмоқ исломга зид, гуноҳ, қўлда Қуръон!”

Шу боис Темур қайнағага эгар бош,
Оқибати хуш бўлар, зарур сабр-бардош.

Олдинда талаш, саваш, жанги Бадахшон,
Ҳусайнга оқар зар-дур, айтар шараф-шон.

Даштда майсалар урганда илк бор сабза,
Бадахшон сари Ҳусайн кўтарди найза.

Минг уч юз олтмиш учинчи йил баҳори,
Келарди исиб кунлар фаслнинг оҳори.

Тохаристону Бадахшон томон қўшин,
Лашкари Ҳусайн Темур-ла юрди жушқин.

Қундузда уч кун тўхтаб, йиғди мўл навкар,
Ҳусайнга қулоқ солар куёву лашкар.

Дулдой баҳодир Бадахшонда ҳоким,
Қўшин, сипоҳу навкарлар унга боқим.

Ҳусайн лашкари етмай Бадахшон томон,
Бежангу саваш сулҳ туғин қучди шоён:

«Тохаристону Бадахшон иликимда,
Мовароуннаҳр сари юриш тилагимда.

Оллоҳ қўлласа агар, бўларман наби,
Моварауннаҳр – юртга Чигатой каби?!»

Хом хаёл-ўй-ла ҳақ масабпараст Ҳусайн,
Темурга боқди «Қалайсан ...?», деб атайин.

Ҳар нигоҳида Боязиддек бу тулки,
Ҳусайнбек мақтаб этар Темурни кулки.

Бийрон забон-ла чақиб мисли газанда,
Ақраб нишидек тил-ла чақарди ганда.





Лашкар Толқонда олиб дам, бўлиб бардам,
Арҳангдан Солиҳ саройга ўтди ҳамдам.

Аскар ҳафталик даму машқдан сониян,
Дашти Куллакни этди лашкаргоҳ қатъиян.

Хутталон қалъа сари юриш режаси,
Ўйготди зидма-зид фикрларни кечаси.

«Қалъани қамал қилиш бу жанги тезкор»,
Деса Ҳусайнбек, Темур айлади бекор.

«Тил ила беқон забт этмоқ мардни қўли,
Буюк Исломда наби Муҳаммад йўли!»

Деса Темурбек, Ҳусайн дер: «Бу қўрқоқлик»,
Фикрлари айри чиқди, топмай иноқлик.

Балжуон сари тоққа юрди Шер Баҳром,
Падар юртидан олай деб қувват, ором.

Тўплаб мўл навкар жангжўйни Балжуондан,
Илкс босармиш Хутталонни ҳар ёндан.

Пулисангин Вахш дарё бўйи чақир тош,
Темурга етди ундан хабар-ёвқурбош:

«Дарё соҳилин қучибди Жета зоти ,
Ёғий овора тамоқ-ла, яйдоқ оти.

Тошлоқ қирғоқда йигирма мингча мўғул,
Мўр-малах каби жамланибдилар тугул?

Бош эмиш Туғлуқ сулдусу Туғлуқхўжа,
Сариқ Бугою Шинкул масит хўжа.

Қўр Темур Жета саркори, ҳарбга бош- қош,
Касби-талашу босқин, эмасдур ёввош».

Хутталон қалъа қамали қолди бир ён,
Пулисангинда жанг Темурбекка аён!

Қирон лашкарни сафлади саваш сари,
Вахш бўйида жанг кутарди сарбасари.

* * *

Тутиб хумори ҳокимлик Кайхусравни,
Ғажарчи бўлди ёвга, миниб асовни.

Йўл бошлаб борар Хутталон қалъа сари,
Йўлда жазосин тортар ё Вахшда бари...





Темурбек Вахшга юрганда ёвкур ботир,
Хусайнбек ортда қолди бомайлихотир.

Темурбек кўриб бу дарё важоҳатин,
Даҳшатли оқим синар қобилиятин.

Оқарди дарё урилиб қирғоғига,
Пишқириб, кўпик сочибон ҳар ёноғига.

Ўнг соҳилда мўғул тудаси кутар,
Эт пишириб еб, ғафлатда тўзиб ётар.

Кайфият жангу жадалга эмасди мос,
Овора эди емоқ-ла Жета паққос..

Вахшдан ўтолмас гар Тангри бермаса йўл,
Уюрма наҳрни тўсолмас жавоний қўл.

Бор буди оқиб оту навкар ғарқ бўлар,
Серрайиб ёлғиз Темур белашкар қолар?

Ёвузни янчсин деб шум малах, ёмонни,
Тангри қўллади боз соҳиби қиронни:

«Вахшдан ўтибон босайлик уч тарафдан,
Тангри қўлласа, чиқар олов алафдан!»

Қуриб уч қулоч танг ўзанга қантара¹⁴,
Ўтди бу осма йўлдан бўлиб овора.

Жета нонушта пайти қўққисдан ёрон,
Босди малахни ўраб, қолдириб ҳайрон.

Чопди ғазаб-ла навкар шамшир ўйнатиб,
Қўлга тушганин осди чилвир ўйнатиб.

Жеталар қочди чор тараф мисли қуён,
Бардош беролмай не-не навкару нўён.

Хусайнбек жангу саваш тугаган замон,
Ғалаба сари етди «саркардасимон»:

«Мовароуннаҳр сари юришга эрта,
Жета ҳукумрон ҳали, элда ҳам эрка»

Дебон Хусайнбек бузмади пинагини,
Юрт озод бўлсин деб, айтмади тилагини.

“Саркардан нав” қоплаб, юклаб улушин,
Балх сари қайтди тўхтатиб ҳарб юришин!?

* * *



Жоку барлос-ла қолди захира лашкар,
Пули сангиндан юрди яловдор аскара.

Темурбек уч юз отлиқ сараси билан,
Кешга отланди тортиб наъраси билан.

Йўл-йўлакай суворий сафи ортди,
Ота юрт меҳри ҳам Темурбекни тортди.

Йўл юрса ҳам мўл юриб, етди Кеш томон,
Адир ёнида дам олди ғамлаб имкон.

Пули сангин-ла Қарши чўлида сафлар,
Қолди захира қўшин жангжўй садафлар.

Темурбек Кешга қолганда икки фарсаҳ,
Отлиққа «Тўхта!» деди урибон қарсақ.

Ҳарбий ҳийлани зарур топди қўллашни,
Отлар белига шох-шаббалар боғлашни.

Йўлни тўзғитиб қуюн каби «туманот»,
Кўтарди тузон макр қўлаб сардор, ҳайҳот!

Кеш доруғаси тузонга ташлаб нигоҳ,
Жанг қилмай Жета қочди тек-тек беогоҳ.

«Туманот» отлиқ қуюни-ла Темурбек,
Кеш шаҳрин этди озод бежанг, беқон тек.

Зиёрат қилди Гумбази саййидонни,
Аждодлар хоки-улугвор хонадонни.

Шамсиддин Кулол пирин этиб зиёрат,
Олиб дуосин, берди пур-пур зиёфат.

Айланиб бозор, мазор, мадраса, масжид,
Кўрди бетартиб, вайрона ҳам беҳуришд.

Суради Кенгаш қурибон Кеш аҳволин,
«Ким тиклар хоксор марҳум қадду заволин?

Бетартиблик ҳам вайрона Кешда ҳукмрон,
Қилинг тез ислоҳ! Бек, амир ичмай қумрон!»

Мамлакат узра ҳолатни билмоқ истабон,
Йўллади зукко хуфияни ҳар томон:

Қарши, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд сари,
Хуфия кезди ёвни оралаб бари.





Лек осоништа сал бошланганда ҳаёт,
«Кешдан турт фарсах нарида Жета! Ҳайҳот!

Илёсхўжагон Кешни илдам босармиш,
Талаб мол-мулкин, бек, амирни осармиш!?»

Ваҳима босди улусу сардор, бекни,
Шум хабар бевақт шоширди Темурбекни.

Чопарин йўллаб «захира», Ҳусайн сари,
Тик турди улус, амир, бек ёрдамга бари:

«Етгунча кўмак, аввал кирамиз боққа,
Гар босса мўғул, кетамиз адир-тоққа!»

Дебон пирларга дилдан айлади дуо,
Осон этдилар танг мушкулотин Худо.

Оллоҳ сақласа бандани фалокатдан,
Хуш кўрганини қочирар касофатдан.

Гойибдан келса бандага имконият,
Муножоти Пир этар шунда ҳимоят.

* * *

Қарши қарвони етибон берди хабар,
Темурга бўлди, бу гаплар илк хушхабар:

«Туғлуқ Темурхон минибди ёғоч отга,
Дафинга кетди ўғлони мўғул юртга!

Чиқибди йўлга Туқ Темур, амир Ҳамид,
Илёсхўжага бўлибди йўлдош мурид.

Жета қайтибди Тошарикдан ул ортга,
Мовароуннаҳр қолибди форсу сартга!»

Темурбек Ҳусайн етиб келмасдан аввал,
Қадрдон Хузорни озод қилди даставвал.

Хузорда бўлди «Озодлик» дебон сайил,
Темурбек қилган ишга эл қолди қойил!

Янги сафланган суворий сафлар «довул»,
Хўжа Салбарий турар ортда чингдовул¹⁶.

Жийдалиқ дашти қулай манзил-лашкаргоҳ,
Ҳусайнбек етиб бўлди ғалабага гувоҳ.

Шер Баҳром бирлан амир Ҳусайн навқари,
Қаршидан етди мўл захира лашқари.



Жийдалиқда саф-саф тизилиб жангчилар,
Хузорга кўчди, лашкар билан жарчилар.

«Хузорда лашкар жиҳозин этиб тугал,
Сониян ёвни босармишлар галма-гал.»

Режа ошмасдан амалга келди хабар:
«Тошариққа боз тушди мўғул, нобакор!»

Темурбек, Ҳусайн, лашкар турди оёққа,
Сафланиб навкар олди йўл Тошариққа.

Зидма-зид тузиб ясол мухолиф томон,
Беку амирга берди вазифа қирон.

Амир Ҳусайн турди баронғорда шай,
Жавонғорда тик турди Темурбек бай-бай!

Ҳарб билимдони Жоку барлос гул¹⁷да бош,
Қоровул, бирлан чингдовулга беклар қош.

Муносиб бекдан бири турди чаноҳ¹⁸да,
Жадал савашни кўрар беклар жангтоҳда.

Ёғий тарафда бисёр мўғул навқари,
Зидма-зид турар ҳамла-ла ёшу қари.

Қорахўжаю Ҳамид жавонғор сафда,
Туқ Темур-ла Беккичик баронғор сафда.

Ваҳимали дўқ сезиларди гапида,
Қўрқинч садоси ғувулларди сафида.

Мўғуллар кўрган жангу жадал урушин,
Темурбек, Ҳусайн устомон ҳарб юришин!

Аскар ясоли ўхшар қутирган шерга,
Ким мағлуб бўлар тўкиб қонини ерга?

Мол-мулк, тож-тахт деб кетар оҳ бош армонда,
Кимдир ғолиб шер, ўзин кўрар осмонда!

Сал ўтмай бурғу, карнай чорлади жангга,
Тарафлар сафи қўзғолди чапу ўнгга.

Темурбек бирлан мардлар ўйнатиб шамшир,
Жангга кирдилар тўкиб ёв қонин шир-шир!

Қиргин бошланди, замин бўялиб қонга,
Ажал ҳукми-ла жангчи айланди бежонга!



Навкарлар урар шоп ўйнатиб билакка,
Дод-фарёд чиқди само узра фалакка.

Темур йигитлари савашди мисли наҳанг,
Қорхўжаю Ҳамид навкари бўлди ҳанг-манг.

Оқибат синди мўғулнинг жавонғори,
Жангга кирди тез Ҳусайнбек баронғори.

Тасхирга тушгач босқинчи ғаним қўшин,
Асирга олиб янчди ёв илғор тўшин.

Бўлмас жанг, саваш, беталофат тирборон,
Бешамол кўчиб қум,чангсиз бўлмас бўрон.

Тутилди Беккичику Искандар ўғлон,
Амир Ҳамиду Юсуфхўжадек сиртлон.

Касри нобакор жангжўйи Мўғулистон,
Тушди асирга сардор Илёсхўжахон.

Турк удумига мос озод, асир олмас,
Гар тушса қўлга Шоҳ, Хон асир саналмас.

Тириги қочди жанг-жадалсиз ортига,
Етай деб тезроқ жон-жаҳд ила юртига.

Чарчаб донг қотди куёв,қайнага,
«Хўроз қичқирди, тонг отди,туринг оға!

Мўғуллар қочган, ортидан этинг таъқиб,
Оби ёмда олсин жазосин шум рақиб!»

Ундовидан тик сакраб турди ғолиблар,
Қочгач Хўжандга жетезот муҳолифлар.

Изма-из мўғул қолдиғин этиб таъқиб,
Сурди Хўжанддан қари-қартагин сиқиб.

Сайхундан ўтиб кўҳна манзил томон,
Мўғуллар қочди ўлимдан кўрқиб ёмон!

Бир мингу уч юз олтмиш уч санасида,
Ёв истибдоди сўнди Шош¹⁹ қалъасида.

Бир ярим асрлик зуғум сўнгги четини,
Амирлар ёпди озодлик жанг кетини!

«Пойтахтда илк бор ўтказиб Хон сайловин
Давлат тизимин тузар силаб мўйловин!»



Долзарб муаммо хусусида манзурин,
Машварат ила тузар режанинг зўрин.

*Темурбекнинг Шош шахрида
муолажа олиши зикри*

Темурбек ошкор қилмай яра-чақани,
Синар бўлди бир Ҳусайнбек-қайнагани.

«Шошда қишламоқ «саркарда»га ярашар,
Зиёли бисёр, ўз илмидан қарашар.

Дардга малҳамдир билим, дилларга қувват,
Жангу савашда, ҳарб юришида қудрат!

Самарқандда-ку Жоку барлос, Шамсиддин,
Ишончли, содиқ дўстлар, қўрқасиз надин?!

Кўчмайлик, эй дўст пойтахтга Шош кентидан»,
Куёв қайтарди дўстин кўчиш шахтидан.

Ранжиди бир,лом-лим демай қайнағаси,
Пойтахтда кутган каби тахт-бахт,«оғаси».

«Саркарда—куёв, қайнага ҳам узоқда,
Эҳтимол,дўстлар қолгандир зўр тузоқда?

Пойтахт - Самарқанд,ким ўтирибди тахтда,
Бебош исёнчи ўтирса-чи ул тахтда?»

Дили Ҳусайнбек титради тахтдан чўчиб,
Шошдан кетарин ҳам айтди тезроқ кўчиб.

Жиззахга борар бўлди қайнага бахтга,
Саркарда билди «манзил яқинроқ тахтга!»

Қисик кўз бирлан қошин уйнатиб Ҳусайн,
Мақсадни баён этди туллақ,бетайин.

Амир Ҳусайн «Тахт» илинжида писмиқ,
Куёвга боқиб зап чайналди этмай миқ?

Жиззахга кўчди юклаб кўч- кўронини,
Кетдилар шошиб, ўйлаб дил кўрғонини.

Кузатувда илк Сароймулкхон нигоҳи,
Темур кўзи-ла учрашди жон огоҳи!

Темурбек сездн Хонимнинг хурлигини,
Негадир боқиб дилин куйганлигини.



Ҳусайнга хилват ёқармиш, маишат баҳри,
Лек қайнағони қийнармиш соғинч бағри.

Бийрон тил ила тақди сирға қулоққа,
«Дўст» борармикин забон ила узоққа?

«Ёлғиз бўлармиш якка-дука ишратда,
«Дўст»сиз узоқда, бемаслактош,узлатда!»

Айтиб гапларни бирма-бир кетди кўчиб,
Ёролий асил муддаосин бек чўчиб.

Кўчди Зоминга Жиззах пашшаси талаб,
Каклик кабобга тўйди сихларин ялаб.

* * *

Азимбой Шошнинг катта савдогар бойи,
Серфазилят, хўп одамохун бинойи.

Айтмай саркарда асил қишлаш сабабин,
Топдирди Шошнинг машхўр,доно табибин.

Жойлашиб Темур бой меҳмонхонасига,
Ўтди зўр табиб Мош муолажасига.

Кўриб ярани табиб сал чимирди қош,
Билдиким, бемор соҳиби улўф бардош.

Мато қолганди ярага жипс ёпишиб,
Ўнг оёқ йўғон бўлганди дарддан шишиб.

Мош табиб ювди илиқ сув-ла ярани,
Юмшагач боғлам, оҳиста олди докани.

Ярадор оёқ сал маддаланиб шишган,
Яра ҳам обдон етилиб тўлиқ пишган.

Муолажа бир ойчалик этди давом,
Яра тузалди, Темур соғайди батамом.

Азимбойга мўл айтиб иззат каломин,
Табибга элтди дилдан совга-саломин.

Оҳангаронга йўл олиб бўлди дохил,
Қишни ўтказди Оби туркда хўп аҳил!

*Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган
Хон интихобининг зикри*

Минг уч юз олмиш тўрт санаси, Ҳамалда,
Улус, юрт эди ҳали қишлов-қамалда.



Мовароуннаҳр улуси яшар Хонсиз,
Эл-юрт беэга, бир суворийки бошсиз!

Айёми Наврӯз Туронга бўлди дохил,
Улус, эл-юрт тинч, ҳукмдорлар эди аҳил.

Пойтахт Самарқанд шаҳри очганда чирой,
Туронзаминда чақирилди Қурултой.

Амирлар бугун интиҳоб²⁰ этар Хонни,
Куйдирмай жонни, оқизмай қизил қонни!?

Амир Ўлжойту Аперди қаддин ростлаб,
Мамлакат ҳолин айтди ҳақ гапни мослаб:

«Ҳар қутон қўйга ҳам керакдур бир чўпон,
Амиру беклар, улусга зарур сарбон!

Ҳар мамлакатнинг бор Подшоҳ ёхуд Хони,
Туронзаминда йўқ Фармон берувчи жони!»

Бебош мамлакат давлат эмас аввалдан,
Келтирди исбот-далил, тарих азалдан.

Очилди Турон эл-юрти Қурултойи,
Амир Аперди сўзин айтди бинойи:

«Мамлакат беҳон, танлайлик бир одамни,
Тўхтасин уруш! Ўйлаб босинг қадамни!?

Мамлакат хароб, қаранг эй бек, амирлар,
Низолар етар, бирлашайлик томирлар!»

Узундан-узоқ тортишув, фикрларга хос,
Темур номини Жоку барлос топди мос.

Темурбек туриб деди Қурултой аҳлига:
«Ёсо-юсун» бор, тўхтайлик бир ҳақлига!»

«Тутади» очкўз ҳам масабпараст Ҳусайн,
Тилга олмади номини деб «бетайин?»

Сермулоҳаза узоқ баҳсу тортишув,
«Ёсо-юсун»ни топди маъқул олишув.

Танлади «Ёсо-юсун» деб хонзодани,
Сайлади этиб Хон чингизийзодани.

Қобулшоҳ Дуржихон чингизий зотидан,
Илчигдай ўгли Дувахон авлодидан.



Ўтқиздилар оқ кигизга Дуржихонни,
«Уч бор кўтариб қўйди» сайлаган Хонни.

Чигатой улус тахтига ўтирди Хон,
Ўқилди хутба, сайлов ҳам ўтди беқон.

«Жангу жадалда ким савашган тўкиб қон,
Аттанг, «хонзода» дебон этдик кимни хон?!»

Уй-фикрлар ила довдираб Ҳусайн ҳамон,
Аламдан ёниб, юрди Темурбек томон.

Аслида Ҳусайн гапи бу эрк тугёни,
Дилдаги миллий гурурнинг илк исёни!

* * *

Қурултой фикри ёрди Ҳусайн дардини,
«Нега букдилар бек, амирлар қаддини?»

Ўй қумғонида қайнаб Ҳусайнбек шоввоз,
Темурга боқди бир зиёфатда «хўроз»:

«Ростда, хонзода ким ўзи, қилдими жанг,
Қон тўкиб Жета ҳолини қилдими танг?!»

Ҳусайн эслади кўрган жанг, савашларни,
Чўл бўронини, қул каби қамашларни.

Тошариқ жангда асирга тушган «анди»,
Амир Ҳамиду Искандар ўғлон- банди.

Темурга боқиб, тутоқиб қайнағаси,
Жарангдор айтди субутсиз ҳарб оғаси:

«Ёсо-юсун» да асир саналур гулом,
Сотамиз ёхуд ўлдирамиз, вассалом!»

Ҳусайн фикрини қўлламади амирлар:
«Аввал ҳисоб, сўнг бўлур озод асирлар!»

Аслзода амир Ҳамид, Искандар ўғлон,
Озод бўларлар тафтиш-ла бўлса имкон?!»

Ҳусайн бадкорни тутган қонталаб қўли,
Зиддиятга тик ундади амир йўли.

Солиҳ саройда сўнди Искандар ўғлон,
Тож-тахт талаши давом этарди ёрон!

* * *

Султон бахт бегим Соҳибқирон қизи,
Зукко, сарвқомат, ойдек жилодор юзи.



Ўлжой Туркон асл ниҳоли жонкуяри,
Амир Ҳусайнбек Мусаллаб жон жигари.

Қуйи Тангри тоғ-хутталонлик сирдоши,
Муҳаммад Мирак илк севган ёстикдоши.

Куёв тўрага етмагандай ошу нон,
Учиб ганимлар сўзига, қилди исён.

Қайнотасини олмай бефаҳм куёв тан,
Шамширин бирлан босди элни дафъатан!

Қамал этибон Мадинат ур-рижолни,
Забт этолмади қўллаб турфа қуролни.

Умаршайх ортдан Қапчиғайга етгач он,
Хутталон сари қочди домод шу замон.

Вахшнинг камондек Тошқўпригидан ўғлон,
Ўтиб топмади тоғ-тош бағридан макон.

Ҳар жафонинг бор ширин-аччиқ жазоси,
Куёвни этар афв ёҳуд этар қазоси!

Шоҳ Жалолиддин бўлса-да бадидан огоҳ,
Дара, Дарвоз ҳам бўлмади унга паноҳ.

Тариқдай тарқаб навкарлари чор тараф,
Дўстлари кетди ажраб, бўлиб бетараф.

Хутталон тоғу тошларида зап дайдиб,
Муҳаммад Мирак қолди мияси айниб.

Умаршайх тушди Қапчиғай саройига,
Дайди домод «афв сўраб келар» деб пойига?

Умаршайх битди тафсилотнома бийрон,
Домод фитнасин билсин деб Соҳибқирон.

Навкар Усмонбек девйигитлари бари,
Номани олиб от сурди пойтахт сари.

Бутоту довон ортида олганида дам,
Йигитлар босди дайди тўдани бардам.

Омад келгани бўлдиким Усмонбекка,
Занжирбанд бўлди Муҳаммад Мирак бекка!

Ўн икки навкар тек бўлгач озод умрбод,
Умаршайх олди итобга домодни бад.

Дилларни гап-сўз тиғи этди ярадор,
Фитна сабабин айтмади сўкур бадкор.



Қазо вақти гар етса ҳар бандага,
Ногоҳон бўлар қул, айланар бандига.

Алжираб беҳис баднафс исёнкор Мирак,
«Бувангиз подшоҳ бўлганми?!» деди терак.

«На келса бошга тилингдандур» мақол бор,
Гул бошга тушди шамшир, ўлди фитнакор.

Падардан олиб Умаршайх соний дашном,
Қилган қарори билдиким, бесабр ҳам хом!

*«Лой жанги» ёхуд Жетанинг
сўнги босқини зикри*

Минг уч юз олтмиш бешинчи йил, серёмгир,
Челаклаб қуяр гоҳо дўл-жала шир-шир.

Тўхтаб қолганди дала-ю боғда мўл иш,
Осмон гумбази тешиқдек, келарди қиш.

Оғир келаркан фасллар, ҳам оғир дамлар,
Дардманд мўл, уйлар совуқ, беиш одамлар.

«Дард устига боз чипқон...» нохуш хабар,
«Жеталар қайта босди», Хўжанддан чопар.

Темурбек амир Кулолдан олиб дуо,
Илтижо қилди «қўллагин?» дебон Худо.

Чорланди Ҳусайн Солиҳ саройдан ёрон,
Уч кунда тизди навкарин соҳиби қирон.

Тавочи, жарчи кучи-ла йиғди аскар,
Сафлаб қўшинни тайин этиб бош саркор,

Қўриғи Ипор сари қилди ҳаракат,
Хузорда дўстин сафи қўшди барокат:

Икки минг отлиқ, сара саф-саф навкари,
Зинда Чашм, Пулот Буғо-ла етди лашкари.

Икки кунлик дам, қўшинни этгач бардам,
Чинос ёнига юрди навкарлар ҳамдам.

Сайхунни кечиб юрди лашкаргоҳ сари,
Истеҳком қуриб, тик турди баронғори.

Темурбек кучоқ очиб қучди Ҳусайнни,
Қайнағаси ҳам сафга қўшди қўшинни.



Чинос ёнида тузиб жанговар ясол,
Отлиқ, пиёда аскарлар тутди қурол.

Сепалаб гашга тегарди тонгдан ёмғир,
Сепгандай муздай сув тўкиларди шир-шир.

Ёвга қарши жанг қилиш режасига хос,
Амир Ҳусайнбек турди баронғорда мос.

Темурбек сафи тизилди жавонғорда,
Талончи орлот канбул²¹и баронғорда.

Калон амирлар баронғор, ҳировул²²га бош,
Жанг саҳнида ҳар бири эди кўзу қош:

Амир Ўлжойту Аперди, Пўлот Буго,
Шер Баҳром бирлан Фарҳод Аперди тоға,

Малик Баҳодир тартибга қараб турар,
Зидма-зид шўриш қочоғин йўлин тўсар.

Амирлар турди сафга мос ҳировулда,
Содиқ амир, бек сафланди қоровулда.

Бошлади жангни олайин деб халқ ўчин,
Илкис Жетани босди кўсатиб кучин:

Темурбек Шангум нўён жанговорини,
Сор Буго қипчоқ—канбул жавонғорини,

Ҳарб Темурхўжа қировули жанговорда,
Ёвни тасхир-ла босди сийрак ёмғирда.

Кекса амирлар Сайфиддин, Жоку барлос,
Шай турди Аббос боҳодир, Мурод барлос.

Ҳамла-ла сурди Янчай деб залворини
Баракс Оллоҳим берди ёмғир-қорини.

Жангга киргач он Ядачи²³лар буғини,
Илёсхўжахон сурди Темур тугини.

Ёмғиру қор ҳам қиларди ўз корини,
Лек тўс-тўполон, жанг ютарди барини!

Саваласа-да ёмғир-ла паға-паға қор,
Темур ундови Ҳусайнга қилмади қор!

Илёсхўжахон ишлатди ҳарбий амал,
Темурбек сафин этай деб тезкор қамал:

«Жавонғор чекин!» деди Илёсхўжахон,
Михлаб бошқа сафларни ўрнида шуон.



Темурбек билди бу ҳарбий тузоқ-ҳийла,
Ортига қайтди, тўсибон юзин чий-ла.

Сабаб: Ҳусайнбек кирмади «лой жанги»га,
Ёпиниб кигиз, ўхшаб қўрқоқ бангига!

«Ботқоқда ўлиш ёқмайди!» дебон Ҳусайн,
«Лой жанги»га тиг урмади, ул атайин,

Жангмасди бу, бир жаҳаннам, қон ботқоғи,
Инсон қўрмаган, эшитмаган ҳеч қулоғи!

Кишнарди лойга ботиб, йиқилиб отлар,
Фигон соларди фалақдан беҳис зотлар?!

Навкарлар шаҳид кетди, қон, лойга ботиб,
«Лой жанги» қолди, тарих сатрида қотиб!

* * *

Сайхундан ўтиб бебурд «дўст» апил-тапил,
Юртига кетди қуёвга бўлмай кафил.

Мўғулдан қочди ваҳима босиб қушдай,
Солиҳ саройга етгани бўлди тушдай.

Мўғул даҳшатли гирдоби ўраб нукул,
Шабарту сари қочирди кўчин буткул.

Шаҳидларини Темур қабрда қолдириб,
Сайхундан ўтди озодлик руҳин ундириб.

Навкар сафлади Кешга етиб Темурбек,
Қўшиш айлади сафга солиҳ ўғилдек.

Ҳарбий ҳимоя ўта паслигин англаб,
Кучар бўдилар Самарқанд сари тонглаб.

Кўчди еттита қўшин манзилгоҳ сари,
Темурхўжа ўғлон, Жовурчи, Аббос бари.

Шаҳару қалъа, улус истеҳкомига,
Қўшилди кучу қудрат, қўшин жомига.

Самарқанд аҳли кутиб ўз халоскорин,
«Ёвдан қутилдик!» дея айтди офарин.

«Халоскорлар»га берди мўл-кўл зиёфат,
«Энди келмас» деб жетазотлар-касофат.

Ширакайф амир Жовурчи қилди ҳазил,
Бемаврид гапни оқибати бўлди зил:



«Амир Ҳинду ҳам Довудхўжани тутиб,
Темур берармиш Ҳусайнга» деди, кутиб.

Тукин дастурхон пешидаги бузуқ гап,
Ўтқизмади бек, амир, навкарларни хап!

Лақма амирлар чинга йўйди ҳазилни,
Сониян қочди тонгда кўрмай бир зилни.

Илёсхўжахон бўлдилар валинеъмат,
Муғул муштин «еб» сўнг англади бу туҳмат!

Самарқанд сари юрди бўлиб ғажарчи,
Ўз элига ёв-душман сотқин хабарчи.

Туҳмат нидоси етди Темур қулоғига,
Саркарда «ботди зап лаънат булоғига!»

Беўй айтилган ҳар сўз қонсиз жароҳати,
Дилдаги битмас яра жон-тан офати!

Сўниб борарди эрк кураши қалбида,
Табассум бирлан ширин суҳан лабида!

Қон кечиб қилсанг жанг, эрк, озошлик дебон,
Туҳмат тўфони босса беаёв ёмон:

«Кетмоқ керак! Эл-юртдан сал узоққа,
Тушмасдан яна туҳмат, босқин, тузоққа!»

Кетди бамаслаҳат Балх сари тинч маконга,
Ўрганиб жангни етармиш ул армонга...

Бегона юртда боладай хўп бўзлади,
Ташқи-ички ёв тор-морини кўзлади...

***Самарқандни ҳимоялаган сарбадор-
ларнинг озошлик кураши зикри***

Эл-юрт бошига тушганда оғир кунлар,
Босди беизъ ар кун, беором қора тунлар.

Кўзга кўриниб лаълу жавоҳир, кумуш,
Лек Ҳусайн кетди элни этиб фаромуш.

Кимга кўринса азиз жони, мол-мулки,
Эларо бўлар беҳурмат, ажаб кулки!

Элим, юртим деб савашди муғул билан,
Темурбек чиқди «ёмон»га «моғор» бирлан!



Одилларга бир сўз етиб ҳам ортади,
Писмиқ отган сўз жабрини ким тортади?!

Ноўрин қамчи зарбидан кишнайди от,
Не бедодлик бу адолатпарвар зот?!

Ҳусайн -Шабарту, Темур кетди Балх томон,
Ҳоли Дуржихон танг, бесаркарда ёмон!

Амирлар элни ташлаб кетди бенаво,
Шаҳар беэга, бедарвоза бўлар расво!

Тугён урди эл қалби, синъоатзода²⁴лар,
Қўлга олди тиг, шамшир ноаслзодалар:

«Шаҳарга кирмас ёғий, инсу жинс асло,
Самарқанд азим шаҳар бўлмасдур расво!

Бойлик бек,амир, бойваччалар-бедардники,
Шаҳар кимники, қўриқлаган мардники!»

Дебон қўзғолди шаҳар аҳли, оломон,
Жетага зидма-зид қора уннос ёмон.

Зирқирайди дил ханжар етса сўнгакка,
Гар кўкрак тегиб, бош қўйилса тўнгакка.

Мўғул зулмини кўринмас бирор чети,
Беҳаё келар босиб, йўқ уят,бети.

Бир юз эллик йил қон сўрди баднафс зулук,
Жеталар кетса, эл-юрт бўларди тузук!

Сарбадор²⁵-«бошин дорга тиккан» йигитлар,
Ҳарбий, зиёли, ҳунарманд эди бургутлар.

Абубакр Калавий асл наддоф бош- қош,
Эрксевар инсон, ақлга тўлган, зукко бош.

Мавлонозода - мударрис, улуспарвар
Тиббий,исломий билим богида сарвар.

Хурдак Бухорий — мерган, ўқ-ёй устаси,
Қийғир кўз, душман-ёмоннинг қушандаси.

Уч аҳил сардор, мақсади-озодлик,тек,
Шаҳарни сақлаб, ёв босқинига қўйиш чек!

Карнай садосин эшитиб ёшу қари,
Оломон юрди Регистон саҳни сари.



Масжиди Жоме ҳовлисига бўлиб жам,
Улус тинглади Калавий сўзини ҳам.

«Халойиқ! Тингланг қисқа, лўнда сўзим,
Бирлашинг! Ёвни қувинг! Йўқолсин тузум!

Босмоқда яна Самарқандни мўғуллар,
Овланиб қизлар, осилмоқда ўғиллар”.

Маслакдошларни кўтарди уч саркорлар,
Мўғулларга зид, эрксевар сарбадорлар.

Сўз олиб Хурдак Бухорий боқди халққа,
Сўнгра ловуллаб деди жушқин «булоқ»қа:

«Шаҳар безга, амиру беклар қочган,
Юртини ташлаб кетган, чироғи «ўчган».

Мўғулга қарши ким бўлади бош, саркор»
«Калавий ўзи!” ҳайқириқ, бўлсин сардор!”

Сафдошлар деди: «Ё ҳаёт ёхуд ўлим!,
Эрк сари олға бос! Шудур асил йўлим!»

Халқ-ла Самарқанд кўчаларин мустаҳкам,
Тўсди портловчи нафт-ла уч уста ҳакам.

Самарқанд ичра қуриб чўнг ғов, истеҳком.
Ёв йўлин тўсди сарбадорлар чинакам!

Тасхир-ла бир-бир босиб келди мўғул,
Самарқанд сари Илёсхўжахон ўғил.

Лек Сарбадорлар ғамлаб тош-темир, зангни,
Ёғдириб дўлдай болади ёв-“наҳанг”ни.

Портлатиб тўсиқ-истеҳкомларни бир-бир,
Мўғул мурдасин қилди уюм, дўнгу қир.

«Самарқандга ўт қўйиб этармиш хароб,
Шаҳардан қолар эмиш фақат бир сароб».

Бевақт вайсади ёв, қичқирган хўроздай,
Вовуллаши ит каби ноўрин роздай...

Ишга тушириб ҳам аррода-ю нафт андоз,
Буколмади ёв сарбадорларни шоввоз!

Оллоҳ карами кенг, ҳуш кўрмас хўрликни,
Ёмонга бериб жазо, олқар шўрликни.



Самарқанд аҳли босди ур-йиқит, кулат,
Мўғул отига тегди касаллик «Ўлат!»

Қирилди бари, зап синди пўлат шамшир,
Мўғуллар боши етди тўнгатка дир-дир.

Ҳар дарднинг бўлар давоси ё бир чети,
Зулмнинг жавоби — бекафан ўлим кети!

«Одилга берар мол-давлат, бахту иқбол,
Ёмонга ўлат-бедаво дард!» шундай ҳол.

Илк ҳокимият ўтди улус қўлига,
Бойлар айланди сарбадорлар қулига!

Мовароуннаҳр комига тарқаб хабар,
Темур, Ҳусайнга етди елиб хушхабар.

Ҳокимиятга халқ келди, Темур чекланди,
Ваҳима босиб Ҳусайнбек ҳам кекланди!

*Улус ҳокимиятига қарши
Ҳусайнбек ғаразлигининг зикри*

Амирлар тушди зап сиёсий тангликка,
Қўнарга жойи йўқ, мустаҳкам тагликка.

Темурбек «ёсо-юсун» тарафдори,
Ҳусайнбек фақат мол-мулк, жавоҳир зори.

Ҳусайн олмади тан бу авом ул-носни,
Беку амирни боққан деҳқон, ул хосни.

Ҳусайн ким? Қочоқ, писмиқ, сиймтан хушдори,
Олмасмиш ул тан авомни мансаб зори!?

Аламдан ёниб қалби Ҳусайн Мусаллаб,
Ҳокимиятни тортиб олармиш зўрлаб:

«Мовароуннаҳр узра тушса гар Қуръон,
Авом ул-носдан чиқмасмиш амир-ут-Турон?

Сарбадорлар ким? Ялангоёқ дарбадар,
Ясоқда бошдан айрилувчи сарбадор?»

Нопок фикр суриб туллак амир Ҳусайнбек,
Фаромуш этди элсиз кимга керак бек?

Минг уч юз олтмиш бешинчи йил қиш фаслин,
Ўтказиб дам-ла сафдош топди ўз аслин...



Баҳорда куйлаб ҳарбий юриш нағмасин,
Темур кўрармиш сарбадор туғ, тамғасин.

Ўйнатиб отлар дукур-дукур туёғини,
Келарди жўшиб, кўради буёғини?

Жайхундан ўтиб лашкар Самарқанд томон,
Етди Кониғил қўриғига соғ-омон.

Ҳақ ҳокимият- авом улус тузуми,
Ёқмабди “дўст”га сарбадорлар тизими.

Лек Сарбадорлар шон-шарафнинг кўйида,
Ташриф этдилар кўмак сўраш ўйида.

Зўр зиёфату қутлов, мақтовдан кейин,
Самарқанд сари қайтишди уч оғайни.

Уч қаҳрамонлар шаҳарга етди маъмнун,
Бошқарув йўлин ўйладилар ҳамчунин.

«Эл-юртга керак ҳарбийлар!» деб сарбадор,
Такоран юрди Кониғилга зарбадор.

Ҳусайн сездирмай бўлишин «қиёмат»,
Қаҳрамонларга берди пур-пур зиёфат.

“Уч ботирни маҳв этсам, дор сиртмоғида,
Сўнг қатл қилурман куёвни қароғида,

Бошқарув менга ўтар-илк ҳокимият,
Талбисни ишга солай қилмайин уят!”

Шу ўй-ла Ҳусайн режа тузди-ку маккор,
Макр ижросига бугуноқ тушмоқ даркор:

«Бевақт чорлайин табиб «дўст» ярасига,
Аччиқ туз сепай эт-тери орасига!

Оқсоқ оёққа табиб берганда дармон,
Муолажада захри малҳам олар жон.

«Зиёфат» шумтак қайнағанинг ҳийласи,
Табиб ташрифи эса-талбис қуйқаси.

Ҳусайн мақсади – “Битсин сарбадор,
Ҳокимият менга ўтсин бўлайин тождор”.

Ўқилди Темур номидан сохта Фармон,
Калавий, Хурдак Бухорий, қатли армон!



Табиб ярани шошмай кўрди, батафсил,
Сўнг малҳам суркаб деди: “Даволанг ҳил-ҳил!”

«Ясоқ томонда шовқин-сурон, дол-фарёд,
Не гап? Ҳайқириқ! Келганми дорбоз, сайёд?»

Дебон сўради чухралардан Темурбек,
Босабр жавобин кутиб туролмади тек.

«Сарбадорларни Ҳусайн осмоқда дорга!»
Шум ҳабар айланди заҳарли морга.

Темурбек илғаб қалтис “уйин” борлигин,
Сакраб тик турди, тинглаб шовқин зўрлигин.

Суркалмай қолди очилиб яра жойи,
Жон олувчи ўт-чаён балзам-заҳр мойи.

Важоҳат-ла дод солди Темурбек шу он,
Отга минди бир сакраб, соҳиби қирон.

Тўхтатай дебон Ҳусайн макрини сардор,
Етибон деди: «Қатлни тўхтат тез, бадкор!»

Шитоб-ла кириб Темурбек дор баҳрига,
Барҳам берди шу он Ҳусайнбек қаҳрига.

Мавлонозода бўйнидан тушиб чилвир,
Одиллик ели эса бошлади ғир-ғир.

Ўгрилиб навкар, сипоҳу оломонга,
Деди: «Жонга қасд қилманг, омонотга!»

«Тўйдим!» дер очкўз қабрда тўлса хокқа кўз,
Писмиқ, қонхўрга кор қилмас ҳақ, ҳурфикр сўз.

Гар ютса мол-мулк, лаъл, жавоҳир гирдоби,
Ислоҳ бўлмас фикр, ҳайвонсимон одоби.

Дўст айланса беҳис душманга ногоҳ,
Жаллодинг бўлур, ҳар он бўлмасанг огоҳ!»

Ҳусайнбек тўкиб бор обрўйи қадрини,
Эларо бўлди расво, букиб қалдини.

Самарқанд шаҳри азим, ложуворд кони,
Ҳусайнга ошён бўлди жазо макони!

«Дўст»-қайнаға илк бор куёвдан чўчиб,
Кетар бўлди бош олиб, пойтахтдан кўчиб.



Қовоқ осиб, ер чизиб кетарда Ҳусайн,
Кулиб сўради “совға”сини бетайин.

Сингилга оға тўйда этган инъомини,
«Қарз» дебон, туллак ютди ўз Иймонини?

Тўплаб нақдина кетармиш тугиб борин,
«Гўё қумсабди падар хоки-мозорин?»

Куч- кўронини йиғиб чиқмасдан жони,
Солиҳ саройга кетди оқмасдан қони.

Қушиндан буткул ўчди Ҳусайн қораси,
Темурни кутар жонажон Кеш қалъаси..

Солиҳ саройда ўй сурди Ҳусайн сирли,
Темурни енгилш йўли чалкаш, қинғирли.

Сафдош қайнаға элга бўлолмай сардор,
Қичқирди зоғдай ичиб гулоби хуммор.

Тўхмат хатини битди сайрабон «қарға»,
«Темурбек бўлсин деб бадному бадарға».

Темурбекни Хон чорлаб, олиб итоб-ла,
Қамади, қасам ичирди, Куръон ила.

Безанжир қамаб қўйиб чоҳи зиндонга,
Айбин айтмади хонзодаю мардонга.

Девонхонадан билиб хат имлосини,
Тафтиш-ла топди беном битик эгасини.

Ҳақиқат топиб ирғайдай устунини,
Темурдан ечди асл тўхмат пўстинини

Ҳусайнбек мунофиқлигининг зикри

Султонбахтбегим Ўлжой Туркон ниҳоли,
Темурбек ёрин меваси, ширин боли.

Ҳусайнбек қолди беқариндош, беаҳил,
Дорилбақога сингили бўлгач дохил.

Куёв бўлди ёв, очиқ бамисли мўғул,
Жангу жадалда бош рақиб барлос ўғил!

Ҳарб маккорлигин уста-фаранги Ҳусайн,
Лашкар йиғди ҳақ куёвга зид, атайин.

Кўрқмас, ўлимга тик қаровчи Темурбек,
Навкар йиғди, зап яғринлари метиндек..



Қуръонни тутиб Гумбази саййидонда,
Қасам ичганди Ҳусайн ўтган замонда.

Инониб бўлмас шум қайнаға лабзига,
Чаёндек нишин тикармиш «дўст» бўғзига!

Талбис пихини ёрган амир Ҳусайнбек,
Тилу қўли-ла ишлади ўтирмай тек.

Битди сатридан бол томадиган нома,
«Дўст»ин чорлабди тузарга сулҳ-шартнома.

Жаранглаб дағи Ҳусайнбек чўнг овози,
«Дўст»ни тутарга шайланганди сарбози.

Малик баҳодир ҳам Абдулла юзбоши,
Номани элтди Темурга Ҳусайн сафдоши.

Қўшинлар Темир копугдан ўтиб олди роҳ,
Темур Бойсунда қурди улкан лашкароғ.

Ўратепа-ю Хўжанд туманларин аскарлари,
Келмасдан қочди ясавурий навқари.

Аббос баҳодир қўшин-ла етди бохайир,
Жоку барлос ҳам қўрқмас Баҳром жалоийр.

Хусорга тўплаб Темур захира қўшин,
Деновга уч юз отлиқ юрди жўшқин.

Икки юз ўктам навқар бўлди захира,
Чакчакда бўлар юз бир навқар овора.

Шу манзилгоҳни этди учрашув жойи,
Ҳусайн келмади қўллаб макрни бинойи.

Хўжанддан қайтди сипоҳ Баҳром жалоийр,
Сипоҳлардан саф тузиб дилдан бегаийр.

Қишлоқдан Шер Баҳром Хутталонга омон,
Ўтди зар-олтин олиб Ҳусайнбек томон.

Қаршига яна қайтиб Темур лашқари,
Жангу савашга шайланди бор навқари.

Танги Чакчакка чорлаб куёвни маккор,
Сулҳ тузиб узар бўлди бошин ҳийлакор.

Деновга юрди сулҳ баҳонасида Ҳусайн,
Уч минг отлиқ-ла босармиш «дўст»ни кейин.



Темурбек англаб номард ҳйласин ногоҳ.
Юз отлиқ қайтди ортига бўлиб огоҳ.

Лек Қотлиш қишлоқ ёнида бўлди саваш,
Шиддатли борди жанг бўлмай «дўст»-ла яраш.

Хусайн қўшинни жангга чорлаган сайин,
Саваш тобора бўлди куёвга қийин.

Темурга амир, беклар бефарқ, жипслашмай,
Хусайнга бири ўтди, қочди савашмай.

Денов. Жигдалик сойида бешафқат жанг,
Темурни мағлуб этди Хусайнбек аранг.

Қотлиш жанги ҳам берди бисёр талофат,
Ғалаба берди Хусайнга зўр илтифот.

Қотлиш жангини Темур буткул бериб бой,
Чоҳи Исҳоқдан Моҳонга кетди ҳайҳой!

Куёвни қувиб бегона эл-юртларга,
Бўлармиш ўзи «наби» Турон элларга?

Хусайн бўлганди «банди» туркман элида,
Кучу қувват, жон бўлган чоғлар белида.

Эслади чеккан азоб-уқубатларни?
Куёв бошига солди шу гурбатларни.

Чоҳи Шўробда икки юз қирқ уч нафар,
Жайхундан ўтиб, кутди эл-юртдан хабар.

Мовароуннаҳр очқичи эди Қарши,
Темур ҳам Хусайн обдон биларди яхши.

Амир Мусо ўн икки минг навкар билан,
Қалъани айлар ҳимоя ҳар кор бирлан.

Куёв қўлини кишанлай дебон Хусайн,
Манзили Темур сари от қўйди атайин:

«Чоҳи Шўробда куёв бўлади банди»,
Дебон қўшинга боқди Хусайнбек «анди».

Йўлда қўшилган икки минг қораунас-ла,
Шошилди Хусайн етти минг ҳамдаст ила.

Ортгач қудрати, қайнаға кериб бағрин,
Лашкарга сочди амир ғазабли қаҳрин.



Ортда қолдилар Ҳузор, Қўрғошин туя,
Етиб Гумбази лўлига қурди «уя».

Обдон текшириб қўшинни Ҳусайн,
Шайланди Чоҳи Шўроб сари атайин.

Темур навқари бирикиб қарвон бирлан,
«Чу-чу»лаб тушди йўлга бош сарбон билан:

«Ҳирот-тинч, Маймуруғ тарафда бисёр қўшин»,
Қуриқдан хабар етди бамисли яшин.

Ҳусайнбек тўққиз минглик қўшин сардори,
«Темур бошини янчиш эмиш асл кори».

Саркарда куёв ақлли, ҳарб билимдони,
Иймонли, Оллоҳ қўллар, бисёр имкони.

Ҳусайн етгунча Чоҳи Шўробга бир-бир,
Темур зидма-зид юрди ошиб қирма-қир.

Мовароуннаҳр очқичин забти сари,
Темур навқари кечди Жайхунни бари.

Мавж ўркачи паст Бурдалик кечувидан,
Ўтиб жанговар яйрар шоп кесувидан.

Чоғониёнда йиғди Темурбек аскар,
Жавонлардан мўл қилич серпавчи навкар.

Жипслашди амир Довуд*, Муаййад¹¹, Аббос,
Суюртгатмишу Жоку олай деб қасос.

Амир Сор Буғо, Маҳмудхўжа Бухорий,
Сайфиддин Темур ортидан юрди, орий.

Жанговар лашкар Ширкентда олиб дамин,
Тунда Қаршини босди, олиб аламин.

Ҳусайн лашқари ўрнидан турмасданоқ,
Қалъага кирди Темур лашқари иноқ.

Жайхунга Ҳусайн оти етганга қадар,
Темурбек олди Қаршини унга қадар.

Чопардан нохуш хабар тинглаб тулки,
Ҳусайн ортига қайтдилар бўлиб кулки.

Қочди «шер» амир Мусо Солиҳ саройга,
Сўкиб саройбон киритмади тинч жойга.



Дарбон ҳақорат этиб сийлади чунон,
Ҳавога сочиб сўз тарсакисин ёмон.

Темурбек Қарши калъасин олди ногоҳ,
Ҳусайнбек йўли тўсилди, иншооллоҳ.

Бир мингу уч юзу олтмиш беш санада,
Саркардаликка тўғон қўйди панада.

Темурга тобе қисман Мовароуннаҳр
Ҳусайнбек босиб келарди сочибон қаҳр.

Хутталону Балх, лаъл макони Бадахшон,
Ҳусайн шаънига айтдилар шарафу шон.

Минг уч юз олтмиш олтинчи йил баҳори,
Сабза урди дов-дарахт, наботот бари.

Ҳусайнбек қўшин йиғди, сўнмай ҳафсаласи,
Дилин қамраб мол-мулк, мансаб васвасаси.

Солиҳ саройда тўплабон бисёр навкар,
Қаршини қайта олишга юрди бадкор.

Солиҳ саройдан ўн икки минглик лашкар,
Танги Чакчакка кўчди жанговар шунқор.

Жаҳоншоҳ, Пулот Буғо, Аперди саркор,
Амир Мусо бош-қош эди ҳарбга ҳамкор.

Ул шиддат бирлан кўриб қўшин манглайин,
Оқ қиядан сўнг жанг-жадал бўлди тайин.

Икки кунлик жанг шаҳидларга бўлди мул,
Оқди қон чексиз, кўлмак бўлиб мисли кўл.

Темурбек ғолиб бўлиш узангисида,
Амирлар бўлди Ҳусайн посангасида:

Малик баҳодир, Дурра Темур сафларин,
Сотқинлик ўти қамради дил дафтарин.

Темурбек мағлуб, саф қочди Хуросонга,
Ҳусайнбек ғолиб, донғи кетди жаҳонга.

Сайфиддин, Аббос баҳодир, Жоку барлос,
Бухорога йўл олдилар этиб ихлос.

Маҳмудшоҳ, Али Ясовурий эрксевар,
Билимдон саркор. сўз устаси, элсевар.



Бирлашув фикрин топмай Жоку барлос ҳеч,
Амиру лашкар бирлан кетди тунда, кеч.

Изма-из етди Бухорога Ҳусайнбек,
Қалъани қамал этди баднафс айнайн²⁶ бек.

Ул шабихунда олиб беҳад талофат,
Қалъадан қочди узоқлашиб касофат.

Савашди улус, Бухоро бахти учун,
Маҳмудшоҳ, Али Ясовурий тахти-чун.

Ололмай шаҳри Бухорои шарифни,
Ҳусайн қайтди ортга йўқотиб шарафни.

Темур Хуросон элидан йиғиб навкар,
Туркман Санжарий сари қўчилар лашкар.

* * *

Мохонни этиб зўр жанговар лашгаргоҳ,
Навкар тўплади Темур бўлибон огоҳ.

Мохонга қайтди амирлар, Жоку барлос,
Саркарда куёв - Темурга қўйиб ихлос.

Синдирар бўлди амир Ҳусайн шахтини,
Қаддини букиб олар бўлди қасдини.

Жипслашди дўсту хеш, сафдошу қўмакдош,
Улус берди мўл қўмак, бўлиб маслакдош.

Ҳиротга Жоку барлос бўлди илк элчи,
Алар бетараф ёхуд ҳамнафас йўлчи.

Ҳиротдан олмай аниқ, дўстона жавоб,
Жоку барлос тез қайтди отини саваб.

Темурни чорлаб амир Малик Бодхизга,
Сир бермади ҳарб ишида Сизу бизга.

Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн ҳийлакор,
«Жория қилмас сирин элга, нобакор.

Пинҳона шаҳид бўлганди амир Чўпон»,
Темур ўй сурди бўлмай деб бевақт қурбон.

Этмади ташриф Бодхиз учрашувига,
Учмади Малик Ҳусайн дўстлашувига.



Минг уч юз олтмиш еттинчи йил ёзида,
Жайхундан ўтди Бурдалик кечув саёзида.

Жўйи борийда олти юз лашкар олди дам,
Темурбек жангу жадалда бўлди бардам.

Бисёр амирлар Ҳусайнбекни этди тарк,
Темурбекка йўл очилди мисли арк.

Қўзи мундоқда саваш бўлди ҳўп ёмон,
Қирғин, оқди қон, бош думалаб беомон.

Қамалга тушди саросар ёв лашкари,
Солиҳ саройга қочди Ҳусайн аскари.

Темур лашкари тутиб ғолиблик туғин,
Этмади тақиб Ҳусайнни саф-буғин:

“Ортида амир Мусо, олдинда Ҳусайн,
Ўт ўртасида хасдай ёниши тайин!”

Ўй суриб Темур ўтди Кешу Хузордан,
Паноҳ топарин ўйлади Самарқанддан.

Шу боис юрди Самарқандга даставвал,
Соғарж, Фиринкент иликка ўтди аввал.

Самарқанд шаҳар ҳимоясин енголмай,
Амир Мусога жангда қарши туролмай,

Зое кетди куч, берди бисёр қурбонлар,
Оқибат, кетди қўлдан мавқе, имконлар.

Қаршининг қўлдан кетиши, тўкилган қон,
Темурга бўлди «дард устига боз чипқон...!»

Ҳусайнбек қувлаб келар Самарқанд томон,
Эҳ, чекинмоқдин ўзгача йўл йўқ, имкон!

Учарга қанот йўқ, осмон чўнг, ер қаттиқ,
Уч тарафда ёв, Шошга йўл олди отлиқ.

Жону мавқеин бут сақлаш илинжида,
Жетага юрди, офтоб пешин буржида.

Кайхусрав Шош остонасига ўтди,
Қўрагон либос кийиб Темурни кутди.

Ясун Темур ибн Абуқанинг куёви -
Кайхусрав Шошда ҳоким, зўр келган ови.

Туман Қутлуқ ҳар он камарбаста ёри,
Ҳарб Кайхусравнинг келган корин барори.

Минг уч юз олтмиш саккиз сана йил қишида,
Темурбек бўлди ёв ноибларин «ичида».

Кайхусрав, Баҳром жалойир фикрин қўлаб,
Хато иш қилди Жетага чопар йўлаб.

Амир Ҳожибек Қамариддин-ла сари,
Чопар қайтгач ул билди: «Ёв босар, бари!».

«сўнги бу афсус бўлди ўзига душман»,
Темур бек ўзин сўкиш-ла қилди армон!

***Мовароуннаҳрдаги сиёсий ва
ҳарбий танглик зикри***

Тангри таоло карами беадад кенг,
Ғолибу мағлуб бандани кўради тенг.

Темурбек Қуръон қаримни этиб тавоб,
Ўз хатосидан, ажабо бўлди кабоб.

Тангрига этиб беадад мурожаат,
Нажот сўради, ўқиб Қуръон, муножот.

Хатони ислоҳ қилиш йўллари излар,
Кўзидаги ҳар мижгон мисли осмон излар.

«Пирлар хокини сурма айтади тавоб иш,
Ҳазрат Султонни тавоб қилмади кори хуш!»

Яссига «учди» мисли кабутар оғол,
Пирин руҳидан дили бўлди ғарбод.

Қайтиб азим Шош шаҳри оstonасига,
Дардин ёрди росту дўстонасига:

«Кайхусрав фикрин ўйлаб нетмай кетини,
Ҳусайн мағлуби-чун чорладим Жетани!»

Темур хатосин зўрга тинглаб дин аҳли,
«Андак хатолик бўлибди», чиқди жаҳли.

«Хатони ислоҳ қилиш йўли-сулҳдир,бек»,
Дебон ўрнидан турди шайхулислом тек:

“Мактуб-ла вакил юбормоқ сулҳнинг шарти,
Бўтам, гар Оллоҳ қўлласа тегар нафти?”



Элчи Бахшанда Солиҳ саройга юрди,
Туроншоҳ ғаним отини Шошга бурди.

Шошдан Самарқанд сари отланди лашкар,
Йўлакай қилиб жанг исёнкор-ла навкар.

Тушди Нимушкент қишлоққа сулҳ тузарга,
Темур ҳам Мусо келишди шу гузарга.

Тинчлик бўлсин, деб ўз ҳиссаларин қўшди,
Нимушкент тарих зарварағига тушди.

Сулҳ шартларига томонлар бўлди ризо,
Темур ҳам Мусо чекди илк сулҳга имзо:

«Темир қопуғнинг ости Ҳусайнбек ери,
Темир қопуғнинг усти Темурбек ери!

Ёғий босса гар дўст еру маконини,
Қўмак берар дўст, топиб ўз имконини!»

*Ҳусайнбекнинг тобелик сарҳадини
кенгайтириш ҳаракати зикри*

Сулҳ қарор топган санадан этиборан,
Тўхтади жангу жадал, саваш, тирборон.

Амир Мусо-ю Ўлжойту Аперди ҳам,
Солиҳ саройга қайтди от суриб бардам.

Темурбек Кешга етиб кўрди қалъани,
Тиловат этди Қуръондан бир сурани.

Унутиб бисёр кундалик ташвиш, дамин
Сўради улуғ падар тупроғин ғамин.

Қундузни этди Ҳусайн очкўз лашкаргоҳ,
Бадахшонни бу босарга эмиш огоҳ.

Совумасдан тиг Балхдан етди шумхабар,
Ҳирот ҳокими босармиш ёзга қадар.

Лашкаргоҳ этиб ул Мурғобни атайин,
Балхга тортибди мўл қўшин Малик Ҳусайн.

Чорлади Ҳусайн қайноғасини алҳол²⁷,
Ҳиротлик ёвни қувайлик дебон дарҳол..

* * *



Қундузга юрди Темурбек тўплаб лашкар,
Хонободда илк тизди навкарин саркор.

Пули чироғу Шибирғон ҳам Маймана,
Форат бўлибди лашкар етгунча, ана!

Ҳусайнни қучиб ҳузурида даставвал,
Қўшин ҳаракат режасин тузди аввал.

Лашкаргоҳ этиб Ишқошим яйловини,
«Дўст»лар бир бураб қўйди шоп мўйловини.

Шоҳи Бадахшон буткул, мутлақ бенизо,
Итоаткор ҳам тобе бўлишга ризо.

Ҳусайн найзасин ўтқир учи емай лат,
Бадахшон қонсиз қўлга ўтди беталофат.

Муғомбирона илтифоту кайфият,
Ҳукмини олиб Ҳусайн берди зиёфат.

Ғолиб шаънига айтди бисёр офарин,
“Дўст”лар ҳар сўзи бийрон, лек беоҳарин.

Ҳусайнбек қилди буюк мажлиси жамшид,
Хон ўтирарди кеккайиб мисли хуршид.

Аҳли жамшидни ҳушин олганда шароб,
Лоларанг шарбат захри этаркан хароб.

Темуру Хонга нигоҳ ташлаб атайин,
Сертакаллуф сўз бирлан авради Ҳусайн.

Узоқ юришу лаълу жавоҳир сари,
Ҳусайн «отланди», дўст кетмасдан нари.

Юриш борасида “дўст” кучин этди дoston:
«Дўстликдан қайтди Зобулу Қобулистон!»

Шитоб-ла бериб ҳарбий юришга қарор,
Ҳиндиқушдан ошди илк бор лашкар.

Қобулистонни қучди довондан ошиб,
Ясовурийлар жаҳлдор, қолмади шошиб.

Уч ой курашиб, савашиб қилди жанг,
Оқибат, қириб элни ҳолин этди танг.

Ясовурийлар ютгач тобелик захрин,
Турон қўшини босди мутелик муҳрин.



Темурбек курди тадорикин қайтарга,
Лек ҳеч иложи йўқ хонга сал айтарга.

Боғланган хонга безанжир бениҳоят,
Сўрову тафтиш чекланган имконият.

Қобулхон турган мазил бу ҳокимият,
Берухсат кетса Мовароуннаҳрга уят.

«Қуббат-ул-Ислом»³² - Балх агар бўлса пойтахт,
Қобулхон бўлар измимда ул, ҳам тож-тахт!»

Ҳй-фикр-ла Ҳусайн топди Балх таъмирини,
Ёпди хоннинг бир дилдаги замирини.

Ҳусайнбек минг бир ҳйла-найранг, важ билан,
Темурни тутар, занжири тож-тахт бирлан.

Этиб чўнг парвоз шум хабар Балхга етди,
Темурбек-ла Хон зап қора терга ботди!

Темурга кўмак етиб келди гаштига,
Мўғул қўшини туллак «Ҳусайн забти»га.

Темурбек қайтар ёвдан чўчиб юртига,
Қобулхон энди ҳеч қайтармас ортига.

Сана минг уч юз олтмиш саккиз, Саратон,
Мўғул қўшини Шошни кучди беиён.

Жета зотлари қишлади чақчақлашиб,
Уруш- савашсиз баҳсда гоҳо талашиб.

Сухбату ошда бетакаллуф тортишиб,
Келишмай қолди бир-бирин тепишиб.

Амир Ҳожибекни тепдилар бирин-кетин,
Шировул, Кепак Темур ҳам Қамариддин.

«Узоқдан келдик» деб ошдилар қуюшқондан,
Шошдан кетди ёв, танлари уюшгандан.

Амир Ҳожибек³² эрта тонгда қотмай донг,
Жадал-ла урди «Амирлар кетди!» деб бонг.

Жеталар отин бургач мўғул юртига,
Балхга Ҳусайнбек қайтди аста ортига.

Мўғул аҳволин билибон хуфиядан,
Шош томон чиқар бўлди лашкар “уя”дан.



Темур қайтадан тузди жанговар қўшин,
Жеталар бошин узарга тайёр жўшқин.

Фикру режа-ла Хондан олибон фатво,
Сафлади қўшин зафар дебон муддао..

Жиззах тарафда Новқа, Қорақишлоқда,
Темурбек, Мусо қишлади шу овлоқда.

«Шошдан мўғуллар кетди» тинчлик хабарин,
Етказиб Темур шод этди мутабарин.

«Мўғулни ҳайдаш пайти етди Ҳусайнбек,
Сафланг лашкарни, ортга қайтманг энди, тек!»

Ҳусайн Самарқанд сари юрган ҳамона,
Тоғлиқлар хабар топдилар шу замона.

«Зулмкор Ҳусайнга тоқай берамиз бардош?!»
Ундови ила Бадахшон кутарди бош!

Тоғлиқ улусин шоҳ Али Бадахшоний,
Эрк курашига чорлади кўҳистоний.

Кеш мажлисига зуд чорлабон Қобулхон,
Тезкор лашкарин йўллар бўлди Бадахшон.

Сафланиб лашкар юрдилар Жайхун сари,
Жангжўй жанговар дарёдан ўтди бари.

Лек эрксевар шайх Али Бадахшоний ҳам,
Улусни этди жалб жанг-жадалга бардам.

Журм дарёсин ўнг бўйида кўҳистонлик,
Сўл соҳилда шай Темурбек, Жоҳонмалик.

Зидма-зид боққан навкарлар, ўртада наҳр,
Рақиб кечувда турар сўкиб, сочиб қаҳр.

Ўтганнинг боши кетар думалаб, бай-бай,
Лашкарлар турди кечгача босабр, ҳай-ҳай!

Темурбек Журмдан шомда ўтди макрона,
Қалқон этибон қояни моҳирона.

Тонгда кечувга тоғлиқлар қўйгач қадам,
Темурбек Шайхни босди ортидан шу дам.

Кўққисдан зарба еб кўҳистон лашкари,
Ваҳима қамраб сустлашди ул аскари!



Ажаб ур-йиқит, Темурбек тошқин дарё,
Жоҳонмалик жанг-жадалда аждар гўё.

Тоғлиқлар Темур зарбига бермай бардош,
Хукдай чинқириб қочди тоққа, олиб бош.

Тоғлар жилғаю дараси-қалқон, қопқон,
Кучлилар унда яшайди мисли қоплон.

Жавонғори Шайх Бадахшоний жилғада,
Сиртлондек пойлар мисли сайёд жирғада.

Хусайбек ўгли Жоҳонмалик арслондек,
Жилғани босди мисли тоғлиқ сиртлондек.

Тарафлар зидма-зид олишди беадад,
Жоҳонмаликка Оллоҳ юборди мадад.

Мардлар қирилди, парипайкар қиз, жувон,
Қизғалдоқ симон қонга бўялди жилға равон.

Қизу алпқомат йигитлар тушди асир,
Кўҳистонлиқлар тил тишлаб айтмади сир.

Бадахшонийлар эгиб бош Темурбекка,
Ҳокимиятни олди тан туриб тикка.

Азим тоғлиқлар қайтарди асирларни,
Темурбек фақат ҳарбий ва есирларни.

Кўҳистон тобе зўрдан юкунди мутлақ,
Пайт пойлаб бир кун эрк сари юрар барҳақ!?

Журм савашида Темурбек бўлиб ғолиб,
Ортига қайтди савашдан чарчаб -толиб.

«Кайхусрав мўғул сафидан мутлақ кетди?»,
«Миш-миш» чақиндек Темурбекка ҳам етди.

Қундуз орқали тушиб Арханг томонда,
Жавоҳир—ўлжа етди хазинабонга.

Хон ҳузурига кириб Темур ниҳоят,
Баён етди жанг тафсилотин бағоят.

* * *

Поракандалик буюк Мўғулистонда,
Бисёр шаҳидлар қолибди гўристонда.

Ўзаро уруш мўғулларни синдирар,
Юртда озодлик, эрк уруғин ундирар!



Бунда икки «дўст», икки ғаним ўзаро,
Ниятлар турфа, терс диллар, гаш, садпора.

Ғолибликни тан олмай Ҳусайнбек бадкор,
Талбис ўйинин бошлади бунда такрор:

«Мўғуллар жиддий низо, Бадахшон қўлда,
Мовароуннаҳр тож-тахти бебурд қўлда.

Пинҳона узсак куёв бошини бунда,
Мовароуннаҳр иликда қоларми шунда?»

Ўйи кемирди юзсиз хешнинг бағрини,
На қилса куёв топгай тундек қабрини?

«Идиш тайёрланг, мол сиғадиган хумдон,
Зиёфатдан сўнг унда ким бўлар гумдон?»

Сотқин қулвачча Ҳусайн сўзига мос-хос,
Тайёрлади хум ақчага қўйиб ихлос.

Куёвни айлаб маст шу хумга босармиш,
Сўнг Кўк майдонда, чуқур лаҳад очармиш,

Зўр маросим-ла латиф этиб тупроққа,
Ҳусайн етармиш совуқ, қаро тилакка?»

Талбиси Ҳусайн маълум бўлганди Хонга,
«Сохта илтифот, хушомад тегди жонга!»

Айлаб май иси Темурни сал «сармаст»,
Чикди ҳавога хиргоҳ²⁸дан бўлгандай маст.

Биларди соқчи суиқасд чўнг таърифин,
Шу боис тасхир этди чодир атрофин.

Хийма²⁹ни ўраб Темурбек навкарлари,
Ҳусайн қасдини биларди сардорлари.

Саман тулпорни учарга турди шайлаб,
Сафдошлар кутди Темур чиқишин пойлаб.

Эгар босилган отини кўриб дархол,
Жийрон томон юрди илдам, бемалол.

Қоплондек минди Темур саман отига,
Қамчи босди «Туф!» деб Ҳусайн зотига.

Йўлга тушди Сор Буғо, Муаййад бирга,
Амирлар Довуд, Мусо етдилар зўрга..



Падар заминга етибон елдек оёғи,
Ўйлаб кўрди на бўлар энди, буёғи?

Тўплаб жавонни жанговар сафлар тузди,
Қайнаға-ла жанг қилишга энди тушди.

Қобулхон бирлан Ҳусайн Балхга олди йўл,
«Таъмирлаш иши» зар-дурга талабгор ул.

Ҳусайнбек Балхни айлаб ҳарбий истехком.
Мовароуннаҳр сари кўзин тикди чинакам.

*Ошкора олишув илтиҳоси ёҳуд Ҳусайнбекининг
қаламдар либосида шахид бўлиши зикри*

Бир мингу уч юз олтмиш тўққиз санаси,
Бекларга тушди куч йиғиш тантанаси.

Изғиб хуфия бетиним Балху Кешдан,
Элтарди хабар билганин дўсту хешдан.

«Дўст»лар йиғиб бир йил жанговар лашкарин,
Бир-бирин босмоқ-чун шайлади навкарин.

Бир мингу уч юз етмишинчи йил, Ҳамал,
Темурбек тузди юришга дастур амал.

Оллоҳ қўлласа хуш кўриб бандасини,
Очгайдур туфҳа, куч-қудрат дарчасини.

Амир Кайхусрав ҳам Шайх Муҳаммад сулдус,
Темурга эгиб бош сафи юкунди кундуз.

Гар ёв бош эгса тан олиб Темурбекни,
Туркий удумга мос афв этар ҳар некни.

Мўр-малаҳдек лашкар йиққан Ҳусайнбек,
Сиёсатидан чўчирди ҳар шоҳу бек.

Элчи сўзи-ла олди Ҳирот, Бадхизни,
Жавоҳир терди ҳам парипайкар қизни.

Ҳар зулмнинг ҳам бор меъёри бирлан ҳади,
Зар, бойлик йиғиш Ҳусайннинг пинҳон дарди.

«Минг уч юз етмишинчи йил, баҳор,
Жайхундан Ҳусайн оти ўтармиш саҳар.

Мовароуннаҳр сари лашкар олиб йўл,
Куёвни енгиб, гулханда этармиш кул».



Хуфия сўзин айлаб таҳлил, ҳарб ишин.
Тумурбек сафни кўрди, сўраб ташвишин.

Машварат сўзин тинглаб, айтди сўров фикр:
«Қачон босамиз ёвни айтинг, қилмай зикр?!»

Деди Сор Буғо: «Ёв шамшири қинида,
Жангжўйни босиш керак аввал инида!»

Моҳи Шаъбон ўн еттиси муқаррар,
Темур Жайхун томон сурди лашкар.

Баронгор сафда Жоку барлос бошу қош,
Жавонгор сафда амир Сайфиддин чўнг бош.

Илгор сафида Суюрғатмиш ўғлон ҳам,
Хусайн барлос саф ўқида юрди бардам.

Амир Мусо ғул сафида эди саркор,
«Паст мансаб» деб қочди тонгда нобакор.

«Тутинг Самарқанд, Конирил қуриғидан,
Ясоқда олар жазони, тумшиғидан!»

Ғулда Темурбек ўзи бўлди оғиртош,
Қоровул ила чингдовулга залвор бош.

Лашкар етибон тинди Биё қишлоқда,
Ўрдун қўчди Саййид Барака¹³ овлоқда.

Макка саййидин шайхулисломи жаноб,
Саййид Барака-диний ҳидоят маоб.

Темурбек тизди жамлаб беҳад қўшинни,
Пири шаънига ҳарб куйлади қўшиқни.

Тож-тахт, салтанат рамзи-мовий ранг туғни,
Темурбекка илк тутқазди эрклор чўғни !

Эркли овози кенг тутсин деб тобора,
Ҳақ шайхулисом тутқазди ҳарб ногора.

Оллоҳ таоло ғар кўрсатса каромат,
Бандага омад юборар ёхуд офат.

Шаҳри « Мадинат-ар-рижол » томонда,
Ёғий илғори хуш юрарди омонда.

Қўриб Темур лашкарин, Жайхунга қочди,
Дарёдан ўтиб отлар чўл хокин сочди.



Сунгра Темурбек лашкар,амирлар-ла,
Чоғониёнга кўчди бежанг, сабр ила.

Чоғониёну Хутталондан Жоку барлос,
Эркпарвар навкар тўплади қўйиб ихлос.

Адолатпарвар Темурга ортди халқ меҳри,
Навқиронларни тортди сардор соф сеҳри.

Қарқарадан Шайх Муҳаммад йигитлари,
Айвож кечувда сафланди бургутлари.

Ногорасин ўйнаб, хурсанд бўлиб шарафдан,
Оқиб эрксевар келарди чор тарафдан.

Кучга куч, элга эл қўшилиб оқарди,
Эл Темурбекка умид ила боқарди.

Тобеликни Хулм ҳазораси этгач изҳор,
Бадахшоний Шоҳ Муҳаммад этди ихтиёр.

Ҳусайнбек зулми элни этганди вайрон,
Амиру беклар қочарди андин ҳар ён.

Баракс бирлашди Темурга кўп эл-юртлар,
Шошилди Балхоб водийси, Элбурс⁴⁴ қурдлар.

Қундуз ноиби Ўлжойту Аперди ҳам,
Олой тарафдан амир Кайхусрав ўктам.

Элбурс қалъаси ичра бўлди зўр айём,
Ийди Рамозон, ўқилди Қуръон, Хайём.

Бир мингу уч юз етмиш сана,моҳи Савр,
Хон сайловини тақоза этганди давр.

Кўҳи шодиён қалъаси кўркам ошён,
Қалъада сайил, озодлик, улус шоён.

Шодликка сайил қўшилди бу ҳайитда,
Хонни сайлади улус шу айём пайтда.

Суюргатмишни оқ кигизга ўтқизди,
«Уч бор кўтариш ...шарт» удумин ўтказди.

Бир мингу уч юз етмишинчи йил, Ҳамал,
Темурбек босди, «Ҳиндувон» булди қамал.

Зирх қалъа, беганд, тўрт дарвозалик ошён.
Ҳарб истеҳкомини Ҳусайнбекка зирх макон.



Шимолда «Хиёбон», жанубда тик «Навбаҳор»,
Шарқда «Ҳиндувон», гарбда «Дарбе» дари бор.

Умаршайх Мирзо «Навбаҳор»да шай турар,
Ёнида Жоку, зафар ҳақда ўй суар.

«Хиёбон»да Сор Буғо, Ҳусайн баҳодир,
Шамшир ўйнатиб ёвни босишга қодир.

Шарқда амир Оқ Буғо зирҳ турди шердек,
Жаҳонгир Мирзо эрса шамширдор девдек.

Гарбда амирлар Муаййад бирлан Довуд,
«Дарбе воқеа» сари юрди бесовут.

Икки кунлик жанг қирғини олиб кетди,
Не-не мардларни ер коми ютиб кетди.

Қирилди зану мард, бисёр ёшу қари,
Ёпирилиб бир-бирига мисли ари.

Оқди лоларанг қон бўябон ҳандакни,
Фалакка чиқди дод-фарёди мардакни.

Ҳусайнбек олиб тан Темур қудратини,
Сулҳ сўраб мактуб битди тўкиб шуҳратини.

Бажо этибон Хонд Саид фарзонани,
Етказди дарров тоғасига номани:

«Омон қолса гар бошим Ҳажга кетурман,
Илтижо айлаб, сулҳ сўраб хат битурман!

Молу мулк, тожу тахтдан ҳам воз кечурман,
Эл- юртни ташлаб ўзга юртга етарман!»

Хусайбек хатин тинглабон аҳли мажлис,
Сукут сурди бек, амир, саййид, мударрис.

Темур ўнгдаги Пирига назар солди,
Саййид Барака англабон сухан олди.

«Мусулмон қонин тўкиш гуноҳи азим,
Тавба ила «Сулҳ» сўрабди, эмас бу базм!

Тавба тазарру-ла бошин эгса гумроҳ,
Оллоҳ кечирар, бошин кесмас танти Шоҳ!»

Темурбек Пирин сўзин қилмади икки,
Соний боқди Хонд Саидга бермай дакки:



«Етказинг жиян, отангиз Ҳусайнбекка,
Хунидан кечдик! Хатни олсин иликка!»

Бехавотир, ҳеч қўрқмай келсин ўрдуга,
Буюрдик ҳарблар калону ҳам хурдига!»

Ҳусайн элчилар жавобин олиб шошди,
Олий ўрдуга боришга қони тошди.

Икки хос навкар-ла ўрдуга олди йўл,
Ой ёруғида отда йўл юрди мўл.

Шаҳри берунга етганда босди қўрқинч,
Хожа рушоний ёнида ажаб ўкинч.

Отини Жоме масжидга буриб қайтди,
Олий ўрдуга бормаслик жазмин айтди.

Хонақоҳ олди комига пас бек зотин,
Ярим тунда бек қочармиш миниб отин?

Ҳусайнни босди ажаб руҳий ваҳима,
Хонақоҳ ичра юрарди саросима.

Бомдод номозин ўқиб этди нонушта,
Гўёки, мана узилармиш жон-ришта.

«Бек, ассалому алайкум!» деди дарвеш,
«Таниёлмадим, кимсиз?! Қўрмагандим пеш?»

«Янглишгандурмен, жаноб, маъзур тутгайсиз?!»
Дарвеш тез кетди дебон «Кимни кутгайсиз?»

Ҳусайнбек жони келди мана ҳалқумга,
«Тутинг дарвешни!» ризқин берай малъунга.

Нотаниш дарвеш кетидан чопди навкар,
Етказди тутиб, сўкиб, судраб хос аскар.

Дарвеш олиб ризқ,уч ҳажга етар дурни,
«Кўрдингми? Йўқ»-ла оёғин «олиб» сурди.

Танимадилар Кайхусрав хуфиясини,
Гар билса уни юларди ўпкасини!

Хуфия гапин Кайхусрав айтди Темурга,
«Тутинг беziён, тирик!» деди амирга.

Тулан жарчи бош ўн икки сара «дарвеш»,
Шиддат-ла қўлин чўзиб, юрди сўраб теш.



Дарвешлар Хожа рушонга олди роҳ,
Куйлаб «Ё ҳу ё Оллоҳ! Ҳақ дўст ё Оллоҳ!»

«Дарвеш»лар тўпин кўрибон минорадан,
Отиб қутилар бўлди жон оворадан:

«Жонга қасд этмоқ, бўлур гуноҳи азим!»
Кўрар тақдирдан, қочмоқни топди лозим.

Тиглаганда ёш-қари, ҳақ-ноҳақни ул,
Билмаганмиди қилмиши бари увол?!

Таҳоратхона дарин этиб занжирбанд,
«Қутилармиш зил жазодан этиб тирбанд.

Ҳусайнни тутиб ажаб «хушбўй» маконда,
«Хо-ҳа»лаб дилдан кулди диний масканда.

Малъунни боглаб, жойлар бўлди жун қопга,
«Йўқ, бошин олиб, соламиз хуржун - қопга!

Тўнғиздек оғир, юради кирса гапга,
Писмиқ юмаса осамиз айри чўпга!»

Чорасин топди бош «дарвеш» -Тулан жарчи,
Кийинди хирқа дарвешдек Ҳусайн гарчи:

«Дарвешлар шоҳи, муборақ бўлсин кулоҳ,
Узр айлағай, гар қилсак бесабаб гуноҳ!

Либос ярашди,анқо уруғи бу жулдур,
Кимхоб тўн эмас, дарвешга бамисли дур!»

Ҳусайнбек тушиб тож-тахтдан бўлди дарвеш,
Оламга очди йўл, унда йўқ Ватан, хеш!

Элларни босган, талаган, зўрлаган бек,
Ҳолига маймун ҳам йиғлайди туриб тик!

Шу алпозда йўл юриб «Ё ҳу ё Оллоҳ!» деб,
Етди Кайхусрав ҳузурига калтак еб.

Амир Каиҳусрав кўриб Ҳусайн малъунни,
Нафрати жўшди, ўлдирса, кўрса хунни!?

Бўғзига тортса дудама ханжар аста,
Томчилаб оқса қони чак-чак, оҳиста!

Тилига келмай Калимаи шаҳодат,
Кўзлари чиқиб косасидан оқса, даҳшат!



Айтолмай «қур-қур» деб калимани хукдай,
Питирчилаб жон берса шўрлик товукдай.

Кайхусрав «дарвеш»ни ҳайдаб,мисли мол
Етказди тонгда ўрдуга саваб филҳол.

Темур Ҳусайнни кўриб аячинди сал,
Сафдош қайнаға эди ўтмишда бу “мол”.

«Дарвеш» турарди қўрқиб, қалтираб дир-дир,
Кайхусрав боқди Хону Ҳусайнга бирма-бир.

Хон: «Элу улус таланди ҳам бузилди,
Бу малъун Ҳусайн иши,ришта узилди!

Айтингиз амир, бек бу қандай касофат,
Малъунга лойиқ жазо бўлсин мукофот!?»

Аҳли мажлисдан чиқмади бирор садо,
«Афв этар ёхуд берар андак бир жазо?

Темурбек шифтга қаради,беклар ерга,
Кайхусрав қўяр бўлди Ҳусайнни гўрга.

Ҳусайн кўнглидан ўтди жавоби «қасос»,
«Ал қассосу мин ал-ҳақ!» жазога асос!»

Дебон Кайхусрав шитоб бирлан турди тик,
«Қайкубод хунин берсин, ҳазратим Хон, Бек!»

Ўлжойту ўтди амир Кайхусрав томон,
Али Муаййад ўрнидан турди ёмон:

Малъунким, не-не қонларни ютган паққос,
«Ал қассосу мин ал-ҳақ» жазога асос!»

Деди Хон: «Жонга жон, қонга қон!» бу хос-мос.
Танграм жазосин битган бошга, қилмишга хос!

Бир мингу уч юз етмишинчи йил, Ҳамал,
Хожа Уккошага қўйди жасадин бемаҳал.

Ҳусайнбек кетди дорилбақога абад,
Сиз ҳеч қилманг ёмонлик ишин минбаъд!

Эл чеккан азоб-укубатга мос жавоб,
Ҳусайнбек қатли бўлди бир ўрнак,савоб.

Асирлар аро қайнаға тўрт хотинин,
Сақлади Темур афв ила ширин жонин.



Соний Чингизхон эвараси Қозонхон,
Қизин никоҳлаб Темур бўлди “кўрагон”.

Соҳибқирон ҳам энди мўғул куёви,
Сароймулкхоним — Малика чўнг қамрави.

Гар Ҳусайн олса Темурбекнинг ўрнини,
Юртни ёв босиб, эл кўрарди шўрини!

Темурбек орзуси ушалишининг зикри

Сиёсий кураш чорроҳасида ҳар шахс,
Эътиқоду фикр бирлан этаркан баҳс.

Мулоқатда гар кўзласа юрт тинчлигини,
Голиб бўлади ўйласа эл бирлигини.

Шоҳу гадо «Туф!» деса эл тузлуғига,
Қасофат босиб зор бўлар ўзлигига!

Юртсиз бўлар ҳар ким, лўли ёҳуд дарвеш,
Макон топмагай, қабр- қабристон ёҳуд хеш.

Зулмни бандага ўтказса топгай жавоб,
Оқибат бўлар дилпора, бағри кабоб.

Оллоҳ кўргувчи, буюрувчи ҳам мададкор,
Гар заринг ёнса тўкулур ёмби бадкор.

Ўзга луқмаси макруҳ, дилинг ёндирар,
Қориндан олса жой, соний жон олдирар.

Тўлғаниб минг бор, дод-фарёд солиш билан,
Бой бўлмас қилмай меҳнат ақлу қўл бирлан.

Ҳусайнбек босиб, талаб ўзгалар ризқин,
Тутдай тўкилди, еб бева-есир ҳақин.

Қуръон қўлида, ўпиб этганди қасамёд,
Тилида «Оллоҳ», дили этарди фарёд!

Ажаб талади элни Ҳусайн бағритош,
Лек мол-дунё бир парча кумуш, олтин—тош!

Бийрон забонли қалам қош парипайкар,
Эс-ҳушин олди, оқибат сўнди бадкор.

«Ал қассосу-мин ал-ҳақ!» етиб сўнгакка,
Оқибат, Ҳусайн боши тегди тўнгакка.



Элу юрт, улус олди эркин нафас,
Парчаланди зирх, зуғумдор темир қафас!

Мовароуннаҳр узра порлади Қуёш,
Баҳраманд бўлди шуъласидан қари-ёш.

Зулм падар замин узра топдилар барҳам,
Озурда эл-юрт бирлашдилар бирдам.

Қалбларга сингди эркли сиёсат дури,
Дилларга етди ҳурлику эркнинг нури.

Туман, элларга саркорлар бўлди тайин,
Кимга осон, ҳар иш бошда мудом қийин.

Сабззор Балхга Жугам барлос тўнғичи-,
Амир Мурод бўлгач ҳоким, эл тузгичи,

Темурбек Балхдан юрди Самарқанд сари,
Шоён эди эл-юрт, ёшу қари-бари!

Суюрғатмишхон бирлан Темурбек йўлга,
Падар заминни қучди миниб оқ йўрға.

Қашқа бўйида, марғузор Хумиш сойда,
Икки ой Беку Хон олди дам, ҳар жойда.

Салтанатга илк тузди дастурул амал,
Режани ижро қилар, бўлса-да дағал.

Дастурга мос-хос, Хон берди Олий Фармон,
Элу юрт, улусга бўлди куч-қудрат, дармон.

Самарқанд бўлди янги тузум пойтахти,
Мовароуннаҳр элининг шони тахти.

Тайин этдилар Самарқандга илк ҳоким,
Поччаси амир Довуд, бўлмас ул боқим.

Шаҳарга Жоку барлос, Сайфиддин лозим,
Тайин этади мансабдорга лавозим.

Ардашир қавчин, Искандар-туманбоши,
Мингбоши бирлан тавочи-ла тенг ёши.

Жойларга тайин бўлди илк девонбеги:
Сору Оқ Буғо, Ҳусайн барлос-соф теги.

Элчи баҳодир бирлан Ҳожи Маҳмудшоҳ,
Ўринлашди илк бор баҳши Давлатшоҳ.



Лавозимларга амирлар бўлгач тайин,
Юришди ишлар, афгор қилмай атайин.

Минг уч юз етмиш санаси, моҳи Саратон.
Илк Қурултойга чорлади ҳукмдор Султон.

Амир Темурнинг тасарруфидан буткул,
Қурултойга бек, амир етди чўзиб қўл:

“Турон” давлатин тузиш, подшоҳни сайлаш,
Мовароуннаҳр ер мулкани сарҳадлаш.

Падар заминда илк бор тарихий ечим,
Келажакда эрк Ватан-чун бўлур бичим.

Тарихий ечим бу аждодлар юртида,
Бу замин Ватан бўлиб қолар ортида!

Соҳибқиронни ҳукмдор этди Қурултой,
Давлат подшоси бўлди Темур Тарағай!

Келмади Зинда Чашм-Шибирғон ҳокими,
Ва Пиршоҳ орлот—Арсифу Қандаҳор «боқими».

Улуғвор йиғин таклиф, хулосага мос,
Подшоҳ Фармони Олийга ортди ихлос.

Фармону қарор эди эркнинг қаноти,
Юрт озодлиги, эл-улус қаноати.

Юртда бошланди таъмирлаш, тиклаш иши,
Қаддин ростлади мадраса, масжид, киши.

Бозор ўнгланди, расталар тўлди, аммо,
Текинхур, қаззоб кўплиги зўр муаммо.

Элда кўпайди тўй-тамоша, базм, сайил,
Темурга айтди эл тасанно, қолиб қойил.

Зинда Чашм бесабр исёнга урди қўлин,
Ҳусайндек талаб эл йўқотди ҳақ йўлин.

Менсимай Хону Темурбекни кўрнамак,
Балху Термизни босди ўйламай андак.

Зинда Чашмга зид режа тузди Темур, Хон,
Отланди Жоку барлос шоп тутмай шу он.

Зинда Чашмга этиб мўл панди-насиҳат,
Жоку барлос соний солди маслаҳат.



Сўзма-сўз Темур гапини айтди бир-бир,
Зинда Чашм энсаб, қалтирарди гоҳ дир-дир.

Исёнкор Темур шартини топди маъкул,
Қўлин боғлаб, бош эгиб келди мисли қул.

Гарданкашларга Зинда Чашм ҳоли ўрнак,
Амир беяроғ ўрдуга тиз чўкди нақ.

Ўртада ечиб низони берди огоҳ,
Афв этиб кечди сурх хунидан хон, подшоҳ.

Хукмфармо Зинда Чашмга берди зиёфат,
Худуд тортиғи бўлди жазо- «мукофот»!

Эгмади тулки Боязид савлатини,
Олмади тан Хон, илк Турон давлатини.


Туллакни тутиб маслак- қуролдошлари,
Хон оёғига ташлади, сирдошлари.

Бут-бутун бўлгач илк бор сарҳади Турон,
Дуога очиб қул, этди тиловат Куръон.

*Менким Амир Темур — тинчлик,
осойишталик кафилиман!*



АДОЛАТ ҚАЛҚОНИ





Мовароуннаҳр яхлитлиги учун ҳарбий юришларнинг баёни

Мовароуннаҳрдаги ички аҳвол зикри

Амир Темур ибн Тарағай олампаҳо,
Боболар руҳин этармиш шод, иншооллоҳ.

Туркистон улусин яхлитлиги чўнг туйғу,
Табаррук юмуш мушкулроқ, мўл жанг, қайғу!?

Жангу жадални бисёр ўтказиб мағрур,
Ўз элу юртин қисман тиклади Темур.

Муштарак замин дастлабки ҳудудин,
Будламоқ кори муборақдур, ҳамчунин.

Хоразмда чўлу даштлар, Хиваю Кот,
Чигатой замин бўлган мозийда ҳайҳот!

Чингизхон ўғли Чигатойнинг ҳудуди,
Чу соҳилидан Балхга қадар бор-буди.

Талос воҳасин қурултойидан ҳамон,
Ила соҳилин ўнги Жетага макон.

Жета босганда Туркистон жонажонни,
Елпини қамрар Мовароуннаҳр жонни.

Таланди Сайрам, Туркистону Фарғона,
Лек эл курашди ёвга бош эгмай мардона.

Турон давлатин тан олишмагач талтайиб,
Босқин тўфону сели ютди кучайиб.

Тўзони етиб Бухорон шарифга,
Елпини сигмас тузукроқ бир таърифга!

Улус тинчлиги Шохга шарафу шондур,
Лек ёв босқини талаби қону жондур!

«Таъзирин тортса Жета ҳам Олтин Ўрда,
Чигатой улус ўтирар тинчроқ, тўрда!»

Ўй кишанлади Амир Темур дилини,
Жетани қувиб, озод этармиш элини.



Даставвал Хоразм мулкин Туронга қўшар,
Ота юрт сарҳад будлиги-чун курашар.

Хоразмлик Сўфиларнинг кирдикорлари зикри

Оқил одам, эл- юртим деб ҳар он яшар,
Одам борки, ул тўғри келганин ошар.

Оламга келиб кимлар бекафан кетар,
Ўргатиб ҳунар, илм, шон-шуҳрат-ла ўтар.

Ўзи тўйса ҳам кўзи оч девдек анди,
Жавоҳир-лаълга бўларлар умрбод банди.

Санамлар ортидан елиб сармаст банги,
Оқибат ёпар юзин чиммат-паранжи!

Оллоҳ берган ризқ, шукр ила тўлиб тошар,
Бешукр бандани алвасти, иблис босар.

Дашти қипчоқда собиқ амир Тангадой,
Мозийда ҳукмдор бўлган каззоб ҳойнаҳой.

Давр тақозаси ила бинни Тангадой,
Хоразмда бўлди Ҳусайн ҳоким, ҳотамтой.

Мансабпарасту батталроқ Ҳусайн Сўфи,
Гар Темур босса ҳеч қор қилмас куф-суфи.

Хоразм мулкини қўшай деб Туронга тек,
Йўллади элчи-Алуфани Темурбек.

«Тинч пасайтирай» дебон Гурганч кокилин,
Илк йўллаганди мулкка ишонч вакилин.

Темур Гурганжни чорлаб эрку хурликка,
Элчи ундади дўстлик, тинчлик, бирликка.

Минг уч юз етмиш икки сана, Ҳутида,
Элчи Алуфа бўлди Гурганч қўнжида.

Мутаккаббуру қайсар Ҳусайн Сўфи ҳеч,
Жавоб мактубин битди бениҳоя кеч.

Ҳақоратомуз сўз, фикрга тўлди хати,
Қон ила олар бўлди жавобин бети!

Қон тўкмоқ савоб юмуш бўлмас бандага,
Оллоҳ хуш кўрмас, элда чиқар гандага.



Пайғамбарлар ҳар он қилган юриш беқон,
Лек дину тинчлик, жиҳод дебон тўккан қон!

Мовароуннаҳр узра исломий қонун,
Тангри неъмат ила яшар туну кун.

Ҳар шоҳ ҳудудин сўраб тинчлик-ла олар,
Бўйинтовлардан қону жон ила олар.

Эгмаса Ҳусайн Сўфи Темурга бўйин,
Лашкари Турон куйдирар тож-тахт,уйин.

Бу жанг ундови, Ҳусайн Сўфи берсин дош,
Қамалга берсин қайсар аскари бардош!?

«Тиг кучи-ла гар олган бўлса вилоят,
Этсин ҳимоя тиг-ла қилмай ҳикоят!

Кенгаш ҳал этар, на қилмоқлик корини,
Уруш, савашми, тинчлик ихтиёрини?

Аҳли Кенгаш, Хон, уламо фикри қонун,
Улус олдида бўлмайлик ҳеч сарнигун!»

Фикрин сўзлади Амир Темур жаҳонгир,
Сўранг не дегай Кенгаш, эл-юрт бирма-бир?

Такрор уқмаса эркпарварнинг сўзини,
Жанг бирлан ўяр бўлди Ҳусайн кўзини!

Уломаи дин Жалолиддин Кеший дер:
«Таланса мўмин-мусулмон улус на дер?

Тангри кўргувчи, бўлар гуноҳи азим,
Қон-ла жувормарг кетса гар ўгил-қизим!»

Боз элчи бўлди мавлоно Жалолиддин,
Аҳли мусулмон номидан соҳиби дин.

Гурганжга етиб қадами шайхулислом,
Кенгаш мактубин Сўфига этди инъом.

Ўқибон Кенгаш йўллаган хатни шу кун,
Танидан “чиқди” лоларанг қонли тутун!

Важаҳот ила Ҳусайн Сўфи тик турди,
Шайхулисломни тундек зиндонга сурди.

Паймонаси гар тўлса одам зотини,
Ақл- ҳуши кетиб, унутар ўз отини!



Ҳусайн Сӯфи еб ақлин мисли девона,
Муслимлар дилин айлади ҳўп вайрона!

Истаб лоларанг қон ҳидин мансабпараст,
Темур ғазабин мавжлантирди майпараст.

* * *

Бир мингу уч юз етмишин санасида,
Илк баҳор, кўм-кўк Қарши даласида,

Саркарда Амир Темур қурди лашкаргоҳ,
Хоразм жанггига тадорики, индаллоҳ.

Навкарга энсин дебон куч-қувват-мадор,
Жанговар ҳолда тутди қўшинни сардор.

Жамғариб бисёр қурол-аслаҳа, чорпо,
Дону дун, озуқа, этди захира барпо.

Оллоҳ қўлловчи, одил, мўмин бандасин,
Бус-бутун берар олтин-зарин қанчасин!

Илк бор тан олиб Амир Темур давлатин,
Ҳирот малики кўрсатди садоқатин.

Ғиёсиддин курд ўйлаб жанг оқибатин,
Йўллади элчи, англаб моҳиятин.

Тобеъликни тан олиб зару жавоҳир-ла,
Дўстлик риштасин боғлади моҳинур-ла.

Иzzат-икром-ла эъзозланди илк элчи,
Қутланди тақиб мурасса камар эркчи.

Шарқона удум бирлан берди зиёфат,
Элу юртларга келмасин дебон офат.

Билимдон Жоку барлосни солиб йўлга,
Ҳоким этди Қундуз, Боғлон, Қобулга.

Амир Темур илк элчисин этиб тайин,
Элчига қўшди ваколатин атайин.

Тохаристону Балҳда ҳам ҳукмрон ҳурлик,
Ҳирот, Хуросон узра балқиди бирлик!

Тизилди эрку бирдамлик илк маржони,
Эзилди Ҳусайн Сўфининг дили, жони.

Амир Сайфиддин Темурга дўсту сафдош,
Самарқанд инон-ихтиёрига бўлди бош.



Соҳибқироннинг фикри-Хоразмга юриш,
Ҳусайн Сўфини беқон тийиш ё уруш.

Саратонда тонг эрта отади шошиб,
Хоразмга юриш бошланур шу тонг ошиб.

Ўтказиб лашкар сафини ул нигоҳдан,
Мадад сўради Пирлар руҳи, Оллоҳдан.

Соний отланди чумолидай тизилиб,
Қўшинлар сафи ер-осмонни бир қилиб.

Навкарлар етиб Сепоя остонасига,
Улкан лашкароғ қурди мастонасига.

Саҳарда кўрар манзилгоҳ чин ғолибни,
Темурбек ёхуд Ҳусайн Сўфи мағлубни.

Савашди аввал томонлар қоровули,
Бермади бардош сиқувга чингдовули.

Сўфи навкари қочди шаҳри Кот сари,
Темур лашкари босди шердек сарсари..

Фулом Сўфи Кот шаҳрин баттол ҳокими,
Шафқатсиз ини ул Ҳусайннинг боқими!

Соҳибқирон бу гал ҳам элчи йўлади,
Талофатсиз сулҳ, дўстлик йўлин қўлади.

Оғадек Фулом Сўфи жаҳлдор жангари,
Элчини ҳайдаб, демади «келгин бари».

Юғуриб- елиб, чор тараф, миниб отини,
Котдан тўплади бор эркаклар зотини.

«Қалъа хандагин сувидан асло ўтмас,
Ўтганлар бири ортига тирик қайтмас!?»

Фикр ила Фулом Сўфи кифояланди,
Лиммо-лим хандак бирлан ҳимояланди.

«Чуқур хандакни қуритмай бўлмас юриш,
Лашкар ўтмаса қалъага қилмас уруш.!

Хандак ҳам, қалъа ҳам халқнинг куч-қудрати,
Тупроққа тўлса, ортар навкар журъати!»

Шу ўй-ла Темур бир тадбир қурди андак,
Сипоҳу навкар кучи-ла қурур хандак .



Тўхтаҳўжахон тайин бўлди қоровулбоши,
Кўча Малику Хумморий ясовулбоши.

Ҳаммоллар замбил, арава-ла юрди “қўл”га,
Хандак қўмилиб, нафтандоз чиқди йўлга.

Ўраб лашкар чор тарафдан зирҳ қалъани,
Соний сапчадек узди шоп-ла каллани.

Қирғин-боротни қўриб баттол эгди бош,
Кот бўлди таслим бир маҳал беролмай дош.

Бўйинтов мардлар тортди тиг жабрини,
Қолмай қазिशга эрлар маййит қабрини.

Беайб асирлар зиндондан бўлди озод,
Тарқаб чор тараф, уйин айлади обод.

Икки кун олиб дам, юрди Гурганж сари,
Қўшиқ куйлаб саф-саф амиру бек бари:

Манглайга найман Гиёсиддин кўзу қош,
Юсуфхўжа, Ўлжойту Апарди бош-қош.

Илк савашди гурганжий қоровул бирлан,
Зарба дастидан тисранди қўшин билан.

Тепалашишга бош бўлган Минглихўжа,
Калак баҳодир югурди мисли жўжа.

Қалъага қочиб кирди қоровул беги,
Мадори қуриб, бўлгандай ҳўл таги.

Ҳусайн Сўфининг тушиб қўшинга кўзи,
Турон мулкин тан олармиш энди ўзи.

Бефаҳмлигидан амиру бекни койиб,
Қалъа ичра ул йўргалаб бўлди ғойиб.

Сулҳ сўраб Амир Темурга ёзди нома,
Йўллади шу он элчи-ла саломнома.

Қайтаролмайин олампаноҳ шахтини,
Номани ўқиб олди тан сулҳ шартини.

Ўқиб сулҳнома шартларин сал ғижинди,
Асл боши кетар тандан, ноилож синди.

Лек ўқиб сотқин амир Кайхусрав хатин,
Терсланди Ҳусайн Сўфи қўшин-ла бутун:



«Сизни босганда жанг-жадал, саваш мавжи,
Сафим ўтади Сиз томон, келиб авжи.

Темур қолади аскар-ла қамалда,
Голиб бўласиз жангу саваш, амалда!»

Дебон Кайхусрав тилиб мухолиф дилин,
Соҳибқиронга зид бурди уруш йўлин.

Иғвога лахта тушибон белафз қари,
Деди: «Элчини қайтаринг қалъа сари!»

Инониб амир Кайхусрав лоф сўзига,
Уруш- саваш-ла қабр қовлади ўзига.

Бурғую карнай чалиб бошлади юриш,
Сулҳ ўрнига шу онда бошлармиш уруш.

Жўйи қовунда тузди жанговар ясол,
Соҳибқиронни чорлади жангга соқол.

Тарафлараро бошланди қиргин-борот,
Жадал серпанди қилич бу ҳаёт- мамот!

Оқди лоларанг қон тўлиб Жўйи қовун,
Кўпириб мисли сургандай қизил совун!

Тасхирли ҳамла бирлан Гурганж қўшинин,
Шитоб-ла босди, тутай деб голиб қўшин.

Йиқилди Ҳусайн Сўфи ўсаллаб ҳукмдор,
Қуриб битганди танида кучу мадор!

Дорилбақога рихлат қилди беомон,
Қамал тўхтади, ортга қайтди саф шу он.

Хусайн Сўфини жойлаб лаҳат комига,
Иниси Юсуф кирди уруш домига.

Лек Амир Темур матомсаро Юсуфни,
Қон қақшатмади, йўллатмади таассуфни..

Мусулмонга хос иш кўрдилар жаҳонгир,
Жилғаи хосга қўшин кўчди бирма-бир.

Юсуф Сўфи чин англаб Амир Темурни,
Тез сулҳ сўради ўйлаб қолган умрни.

Қариндошлик-ла тинчлик уруғи унди,
Суюнбекахон елкасига бахт қўнди.



Адоқ Сўфига амирзода Жаҳонгир,
Куёв бўлибон қайтди шердек баҳодир.

Суюнбекахон Ўзбекхон^{15*} набираси,
Адоқ Сўфининг илк қизи- кабираси.

Ўзалликда йўқ тенги соҳибжамолким,
Нигоҳи тушса гар хушдан кетар ҳар ким.

Шу боис келин ҳурлигидан малагим,
Жисмига монанд бўлди Хонзода бегим.

* * *

Ҳар жангда бўлар каттаю кичик хато,
Сотқин жазо-ла ул кияр қора мато!

Мақтовга бўлса қилган иши сазавор,
Мукофот олар, диллар ила шукуҳ ёр.

Ҳукми нўёну амирларга хосу мос,
Жазосин тортар сотқин, мунофиқ, паққос.

Амир Кайхусрав кўриб Темурдан иззат,
Баракс Гурганжда игвога этди хизмат!

Ошкора этмай хуфия сўзин Темур,
Чорлади ошга Кайхусравни баҳузур.

Ғалаба гаштин сурди зўр зиёфатда,
Лек қолганди афв этилмас касофатда.

Саркарда-ла бир товоқда ошин еди,
Игвогарлиги, оқибат бошин еди!

Тафтиш-ла зоҳир бўлгач хавфли сотқинлик,
Кимса ғов бўлиб сўролмади омонлик.

Қатл дохил қилди шум ўлимнинг комига,
Амир Кайхусрав ўтди марҳумлик мақомига..

Беҳоким қолди вилояти Хутталон,
Олий девонга ўтди бўлмасдан талон.

Қалтис игводан берди жон не мардлар,
Жувонлар бева қолди ҳўб ортди дардлар.

Султон Муҳаммад уқмай Падар хатосин,
Кайхусравдек ул албат топгай жазосин.



«Ал қассосу мин ал-ҳақ!» босар газабин,
Лек топилмади шахс тўғриловчи одобин?

Фикрдошин тўплаб қочди Хоразм томонга,
Хонни чиқарди кўрнамак зап ёмонга.

Абу Исҳоқ ибн Хизр Ясовурий дарди,
Шона бериб ул қасд-чун дилда кўкарди.

Фикр қилмай, билмай турмуш баланд пастини,
Эркпарварга терс юрди айтмай ростини.

Султон Маҳмудга эргашди бўлиб иноқ,
Хизр Ясовурий ўгликим Абу Исҳоқ.

От тизгинини бурди Хоразм тарафга,
Шу он Маҳмудшоҳ Бухорий ўтди сафга.

Сулҳ тузган Юсуф Сўфини уриб йўлдан,
Тинчлик тугини лақма туширди қўлдан.

Тобеълик залвор юк, қисар мисли қопқон,
Зарингни ютар уюриб тубсиз ўпқон.

Лаққа инониб исёнкорлар сўзига,
«Қовун туширди» Юсуф Сўфи ўзига.

Қўшин тортибон Бухорои шарифга,
Боролмас бўлди мутлақ қуда тарафга!

* * *

«Яна жанг-жадал, қон бўярмиш даштларни,
Масжид, мадраса, бозор, ҳовли, гиштларни!»

Кешдан Самарқанд сари тез юрмоқ даркор,
Пойтахтда қилмай ғумашталар бир кор!»

Ўй-у фикр бирлан отланиб Амир Темур,
Шаҳарга етиб Ҳақ Оллоҳга айтди шукур!

Шаҳарда тинчлик, сезмади исён ҳидин,
Ишлар кетарди, бузмади Темур дидин.

Бир минг уч юз етмиш учинчи йил,
Темур қўшини Хивакка олармиш йўл.

Жанговор жангжўй қўшин-ла Соҳибқирон,
Бухоро сари юрди чўнг туғ-ла ёрон.

Қучганда аниқ манзилни саф-саф қўшин,
Босганда уйқу Юсуф Сўфининг тўшин,



Қоқ тунда Темур босармиш кечиб жондан,
Шабиҳун ила қўшинлар турфа ёндан...

Ҳар ким қочар қон ҳидидан солиб дод,
Шуни билса гар, жанг қилармиди сайёд?

Шукр, ақли етиб шунга Юсуф Сўфини,
Йўллади сулҳ-ла зукко элчи тўпини.

Юклаб жавоҳир, зар, нома ила қари,
Илтижо қилди жами хешу тобори.

Илкис тўхтади беқон бу ҳарбий юриш,
Элларга келди омонлик, бўлмай уруш.

Лек Мўғулистон, Оқ Ўрда ҳам Фарғона,
Амир Темурга тура турар ичдан ёна.

Турон эл-юртин тинчлиги-чун саркарда,
Юрди Жетага зид шитоб-ла серзарда:

Амир Одилшоҳ, Сор Буғо туманга бош,
Жипслашиб ҳарблар юришга берарди дош?

Мўғулистондан қадимда Қамариддин^{6*},
Ҳарб билимдони босганди дуғлот ҳамдин.

Хушлаб Шош шаҳрин, дала-даштларда юрган,
Бол мевасига фарқ бўлиб, бўкиб кўрган.

Мовароуннаҳр ўлкаки жаннат макон,
Оллоҳ назари тушган бетакрор маскан.

Минг бир дардга бор бунда шифо-давоси,
Дилни яйратар иссиқ, салқин ҳавоси.

* * *

«Оқ Ўрда хони кўлвордай ғимирлабди,
Мовароуннаҳр томонга қимирлабди.

Яссию Саброн, хуштаб Сигноқ томонда,
Туманбошилар бўлган «қулоқ» омонда.

Урусхон^{17*} нигоҳ ташлаб Коту Гурганжга,
Хазинасини сал тўлдирмоқчи ганжга.

Сигноққа қатнай бошлабди элчи зоти,
Қалби қора-ю мингани оқдир оти.

Урусхон, Юсуф Сўфи топса ҳарбий тил,
Бирлашиб элни босиб этарлар чил-чил?"



Ўй уммонида Темур сузиб ғоввосдек,
Юришга кўрди тадорикин шоввоздек.

Ёз. Бир мингу уч юз етмиш бешинчи йил.
Иссиқ, тандан тер оқар, либослар нам-ҳўл.

Самарқандга Оқ Бугони этиб тайин,
Ҳарбдоши бўлди манзилгоҳга ҳўжайин.

“Шиддат-ла олмоқ даркор чигал олдини...”,
Дебон Хоразмга юрди босиб ортини.

Жайхун бўйига етибон Сепояда,
Туркан орлотни кутди салқин сояда.

Келишувга мос ҳокими Гуржувон ҳам,
Навқари бўлар юриш-урушга ҳамдам.

Қайтди ортига ваъдабоз Туркан орлот,
Белафзнинг айби бебошлик ҳарбий ҳолат!

Туркан орлотнинг иши-амир исёни,
Ошқорона терс-терс турмоқнинг баёни:

«Тутинг тириклай бефаҳм Туркан орлотни,
Учолмасданоқ узоққа шум “калхат”ни.

Ўрду қошига исёнкорни келтиринг,
Қилмиш пас ибрат-сотқинлик, уқдиринг!»

Амир Пўлоднинг суворийлари тезда,
Жузжонга етиб олчоқни топди бўзда.

Зидма-зид тиглар жадал ишга тушди,
Пўлод найзаси Туркан орлотни кушди.

Учинчи Хоразм муҳорабаси синди,
Сулҳ шартларига Юсуф Сўфи тек кўнди.

Элу юртда боз ёйди тинчлик қанотин,
Эллар бирлашди, туйди умр нишотин.

Чигатой улус макони ҳам яшнарди,
Лек онда-сонда ғаламуслар кишнарди.

Кадхудо даврин бойиш йўли бу босқин,
Зўравонлику талаш, зар келса текин.

Лек Юсуф Сўфи туролмади асло тинч,
Бухоро зари қалбига солди ўкинч.



Босиб талади Бухоро туманларин,
Синдириб, бузиб яхши-ю ёмонларин.

* * *

Мовароуннахр улусин осоишталиги-чун,
Қўшин сафлади тинчлик кафолати-чун.

«Гар Тўхтамишхон бўлса хон Оқ Ўрдада,
Хоразмда Юсуф фармонбардор ўртада!»

Тўхтамишни Оқ Ўрдага этгунча хон,
Урусхон бошин эгармикин тўкмай қон?!

Лек жўчизода қурол-ла кўтарди бош,
Темурбек юрди, Урусхон берсин бардош!

Жанглар борарди беҳад зидма-зид,оғир,
Чигатой улус-чун савашди жаҳонгир.

Темурбек кетгач Урусхон-ла урушга,
Билибон белафз Юсуф келди жумбушга.

Бошлаб сафини босди Бухоро ёнин,
Ваъдабоз ҳукмдор ичармиш куда қонин?

Амир Темур Оқ Ўрдада туйиб жангни,
Қайтди савай деб Юсуф Сўфи “гаранг”ни.

Захира лашкар юрди Хоразмга тунда,
Тўртинчи юриш ҳам сўнди ярим кунда.

Ваҳима кучи босгач Юсуф Сўфини,
Юкунди дар ҳол уқмасада гапини.

Хоразмга юриш такрор сўнди чўғдек ул,
Бир мингу уч юз етмиш тўққизинчи йил.

Сулҳдан сўнг баттол Юсуф Сўфи зуғимкор,
Хушомад бирлан элдан йиғди мардикор.

Хоразмдан қўли гул наққош, меъмор, устоз,
Пойтахтга кўчди қуарга биной соз.

Кетмасдан уруш чўгин қора тутуни,
Хоразмда ёнди босқин, талаш ўтини.

Бўйинтов, «ман-ман» саф аскари лаку лак,
Белафзлигин боз этди намойиш туллак.

Қусурдор Юсуф Сўфи босди Хевақни,
Сониян гитди Кот шаҳрин, ҳар ковакни.



Хоразмда ўзин тутиб ҳокими мутлақ,
Босди Бухоро, Қоракўлни хув-хувлак.

Соҳибқиронни Юсуф Сўфи менсимай,
Темур ҳудудин талади боз, пайдар-пай..

«Гар сўнса Юсуф Сўфи абадул-абад,
Чигатой улус шунда будланар умрбод?

Қўшин тортайлик, Юсуф олсин жазосин,
Такроран чолмас юрта иблис нағмасин!»

Дебон ўй- фикр-ла бешинчи марта Темур,
Хоразмга қўшин тортди, йўл бўлса-да дур.

Бу юрт пойтахти Гурганж раият тахти,
Юсуф Сўфининг инонган шаҳри, бахти.

Гурганжни қамраб қўшинлар этиб қамал,
Кўк дарвозасин очарга топди амал:

Уч ой кечаю кундуз олиб сиртмоққа,
Таҳлика солди дарвозани очмоққа.

Дил хуружидан Юсуф Сўфи бўлиб ёнбош,
Суяниб аста болишга сўнди бебош.

Бўлди қалъага ҳоким Сулаймон Сўфи,
Хушламай турди амирлар терс-зид кўпи.

Жангга чорлади Қумкентда ясол тузиб,
Аскари тор-мор, қочди чилвирин узиб.

Қалъада қанот ёйгач ички зиддият,
Сўкилди бирлик, меҳр, букилди ҳамият.

Оқибат синди, Оллоҳ кўргувчи, қодир,
Амир Хўжалоқ баҳодир этди содир:

Дарвозани ланг-ланг очибон ул зўрга,
Темур чорланди қалъа ошёни тўрга.

Лек Элтутмиш-ла қочди Сулаймон Сўфи,
Дашти қипчоққа тегармикин бир нафи?

Ғазабнок босгач такроран нусратнишон,
Оқ уйли бўлди аҳли қалъа бенишон.

Ошённи айлаб беҳад харобу вайрон,
Бўйинтовлар овланди мисли жайрон.



Суюргатмишхон Хоразмга бўлгач ҳоким,
Элни ишлатди, этмасдан беғам боқим.

Гурганч қалъага бўлди ҳоким Минг Сўфи,
Ноилож келкач бошга тор ҳарбий дўппи!

Хутба ўқиб, зарб этилди олтин танга,
Фатҳи Хоразм ҳам битди сабр бериб жонга!

Минг уч юз саксон саккизинчи йил кузида,
Хоразм бўлди тор-мор мутлақ, эл кузида!

Лек олдинда жанг кутар Хоразм қошида,
Қасд изларди халқ, Минг Сўфи ҳарб бошида:

“Қумак олиб Жета ҳам Дашти қипчоқдан,
Қутилар эмиш абад Темур оқсоқдан?”

Тўхтамишни тан олиб Минг Сўфи фаррон³¹,
Зарб этди бисёр олтин танга беқирон.

Чорлабон дуглот амир Қамариддинни,
Қалам этармиш Турон сафин-ҳамдинни.

Тўхтамишхонга бўлиб ёвдек ғажарчи,
Босди Бухоро, Қаршини сотқин йўлчи.

Жўчизотга зарб этиб олтин тангалар,
Ғолибдек чолди кўрнамак чўнг нағмалар.

Эронзаминдан қайтгандан нусратнишон,
Жата жўчи-ла қочди бирга бенишон.

Бир мингу уч юз тўқсон бир санасида,
Тикланди Гурганч боз ўз замонасида.

Нобакор амирлар хуружининг зикри

Навкарнинг олий орзуси зафардадур,
Сипоҳнинг асил мақсади саркардадур.

Тобелик мисли пўлат занжир сиртмоғи,
Банди узилмас, бу фалокат илмоғи.

Бир мингу уч юз етмиш тўққизинчи йил,
Урухон чўзди Мовароннаҳрга қўл:

Хоразмни қора дил талармиш бор-будин,
Соний босармиш Туронликлар ҳудудин.



Хоразмда тор-мор этиб Соҳибқиронни,
Қушиб олармиш Қипчоққа бой Туронни.

Ҳарбий хабардан амирлар бўлиб огоҳ,
Тахту мулк истаб қолдилар гала гумроҳ:

Темур узоқда, сезмасдан важоҳатин,
Мушоҳада-ла билдилар ҳарб ҳолатин:

«Темур урушда, танг ҳарбона аҳволи,
Азим Самарқанд ҳозир лашкардан холи!»

Дебон нобакор паскаш амирлар кўзи,
Тож-тахт истади ғаламусона юзи:

«Амир Одилшоҳ, Сор Буғо бўлиб бебош,
Исёнга қўлин урубди эсиз ҳарбдош!?

Чорлабди амир Хитой-ла Сор Бугони,
Алдабди Андижонни, соҳиб “тоға”ни,

Силжибди сафдош амир Мандий ғайир,
Алжибди қондош: “Қавми қипчоқ, жалойир”.

Гурзувон исёни бўлмасдан буткул мағлуб,
Пойтахтдан чопар етказди нохуш мактуб.

Мамлакат исён оғушига чўкканда,
Уруш тўхтади Саратон ой туққанда.

Соҳибқирон зуд-зуд қайтди пойтахт томон,
Исёнга қарши тутиб қўлда ёй-камон:

«Исён қамрови олмасдан мамлакатни,
Чўғин ўчириб босмоқ зарур фалокатни!»

Аввало билди қўшин жазму бирлигин,
Сониян таҳлил қилди жанговарлигин.

Карманада илк амирзода Жаҳонгир,
Исёнкорларни зарб-ла қирди бирма-бир.

Амир Одилшоҳ ила Сор Буғо қочди,
Исёнкорлар чор тарафга тарқаб, ўчди.

Одилшоҳу Сор Буғо дайдиб иссиқ чўлда,
Тентираб қолди сотқин аросат йўлда.

Нонкўр амирлар Урусхонга эгди бош,
Сотқинни шўри, боши шишар, кўзу қош.



Пойтахтга қайтгач олампаҳо лашкари,
Жазосин олди исёнкор ҳарблар бари.

Бўйинтов мудом сотқин жалойир эли,
Исёнкорликдан синди бу элнинг бели.

Тарқатди элни бутун амирлараро,
Мамлакатда боз қилмасин деб можаро.

*Тўхтамишни Дашти Қипчоққа Хон
этишда Амир Темури кўмагининг зикри*

Тўхтамиш зоти Урухон авлодидан,
Жўчихонзода Тўқай Темури зотидан.

Тўхтамиш уруги Авранг Маъмур султон,
Урухон зотин илдири Ўз Темури.

Ога-инидан тарқатган наслдошлар,
Ўзаро ёв бир-бирига бу қондошлар!

Бир дарахт икки шохидан тушган данак,
Оллоҳим берган ризққа бешукр, шўрданак!

Тўхтамиш ўғлон бузруквори Тўйхўжа^{38*},
Авранг Маъмурга назира, кичик хўжа.

Тўқай Темури Хўжи тархонда ҳоким,
Ботухон ҳамон Беркахонга бир боқим.

Агар одамзот кўзи тўлса тупроққа,
Ривоят қилур «Тўйдим!» дер илоҳ Ҳаққа.

Кадхудо даврин касби босқину талаш,
Зуровонлик-ла ўзга товогин ялаш.

Жавоҳир, зару дур манбаи бу уруш,
Бирлашмай якка-якка қиларди юриш.

Кўрсатиб ука акадан бой, пешлигин,
Ёвлашди билмай опа- сингил хешлигин!

Даврон зўрники, «Ёсо»сиз яшар замон,
Кучлилар мудом мулкдор, зўру бой ҳамон!

Шундай замонда Тўйхўжа шер ўғлон ҳам,
Кўркам Мингқишлоқда бўлган ҳоким, ўктам.

«Икки қўчқорнинг боши бир қозонга сиймас,
Ялонғоч икки қилич бир қинга кирмас!?»



Урусхон билан Туйхужа нафаси ҳеч,
Дўстлашмади бир-бири-ла бўлса-да кеч.

Урусхон чорлаб Туйхужахон ўғлонни,
Хужа тархонда тўкди лоларанг қонни!

«Ал қассосу мин ал -ҳақ!» деб кўтариб чанг,
Сигноққа чорлаб Тўхтамишхон³⁷ қилди жанг.

Енгилиб қочди шаҳри Самарқанд томон,
Темурдан паноҳ топиб қолди жони омон!

«Хом сут эмган ҳар бир одамзот боласи»,
Қайдан билур қипчоқнинг бор бир балоси?

Темур инонди «Аслзода» деб Тўхтамишга,
Аркони давлат илик чўзди бу ишга:

«Узоқ сарҳадлар агар бўлса тинч-тотув,
Мамлакат гуллар тинч, четдан бўлмас сиқув».

Фикри-ла синар бўлди қипчоқ боласин,
Сониян билди бу ўғлон муддаосин:

«Қурол-аслаҳа, жанг-саваш-ла етармиш,
Темур кучи-ла Урусхонни енгармиш!?

Байроқ, нағора — ҳокимият тимсоли,
Зару жавоҳир, динор-черик қуроли!»

Дебон саркарда Тўхтамишни кузатди,
Ортидан боқиб, омад тилаб узатди.

Тўхтамиш олди Сир бўйида Сабронни,
Тиклабон андак қаддин, сурди давронни.

Урусхон ўғли Қутлуғ Буғо Сабронда,
Тўхтамишхонни босди, қолди армонда.

Бергач жон жангу савашда ибн Урусхон,
Лек жўчизотлар бўлди голиб тўкиб қон.

Тўхтамиш қочди саркарда паноҳига,
Юкуниб урди бош «падар» даргоҳига!

Соҳибқироннинг бор эди ҳўб одати,
Кўмак сўрсалар ошарди чўнг ҳиммати.

Ўйлади тақдир тақозасин эркпарвар,
Сийлади такрор бағрин очиб ҳақпарвар.



Қурол-аслаҳа, озуқа, навкар тўплаб,
Сайхунга юрди девдай чухралар кўплаб:

«Сизга ҳам энди топилур элдан шерик,
Жавоҳир, динор, зар бу бўлғуси черик!»

Деб Тўхтамишни кузатди Соҳибқирон,
Узатди омад тилаб паноҳи Турон.

Ўгирса омад юзин гар ҳар одамдан,
Ақлу фаросат кетар ҳар беғамдан.

Тўхтақиядан зарба еб, бўлиб тор-мор,
Сайхунга от-ла ташлаб сузди мисли мор.

Қозончи ўқи «ўғлон»ни этди бемадор,
Учқир жийрон от ҳам бўлганди ярадор.

Йиқилди сувдан чиқиб Тўхтамиш ёмон,
Ҳалқумга келиб жон, қулади бедармон.

Нохосдан тонгда топди Идику барлос,
Ярага малҳам боғлади табиби хос.

Пойтахтга элтди «ўғлон»ни иккинчи бор,
Темурдан ўзга таянчи йўқ, эди хор!

«Эгилган бошни қилич кесмас!» дейдилар,
Темурга эгиб бош келган не дайдилар?

Узоқ ўй-у фикр, мушоҳада очди йўл,
Амир Темурга Дашти қипчоқ чўзди қўл.

* * *

Урусхон сафин ташлаб қочди Идику ўзбек^{39*},
Паноҳ қанотин очди эрклор Темурбек.

Урусхон эмиш золим, беҳад зўғимкор,
Жангга солармиш ўйнатиб шамшир бадкор

Жанг бўлмас беқон, асло бешаҳид зинҳор,
Қон кечиш эмас лолазор, гули баҳор.

Жиддийроқ босса ёвни навкар ўнгида,
Сардор саркарда бўлар албат сўнгида.

Қумондон бўлиш навкарга олий истак,
Савашар ёв-ла ул бўлай дебон ўрнак.

Қўшинни олға бошламоқ -бу мард иши,
Қўрқоқ, қочоқдан нани кутар киши!?



Ким нима кутар, билмоқ керак истагин,
Идику ўзбек ҳам Тўхтамиш тилагин?

«Ўз мойида гар қовурса ўз гўштини,
Синдирар ёвни, кўрар яйраб гаштини!

Тўхтамишни гар қўлласа Соҳибқирон,
Дашти қипчоқда бошланур довул, бўрон.

Урусхон зоти -ўғиллар жангга кирар,
“Падар” кучи-ла Тўхтамиш ёвин қирар.

Шаҳзода бўлар Оқ Ўрдада ҳоким,
Идику ўзбек — Олтин Ўрдада ҳоким.

Дашти қипчоқда бўлгач Темур одами,
Сарҳади Турон бўлар тинчлик мақоми!»

Темур этиб зирҳ ҳарбона мушоҳада,
Соний навқарни тизди маржони шода.

Ногоҳон келиб Урусхондан элчилар,
Кеккайди, мисли довдир бешоҳ эчкилар.

Манғит Кепакбий, Тулужон талаб билан,
Нома ёзилган ажаб заҳр, алам бирлан:

«Урусхон эмиш оламда шоҳи азим,
Жаҳон унга бош эгиши эмиш лозим?»

«Ал қассосу мин ал- ҳақ!» — иссиқ қон ялаб.
Тўхтамишни ул этибди тезкор талаб,

«Дерлар туркийда «меҳмон отадин азиз»,
Жаноб элчилар бўлманг асло бетамиз.

Жаноб Кепакбий, билинг Манғит ҳам туркий,
Дашти қипчоқ ҳам туркийга мансуб, орий!?

Ўтмасдур Дашти қипчоқ ўзбегин ҳукми,
Ўчган эмасдур босқин, жанг-уруш тухми!»

Шу онда узоқдан етди ноҳуш бир хабар:
«Тўхтамиш ўғлон боз бўлибди дарбадар!?»

Урусхон босиб, талабди Оқ Ўрдани,
Азобда қолган ёшу қари гардани.

Оқ Ўрда томон юрди саркарда пухта,
«Урусхон бошин чопиб қўймоққа нуқта!»



* * *

Жўчи улусин бир вакили Урусхон,
Ажабо «ман-ман», мурасасиз сўрар қон.

Анқирди уруш иси Дашти қипчоқда,
«Етилганди шарт-шароит бу олчоқда!»

Урусхонда мўл лашкар, қурол-аслаҳа,
Гар босса элни, ямлар мисли аждаҳо.

Қарор қилди Хон ила қурибон Кенгаш:
«Турон давлати ёв-ла тузмас сулҳу яраш!»

Минг уч юз етмиш олтинчи йил Ҳутида,
Уруш бошланди саҳройилар юртида.

Ўтрорга кўчди Амир Темур кўшини,
Жўчи малаҳдек қучди Сигноқ тўшини.

Тарафлар ясол тузиб зидма-зид уч ой,
Арслондай боқиб, тизилиб турди ҳой-ҳой?

Савашмади бир-бири-ла қон деб кўзи,
Гоҳ қоровуллар чўлда талашди ўзи.

Қоровул Борик Темур, Хитой баҳодир,
Беш юз йигити кўрсатур нега қодир:

Темур Маликнинг уч юзлик қоровули,
Борик, Хитойни шаҳид этди довули.

Қоровул сафлар туну кун турмади тек,
Ясовул ёвни оралаб қўймади чек.

Ёвдан «тил» тутиб билди кучлар сонини,
Жўчилар қурол-яроғин маконини.

Улуғ Сотқинни Оллоҳдод олди асир,
Зап сайради «тил», Жўчида қолмади сир:

Шоҳ ҳам қутилмас тақдири азалдан ҳеч,
Дорилбақога кетар эрта ёхуд кеч.

Бир мингу уч юз етмиш олти санада,
Урусхон ўчди жони қолмай танада.

«Урусхон ўлди, қипчоқ қолди безга,
Тўхтақия ибн Урусхон бўлди эга!



Жўчи тарқаб чор тараф, қолди кам навкар,
Лек Сигноқда бор бир тўп-тўда оз лашкар.

Жайронқамиш эмиш жўчига зўр ўрду,
Жанг маслаҳатин Тўхтақия бош кўрди!»

Ёв кўрғонини аввал босиб саркарда,
Жўчилар кучин қилармиш пораканда.

Тўхтамиш ўғлон пойтахтдан қайтган замон,
Саркарда юрди қипчоқ ўрдуси томон.

Дашт, саҳро йўлин билувчи ўғлон-жарчи,
Кўшинга бўлди Тўхтамиш илк ғажарчи.

Бошин кўтариб бамисли бедов туя,
Темур шахтидан зап ҳуркди Тўхтақия.

Жўчи қўшини савашиб бўлди тор-мор,
Лек Темур Малик ибн Урусхон ботир бор!

Тўхтамиш ўғлон Оқ Ўрдада боз ҳоким,
Саркарда борки Дашти қипчоқда токим,

Самарқанд сари саркарда қайтган ҳамон,
Темур Малик Оқ Ўрдани босди ёмон.

Тўхтамиш яна қочди Самарқанд сари,
Ҳумоюн навкаб бўлди малҳам, сарвари.

«Бир кунлик меҳмон азиз, улуғ икромда,
Уч кунлик меҳмон бўлур ғанда, қарамда!»

Нақлни четлаб саркарда очди бағрин,
«Меҳмон»га берди ош-туз сочмади захрин:

«Тухтамиш ўғлон бир омадсиз шахзода,
Боқар унга ҳам тож-тахт, дур шода-шода?»

Ўй ила Амир Темур омад тилабон,
Қуроллантирди такрор бошин силабон.

Амирлар сафдош, бош сардор Тўхтамишхон,
Жангга отланди қипчоққа бўлай деб Хон?

* * *

Оллоҳим берсин деб жангга ғолиблик роҳ,
Икки қавчинни этди сафдошу ҳамроҳ.

Ҳарб билимдони Туман Темур ўзбек бош,
Бахтихўжа-ю Фиёсиддин тархон қош.



“Ўғлон” бош лашкар жангжўй жанговари,
Қочди Сигноқдан жўчининг баронғори.

Олтин Ўрдага қочди ҳарб Темур Малик,
Баджаҳл, қасоскор жўчизот асил тоғлик.

Лек ибн Урусхон Оқ Ўрдани босармиш,
Тўхтамишхонни тутдай қоқиб тўкармиш?!

Оқ Ўрда эгди бош, Тўхтамишхон ҳоким,
Лек Қипчоқда мўл ёвлар, жанговар оқим.

Тўхтамиш қилмай Оқ Ўрдага қаноат,
Олтин Ўрдага ёйди жанговар қанот.

«Эмиш» жўчилар Тўхтамишга талабгор,
Дейдилар Темур Малик-майпараст, афгор!

“Олтин Ўрдани олсам қолмасди армон”,
Тўхтамиш “ўғлон” яшарди уй-ла ҳамон.

Чорлаб Тўхтамиш кўмакка “падар” ин,
Олтин Ўрдада букармиш Жўчи зўрин.

Соҳибқирон жанг ила қиргач қипчоқни,
Сониян Олтин Ўрда очди қучоқни.

Шафқатсиз жангу савашда Амир Темур,
Қирғин борот-ла этди тор-мор баҳузур.

Сўнг сурди қипчоқ жангин ғолиблик гаштин,
Темур тўй бериб кўрармиш Хон бўй-бастин.

Олтин Ўрдани олиб Темур беомон,
Тўхтамишхонга бўлди зўр қувват-дармон.

Сигноқда Амир Темур Тўхтамишхонни,
Боз ўтқизди Оқ Ўрда тахтига хонни.

Тўхтамишхон ҳам беҳад кетиб ўзидан,
Чикди раҳнамо нусратқарин сўзидан..

«Шоҳ бўлсам агар зўр бамисли Чингизхон,
Бўларлар тобе Менга жами-ул жаҳон!?»

Хаёлат қасри ичра қилиб беҳад парвозлар,
Хон кўланкаси ҳақ бўлармиш овозлар.

Бешафқат, дағал замонда кечди ҳаёт,
Фаромуш этди кўмакни “ўғлон”, ҳайҳот!



Тўлғониб мисли саҳройи қора илон,
Кўрнамак, нонкўр «падар»дин сўради қон!

Уч бошли мўғул аждар^{40*}-ла саҳройи,
Туронни босса бўлар ташвиш бинойи!

***Амир Темурнинг «Уч бошли
аждар»ла олушув баёни***

«Мўғулистон, Туркистонни этиб горат,
Чингизхон барпо этганди бир салтанат.

Мўғулда бугун икки чингизий ҳукмрон,
Довюрак Ўқтой ҳам Тули элга қалқон.

Жўчига теккан Туркистон- гулдек диёр,
Мовароуннаҳр — Чигатой-ла бахтиёр.

Бир ота-она дилбанди оға-инилар,
Талашди мол-мулк, тож-тахт деб зўр ғанилар.

Мўғулзотлар титди ака ҳудудин,
Жўчизодалар ҳам Чигатой бор-будин.

Ўтди кўп қонли босқину жангу жадал,
Қирилди мардлар — олиб кетди ҳақ ажал.

Етилди сардор тахту тож талошидан,
Саркарда жангу жадал, уруш қошидан.

Тарқаган Чингиз зотидан қонхўр авлод,
Ҳукмрон элларда, бугун мўл чаласавод.

Мўғулистонда “уч бошли якка аждар”,
Алар турсангиз авраб, ямламай ютар:

Қамариддину Хизрхўжа^{41*}, Анқо тўра^{42*},
Катта амирлар — қонхўр ҳеч бўлмас жўра!

Мовароуннаҳр сарҳадин бутунлиги,
Беқон бўлмас эл-юрт, улус омонлиги!»

Ўй уммонида наҳангдек сузди сарбон,
Адолат парвар, эркпарвар Соҳибқирон:

«Аввал узамиз аждар бошин бирма-бир,
Турон сарҳадин тиклаймиз босиб дўнг-қир!»

Дуғлот ўғлони Қамариддин илк нишон,
Босармиш уни жангжўй-ла Соҳибқирон.



**Соҳибқирон Амир Темурнинг
амир Қамариддинни таъқиб
қилиши зикри**

Уйғур миллатин ўғлони Қамариддин,
Аржуманд Дуғлот қабиласидан ҳамдин.

Мўғулистонда даставвал амир инчунин,
Мовароуннаҳр амиридек ҳамчунин.

Ёвлашди Мўғул шоҳи Илёсхўжахон,
Қамариддин-ла шўришда солиб сурон.

Матлаби мол-мулк, парипайкар хушдори,
Илёсхўжахон душмани, йўқ ҳеч ори.

Ошкора жангга кирди зидлашиб дуғлот,
Ағдарди тахтдан Мўғул подшосин, ҳайҳот!

Қашғор, Иссиққўл ҳам Еттисув ҳудуди,
Уйғурзот амир Қамариддин бор-буди.

Мўғуллар Хонин ағдаргач юрт тахтидан,
Илёсхўжахон ажралди ўз бахтидан.

Бир мингу уч юз олтмиш учинчи йил,
Омади кулган сана, эл қолган қойил.

Замин бағрига киргунча мўғул Хони,
Темур ҳудудин босди, оққанча қони.

Бир мингу уч юз етмиш бир санасидан,
Урушди ул жон чиққунча танасидан.

Бир мингу уч юз саксон тўққиз санада,
Лаҳадга қўйди жон қолмагач танада.

Қамариддин ҳар баҳор, ҳам ёзу кузда,
Савашди мудом ўн тўққиз йил чўл-бўзда.

Енголмай Амир Темурни ўтди дуғлот,
Эсиз армон-ла бақога кетди ҳайҳот!

* * *

Мўғул-ла жангу савашда Соҳибқирон,
Нақд ўн йил умри ҳайф кетди тўкиб қон.

Бир мингу уч юз етмиш бир санасида,
Дуғлот отланди куч бордай танасида.



Мўғулистонда нон топмай Қамариддин,
Шош ҳудудини талабон чиқди ғамдин.

Кепак Темур, Шер Аввалбек, Ҳожибек,
Мўғулзодалар босди Туронни бетек.

Шош туманларин ғорат айлаб беаёв,
Бўлолмай зарни, бир-бирига бўлди ёв.

Бўялиб қонга лоларанг ўт-майсалар,
Товланди ялт-ялт офтобда қон-қуйқалар!

Ҳимоя жанги ўтарди ҳаёт-мамот,
Думалар фарёд солиб ёғийлар, ҳайҳот!

Аста-секин бир-бир синиб ёв аскарин,
Жанговар сафда сийраклашди навкарин.

Кетти юртига Жеталар Шошдан кўчиб,
Суюрғамишхон асовга мулкин тўкиб.

Юкуниб олди тан Темурни мўғулзот,
Мажбуран эгди бош қайсарий жетазот!?

Чигатой элин кўпи Мўғул қўлида,
Дуглот эмишким босиш, талаш йўлида?

Олармиш қилич серпаб мулкларни такрор,
Қамариддин ё Темур бўлармиш тор-мор!

Ташқи душманлар этар мулкдан мосуво,
Ичкиси қилар ҳар ишни билиб расво!

Қамариддин ўз ички жангин сезибон,
Шошдан кетганди далаларни кезибон.

Жаҳонгир илғаб мўғул безоҳирлигин,
Жангу жадалга кўрди ўз ҳозирлигин.

* * *

«Жалойир эли бўлган сохта дўст,бебош,
Мўмай зар, лаълу дурга тайёр ҳам бош-қош.

Кепак Темур бир чеккада турур мағрур,
Жалойирларга бу қилмиш беманзур.

Кепак Темурга Баҳром жалойир зид,
Ҳечдан чиқарар жанжал, турар зидма-зид.



Тезаки баҳодир, Сада эшон бир тараф,
Баҳром қилмади терслашувни бартараф.

Бу бебош эллар бўлган бемехр дўст, сотқин,
Истаб мўмай дур, гоҳ қилар юриш, босқин.

Гоҳ Шош тарафга, гоҳ мўғуллар томонга,
Мулк истаб оғиб кетарди ҳар ёронга.

Эли Мўказу Авранг Темур бебошроқ,
Жалойирийлар тубан, тарқоқ, паскашроқ!»

Дебон йўллади ишончли одамларин,
Топинг, деб нопок жалойир бадномларин.

Аббос, Али Шайх ҳам Хитой баҳодирлар,
Жалойирийга бўлди «қулоқ» ботирлар.

Самарқанд сари юргандан Амир Темур,
Қочди мўғулга Кепак Темур баҳазур.

Қувлаб савашди Баҳром жалойир зоҳир,
Кўприги «Ойша хотун»да турди мағрур.

Қочоқ тарафин олди мўғул сардори,
Тиранди зидма-зид сипоҳу навқари.

Шоплар рақсида ҳеч бири бўлмай голиб,
Тўхтади қилич рақси навқарлар толиб.

Ўтказиб тунда амирлар Кенгаши ҳарб,
Берармиш тонгда мўғулларга қонли зарб.

Тузмасдан жангжўй мухолифатлар ясал,
Сўради мўғул сулҳ, элчи бўлиб ўсал.

Нусратнишонга ёқмади сулҳи бенаф,
Ёвни қақшатиб босармиш қилгунча даф.

* * *

Соҳибқирон сал билиб ҳарб кучсизлигин,
Беш йил ростлади жанговар ожизлигин.

Бир мингу уч юз етмиш олтинчи йили,
Моҳи Ҳамалда Мўғулга тушди йўли.

Сайхундан ўтиб юрмасдан лашкар узоқ,
Пешвозга чиқди эллар қўймасдан тузоқ.



Илк бор Мунказу Авранг Темур эллари,
Мутелик ила эгилди зирҳ беллари.

Баҳром жалойир бирлан Суюрғатмишхон,
Темурни олди тан шамшир тўкмасдан қон.

Сайрам-Янгини қучганда қўшин қораси,
Серпамасдан шоп қочди ёғий сараси.

Қўллаб Ўғузхон макр-ҳийласин илк бор,
Темурни тасхир ила тутармиш ҳар кор.

Ўнгу сўлдаги пистирма бўлгач тор-мор,
Ғаним чекинди судралиб бамисли мор.

Қўшин сафида сирли душманлар бисёр,
Нега Зинда Чашм, амир Мусо беқарор?

«Ички ғаним чўғ, эрийди темир ўчоқ,
Амирлар дили сирли, мутлақо нопок!»

Ўй уммонида балқибон нусратнишон,
Билдиким, олға босмас бисёрдур гумон.

Қилич тутибон ҳарбий юриш беўрин,
Ситилар навкар маржондай, қонар бурун.

«Тухта! Ортга қайт!» Фармони Олий шудур,
Юраклар олсин дамини тинч, баҳузур!»

Хуфия иши юришиб, ғимирлашди,
Дўсту ғанимни билишга қимирлашди.

Туркистон.Азуж ариқ: «Хуфтон номозга,
Мусога ўтди чор кас илк сўров-розга!?»

Хуфия берди илк бор асил хабарни,
Темур қошида ютиб заққум-заҳарни:

«Билинг кимлигин, сотқин наслу насабин,
Фаромуш этган ул ҳарбона қасамин?»

Деб талаб қилди хуфиядан саркарда ,
Соний жазосин топгай албат шаҳарда.

Айғоқчилар тинч турмади изғиб ҳар ён,
Топар бўлдилар нобакорни безиён.

Сезарди Амир Темур кимлар ғанимроқ,
Мудом ўйларди сотқинларни беғамроқ.



Хуфия сўзин этай деб бир бор тафтиш,
Тунги қоровул ортди, қилар бирор иш.

Содиқ навкару қоровул бирлан Темур,
Бедазор сари юрди беиз, амр шудир!

Беда ғарами устида тунаб соз, тинч,
Тушида кўрди падарин, босди кўрқинч.

Хизр Ясовурий ҳам Зинда Чашм авлоди,
Мансабпарасту бўйинтовроқ аждоди.

Амир Мусо бош, Зинда Чашм, Абу Исоқ,
Суиқасд қилар бўлди Темурга иноқ.

Насл-насаби тойживут умоқидан,
Мусо мансаб-чун кўрқмас қон увоқидан.

Илдизи Жета фитнакор амир Мусо,
Мансабпараст, ул соқолдор, эмас кўса!

Хиргоҳни тунда ғанимлар этди тирборон,
Садо чиқмагач «...бек ўлди» деди “ёрон”.

Ҳар гадони шоҳ бўлғусидур орзуси,
Ҳар сипоҳниким-саркардадур орзуси.

Тобеълик-қопқон, узилмасдур занжири,
Озодлик йўлин бор ўнқир-чўнқир, жари.

Чилпарчин этмоқ мушкулроқ ҳар бандини,
Ҳақ орзудир, гар узса урсин қандини!

Юрганда Темур тонгда лашкаргоҳ сари,
Соқчилар турди тик жон-жиҳат-ла бари:

«Жонингизга қасд қилган» деди қоровул,
«Хос чодир илма-тешик, ёққандай ўқ-дўл!»

«Янгисини тез ростланг бесас бир зумда,
Амирларга май қолсин энг катта хумда!»

Деб Амир Темур сокин, бамайлихотир,
Юрди лашкаргоҳ сари ул бежавотир...

Беҳабардай ул ўтгач чодир тўрига,
Тангрига шукур этди навкар бориға.

Зиёфат айлаб амиру бек, навкарни,
Аслин билармиш беном иблис бадкорни.



Зиёфат борар, дастурхон тўкин, пур-пур,
Темур юзидан ёғиларди тафтли нур.

Зинда Чашм, амир Мусо қовоғи осик,
Абу Исҳоқ гоҳ Мусога боқар босик.

Худовандзода Абдулмаолий совуқ,
Шайх Абдуллайсга боқарди бедум «товуқ!»

Воқеа жим-жит ўтди, бўлди фаромуш,
Лек Соҳибқирон нега юрарди хомуш?

Фирдавсмонанд жон Самарқандга қайтар,
Хонсаломиди фитначиларни айтар?

Аён бўлибон муфаттин³² лар рўйхати,
Жазосин берар бўлди Турон пойтахти.

Қасдкорлар ўтди девони товачига,
Айбин тан олди, дош бериб зарб-қамчига.

Худовандзода, Зинда Чашм элдан бадарға,
Падар юртда йўқ жой, ёлғиз йўл бу қочарға.

Абдуллайс, Абу Исҳоқ қолди бемансаб,
Не неъмат сўрар, ўйласин бебурд энсаб?

Сарфитна амир Мусо ўлимга маҳқум,
Сароймулкхоним жазога бўлди ҳакам.

Мусо Темурнинг дилдор занига бўла,
Холавачча-хеш, мисли юмолоқ ғўла.

Темурдан олди сўраб бўла жонини,
Афву таззару, тўкмади сурх қонини.

Сотқин нишига урилди ўткир болта,
Сотқинлик умри тўлқининг мавжи калта!

* * *

Мўғул ўрдусин хуфия билган замон,
Дадил сафлади қўшинни ёвга томон.

Шаббон.Бир минг уч юз етмиш беш санада,
Қамариддинни босди ул Кўк томада.

Бурка руёндан дуғлот Қамариддин,
Салла пешини тишлабон қочди ҳамдин.



Пойи тоғ олди ўз комига қочоқни,
Бебаҳо жони қолди омон олчоқни.

Падарга боқиб амирзода Жаҳонғир,
Фатво сўради қуварга «қоплон»ни бир.

Қамариддин ҳарб билимдони ҳам «тулки»,
Тутқич бермасдир, айёр, қолса-да мулки.

Амирзода ҳам тутолмади «мўғул»ни,
Ёв алдаб қочди Жаҳонгирдай ўғилни.

Қамариддин Учкармонда бўлди ғойиб,
Тоғ-тош дарага кирдими муздай тойиб?

Амирзода мўл ўлжа-ла ортга қайтди,
Жанг сарҳисобин Олий ўрдуга айтди.

Ўлжа ичида бор эди бир паризод,
Қамариддин жон жияни сарвқад Дилшод.

Эллик уч кеча турди Пойи тоғ ёқиб,
Қамариддинни узлуксиз этиб тақиб.

Қора қисмиқдан аввал Отбошга қўшин,
Кўчгач Тангри тоғ, Арпа сой очди тўшин.

Ажаб дилкушо, бетакрор дашт, оромгоҳ,
Барчага ёқди, сабзор тоғ-тош, даргоҳ.

«Қамариддин жон жиянга қўтармас қўл,
Жасур саркарда қилич, тифқа бермас йўл.

Дилшод оқани Темурга никоҳ йили,
Қариндошлик бу рақибни енгиш йўли?»

Дебон яшади суриб серташвиш, ўй-фикр:
«Дилшод оқа сулҳ, келтирар» деб тўкди меҳр.

Чигатой мулки даҳлсиз, мутлақ асрий ҳад,
Фарғона, Сайрам, Шош бўлар сокин сарҳад.

Олти ой кезиб лашкар чўли биёбон,
Ясси довондан Ўзгандга ўтди равон.

Соҳибқирону амирлар тўкиб борин,
Тавоф айлади улуғ Пирлар мазорин:

Ҳазрат саййид Бурҳониддин Қилич хокин,
Зиёрат этиб ночар томин ёғдилар.



Кўмак деб чўзди мақбара таъмирига:
Минглаб қўй, уч юз от ҳам берди камига.

Ўтказиб сўлим Фарғонада ёз, кузни,
Хўжандга тушар бўлди юмибон кўзни.

* * *

Илгаб Одилшоҳ Ҳумоюн мавкаб келишин,
Шайх Муҳаммад ҳам тўғрилади ковушин.

Замонасоз Шайх Муҳаммад ибн Баён сулдус,
Кўзида пайдо бўлди Темур чўнг юлдуз.

Пешвозга чиқиб, Марғилонда мўл кутди,
Ортидан қолмай жийрон жиловин тутди.

Олампаноҳни юракдан этиб иззат,
Амирлар уч кун берди базму зиёфат.

Соҳибқирон сайр қилди Хўжанд боғларин,
Дарё соҳили чакалакзору роғларин.

Самарқанд, Кешу Қаршига олгач рост йўл,
Ортида қолди жанглар, Тангритоғ, Кўккўл.

Қарши тарафда дилкаш Занжирсарой⁴³*да,
Темурбек қишлаб, юртни тергади ойда.

Хуфия йиғиб хабар, одати элтиш,
Ишончга кириб, саройда кун ўтказиш:

Саркарда сўзин тинглаб хўжандий бир-бир,
Энсаси қотиб ҳафсаласи бўлди пир.

Тортиқни олиб тан-жони қалтиради,
Ўлдираб, терлаб, юзи зўр ялтиради.

Амир Темурнинг беписанд совғасидан,
Ҳокимлар чўчиб қочди ўз жазосидан.

Сал безовта Шайх Муҳаммаду Одилшоҳ,
Жаҳонгирдан сал ҳадикиб тортди-ку оҳ?

Чалкашди эсин туккан Сор Буғо тоға,
Одилшоҳ -ла Шайх Муҳаммад ботир оға.

Ўзга эл-юртдан қидириб иссиқ паноҳ,
Урусхон томон юрди қилмасдан огоҳ.



Девонхонада кўриб Темур элчисин,
“Тутиб берар” деб отга босди қамчисин.

Ўз эл-юртидан қочган бесар сотқинлар,
Урусхондан ҳам кетди бесабр қочқинлар.

Етиб мўғулнинг саркардасига омон,
Соҳибқирон ҳам бўлди қочоқга ёмон...

Сотқинлар бўлгач Қамариддинга қувват,
Сийланди иззат ила сирли мурувват?

Йиртқич илики агар тутса иссиқ жон,
Тани ловуллаб, кўзи ёниб истар қон!

Бир мингу уч юз етмиш олти санадан,
Мўғуллар босди яна писиб, панадан.

Ажаб талади даставвал Андижонни,
Оқизиб қонни, чопиб ёш-қари жонни.

Дуғлотдан кутиб Умаршайх кучли зарба,
Чўчиб тоғ томон кетди қилмайин ғалва.

Ўш тоғларидан топиб қўнимли макон,
Ёвга зарб берар бўлди топиб имкон.

Соҳибқиронга етди амирзода чопари,
Мўғул босқини, сотқинлик шумхабари.

Қўзғолди илкис Темур бамисли наҳанг,
Қамариддинни ҳоли бўлар энди танг.

«Одилшоҳу Сор Буғо, Шайх Муҳаммад сотқин,
Ўз эл-юртингдан қочиб қонингга ботгин!»

Деб Темур зарб-ла сафлади жангжўй қўшин,
Жангу жадалга отланди пурнур яшин.

Шитоб-ла етди Кува шаҳри пойига,
Лашкарга берди ҳордиқ, қараб ройига.

Ёв хуфияси қайтиб Қамариддинга,
Темур ҳарб ҳолин баён этди ҳамдинга.

Андижон, Ахси, Косон, Ўзгадни талаб,
Мўғуллар қочди Турон сарҳадин ялаб.

Отбошда курди ҳарбий пистирма-тузоқ,
«Темурни тутар эмиш кутмайин узоқ...»



Соҳибқиронга Ўғузхон^{44*} ҳарб ҳийласи,
Айён эди бу Қамариддин қуйқаси.

Лек ёв устига Жаҳонгир бош жанговар,
Юргач билдиким, қамалга тушар падар.

Араваларин Темур айлаб занжирбанд,
Лашкаргоҳ сафин тигизлаб этди тирбанд.

Амирлар ила туздилар режа ҳарбона,
Ёв сиртмоғидан чиқар бўлди мардона.

Ёмғир, қор ёққан совуқ куз, қишдек тунда,
Саркарда чиқиб чодирдан кўрди шунда:

«Қолибмиз қамал-пистирма ўчоғида,
Жон берармизми, тонгда ёв тузоғида...?!»

Билди, қамалдан чиқмоқ зарур ҳам мажбур,
Қамариддинга ем бўлмай йўл топадур.

Чорлаб Шайх Али ҳам Хитой баҳодирни,
Шум ҳолни айтди: «Топинг ҳарбий тадбирни!»

Кечиб арава, ўтов, чодир ётоқдан,
Чиқар бўлди тор ёлғизоёқ сўқмоқдан.

Тоғ дарасида юриб ғирт чақир тошдан,
Навкарлар чиқди пистирмадор Отбошдан.

Лашкаргоҳ ёнди чарс-чурс ловуллаб тонгда,
Арава, ўтов мўғуллар қолди доғда.

Умаршайх тўплаб тоғ жавонидан навкар,
Дуғлот аскарин қирди Отбошда такрор.

Отбош жангидан саркарда топиб хабар,
Мўғулни ортдан босди ўғли беҳабар.

Пиру авлиё руҳи, Оллоҳ мадаккор,
Ёғий тупроққа қорилиб бўлди тор-мор.

«Душманлар бисёр, жангга шай турмоқ даркор,
Ҳожибек, Анқо тўрадек амирлари бор!

Алар дуғлотни қўлласа- кори душвор,
Жангу савашда шаҳид кетар мўл навкар!»

Хаёлга чўмиб режа-тадбир тузар чоғ,
Падар ёнига Жаҳонгир кирди шу чоғ.



Ўғлонин кўриб, сарвдек қадду қоматин,
Юракдан тўкди жами орзу-ниятин.

Бағрига босиб, пешонасидан ўпиб,
Юзига боқди қалбағи меҳрин тўкиб,

Жаҳонгирда илк сизди чарчоқ дардини,
Заъфарон юзи, бу дард буккан қаддини!

Табиб қистави ила Жаҳонгир Мирзо,
Дам олар бўлди отасин этиб ризо.

Кўнди бузруквор қистовига ноилож,
Лашкарга дилдан тилаб зафару ривож.

Йиғирма ёшлик амирзода Жаҳонгир,
Пойтахт сари ул қадамин босди бир-бир.

Самарқанд суви, ҳавоси бўлмай даво,
Амирзода ҳам рихлатга бўлди раво.

Шум хабар етиб саркарда дил баҳрига,
Тўхтатиб жангни, қайтди пойтахт бағрига.

Темурни букди Кешда Жаҳонгир дафни,
Фармойиш бермас, қидирмас бирор нафни.

Фаромуш этиб ўзин, давлат ишларин,
Йўқ қабрига тош «қалар»ди, гоҳ ғиштларин.

Жаҳонгирдан бор-йўғи қолди аржуманд:
Муҳаммад Султон, гумона Пирмуҳаммад.

Сароймулкхоним тарбиякунандаси,
Набиралар ҳам бўлар ёв кушандаси.

«Оламни босса сув тўпигига чиқмас»,
Нақлидек ғамдин Темур бўлди гап уқмас.

Аркони давлат сўзин тингламай Темур,
Совиди олам ишларидан, беҳузур.

Тинглаб Пир Саййид Барака насихатин,
Темур тиклади ҳарбий салоҳиятин,

Оллоҳ амрига эгиб бошин, айтиб шукр,
Давлат ишларин бошлади қилиб фикр.

* * *



Қамариддин нафс денгизига бўлиб ғарқ,
Лаълу дур дебон жиянга бўлди бефарқ?

Йиғибди навкар саркардага тескари,
Матомсаро дил дардин сезмай назари.

Яна мўғулга зид бошланармиш юриш,
Фалокат чоҳи, жон-қон талаб бу уруш.

Матомсарони тан олмаган шабкўрни,
Ҳалқумига тиг санчармиш баттол «зўр»ни.

Ҳарбий юришни ўйлабон зимдан пухта,
Қамариддинга кўяр Темур чек, нуқта.

Сафарбарлик бу Мўғулистонга юриш,
Қамариддинга зидма-зид қонли уруш.

Тўкилажак қон, бош думалар сапчадек,
Қон кўлмак-кўлмак, шопдор қулар арчадек!

Умаршайх, амир Оқ Буғо, Хитой ўғил,
Қоратепани босганда, қочди мўғул.

Тушди Умаршайх Мирзога бисёр ўлжа,
Зару дур, уюр отлар, йиғди бафуржа.

Андижон молу жонига энди қувват,
Умаршайх бели зимдан бўлди бақувват.

«Қамариддин қушдек ўйнар, озод учар,
Қаноти агар синса жанг-жадал тугар!»

Дебон саркарда билдиким бенаф кутиш,
Сафлади қайта жангжўй сафни бу уруш!

Бир мингу уч юз етмиш еттинчи йили,
Баҳор. Мўғулни босди саркарда қули.

Қамариддин ёхуд Темур бўлар бош,
Аҳд этиб юрди ёвга зид, тўплаб бардош:

Амир Мусо, Оқ Темур манғулой сафда,
Аббос баҳодир чечан юришу гапда!

Тафтли Иссиққўл Буғамида қоровул,
Зап савашди мисли хўрози қирғовул.

Қамариддин боз қочди бермайин тутқич,
Кўчқорда бўлди гум, дилин босгач кўрқинч.



Саркарда: «...дуғлат қочибди мисли тулки,
Чиябуридай тутиб, қиламиз кулки!

Тоғ эчкисидай билар сўқмоқни қочоқ,
Лек мушкул тутмоқ, гар тутсак ҳоли чатоқ!»

Тангри берса гар ҳар жангга кушойиш,
Тухфалар келар, кўнгил бўлар осойиш.

Мўғул тарафдан Ҳожибек, Анқо тўра,
Сулҳ сўраб турар, бўлайлик деб дўст-жўра?!

Сулҳга мос мўғул қилди дилдан аҳд-паймон:
“Яссию Саброн, Сайрам, Шош бўлар тинч томон!

Сулҳ шарти ила Темур қайтди пойтахтга,
Лек тинчгина бир кун ўтирмади тахтга!

Бир мингу уч юз саксон санаси, баҳор,
Кеш қалъасини деди: “Таъмирлаш даркор!”

Фикри-ла берди Темур Фармони Олий,
Ҳашарга чиқди халқу устолар, орий.

Хоразмдан келган бисёр меъмор қўли гул,
Ва бисёр ҳалол мардлар иш-ла бемашгул.

Темурбек Кешга бериб дилдан эътибор,
Қалъа қўрғонин этди мустаҳкам девор.

Турон давлатин қудратин билсин дебон,
Чўнг пештдоқли қаср қуармиш Соҳибқирон.

Онажонига дилдан этиб баҳшида,
Қаср барпо этар, нур товланар нақшида.

Кешда иш мавжи ўркачдор, йўқ бетараф,
Бу қаср Туронга беррар буюк шон-шараф:

«Кимлигимизни истаганлар билишни,
Кўриб бинолар кўркин, баҳолар ишни.

Иморатларга боқиб айтсин ҳайратин,
Юкуниб элга кўргазсун ўз ҳурматин!”

Қаср тарҳин пухта тайёр этиб маромида,
Ҳавуз қуармиш қаср Оқсарой томида.

Ўйнарниш еллар куйлаб сарой комида,
Лиқ тўлиб сувга мармар ҳавуз жомида.



Чашма лабидан қирқ икки газлик шаршара,
Шабнам сочиб шўнғиб сув ясар фаввора.

Ҳовуз сатҳида мавжлар ўйнатар кўзни,
Шабода эсмиш қаср узра силаб юзни.

Баҳри дунё бўб битди Фармони Олий,
Намаён этмиш қудрати Турон, орий:

«Тахтиқорача довондан сув олибон,
Қўргошин қувур-ла элтиб қуйинг, ёрон!

Қасрга беринг меҳр, юксак исломий талъат,
Битик сура сулс, қуфийда олсин зийнат!»

Деб Соҳибқирон меъмор, ганчкор, устога,
Қатъий тайин этди “тушманг деб жазога!”

Урусхон рихлат этгач дорулбақога,
Тошу тахт қолди илк урусхонзодага.

Жўчизотини мутлақ этиб ул тор-мор,
Сарҳадни бутлаб, тинчлик ўрнатди такрор,

Тўхтамишхонни қўйди Жўчи тахтига,
Соний Темур йўл олди мўғул юртига.

***Мўғул амирлари Анқо тўра ҳам амир Хизрхўжахон
ибн Туғлуқ Темурхон таъқибларининг зикри***

Бир мингу уч юз саксон тўққиз санада,
Қамариддин гум бўлди тоғ-тош, панада.

Хуфия изғиб Мўғулистону ҳар ёнда,
Хабар-ла елди Темур томон ҳар онда:

«Хизрхўжахон-ла Анқо тўра мўғулда,
Мовароуннаҳр сари шай турганмиш чўлда».

Дашти қипчоққа етганди урушдан дам,
Амир Темурни қўйди оёққа шу дам:

«Давлат сарҳади ҳафву хатар остида,
Мўғул навқари шай турар от устида!

Гар «босинг, таланг!» деса мўғул зотига,
Қузгундек учар қанот тақиб отига!»

Отланар бўлди Соҳибқирони аъзам,
Сафлади жангжўй лашкар бўлмай деб мулзам!



Жаҳонгир Темур тек турмади панада,
Қипчоқдан сурди от шиддатли янада.

Ёв сари юрди жавонғор суворий саф,
Иккала мўғул амирин этай деб даф.

Дашти қипчоқдан ўтди Бўри қошига,
Тўпалоқ қирқу Ўзтоғ довон бошига,

Пиёда, отлиқ ҳориган, манзил узоқ,
Қурол-аслаҳа зил-зил, йўлда мўл тузоқ!

Томоқлар қақрар, сув кам, олтиндан қиммат,
Яқин сайҳонда берди дам, қилиб ҳиммат.

Қудуқ қазиб уч кун топди оби-ҳаёт,
Сувга гарку шарқ бўлди, кетди ҳақ мамот!

Бардам қўшинот кўчди Тугро улоққа,
Йўлда шабада урилар бет- қулоққа.

Манзил хушҳаво, ажаб хушманзара жой,
Шикорбоп дашту қир, мафтункор серсув сой.

Дам олиб, тўплаб қувват лашкар бамаъни,
Озуқа йиғиб шикордан бўлди гани.

Сўқишди босиб Ўлан жару ўнқирда,
Шўришди бисёр навкар Чопар айғирда,

Инкажик, Авлун Буго-мўғул беклари,
Анқо тўра-чун жон-жаҳд-ла келиб кеклари.

Лашкарбоши Пир Али баронғорда шай,
Ёнида Мирак Элчи жавонғорда шай.

Тасхир-ла мўғул сафин ўраб савади,
Инкажик, Авлун Бугони зап қамади.

Тириги қочди зуд Тўра урунг сари,
Анқо тўрани паноҳ этиб сарсари.

Соҳибқироннинг нусратқарин лашкари,
Тўра урунгга юрди қўшин сарвари:

Саф илғорида Шайх Али, Икки Темур,
Кечаси гулда юрди Темур баҳузур.

Лашкарни алдаб, адаштириб ғажарчи,
Ғойибона гум бўлди мўғулзот гарчи.



Йўлдан адашиб Соҳибқирон лашкари,
Таваккал босди йўл тунда сипоҳ, навкари:

«Нишонда бўлсин “Етти қароқчи” юлдуз,
Юрсин аста, тонг отмоқда бу кундуз.

Анқо тўранинг эли шимол тарафда,
Талаб элларни юрганмиш хўп шарафда.

Муқобил Анқо тўра кўтармай кўчин,
Олайлик топиб, тасхир-ла янчиб тўшин!»

Кўрсатма ила Қаён қори йўлида,
Юрди Кўк соли сари мўғул чўлида.

Етиб жангжўйлар Оқ ўқуз манзилига,
Даму шикорга тушди беҳазилига.

Қаплайтириб камтар захира қўрини,
Қидириб топар бўлди ёвнинг “зўр”ини.

Кенгаш ила бўлиб иккига лашкарни,
Йўллади ёвни топишга мўл навкарни:

Икки Темур, Шайх Али жанубий шарққа,
Умаршайх Мирзо юрди шимолий шарққа.

Ўзга томонга босди Темурнинг ўзи,
Ёғийни танир узоқдан ўтқир кўзи.

Мўғулзот амир Хамид ўғлони Жалол,
Ғажарчи бўлди Умаршайхга тек, ҳалол.

Туркий мароғда йўллар кесишган чоғда,
Падару ўғил бирлашдилар учроғда.

Сониян олди йўл жипслашиб сипоҳлар,
Дала-ю даштга тикиб зийрак нигоҳлар.

Қорағужурдан лашкар утиб Қурбоқда,
Анқо тўрани топди ногоҳ овлоқда!

Ажаб савашди Анқо тўра аскарни,
Бошлар узилди сабил кетди навкари.

Қочди сардори мўғул чўлга паналаб,
Тиригин ортиб-ияртиб, от савалаб.

Мўл ўлжа-зарин қолдириб Анқо тўра,
Гумдон бўлдилар отига қамчи ур-а?



«Ёғий топилди-ю, лек илғордан дарак йўқ,
Ёхуд лашкарга тегдими дайди ўқ?!

Икки Темуру Шайх Али кетди қаён,
Дом-дараксиз бир сир борми,кимга аён?»

Кенгашиб калон амирлар бирлан Темур,
Лашкар илғорин топармиш ул баҳузур.

Ўқдай тизилиб саф тортди навкар,сипоҳ,
“Билинг, илғорим тутганми беўрин роҳ?”:

Пир Ҳожи, Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясовурий,
Сафи отланди шоп тутиб бесабр,орий.

Худойдод Хусайний камарбаста бош-қош,
Темурхўжа, Оқ Буғо бўлди кўзу қош.

Кезди бепаён чўлу дашт, бўз - адирни,
Сезди қоровул пистирмани чоҳ - жарни.

Қилич ўйнатиб ёғийни босди чунон,
Пинҳона макон бўлди ер билан яксон.

Илғордан топмай дарак қоровул нишон,
Ортига қайтди аскар ўйчан,паришон.

Тўсдилар ёғий қоровул сафи йўлни,
Алдаб тузоқдан қочди чангитиб чўлни.

Қора Баён-ла савашди Темур лашкари,
Ортидан босди амирзода навкари.

Тор-мор этибон мўғул умаросини,
Серзавқ ўйнатди зафар ноғорасини.

Амирзодаю синоҳлар қайтди шоён,
Ўрдуга элтди қуролу дур бепоён?

Кўчди Ҳумоюн ўрду Қорачур томон,
Сўнг етди лашкар Қорағужурга безиён.

Икки кун олиб дам лашкари нусратнишон,
Сафга тизилди маржондек тигиз, шу он.

Ўттиз минг отлиқ турар туғ-ла жанговор,
Амир Жаҳоншоҳ ҳам Учқора жавонгор.

Жангжўйлар шамшир қайраган савашга шай,
Анқо тўранинг мавҳига бирваракай.



Малахдай босиб, талаб овул-қўрани,
Ардиш бўйидан топди Анқо тўрани.

Наҳр соҳили кўм-кўк тилам яшнаб ётар,
Оролчада зўр айш-ла кайф суриб ётар.

Осмондан олов тушгандек сакради тик,
Ўйнатиб қилич серпади тиккама-тик.

Қочди сардори мўғул бор - будин ташлаб,
Тирик навкарин ортдан ияртиб бошлаб.

Дарё ўзани қочоққа ягона роҳ,
Анқо тўрага жингилзор бўлди паноҳ.

Мўғулистонда лашкари нусратқарин,
Еттисув, Ила воҳасин олди барин.

Бош амирларин саркарда этмиш мулкдор:
Амир Лаъл барлос Еттисувга бош эрқдор.

Темур Бўғоким Ила воҳасин мулкдори,
Қадим Чигатой сарҳадин улусдори.

«Мўғулистонда юрар муҳолиф озод,
Бирлашмаган бир тўғлиқмас бўлар барбод.

Ёғий кучларин мағлуби ҳам мушкулот,
Юрдан узоқда жанг хавфли, ҳаёт-мамог!

Анқо тўра ул айёр, ҳарб билимдони,
Улус сардори, ёғийнинг энг ёмони.

Босқин, талаш-ла қўшинни бўлмас тутиб,
Ватандан узоқ, вақт зиқ, турмас кутиб.

Гар чор тарафдан босса отлиқ, пиёда,
Ноилож сиртлон тушар тўрга уяда!?»

Ўй-у фикр бирлан Соҳибқирони азим,
Ёвни тутмоққа от қўйди, шиддатли жазм.

Кенгаш юклагач жанг-саваш масъулиятин,
Темурбек олди залвор мажбуриятин.

Эмил ғужурда сафлади аскарларин,
Қон талаб жангга ундади сарварларин.

Ташлаб жанговар ҳаракат қуръасин чўнг.
Оламшумул жанг юришин бошлади сўнг.



Бир юзу эллик минг амиру бек, навкар,
Мўғулни босди шафқатсиз селдай аскар.

Мўғул подшосин ўрдуси Болиғ юлдуз^{45*},
Саф-саф тортиб шул тарафга юрди кундуз.

Ғажарчи Баён Темур бинни Беккичик,
Умаршайх бирлан қадам босди дадил, тик.

Ошиб Дубачин юлдуз довонидан саф,
Босиб овулма-овул ёвни этди даф.

Етганда сафлар Қорхўжага кундузи,
Узоқ туюлди хоннинг Болих юлдузи:

Амир Жаҳоншоҳ, Шайх Али баҳодир,
Юрди ғажарчи Сақур изидан бир-бир,

Ўттиз минг аскар дадил отланиб ботир,
Анқо тўрани истадилар қирма-қир.

Ортда қолди чўл, дашт, боғ, дарё, кўл, ҳар ён,
Анқо тўрадан топмади такрор нишон.

Саф ўтиб Қора орту-ла Шўруғлукдан,
Болиғ юлдузга юз бурди қуруқликдан.

Йигирма минглик Усмон Аббос сафига,
Бўлди ғажарчи Жалол «хўп» деб гапига.

Кўкёр-Сағизғон-Суғунгон дашт йўлида,
Йўл босди навкар шамшир тутиб қўлида.

Сой-у жарликни титиб ўтибон аскар,
Болиғ юлдузга юзланди сонсиз лашкар:

Амир Худойдод Ҳусайний содиқ ҳарбдош,
Йигирма минглик суворийга бош қардош.

Жанговар қўшин шахти эрур беқиёс,
Енгишга ёвни қўйган беадад ихлос!

Амир Мубашшир кўчиб бу саф ортидан,
Уружбуни ул босди бесас устидан.

Ғажарчи Қумор Тоқу мўғулзотидан,
Анқо тўрасиз қайтди тушмай отидан.

Амир Мубашшир ортидан Амир Темур,
Ғул лашкари-ла йўлга отланди мағрур.



Шайх Зафар кимса гажарчи саркардага,
Йул бошлаб борар жонин ураб пардага!

Чигилга дохил бўлганда етди хабар:
“Қавми Булғачи-Олғучида ёғий бор!?”

Хумоюн навкаб берди Фармони Олий:
“Шитоб-ла топинг доруғачини^{45*}, орий.

Кабутархона доруғаси Маволий,
Кабутар учсин олиб Фармони Олий!

Кабутар қўнган он, ўқиб хат-туморни,
Қилсин Хизрхўжа маҳви -чун бир қарорни!»

Пиёда навкар овулни қилиб ғарот,
Гоҳ уриб, талаб этмишлар мўл ҳақорат!?

Мўлруд мавзесида ясол тузиб Хизрхўжа,
Жангга турарди шай мисли хўроз-жўжа?

Жанг- жадал қилди муҳолифлар икки кун,
Бир-бирин босди ўчакиб кундузу тун.

Олди лоларанг тус жанггоҳ хоки буткул,
Тана ётарди дустамон, бебошу қўл.

Жангчи қўли қон, шамшири қизғолдоқранг,
Юзида доғ-доғ теккан қон, ўзи гаранг.

Даҳшатона тус шамшир серпаш маҳсули,
Билмас жангда ким ҳақ-ноҳақ Оллоҳ қули!?

Амир Худойдод, Му башшир туғдор, ғолиб,
Хизрхўжа ўғлон жангу жадалда мағлуб!

Мўғул сардори сурди ростлаб жуфтакни,
Ёпиниб амир сиртлонсимон пўстакни?!

Жанггоҳда тишлаб ер қолди мўғулзотлар,
Қурол-аслаҳа, асиру мўл мол-отлар.

Асирга тушди амир Хизрхўжа қизи-
Сарвақад Тўкалхон оқа бегим^{46*}-мўғул қундузи.

Ғолиблик туғин кўтариб нусратнишон,
Кунгисни қучди лашкар куйлабон шоён.

Раво кўрса гар ғолибликни Ҳақ Оллоҳ,
Илоҳий шамшир қўшинга бўлар паноҳ.



Кучга- куч, сафга-саф қўшилармиш шуҳрат,
Олқишлар эл-юрт, тан-жонга энар қувват!

Султон Маҳмудхон навкарлари хайрихоҳ,
Бирикиб сафга ўтди бўлибон ҳамроҳ.

Қўшинлар ўтиб чўлу биёбонлардан,
Баҳраманд бўлди гулзор, хиёбонлардан.

Дохил бўлибон лашкар ажиб манзилга,
Мақтаса арзир, асло йўйманг ҳазилга!

Баҳаво ошён, подшоҳона оромгоҳ,
Қудрат манбаи, гўзал сарвижон даргоҳ,

Серсув марғузур, келинчақдай сервиқор,
Бетақрор манзил, замин кўрки, мафтункор.

Арчазору оқ қайинзор кенг қўнжида,
Мармарли ошён Болиғ юлдуз буржида.

Қад ростлаган тик қояли тоғ жойида,
Мўғул хонининг қасри Темур пойида!

Юриш маҳсули-таслими Болиғ юлдуз,
Ғолиб қўшинга берди тўй кеча-кундуз.

Навқару сипоҳ еди-ичди беармон,
Шикору ўйин қилди яхши-ю ёмон.

Жангчилар мансаб хизмату вафога мос,
Ҳадялар олди ё жазо-жафога хос.

Асл ғолибни ҳеч ким муҳокама этмас,
Жанг тафсилотин мақташга ҳақ сўз этмас!

Тик туғ кимники? Албатта тутганники,
Шон кимники? Жангларни ютганники!

Мавҳ этолмайин амир Қамариддинни,
Қочирди тоғу-тошга қуюн ҳамдинни.

Тутолмай амир Хизрхўжахон сипоҳни,
Мулруд жангида қочирди бу гумроҳни.

Йўқотди изин Анқо тўра айёрни,
Ҳарб билимдони, босқинчи ёв, сайёрни.

Уч муҳолиф-уч мўғулзот,уч сардор,
Озодликда ҳеч тутқич бермас ҳийлакор.



Уч мўғулзотлар-уч бошли маккор аждар,
Қаноти синган, захри бисёр бемадор.

Жангу жадаллар олдинда кутиб турар,
Лек Амир Темур юртга қайтмогин кўрар!

Мухолифларни таъқиб қилиш тўхтади,
Ва шу сарҳаддан падар юртга қайтади!

«Уч бошли аждар»ла савашини ниҳоясининг зикри

Мовароуннаҳр сарҳадида аждарҳо,
Баҳор тафтидан қимирлармиш гоҳ-гоҳо.

Қамариддин-ла Анқо тўра, Хизрхўжа,
“Уч бошли мўғул аждари”- мухолиф “жўжа”.

Қора бошли чўл илони-Тўхтмишхон,
Заҳар солармиш, сўрабди “падар”дан қон!

Уч бош — уч ғаним, мухолиф ўта айёр,
Бир-бирин бошин шартга узишга тайёр!

Лек, гар бирлашса Соҳибқиронга қийин,
Оч аждарҳодек эл-юртни талаши тайин!

Ўрдудан чиқиб судралмасдан қирма-қир,
Аждар бошини узмақ даркор бирма-бир!

Бир минг уч юз тўқсонинчи йил,баҳор,
Амир Темур боз сафлади лашкар бисёр.

Мовароуннаҳр, Хуросондан тўпланди,
Жанговар лашкар фавж-фавж бўлиб сафланди:

Сулаймоншоҳу Худойдод Ҳусайний бош,
Шамсиддин Аббос, Ҳусайин Жондор сафдош.

Мўғул аждарин Умаршайх Мирзо босар,
Қипчоқий илон бошин Темурбек кесар.

Шаҳдам қадам-ла ўтиб Сайхундан навкар,
Иссиққўл сари етди Темур-ла лашкар.

Тонгда Умаршайх бош Андижон лашкари,
Индинга етди беш минг туркман аскар.

Лашкаргоҳ тўлди жанговар навкарга лик,
Жангталаб қўшин сафланди ўйнатиб тиг.



Ҳумоюн навкаб Фармоний Олийга мос,
Амирзода-ю амирлар фикрига хос,

Қўштепа сари кўчди сафланиб лашкар,
Қоровул сафин хабарин кутмай саркор.

Арчиқ довонин қолдириб ортда қўшин,
Қоратол томон юзланди жангжўй жўшқин.

Қувлаб мухолиф изидан сафи аскар,
Олмалиқ сари етди жанговар лашкар.

Уч бошли аждар бир бошин этиб тақиб,
Сафлар қадами жадаллашди тутоқиб.

Шиддат қадам-ла ўтиб бу қароргоҳдан,
Жанговар чиқди Ила бўйи даргоҳдан.

Ўтиб серсув ўзандан тикди хиргоҳ,
Турфа рангларда товланди бу лашкаргоҳ.

«Уч бошли аждар бир бошин топмоқ керак,
Маконида анинг сарин чопмоқ керак!

Мухолифдан «тил» тутинг, билар ўрдусин,
Кўрсатсин асир-ғажарчи йўл, тўдасин?»

Дебон юклади вазифа Соҳибқирон,
Қоровул босди ёғий сарҳадин ёмон.

Падар фикри-ла иш кўрди амирзода,
Тутқич бермасди мухолиф-мўғулзода.

Забонгирликка бош Ўлжа Буғо қавчин,
Ўттиз бир чаптаст отига босди қамчин.

Бошинг узра гар ажал чарх урса гирён,
Беихтиёр тил сўзлар тумонат ёлгон:

«Гўёки шикорда Қамариддин-ла сафдош,
Савашиб Ўлжа Буғо берганмиш бардош!?

Писиб қочганиш дуғлот амири чўлга,
Гўёки беиз киргандай қора гўрга?»

Қайтибон Ўлжа Буғо лашкаргоҳ сари,
Сурди ёлғону саф-сата гапни қари!

Ҳарб амирзода Умаршайх хушлаб тадбир,
Тафтиш этармиш бу ҳарб сўзини бир- бир.



Хусайн Жондору Молиш, Бекаш баҳодир,
Минг суворий-ла айтар не бўлган содир!?

Отланиб юрди Қамариддин ортидан,
Ёвни тутармиш тоғлар пасти- юртидан.

Учта тепалик пасти ўтлоқзор майдон,
Қалашиб ётар унда жасад, атроф қон!

Четроқда зўрға инграрди бир ярадор,
Жони рамақда, беҳад оғир, бемадор.

Мусулмонликда жони бор ҳар бандага,
Ёрдамин берар чиқмай деб бир гандага.

Табиби лашкар ювди навкар ярасин,
Ярадор очиб кўз кўрди одам қорасин.

Жабрланган Мусо-мутақфулар қавмидан,
Танишди, мажруҳ бўлибди жангчи камидан.

Ёлғон сўзлабди ҳарб Ўлжа Буго қавчин,
Ясоқда жазо-танига тушди қамчин.

Мусо айтдиким, ёв қидирмиш емиш,
Иранжи бужин мўғул ўрдуси эмиш?

Ёвни Иранжи бужиндан изин топмай,
Ардиш дарёсин кўк соҳилига қўнмай,

Топай деб амир Қамариддинни омон,
Йўл олди Тулон даштининг қаъри томон!

Титкилаб буткул даштни навкар бирма-бир,
Дуғлот қорасин топмай кезди қирма-қир.

Амирзода-ю аскар олар бўлди дам,
Овлаб қоқим^м ҳам самур^нни бўлди бардам.

Олти ой қувди аждар бермади тутқич,
Безафар юрди навкарлар бу бир ўкинч.

Уч бошли мўғул аждари яшар омон,
Мухолифларни босишга келар замон!?

*Амир Темурибек лашкарининг Мўғулистондан
Самарқандга қайтиши зикри*

Қўшинни бўлиб икки ҳарбий сафларга,
Сафдошлар жомин тўлдирди садафларга.



Амир Темур-ла амирзода, сипоҳлар,
Ҳақ қиблагохга боқди дилдан нигоҳлар.

Саждада тилаб «кўрмасин деб ёмонлик»,
Сафга сўради Ҳақ Оллоҳдан омонлик!

Йўл узоқ, оғир, азобларга бериб бардош,
Мовароуннаҳр сари юрди сафардош.

Қашғор орқали амирзода лашкари,
Саҳарлаб юрди Кўҳалфадан аскари.

Қуран-Уч Фармон йўлида чумолидай,
Йўл босди узун саф карвон тимсолидай.

Соҳибқирон ўз сарҳадин кўрмоқ истаб,
Ила воҳаси, Туркистонга юрди қистаб.

Мовароуннаҳр сари ул йўл-йўлакай,
Хароб жойларни этди обод бирваракай.

Ҳар жойни бўлар экан хос об-ҳавоси,
Бемор дардига мойдек малҳам-давоси.

Ёхуд тани соғ одамни этар бемор,
Беҳол, бемадор ё ўйнатар мисли мор!

Болиғ юлдуздан Кичик юлдуз сал баланд,
Чўнг тоғ ҳавоси этаркан дилни дардманд.

Саркарда жисмин беҳос тутди беҳоллик,
Танда шижоат тиниб, босди филҳоллик.

Қалтирар тани дир-дир сезмасди жони,
Дунё қоранғу кўринмасди жаҳони!

Хизматкор Мамат чорлаб табибни зир-зир,
Тугилди ҳоли бемор хуфёна бир сир.

Баён этди бу ҳолни бесас кўз билан,
Хос табиб юрди шифо истаб дил бирлан.

Шу онда англаб олапаноҳ дардини,
Тайёрлади бир даво-шарбат мардини.

Симириб Амир Темур гиёҳ шарбатин,
Бот-бот терлабон тиклади салобатин.

Мослашиб Кичик юлдуз тароватига,
Қойил қолди хос табиб маҳоратига.



Соҳибқирон сир тутиб қўшиндан дардни,
Тўй-томошо-ла яйратди жами мардни.

Мириқиб дамин олди навкару сардор,
Маҳду мақтовдан тўлди, муншион дафтар.

Тўйдан сўнг лашкар қорли довондан ошди,
Самарқанд сари Соҳибқирон ҳам шошди.

Йиғирма кунда пойтахтга бўлиб дохил,
Самарқанд тузу нонин кўрди баҳам, аҳил.

Ҳумоюн навкаб етганда ўз юртига,
Пешвоздан ҳеч ким қайтмади тез ортига.

Улусу эллар шоён, сочдилар нисор,
Шаҳзодалару оқалар ҳам бахтиёр!

Конигилда тўй-томошо чиқди авжга,
Оромбахш қўшиқ оҳанги ажаб мавжга.

Сиймтан жанон раққосалар ўйнар чунон,
Меҳмону мезбон турар, даҳан очибон.

***Самарқандга қора мәрмартош
келтирилишининг зикри***

Сайр айлаб Болиғ юлдузни Соҳибқирон,
Нигоҳи тушди мәрмартошга ногоҳон.

Ажаб сержило эди қора мәрмартош,
Порлаб турарди саҳнда бамисли қуёш.

Ошиқ бўлгандай шул сулув қора тошга,
Сирли ҳаёлат уммони тўпди бошга:

«Тақдири азал битилса пешонага,
Гоҳ кулар тож-тахт шоҳ ёхуд девонага.

Хақ тақдир насиб этмасмиш бегонага,
Бекиниб бўлмас, тутулар бедавога!

Бандаси билмас бўларин қашшоқ, ғани,
Бўлар саркарда, гумроҳ ёхуд буюргани.

Дува Сеценхон қўйган қора мәрмартош,
Ажиб жавоҳирдир, товланиб оқизар ёш.

Чин воҳасидан келтирган замонда,
Болиғ юлдузда шоҳ яшарди омонда.



Не саркардаю шоҳлар бўлган маҳлиё,
Таҳсинлар айтган не донишу авлиё.

Замонлар зайли кимгадир этар насиб,
Қора мрамртош соҳибига муносиб.

Тоштарошлар гар чекса танига нақшлар,
Сарқофаг марҳум қабрига кўрк бағишлар!

Не замонлар, не босқинга шоҳид бу тош,
Дўстаман ётар ул асрларга бериб дош.

Зилдай оғир, ким олар, қайларга элтар,
Кимнингдир бир кун қабри устида ётар?!»

Ўй уммонида сузибон олампаҳо,
Чўнг ҳавас ила ташлади тошга нигоҳ.

Ва ногоҳ деди: «Амир Жаҳоншоҳ тошни,
Пойтахтга элтинг, эҳтиёт қилинг бошни!»

Сипоҳ Жаҳоншоҳ Фармони Олийга мос,
Сафар юмушин бошлади қўйиб ихлос.

Навкарлар олиб жиҳози дурадгарон,
Юрди арчазор сари шитоб-ла ёрон.

Ўрмонзор узра учди «тақ-туқ» садоси,
Дарахт танларди бир-бир чана устаси.

Сой соҳилида чилангорон дўкони,
Шамширу найза, тақа ясар макони.

Сандон устида саваларди чилангар,
Тутиб қайчи-ла чўгдай темирни заркор.

Зукко чилангар бирлан моҳир дурадгор,
Ясади чана, мустаҳкам ҳам бетакрор.

Узун чоҳ қазиб жойлади зил чанани,
Пишонг-ла тошни сурди айтиб нағмани.

Сувора пишанг кучи-ла силжир аранг,
Уста ҳам саркор боши бўлди хўп гаранг.

Ҳарблар кучи-ла оз-оз силжиб мрамртош,
Оҳиста зилдай чанага қўйдилар бош.

Серсавлат темир тасмали чана, орий,
Қора мрамртош бўлди анга суворий.



Қора сувор кийди ғумай кажава,
Тошкарвон кори бўлмасин деб пачава.

Чохдан чиқарди рост саҳнга ҳарблар равон,
Чанага отлар тиркалди қўш-қўш шу он.

Сафарга тайёр, пойтахт сари қофила,
Жаҳоншоҳ йўлга тушди тошкарвон ила.

Лек не азобу уқубат-ла юрди аста,
Самарқанд сари мрамртош ила уста,

Икки ой оғир йўл босиб қофила равон,
Пойтахтни қучди, қуриб силласи ёмон.

Азиз инсонлар шудир тақдири азал,
Шоирлар битса ёхуд битмаса ғазал!

Соҳибқиронга сарқофаг бўлди шул тош,
Болиғ юлдузлик залвор, қора мрамртош!

***Мовароуннаҳрга Тўхтамиш
«ўғлон» босқинининг зикри***

Эрон фатҳида Темур бўлган замонда,
Мовий ғалаба туг қилпираган онда,

Яссидан чопар келтиргач бир шум хабар,
Илкис оёққа қалқиди ҳарб жанговар.

Эрон заминдан Мовароуннаҳр сари,
Нусратнишоннинг лашкари қучди бари.

Шарқдан келарди мўғуллар элни талаб,
Шарқу шимолдан Тўхтамиш сарҳад ялаб.

Саброн ҳокими Темурхўжа Оқбуго,
Анқо тўрага ёвдир, эмас ул оға!

Жета тўраси Сабронга ҳеч бермас дам,
Босиб талар, лек Қипчоққа берар ёрдам.

Саброн қалъаси жангида ҳоким ёлғиз,
Қипчоқлар талаб босди бамисли тўнғиз.

Бўлганди шундоқ қадимда эрк талоши,
Беаёв жангу жадал, сўқиш кураши!

Саҳройи қўшин босди Ясси, Сайрамни,
Жета этарди Фарғонада байрамни.



Тек туролмайин оловқалб амирзода,
Умаршайх жангга кирди бўлмай жангзада.

Андижон, Ўзганд, Ўш, Ахсикат навкарин,
Шаҳзода қўшиб ёвга тортди лашкарин.

Хўжандга пеши лашкар бўлганда дохил,
«Анқо тўра ҳам босармиш ортдан аҳил!»

Етгач шум хабар шердек амирзодага,
Ортга қайтди зарб берар, мўғулзодага.

Қахрли важоҳат бурди Андижон сари,
Бошлади қалъа ҳимоясин навкари.

Умаршайх бинни Амир Темур кўрагон,
Фаторат жангин тўсди сафи беқурбон.

Ахсикат сувин ёқалаб амирзода,
Савашди йиғиб кучу қудрат, ирода.

Таъқибга бермай бардош мирзо, бек, тўра,
Сафлар қалъага тунда қайтди, начора?

Гурури тутаб шерқалб амирзодани,
Қалъадан чиқиб қувди жетазодани.

Босқинчи мўғул сафи қилич серпашди,
Амирзодани ҳам қалъага қамашди.

Анқо тўрада бисёр жавон навкари,
Қалъани тасхир қилди ёғий аскари.

Забти ошёнга қўлаб фаторатни чўнг,
Таслим этолмай қайтди бир ҳафтадан сўнг.

Тўхтамишхонга бўлмагач сал ҳарбий наф,
Чориғин судраб Анқо тўра ҳам бўлди даф.

* * *

Етди пойтахтдан Эронга нохуш хабар,
Тафсилотига мос лашкарлар сафарбар.

Муншийи ўқиб хабарнома баёнин,
Айлади аён бирма-бир асл мазмунин:

«Тўхтамиш белафз, кўрнамак, беҳис “ўғлон”,
Мовароуннаҳр сари от қўйган ёмон!

Нонкўр қипчоқ-ла баҳодиру нўён бош,
Сигноқдан ўтиб Сабронга отибди тош.



Бекёруқ бирлан Элийғмиш ўғлон босиб,
Сотқин баҳодир, Исабек келар шошиб!

Яссию Саброн, Сигноқда ҳам аҳвол танг,
Шиддат-ла серпаб шоп саҳройи қилган жанг.

Қипчоққа эмиш Бекёруқ ўғлон сардор,
Аждардек шаҳти, ўта қўрқмас жанговар.

Кўрнамак дадил босганда Туркистонни,
Сарҳаддан қочди сипоҳ ҳовучлаб жонни!

Лек Баротхўжа, Суюнч Темур, Темуртош,
Аббос баҳодир жангга беролмади дош.

Сулоймоншоҳу амир, беклар бўлиб жам,
Жўқликда синиб, қочди дилда ғам-алам.

Сигноқни ташлаб Самарқандга етибон,
Қалъа деворин қилди мустаҳкам ёрон.

Жўчизодалар йўлақай босиб-талаб,
Еди зуғумкор элда борини ялаб.

Саҳройи қўшин пойтахтни этди қамал,
Фатҳга топмади жанговар ҳарбий амал.

Талади кенту овул, ўтовни беҳад,
Қорни тўйса ҳам кўзи тўймас беадад!

Нонкўр Тўхтамиш лашкарин ўнг қаноти,
Хоразм томонни қучди босқин-ла оти.

Сониян ўтди Бухоройи шарифга,
Шаҳар қамали сигмас хурфикр таърифга.

Бухоро халқи бўлмаи таслим савашди,
Саҳройи зотин тутиб молдек қамашди.

Қон қақшатиб ёвни Тоғай Буғо барлос,
Ошённи жанг-ла Қипчоқдан этди холос.

Ёғий навқари забт этолмай шаҳарни,
Ортига қайтди ютиб заққум-заҳарни.

Тўхтамиш этиб вайрона қўшқ,саройни,
Кулин совурди кўкка Занжирсаройни.

Сотқинлар ҳамма замонларда ҳам ғаним,
Юртин ўйламас, дер мудом азиз таним!



“Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав-ганим, эй-воҳ,
Саҳройларга гажарчи, Оллоҳ гувоҳ!”

Темур тинглаб шум важоҳатли хабарни,
Даргазаб турди тик: «Тутинг ул бадкорни!

«Қуш уясида кўрганин қилур» дер эл,
Падар изидан кетибди оғритмай бел!

Кайхусрав эди гажарчи Темурхонга,
Султон Маҳмуд эса Тўхтамишхонга!

Ўрнидан туриб соҳибқирони машҳур:
Ё тавба! Қандай тубанлик...! Бу не шуур!?»

Тинглаб саркарда бисёр азият чекди,
Қадим воқеа-сотқинлик дилга чўкди.

Илон боласи заҳарсиз илон бўлмас,
Ҳарчанд этсаниз тарбият инсон бўлмас!

Ўз юртинг сотиб жаранг-жаранг ақчага,
Онанг норизо, сенга тушар қанчага?!

Гар сотса Она Ватан хокин дафъатан,
Дорилбақога кетар ҳар ким бекафан!

Самарқанд бирлан Бухорони саҳройи,
Забт этолмайин қирди элни бинойи.

Беаёв босиб Қаршию Кеш, Хузорни,
Жайхун бўйида ул қақшатди гузарни”.

«Етар!» хитоб-ла тўхтатиб хат баёнин,
Деди: «Эл-юртда билурмиз асл аёнин!»

* * *

Темур Туркистон жангин ўрганиб ҳил-ҳил,
Хуфия, амир юмушин қилди таҳлил.

Савашу жангни яруга этгач тафтиш,
Шафқатсиз жазо топди айбдор боёқиш.

Енгилмас бўлган нусратнишон лашкари,
Лек тасодифий жангда синди навқари.

Жўқлик жангида Баротхўжа кўкалдош,
Бепарволикдан синди жанговар қуролдош.

Соқол-мўйлаби қирилди шул ҳам жазо,
Қайда қолар асл ҳамият энди вафо?!



Лек ҳар замонда топилур бир қаҳрамон,
Ғазаб-ла тилар ёғий кўксин беомон.

Савашда Кўча Малик этгач шабихун,
Анқо тўрага бўлган бу дарс босқин, тун?

Шону шарафга мос сарбоз Кўча Малик,
Мансаби «Тархон» содиқлигига лойиқ!

* * *

Сафлаб жанговар лашкарин нусратқарин,
Буюрди: «Шаҳид бўлманг жангда беўрин!»

Дебон саркарда ажратди махсус сафни:
«Ёв йўлини тўсиб, бартараф этинг хавфни!»

Аббос баҳодир тизиб ўттиз минг эрни,
Савай деб йўлга тушди беҳис нонкўрни.

Тузин еб-ичиб тузлуғига туфурган,
Ошу нонин еб кучукчадай қутирган.

Нобакор истаб қон, ножоиз ҳайқирди,
Сониян раҳмдил “ота”сига ўшқирди.

Қашқирдай ушлаб падардан сўради қон,
«Лаънат бўлсин!» дер эл-юрт, эй Тўхтамишхон!

Қуръони карим-ла этгандинг қасамёд,
Қайда қолди қалб, дину Иймон, эй сайёд!?

Тангрини алдаб мақсадга ким етгайдур
Оқибат ул бир кун бекафан кетгайдур?

Молу мулк, тожу тахт ақлни айлар саёз,
Йиғлатар бир кун оққан қон, мисли аёз!.

«Эронзамин ҳам қолди бўлиб вайрона,
Қалъани ким тиклар, энди мардона!?

Саҳройи босган бу «Дард устига чипқон»,
Сарҳадлар илма-тешик, йўқ тўсиқ-қалқон!

Мовароуннаҳр хавф остида иш чатоқ,
Амирлар бебурд, Тўхтамиш эмас қўрқоқ!»

Ҳукмдори Хоразм Сулаймон баттол, туллак,
“Ға-ға”лабди ул Темурга мисли ўрдак.

Ҳар бир инсон лафз ила молдан фарқ этар,
Белафз Сулаймон куда қарзини нетар?



Ҳокимча ӯпиб Тўхтамишхон пойини,
Шарманда бўлиб поклади ул лойини.

Жета, қипчоқни Соҳибқиронга қайраб,
Жангта ундади сотқин голибдек яйраб.

Зарб этиб олтин-кумуш танга хўжаин,
Тўхтамишхонни илк тан олди ул хоин.

Белафздан инсон чиққанин билмас тарих,
Мозийдан сўранг, билурмикин муаррих!?

* * *

«Сулаймон Сўфи гар Тўхтамишдан аввал,
Тор-мор этилса, юриш бўлмас таваккал!»

Ўй-фикр, сабр ила Соҳибқирони аъзам,
Лашкар сафлади захирадор, мустаҳкам.

Минг уч юз саксон саккизинчи йил ёзида,
Саф тортиб қўшин юрди, тиг сарбозида.

Хоразмни қучди Амир Темур қўшини,
Чопади белафз Сулаймон гўл бошини:

«Тутинг тириклай тулки, номард қочоқни,
Ковланг чуқурроқ чоҳдор қопқон-тузоқни.

Бўғзигача хок тортинг бебурд гумроҳни,
Тавба-ла қилса афв этармиз гуноҳни!»

Амирларга бош амирзода Мироншоҳ,
Отланди Аббос ҳам Муҳаммад Султоншоҳ.

Ортидан Икки Темур, Учқора ботир,
Лашкарлар бирлан ҳарб Суюнчик баҳодир.

Шиддатли жангу саваш қилди беомон,
Хоразм букилди тўкиб мўл лоларанг қон.

Ғазабдан тушмай соҳибқирони замон,
Деди жаҳл бирлан шаҳарга боқиб шу он:

«Гурганжга сабоқ, жойига арпа экинг,
Ёхуд нусратқарин лашқарин қаддин букинг!»

Гапким бу жаҳддор, бузмоқ исломда гуноҳ,
Бўлганмас Гурганж вайрона, тарих гувоҳ.

Оқ уйли бўлди гала сўқир говбошлар,
Вайрона қасрни тиклар бўлди юввошлар.



Темур одати ҳар вайронани тиклаш,
Ёхуд юмушни бирор амирга юклаш.

Амир Темурнинг фатҳда талаби Қуръон,
Шариат ила кўрар иш тўкмайин қон.

***Тўхтамишхоннинг Мувароуннаҳрга
такрорий босқини зикри***

Бор экан тожу тахт, мол-мулк талошида,
Тақдири азал Тўхтамишхон бошида:

«Темурдан зўрсан!», сен «Чингизийсан!» дебон,
Сохта мақтовдан бурни бўлганди осмон.

Ақча жаранги димоғдор кўнгили чоқ,
Бетавфиқ гурур ила яшарди қипчоқ.

Такабурликдан бузилганди “шер” турқи,
Унут бўлганди «ота»лик ҳақ-ҳуқуқи.

Бир мингу уч юз саксон саккизинчи йил,
Совуқ тушмоқда, боғларда сўлиган гул.

Шарқдан хувуллар “Илон ўти” шамоли,
Сўнган куз фаслин тароватли жамоли.

Турналар кузда куйлаб қоққанда қанот,
Жанубга кетар ризққа қилиб қаноат.

Сертароват шу кузда ёв олармиш йўл,
Қипчоқ босармиш, бўлармиш ур-йиқит мўл.

Қиш эшик қоққан, хазонрезги, изғирин,
Булғору Дашти қипчоқдан учган “қузгин”.

Беҳисоб лашкар-ла босди Тўхтамишхон,
Соҳибқирондан безбетликча сўраб қон!

«Ота» юртининг ҳурмати, тузи қани,
Оғир дамларда малҳамдек сўзи қани?!

Ўтди илгори қипчоқ оби Хўжанддан,
Етди Ачигга Элийғмиш ошиб ҳаддан.

Оғир лаҳзада Темур жангжўй лашкари,
Бус-бутунмасди, йигиларди навкари.



Лашкаргоҳ этиб Самарқанд Сожарғасин,
Қўшин сафлади йўллаб шаҳар дарғасин.

“Душманга тегса илдамроқ бесас зарба,
Чўчиб тўхтайди лашкари пулат дарба»:

Фикр-ла саркарда сипоҳларга боқиб бир,
Деди: «Лашкарни жангга сафланг, эй амир!

Қоровул, илғор сафлари бомаслаҳат,
Қўшин бутлигин кутмай қилинг ҳаракат!

Тўхтамишхонни етмасдан зарб қўшини,
Нест қилмоқ керак илғор қўшин тўшини!

Балху Бадахшон, Термиз, Хутталон нафин,
Гар қўшин кутса амирзодалар сафин,

Бой берурмиз вақт ҳам тезкор душман дафин,
Элйиғмиш талар эл-юртни қашиб кафтин.

Сайхун кечувин гар беркитсак даставвал,
Жангга кирамиз дадил ёхуд таваккал?»

Соҳибсалтанат жангга қўшин йўллади,
Аскар сафига зафару омал тилади:

«Икки Темур, Шайх Али. Аббос баҳодир,
Билинг, галабага бирлашган қўшин қодир!

Узундан узоқ мунозарани қўйинг,
Лашкар сафарга! Фармонни сафга ёйинг!»

Дебон Темурбек саф сари юрди шахдам,
Лашкар тизилган тигиз, турарди бардам.

Момик оппоқ қор, совуқ ўтарди тандан,
Лек хавф остида юрт, кечмоқ керак жондан!

Изғирин ялаб турарди бурун, юзни,
Ким Далвда кутар, илиқ диловар кузни?

Оёқ остида сайрарди қор «ғарчу ғурч»,
Юртни ҳимоя қилиш ҳар бир мардга бурч!

Отлар қўксини тутиб борарди елга,
Навқар отланган шамшир тақибон белга.

Етгач Оқсулот манзилига сафи лашкар
Тадбирин ишга солди ул буюк сарвар.



Икки юз сара суворий шошди ёмон,
Хўжанд томонга жанговар саф бут,омон.

Шамс ботишига қолганида бир баҳя,
Умаршайх етиб қўшинин этди ҳадя.

Кечда тузди хом режа айтиб узурин,
Амирларга сал-пал ташлади кўз қирин.

Аббос баҳодир бирлан Икки Темурга,
Залвор ҳарб ишин юклар бўлди томирга:

«Тўхтамишхон лашкарин айланг пароканд,
Элйигмиш қўли бўлмас Ачида сарбаланд!»

Соҳибқирондан Шайх Али олди Фармон:
«Дизак-ла Ачиқ йўлин тўсинг, беомон!»

Жўчизот Кунча, Темур Қутлуғ тонг-ла,
Амир Шайх Али юрди зидма-зид бонг-ла,

Ачиқ ўралди олди-орти, ёнидан,
Элйигмиш сафи айрилди бор жонидан.

Даҳшат, топилмас жанг тафсилотига сўз,
Қўл шалвираган, мия оққан, чиққан кўз!

Мошдай очилиб кўзи қочди қипчоқлар,
Сайхун бўйида қўлга тушди олчоқлар.

Ўқ-у найзага ёв тизилди мисли кабоб,
Айтинг ким ҳақу ноҳақ, уволу савоб?!

Шамшир ялтираб кирди лоларанг тусга,
Навкар ўлиши кирганми нохуш тушга?!

Дод-фарёд солиб кетди бошлар думалаб,
Жийронлар ағнаб, кишнаб сўнди юмалаб.

Ачиг саваши ғалабадан нишона,
Буюк саркарда иликига тўёна!

Бисёр зар, ёмби қўлга тушди мўл асир,
Очилди йўллар, хуфиёна ҳарбий сир.

* * *

Буюк эмиш бир асир, кимнинг фарзанди,
Қўйричоқ ўғлон-Урусхон аржуманди.

Асир бошида тик турарди Тўйчибой,
Шамшир чопишга тайёр шу онда, бай-бай.



Ўнбоши Ортиқ тутди навкарин қўлин,
Сўради «улуғ асир»дан келган йўлин:

«Ростини сўзла! Кимнинг аржумандисан,
Либосингга мос амир орзумандисан!?»

Сўроқлар шамшир тутганча навкар чатоқ,
Чўчиб, довдираб деди ўғлон Қўйричоқ:

«Урусхоннинг энг кенжатоё боласиман,
Мани ҳам танур сўранг, бирор мусулмон!»

Дебон кўзлари косасидан чиққудай,
Жовдираб турар асир чоғга чўккидай.

«Лақиллатма, гар билсанг жанг ост-устини,
Қолгайсан эсон-омон айтсанг ростини!»

Итобга олди Қўйричоқни тек, сал-пал,
Юзбоши амир Музаффар тек, муфассал.

Жўчихонзода Кунча ҳам Темур Қутлуг,
Ибн Урусхонни билса-да асир улуг?!

Жўчизодалар таниб елкасин қисди,
Асир ажалдан қўрқиб еганин қусди.

«Олий ўрдуда қози жумббоқни ечар,
Ёхуд асирнинг шу боши тандан кетар?»

Асирни ўрду суриштирди итоб-ла,
Қасам ичирди шарият, Қуръон ила.

Аниқлаб асир насл-насабин, сониян,
Соҳибқиронга баён этди қатъиян.

Қўйричоқ топди шоҳдек иззат-икромин,
Мулозимликка ўтди ичиб қасамин.

* * *

Тўхтамишхон куч-қудратидан Қўйричоқ,
Батафсил берди маълумот тугал, мутлақ:

«Қўйричоқ сўзи бўлса агар чин, тасдиқ,
Тўхтамиш лашкарига на керак ортиқ?»

Деб саркардаи замон Иқорга кўчди,
Мавзеда улкан лашкаргоҳ сафни кўчди.



Бир мингу уч юз саксон тўққиз санаси,
Хут изғирини, дайдирав совуқ ҳамласи.

Балх, Кундуз, Боғлон, Бадахшондан аввалроқ,
Етди Мироншоҳ Хуросондан тугалроқ,

Амирлар Ҳожи Сайфиддин, Икки Темур,
Дарёга юрди амирзода-ла мағрур.

Сайхунда этиб кемаларни занжирбанд,
Кенг кўприк қурди совуқ бўлса-да ҳарчанд.

Дарёдан ўтиб лашкарлар эсон-омон,
Лашкаргоҳ қурди сафга бамисли қўргон.

Тўхтамишхонни кутди Сайхун тарафда,
Ёвдан нишона кўринмасди атрофда.

Офтоб баландроқ кўтарилиб кун сайин,
Кунлар ҳам исиб барг чиқарди қайин.

Илк тароватли сепин ёйганда баҳор
Йўртиб борарди сафда пишқириб тулпор.

Иқорда совуқ кунда жўшди ғайрати,
Хўжандни босди Соҳибқирон давъати:

Манғулой сафин тизди Темур Қутлуғ бош,
Суюнчику Усмон баҳодир бўлди сафдош.

Душманни истаб кетди сафи қоровул,
Қорасин кўриб, қочди паналаб овул.

Қипчоқ лашкари қувлаб кеч шомда,
Ғафлатда қолди қоп-қоронғу оқшомда.

Ўтиб пистирма ёнидан алп қанотлар,
Зарбадан синди ўшал беқаноатлар.

Қоровул сафин шитобли тир-борони,
Пистирмада тор-мор этди ичкарони.

Тўхтамиш сафи тунда олганда тинч дам,
Ортдан шабихун-ла босди Темур бардам.

Саҳройи қўшин тарқаб қочди қипчоққа,
Қувмади, Мўғул пойлаб турар чопмоққа.



*Сароймулкхоним ҳийласи ёхуд
Тўхтамишхон лақмалигининг зикри*

Эларо қалқир мудом ғийбату тўҳмат,
Ҳақиқатга зид туйғу-залворсиз ибрат.

Голиб келсанг гар, нонкўр излар қусурни,
Чаплар юзинга гоҳ дўст, нопок унсурни.

Шу тақлид «дўст»лар Тўхтамишхон ёнида,
Вақиру вуқир мўл қайнади поёнида.

Майин куй чолди Тўхтамиш қулоғига,
Эмишким «Темур чўккан бақо булоғига»

Олайлик босиб беэга бой Туронни,
Ҳатто онт ичди маҳлуқ ўпиб Куръонни.

Қипчоқ сардори кўрнамак Тўхтамишхон,
Мовароуннаҳр сари юрди сўраб қон.

Қипчоқ-Самарқанд йўлларин босди талаб,
“Бебош” деб осди эркпарварни қон ялаб.

Самарқанд шаҳрин Тўхтамиш айлаб қамал,
Фатҳ этишга ҳеч топмади бир амал.

Шаҳар ҳокими амир Жоку барлос бош,
Сипоҳу навкар қамалга берди бардош.

Жўчизот қўйиб ноинсоний талабни,
Сўради аёл зотин гулрў санамни:

“Гар бажармаса талабни, Жоку барлос,
Шаҳарга қўйиб ўт, қул қилармиш паққос!”

Талабгор бўлган кўрнамак Тўхтамишхон,
Сароймулкхоним ул дардигамиш дармон.

Талаби қипчоқ мушкул, оқибати жон,
Ёхуд савашу жанг тўкилар бисёр қон!

Жоку тоға-ла машварат этиб хоним,
Қарши-Бухоро сари юрди бекхоним.

Пойтахтни босди такрор қипчоқ касофат,
Тахт- тож беэга, келар кўринмас офат?



Тахти Туронга чиқиб Тўхтамиш нонкўр
“Падар” устидан кулди нопок иблис, “зўр”!?

Ҳумоюн навкаб ҳазинасин талади,
Туя-ю отга юклаб қипчоқ жунади.

Дил дардин билмай саҳройи беор бундоқ,
Насафни босди аждаҳодек ул чатоқ.

Роҳи Келиф-ла Саидбек хоним ортидан,
Юрди тушмайин Ола жийрон отидан.

Тўхтамиш топмай Хонимчани юртидан,
Жаҳл-ла Бухоро сари шошди ортидан.

Суворий қипчоқ Саидбекка етдилар,
Каллахон сойда зўр савашиб кетдилар.

Ўқу ёй, найза, шамшир ила этди жанг,
Қирқ ёв қирилиб ҳокимни енгди аранг.

Қонга бўялиб арслондек сипоҳ воҳид,
Қарши ҳокими мардларча бўлди шаҳид!

Отидан тушмай жўчизот қипчоқий хон,
Келифдан шошди Бухорога “ошиқ” хон.

Доҳил бўлибон Бухорои шарифга,
Билдиким, ошён-қалқон сизмас таърифга.

Ҳалқа айлаб чор тарафдан Бухорони,
Чопармиш тирик қолган жами умарони!?

Тасхир айлаб қирқ кеча-кундуз шаҳарни,
Забт этолмайин қайтди ютиб заҳарни.

Тўхтамиш ҳарбий ҳаракатин чеки йўқ,
Шаҳар халқини босди очлик, тўқи йўқ!

Қишлоқлар талон-тарож бўлди,вайрона,
Улусга йўқ бир жонкуяр, бир парвона!

Сароймулкхоним боз айлабон машварат,
Амир Жоку-ла битди бир хати журъат.

Амир Сайфиддин хатидек битди «нома»,
Темур тилидан Жоку барлосга нома.

Топиб Хуросон лаҳчада сўзловчини,
Йўллади нома бирлан қул алдовчини.



Суворий тушди хавfli макр сафарига,
Дуч келмади ёв, хуфия навкарига.

Номадор дохил бўлибон Қорақулга,
Сониян қайтди ўхшаб бир озод қулга.

Дохил бўлганда Бухорога «қул»вачча,
Бош дарвозани сўраб «адашди» анча.

Тутқин бўлди ёв қоровул навкарига,
Асирни элтди жўчизот саркорига.

Титкилаб қўйин-қўнжин номани топди,
«Хуросоний»ни тергаб кучукдек «қопди».

Шотурпари-ла нома етди Тўхтамишга,
Жўчизотлар зап инонди миш-мишга:

«Амир Темур ибн Тарагай экан ҳаёт,
Бухорога от сурибди бизга мамот!»

Ортга тез силжинг Бухоро сарҳадидан,
Темур чиқмасдан Марв ошёни ҳадидан!»

Тўхтади қамал зуд-зуд қочди саҳройи,
Йўлакай Жўчи талаб кетди бинойи.

Қипчоқ қораси ўчди юрт қир-даштидан,
Лақма Тўхтамиш қочди Темур шахтидан.

Элу юртга кулди иқболу эрк,ҳамият,
Улус шоёндин, иноқликда жамият!

Бир талбис ила қувди Тўхтамишхонни,
Сароймулхоним кутиб Соҳибқиронни.

*Дашти Қипчоқ илони устига
Амир Темур юришининг зикри*

Олтин Ўрдадан судралиб қора илон,
Мовароуннаҳр сари силжибди ёмон.

Ботухон бирлан Беркахондан қолган сарҳад,
Жўчи улусига мансуб эмишким беҳад?

Боболар руҳин этармиш шод ниҳоят,
Агар сарҳади Жўчи тикланса шояд?

Бир минг уч юз саксон саккиз санада,
Соҳибқирондан ўзин тутди панада.



Баҳору ёзда кўчи “ўғлон” оҳиста,
Бетлолмай қипчоқ юзи куйди, шикаста.

Лек кўрнамакни тутмоққа Соҳибқирон,
Қўшин тортармиш Дашти қипчоққа ёмон!

Амир Темурга зидма-зид қилолмай жанг,
Дашти қипчоққа қочиб шунғиди тажанг.

Лек Тўхтамишхон тиниб-тинчимади ҳеч,
Беҳисоб лашкар тўплади эртаю кеч.

Хуфия юртни тинмай кезиб беармон,
Билдиким, босиб борармиш Соҳибқирон.

Саркарда кўрган, синаган сотқинларни,
Ошу тузинг еб тўҳмат-ла сотганларни.

“Падар” сўзини уқмаган номард «писар»,
«Омон бўлсак гар, кўрамиз қайгача ўсар?!»

Шамширин бўяб лоларанг қонга қайсар,
Даҳодек “падар” йўлини қандай тўсар?!

* * *

«Гар Олтин Ўрда комида бўлмас бирлик,
Мовароуннаҳр сарҳадида бўлмас тинчлик.

Тўхтамишхонни тезкор этмасак тор-мор,
Бирлашар Жета бирлан бу ҳийлакор мор!»

Ўй-фикр баҳрида сузиб жаҳонгир узоқ,
Дашти қипчоққа ул қўяр бўлди тузоқ.

Хўжанд наҳридан ўтиб қўшини ботир,
Порсин даштига тикди ранг- баранг чодир.

Совуққа берсин деб дош сипоҳу навкар,
Икки ярим ой тинч қишлади лашкар.

«Ёзу қишда гар чиниқса сипоҳ, аскар,
Жангда шоп серпар жангчи ўктам, шиддаткор.

Тўхтамиш томон ёмғиру қорга сероб,
Балчиқу сернам ўрмон этар хароб».

Хаёли-ла жанг қилди Ҳумоюн навкаб,
Чиниқтирди бор навкарин совуқда алқаб.



Қиялаб гоҳо булут ортидан офтоб,
Ойлаб нурламай боқар бўлгандай бетоб.

Нусратқаринда лашкар бўлмаса тайёр,
Турон аскарин Тўхтамиш этар тор-мор.

Тадбирга мос даштда қишлади қўшин,
Иссиқ-совуқда бўлсин деб навкар жўшқин!

Қорли изгирин қақшаб таппа босса гар,
Пиёда-ла юрди суворий баббаравар.

Моҳи Ҳутда Шош сари кўчди саркарда,
Ажаб бетоблик кўчди очиб дилпарда.

Аркони давлат, сафни босди ваҳима,
Амиру бекни қамради саросима.

Темурбек дарддан қирқ кунда топиб шифо,
Лашкарин тизди юришга айлаб вафо.

Шошга Мироншоҳ етгач мулкидан омон,
Сафга кирди жангжўй, лашкари Хуросон.

Амирзодани қучибон Соҳибқирон,
Танига энди кучу қудрат шу замон!

Сониян айлаб Кенгаш аркони давлат,
Амиру бек, ҳарб, умаро тикди савлат.

Қўл-қўл сафланди баронғору жавонғор.
Конбул, қоровул ҳам ҳировул жанговар.

Қўл сафларига этди тайин қўмондон,
Ҳарб билимдонин сафдошу ҳам калон.

Узоқ муҳлатли ҳарбий юриш ортида,
“Тинчлик бўлсин” деб азиз Турон юртида,

Пирмуҳаммад-ла Шоҳрух амирзодани,
Йўллади пойтахт сари тинчлик шодани.

Юрт омонлиғи оға-ини қўлида,
Бузрукворини кутар, кўзлар йўлида.

Лаълбек ҳам Малик уғруқ¹⁶қа мутассаддий,
Хотин-халажга сафдош ҳам мураббий.

Навару сипоҳ тутолмай бир нонкўрни,
Мўри малахдек босди дашту қир, ўрни.



Жўчи заминин тараб ул бошдан оёқ,
Ҳечким бошида синмади заранг таёқ.

Тутай деб лашкар Дашти қипчоқ соҳибин,
Қучди Ўролу³⁷ Чилоб³⁸, Итил³⁹ соҳилин,

Дом-дараксиз сингибдими ўрмонга,
Ёхуд учраган номатълум бир қиронга?

Йигитдай отда шунқора Чўлпон Малик^{47*},
Соҳибқиронга сафдош жонон, сурмалик.

Туну кун малаҳ қўшинлар юришида,
Темурга берар завқ юрак уришида.

* * *

Далв. Бир мингу уч юз тўқсон биринчи йил,
Мурчилларда ҳарб чумолидай тигиз, мўл.

Қорасомонга етди лашкар қор бўронида,
Малахдек босиб аскар фатҳ суронида.

«Лашкар тин олсин!» Соҳибқирондан Фармон,
Йўл узоқ, оғир, қўшинга зарур дармон.

Навкарлар тикиб чодирларини хушчақчақ,
Чикарди чавки базмида ҳордиқ шу чоқ.

Изсиз хуфия етди Тўхтамишхонга,
Нохуш хабар-ла дилин тўлдирди қонга!

Саросима-ла битди беор бир нома,
Кўрнамак сўраб сулҳ, афв-ла талабнома.

Қорасомонни қучди Қипчоқ элчиси,
Соқолдор мисли кўҳистоннинг эчкиси.

Тавалло айлаб элчи-оқ соқолли чол,
Темур пойига юкунди афв-ла дарҳол.

Қалтираб тутди кимхоб чопон пешини,
Кўзига суртиб ўпди тишлаб тишини.

Тўхтамишхон на куйларга солди чолни,
Тангри кўрсатур кўрнамакка бу ҳолни!

Кўрибон асил хўрликни Соҳибқирон,
Ўтқизди чолни ёнига сийлаб шу он.

Мунший мавлоно Шамсиддин сулҳномани,
Шаррос ўқиди ун-ла талабномани.



Тинглаб умаро Тўхтамишхон номасин,
Чолдан сўради ташрифнинг индоллосин.

Қон тўқмоқлик ҳар мусулмонга гуноҳдир,
Улуси ислом дўстдир, Тангри гувоҳдир.

«Дўст» қилса сирли номусулмон ишини,
Жиҳодга чорлар ҳар бир мўмин кишини!?

Ҳар жабрни бўлгай зарба-ю зид жавоби,
Тўхтамишхоннинг ҳам тортилгай таноби!:

“Ғар Тўхтамишхон истаса сулҳ, дўстликни,
Амир Алибек қилсин биз-ла тушликни!”

Элчилар олиб Соҳибқирон жавобин,
Етказди бесабр нома увол-савобин.

Ҳафталар ўтди, тугади сабру муҳлат,
“Падар” сўзини уқиб этмади ҳурмат:

Етар! Кўп этдик Тўхтамишхонни иззат,
Ўғил бўлар деб қадрладик, бердик фурсат!

Этмади қипчоқ “ўғил” талабни ижро,
Бу уруш, оқар иссиқ қони фуқаро!?”

Хут. Бир мингу уч юз тўқсон биринчи йил,
Қипчоқ мулкига саф-саф қўшин олди йўл.

Илк баҳор. Ёғар ёмғиру қор, гоҳо дўл,
Ҳаво сернам, ер захкаш, ботқоқ, оғир йўл.

Намликдан замин ёпишқоқ лой, балчиқ мўл,
Буюк жанг сари зич тизилган лашкар-и қўл^{48*}.

Лек шу алпозда қўллар ташлади қадам,
Зарбидан титрай бошлади сернам ер ҳам.

Қорасомонни лашкар қолдиргач ортда,
Ясси, Қорачиқ, Саброн ёнмади ўтда.

Ҳадикиб нонкўр қўйганмикин деб тузоқ,
Сарҳадсиз чулу биёбонда юрди узоқ.

Лашкар борарди босиб жанговорана,
Сувсизликка дош бериб мардонавора.

Совуқ, сувсизлик қуритса-да мадорин,
Сариқ ўзенда топди зилол сув наҳрин.



Сипоҳу навкар бўлганда шоду хуррам,
Сел босди, йилқи ўлигин этиб ғарам.

«Қўрқанга қўша қўринар» бир баҳона,
Сотқинлар қочди кеч тунда дона-дона.

Индику ўзбек сафидан икки навкар,
Тўхтамиш томон кетди жўчи нобакор.

Ҳаш-паш дегунча ёйди сепини баҳор,
Майсалар чўзиб бўй, олам очди оҳор.

Лола-қизғолдоқ гиламин ёйган чўлда,
Баҳор тафтига тўйиб йўл босди ғулда.

Чўл поёнида Кичик тоғ⁴⁹ яшнаб ётар,
Майсаю гулга бурканиб куйлаб ётар.

Бағрига олиб қўл-қўл қўшин сафларин,
Дам берди ёзиб дастурхон-алафларин.

Қолдириб ортда Кичик тоғ лолазорин,
Қўшинот босиб борарди майсазорин.

Уч кунда Улуғ тоқ⁵⁰ қа ҳам қўйди қадам,
Бокавуллар ҳам қозонин осди бардам.

Майсазор макон бўлди-улкан лашкаргоҳ,
Икки юз минглик қўшинга серфайз даргоҳ.

Авлодларга деб бул юришдан нишона,
Тоғ супасига қурди тошдан кошона.

Тошминор садаф тошига меҳр-ла ўйиб,
Илоҳий сўзлар, санани битди суйиб:

«Бисмиллаҳир рохманир роҳийм» бош сўзим,
Марҳаматли ҳам мурувватли Худойим!

Шукурлар бўлсин Сенга Ҳақ, ёлғиз Танграм,
Илоҳий қудрат бер, ярадор этма бағрим!

Тўхтамишхонни енгмоқ ният сарвари,
Икки юз минглик қўшин борар эрк сари.

Турон давлатин султони Амир Темур,
Тошминор қурди мустаҳкам мисли темир.

Улуғ тоққа бир минг уч юз тўқсон бирда,
Меҳмон бўлдик биз дилкушо моҳи Саврда!»



Лашкарлар Улуғ тоғ бағрида олиб дам,
Илончиқ сойи томон отланди бардам.

Шул сойдан ўтиб жанговар ҳарб қўллари,
Она қарғавий^{1*} даштига тушди йўллари.

Самарқанд — Она қарғавий тўрт ойлик йўл,
Машаққатларга лашкар бўлди дучор мўл.

Борар озуқа захира қўри тутаб,
Келарди босиб зўр қаҳатчилик тутаб!

Ортга ёхуд олға юриш бир амри маҳал,
Отларда синиб тугаган тақа-наҳал.

Қочоқлар тунда беиз кетар,бешарпа,
Излаб нон ёхуд егулик тариқ-арпа.

Ваҳима ила келарди қаҳатчилик,
Туроний қўшин сафида қимматчилик.

«Бир чора топмоқ шартдур!» ҳарб ҳоли оғир,
Мушкул ечимин берар саркарда, ахир!

Амирзодаю жами сипоҳ кенгашиб,
Амиру навкар қочмасин деб шошиб,

Қарор айлади қўллар кучи бирлашиб,
Соҳибқирони аъзам ҳарбона жўшиб:

«Қўшин очликдан бўлмасдан пораканда,
Егулик топмоқ керак бўлса-да ганда.

Она қарғавий даштида йўқ дарё, кўл,
Лек дашт бағрида егулик ўт-ўлан мўл.

Даштда гоҳ учрар,онда-сонда парранда,
Сайд этарга йўқ жайрон ёхуд дарранда!

Баковулларга айтинг ҳарбий Фармонни,
Унни тежасин, сўнг қилмасин армонни.

Қўшин сафига берилмасин нон-кўмач,
Аксинча, тезда ҳаммамиз қолурмиз оч!

Сипоҳу навкар есин фақат буломиқ,
Териб гар топса ҳар ким есун ўт,ясмиқ».

Оғир кунларда саф чекди азоб ёмон,
Ниҳоят бу қонхўр даштдан чиқди омон.



Бир минг уч юз тўқсон биринчи йил. Жавзо,
Қаҳатчиликдан бир ҳарб топмади «жазо».

Қўшинлар етди сайдбоп даргоҳга тугал,
Тутди жирғада кавзон⁴⁰, оҳу галма-гал.

Сайёдлар овлаб турфа серғушт парранда,
Тутди дарахтшоҳ ҳайвон⁴¹, улкан дарранда.

Қайнади ғуштга тўлибон зап дошқозон,
Жўчи қорасин пойлади зийрак посбон.

Ўтмишда қолди чеккан уқибат онлар,
Дийдасин тикди зўр изтопар сарбонлар.

«Бир ёлонғочдан ёҳуд очдан қоч!» нақл бор,
Амиру бекда юксак содиқлик, ақл бор!

Соҳибқирон тек турди сабр-ла шу боис,
Тергамай қўшин сардорин бўлиб маюс.

Сипоҳу навкар қувватланди кўзи тўйиб,
Еганин ошаб, ортганин қўйди тўйиб.

Қўшин ўрдудан олди Фармони Олий:
«Сафлансин жами сипоҳу навкар», орий.

Ўтказиб қўшин кўригин кўздан бир-бир,
Соҳибқирон тик турди қувониб дир-дир.

Амир Бердибек тумани саф бошидан,
Ерни титратиб ўтди Темир қошидан.

Сипоҳ ўпибон Темур тўнининг пешин,
Қамоҳий⁴² якун топди кўриги қўшин.

Тарих битиги шу кимларгадир бу сир,
Оллоҳ гувоҳдир кўрган, билган бирма-бир.

Якка Тангрининг қўлагани шу бўлур,
Илгарилаб фаррон юрди жанговар мағрур.

Қўллар сафида ҳилпирарди туғ пурнур,
Авлод мозийга боқинг, чархланар шуур!

Тўхтамишга зид юрди Муҳаммад Султон,
Амирзодага амирлар бўлиб дармон.

Тараб қиру дашт, қарағайзорни бир-бир,
Ниҳоят кўрди шуълани бўлсада дур.



Узоқда милт-милт этар шуъла нурлари,
«Аниқланг! Бу на шарпа ё ёв қўрлари?!»

Муҳаммад Султон қуриб Тобулга қўприк,
Дарёдан ўтди беталофат, ҳайқирӣқ.

Тикди соҳилдан узоқда чодир гулин,
Саркарда кутди манғулой бирлан гулин.

Жангжўйлар етиб Тобул остонасига,
Нигоҳи тушди қўприк вайронасига.

Янгилаб бисёр таъмиргалаб ёғочин,
Барпо этди навин кўрсатиб кучин.

Қўшқўприкларни сафлар қолдирди омон,
Ўтсин манғулой гул-ла жанговор дебон.

Қўшинга улкан лашкаргоҳ этди бунёд,
Дам олди сипоҳ, навкару чорпо, ҳайҳот.

Отланди Ики Темурнинг қирқ йигити,
Оловга яқин келиб сафнинг “бургут”и,

Гулханга навкар эмаклаб борди яқин.
Ўчоқ устида кўрди, айланар учқун.

Ғимирлар олов пешида пўстиндор жон,
Адашган сайёд ёхуд ёгийга сарбон?

Билмоқ истабон бу шарпалар асл сирин,
Устомонлик-ла Шайх Довуд тутди бирин.

Муҳаммад Султон сўзига мос бу «тил»ни,
Элтди ўрдуга бошидан туширмай қилни.

Яруғачилар сўровидан сўнг асир,
Уч кунда кирди тилга, очиб ҳарбий сир:

“Олачуқликлар”⁴¹ эмиш яқинда кўрган,
Йигирма отлик бош сув қидириб юрган.

Ҳарб либосида, ўқ-ёй, шамшир таққан,
Атрофга кўрқув бирлан эмишким боққан.”

Ўрдудан бўлди Фармон бамисли яшин,
Оёққа турди шу он жанговар қўшин.

Олий Фармонга мос «Отлиқлар тутилсин,
Яруғачилар сўров-ла сирни билсин!»



Суворий сипоҳ бош Қиморий баҳодир,
Қурсатар ўн уч жанговар нега қодир?

«Отлиқлар» изин топди бормай узоққа,
Ўраб савашиб, олтисин олди тузоққа.

Ўрдуга элтиб «отлиқлар» тўдабошин,
Аввало берди егулик нону ошин.

Сониян этди илтифот-ла сўровин,
Бурнин қонатмай, урмай-сўкмай бировин.

Итобда бот-бот асир йиғлаб ўчмади,
Сиру асрордан бир калима очмади.

Инсоний ҳурмат, исломий муносабат,
Асир тилига жон киргизди оқибат.

Тиллари бўлди мисли булбулдек бийрон,
«Отлиқлар» сири бўлди ўрдуга аён:

«Тўхтамиш Ёйиқ⁴⁴ дарёсидан ўтганмиш,
Йўлга пистирма-тузоқни қўйганмиш».

Хабари асир ўрдуга бўлди далда,
Оёққа турди жанговар тик ҳар ҳолда.

Саратон. Минг уч юз тўқсон биринчи йил,
Шитоб-ла лашкар Ёйиқ сари босди йўл.

Дарё кечувин топдилар моҳирона,
Пистирма бору йўқлигин тадбирона.

Уч кечув — Айғир ёл, Буркажон, Ҳиймакжот,
Пистирмадор йўл, ўта хавфли, йўқ нажот!

Ҳарбий ҳийла-ла чиқди Ёйиқ қошига,
Сониян юрди соҳил бўйлаб бошига.

Кечиб тунда ўнг соҳилни қучди омон,
Қоровул истаб юрди мухолиф томон.

Илгарилаб тушди Самара қирғоғига,
Тўхтамиш “ўғлон” илғаб қочди буёғига!

Муҳаммад Султон сафидан тезкор хабар,
Шаҳзода юрди сафин бошлаб бохабар.

Тўхтамиш икки аскарин олди асир,
Лек сўзамасди бўлгандай туғма басир.



Яруғачилар «тил» тилин этди бийрон,
Шоп дамин кўриб сўзлади асир шу он:

«Юрар эмишким атрофда ул барҳаёт
Айшин сурибон яшармиш безарурат?»

«Тил» гапига мос ёғий тарафни қараб,
Сипоҳу навкар чиқди ўрмонни тараб.

Янги кўприк боз наҳр устида вайрона,
«Начора, тикланг! Бу кори ёв, ҳайвона!

Қоровул билсин бу кимнинг қилмиши,
Душман атрофда, бузмакорлик ул иши?!

Гар чир тарафдан қўшин бўлса ўровда,
Нега хабар йўқ, қўшин қолган қуршовда!?»

Уй-у фикр бирлан Соҳибқирони азим,
Лашкарни йиғди бор дегандай, бир арзим:

«Ёйиқдан ўтинг тезроқ жанговарона,
Лек биздан кейин қолмасин ҳеч вайрона.

Соҳилда барпо этсин қўшин лашкаргоҳ,
Забонгирлар ёв сари юрсин топиб роҳ!»

Ўрмонма-ўрмон тараб қоровул сафи,
Лек ҳаракатнинг тегмади қилча нафи.

Ўрмон, жингилни ҳўб тараб саф-саф қўллар,
Қипчоқий изин топмади қоровуллар.

«Тўхтамиш айёр, сафи кетган бу жойдан,
Қидирмоқдан йўқ фойда, ўрмон, қир-сойдан».

Бир мингу уч юз тўқсон бир санада,
Ёз иссиғида ётгандир бир панада.

Мухолиф зотин тутар бўлди ўрмонда,
Сиртмоққа тушар ногоҳ қолиб армонда.

Қўшинлар Айбек сари босиб қирма-қир,
Жўчи иккисин асир олди бирма-бир.

Тутқунлар баён этди чизиб маконин,
Айшу ишратга лиқ-лиқ тўлган ошённин.

Манғулой-ю гул Айбекка бўлгач дохил,
Қуриб кўпригу сол. ўтди қўшин аҳил.



Наҳрни кечди баронғору жавонғор,
Қоровул сафи сузишда бўлди илғор.

Жангга шайланиб навкар қурди лашкароғоҳ,
Уруш режасин тузиб тагин олди роҳ.

Икки кун юриб ёвни топди қоровул,
Ўйнатиб шамшир зап босди мисли довул.

Тўрт амир эди, тўрт сиртлон, Оллоҳ шоҳид,
Ёв қоровули-ла савашиб бўлди шаҳид.

Рамазонхўжа бирлан Муҳаммад барлос,
Хорий Малику Ики Темур шерга хос!

Ажал комига асил амирлар ўтиб,
Мусибат хокин қалбларга кетди тўкиб.

Манзилга етиб нусраиқарин лашкари,
Қўрдиким, ёгий тизган ясол, мўл навкари.

Жўчи юз саф-ла жангга кирар шайланиб,
Лашкар босармиш ўраб, сиқиб айланиб.

Захирада бор эмиш отлиқ навкарлар,
Харб билимдони ўқ-ёй таққан саркорлар.

Қўшин қўригини ўтказиб Соҳибқирон,
Мамнун шодланди, ёв янчилур беомон!

Манғулой-ла гул, баронгор-ла жавонгор,
Сафлар ўтдилар тизилибон жанговар.

Сипоҳу навкар олгач совға саломин,
Саркарда айтди сўнг ғолиблик каломин.

Юзланиб лашкар Тўхтамиш ўрдусига,
Шайланган ёгий жанг қолди эртасига.

Лек ҳақ жанг, саваш олдинда, оқар қонлар,
Ким шаҳид кетар, ким ғолиб, кимда имконлар!?

Кутар ёпишқоқ, балчиқ,огир бу йўллар,
Айланиб ўтди улкан ботқоқни қўллар.

Самарадан сал нарида яшил ўтлоқ,
“Қундузча” номи, атрофи ботқоқ, мутлақ!

Манзилда бўлар зўр жанги ҳаёт-мамот,
«Падар»у «ўғлон» шамшир серпар, қиёмат!?



Даҳшат, мол-мулк деб кўрмак Тўхтамишхон,
“Падар”га қилич кутарди сўраб жон-қон!?

Бир мингу уч юз тўқсон биринчи йилда,
Тўхтамиш “ўғлон” кутарди ботқоқ йўлда.

Ясол тузган юз қўшин, ҳамлага тайёр,
Ҳарб ҳийласи мўл, Тўхтамиш ўта айёр!

Қўшин марказида янчар рақибин алҳол,
Ёриб кирганин тор-мор этармиш дарҳол.

* * *

«Эй Тангрим, ўзинг қўлла одил жангимни,
Қонга белама эркдор юрак бағримни,

Элу элатлар бўлсин деб озод муслим,
Мадад бер Тангрим, нонкўрни этай таслим?!

Ҳоким қолмасин қайларда топталиб хор,
Турон давлати кутар, бизга интизор!

Икки юз минглик сафни бошқармоқ душвор,
Жангда бўлмасин қочоғу олчоқ, зинҳор!»

Қиблагоҳ сари боқиб соҳибсалтанат,
Нонкўр “ўғлон”га дилидан айтди лаънат.

Жангга шайланган баронғор, жавонғор, гул,
Қўшин куйлар ўнг чаккасига тақиб гул.

Амирлар ҳушёр, қўллар сафида турар,
На келса бошга дерлар Тангридан кўрар:

«Оллоҳим, азиз пирларим деб қилсак жанг,
Душманни ҳоли, иншооллоҳ, бўлар танг.

Авалло Оллоҳ берса куч, ақл, фаросат,
Қўлдан кетмагай куч-қудрат бирлан фурсат!»

Ўй-фикрларини айтиб соҳибсалтанат,
Режа тузди ҳар ҳарбга истаб матонат.

Қўшин марказин этди беҳад мустаҳкам,
Жўчизот қўшин ортига ўтмас ҳеч ҳам.

Етти қўл марказ сафидан олдилар жой,
Отлиқ, пиёда қуроллари жангга шай.



Катта амирлар қўл бошида турди тек,
Туглар ҳилпирар қўшинлар бошида тик!

Марказий қўлда Амир Темур кўрагон,
Ёнида амир Сулаймоншоҳ бош, қалқон.

Нусратнишондан ортда Муҳаммад Султон,
Қўл сафи тигиз гўёки темирқалқон.

Соний беш қўл сафи жо олди ортдан,
Туроний сафлар тизилди асил юртдан:

Ҳарб амирзода Умаршайх сўл қанотда,
Ҳарб амирзода Мироншоҳ ўнг қанотда,

Амир Бердибек сўл қанот канбулига,
Ҳожи Сайфиддин ўнг қанот канбулига,

Тайин бўлгандан кирди шай ўз сафига,
Кулоқ тутибон Соҳибқурон гапига.

Ортдан олди жой йигирма қўшин-захира,
Сусайган чок-чун ёрдамчи асил чора!

Захира мутлақ тобе Соҳибқиронга,
Жангга киритар қудратсиз саф томонга.

Амирлар, қўлу баронғору жавонғор,
Мурчилларида тузди ясол жанговар.

Ҳазоражоту тумонот, қўшинотлар,
Амирлар бирлан сафга турди садажотлар.

Пиёдалар олд сафи тутиб зирхқалқон,
Қилич, ўқ-ёй-ла юзланди Жўчи томон.

Тўхтамишнинг қалб, баронғор, жавонғори,
Ясол тузибон олдга ўтди илғори.

Қўшинга бўлди бош жўчизодалар,
Улуғ амирлар ҳам нажотхонзодалар.

Жанговар сафга ўтди Жўчи ўғлонлар:
Тоштемир, Али, Бекёрик тақиб алвонлар.

Элйигмиш, Бекпўлат, Жунаид ўғлонлар ҳам,
Сафлари тигиз, ўқ-ёйдан бўлмаган кам.

Сафни безади катта амирлар билан,
Амир Сулаймон, Навруз қўнгирот бирлан.



Урусчик қиёт ҳам Али Ясавурий,
Исабек мангит, Кука, Буго... баҳриний,

Ясол бошида турди Ҳасанбек сарой,
Ёғлик баҳриний сафга қарар, ҳойнаҳой!

Чорлади бурғу ҳам ноғара садоси,
Шамс тиг урмасдан карнай-сурнай навоси.

Ундади жангга титратиб кўк-фалакни,
“Ота”-“ўғлон” ҳам шимардилар билакни.

Шамширу ўқ-ёй, найза таққан аскарлар,
Қонли ҳамлага тайёр сипоҳ, навкарлар.

Шамшир қинидан чиқиб бўлди ялонғоч,
Энди сапчадек думалармиш бош қоч-қоч!

Барахна¹⁷ қилич, каллалар тандан жудо,
Қонсираб ботқоқ кутар мисли аждаҳо!

Ҳожи Сайфиддин ёғийга солди отин,
Янчмоқ истабон Тўхтамиш сўл қанотин.

Шу сониядан бошланди жангу жадал,
Бошлар думалаб кимга етди ҳақ ажал.

Лоларанг қонлар тирқираб чор тарафга,
Маййитни белаб оқарди кўк алафга.

Отлар тириги кишнаб сакрар ҳар ёнга,
Каломим ожиз бир муфассал баёнга!

Шамшир қон,найза қон,аскар берар жон,
Бошсиз суворий, отлар ағнаган ёмон!

Дод-фарёд, «қарс-қурс» садолар мавжи тинмас,
Қутиргандай от кишнаши сўниш билмас.

Жанг қизиган бир маҳал пиёда қўшин,
Ҳожи Сайфиддин сари ташланди яшрин.

Чаноҳдан чиқиб Жаҳоншоҳ ёвни тўсди,
Ёғий қўшини зидма-зид жангни қучди.

Қўшни Кулинчок баҳодир отлиқлари,
Зид сафни этди даф қочди бошлиқлари.

Илк ғолиблик жанг кутарди қўшин руҳин,
Синдирар бўлди ёғий марказий кучин:



Ҳарб амирзода Мироншоҳ ўнг қанотдан,
Ҳарб амирзода Муҳаммад Султон ортдан,

Жўчи марказин босди амирзодалар,
Қипчоқий чўчиб шошдилар хонзодалар.

Ҳарб амирзода Умаршайх бош яшин саф,
Ёв ўнг қанотин янчиб хафни этди даф.

Тўхтамишхон бош қўшин ортга чекинди,
Ҳаёт ё мамот жангдан чўчиб сўкинди.

Чор тарафдан чир қамраб туронлик қўшин,
Жўчини босди жанговорана жўшқин.

«Қамалда қолмай» деб шимарди билакни,
Оллоҳдан сўраб афв, қилди орзу тилакни?

Аввал ташланди залп-ла Соҳибқиронга,
Сониян қайтди учрамасдан қиронга,

Сўл қанотдан ёв сирпанди олгач зарба,
Чиранди зарба кетидан тушгач зарба.

Қаддин тиклади жўчилар ҳазораси,
Умаршайхдан ул олди зарба бечораси!?

Қамал этай деб қамчи босиб отига,
Макр-ла ўтармиш амирзода ортига.

Лек Амир Темур илғади жанг ҳолатин,
Ҳарб тадбир ила тўсди саваш қонатин:

«Гар Тўхтамишхон бирлан Бекёрик ўғлон,
Икки тарафдан босса қуршов беомон!

Ҳарб амирзода Умаршайх бўлар қурбон,
Шаҳидлар тўлиб-тошар оқибати ёмон!»

Шу боис ёвни ортдан босди ўн қўшин,
Захира қўшин чопди жўчизот тўшин.

Мирзо Умаршайх ортга бурди бор кучин,
Тўхтамишхондан олай деб падар ўчин.

Қипчоқ сиртлони тушса ҳарб сиртмоғига,
Жони албатта келар ҳиқилдоғига!

Жўчизот берди ўзига ўзи савол,
Биларди қилган ишлари бари увол!?



Кўрамиз ким ҳақ, ким ноҳақ, лек шамшир қон,
Иншооллоҳ, Ҳақ Тангри берар йўл-имкон.

«Гар кетса омад, бахт ҳам шунақа бўлар,
“Падар” эндиким, албатта жонини олар!

Қочмоқ керак бу ажал, азоб-сиртмоқдан,
Фойда йўқ энди жанг, ғалаба кутмоқдан!»

Билдиким, энди бас келолмасдир Туронга,
Бесас ситилиб қочди тушмай қиронга!

Сас сизди қочоқ, ҳолидан хонзодалар.
Амиру нўён, жами жўчизодалар,

Қирғин-борот-ла навкарни ямларди жанг,
Жўчизодалар ҳолини этганди танг.

Новқирон йигит сезмай тафтли ёр бағрин,
Жангу савашда билиб кетди ўз қадрин.

Не қоплонсимон алплар бўлди жувонмарг,
Бир нонкур айби ила кетди жувонмард!

Жанг саҳнида жон берди не мард ўғлонлар,
Ҳайқириб, наъраб йигит гули-қоплонлар!

Минг-минглаб қабрлар бўртди дашту-биёбонда,
Соҳил бўйида, кўркем жой-хиёбонда.

Дорилбақога кетмоқ-насиби ажал!
Бегона юртда қолмоқ-тақдири азал.

Жаранглади чўнг «Ғалаба!» зўр ҳайқирӣқ,
Лек Тўхтамишхон қочди, бош душман тирик!?

«Сулаймон ўлди девлар қутилди» эмас,
Ёвни тутмасак бизни эл ғолиб демас!»

Деб Соҳибқирон босди бадхоҳ⁴⁵ларни,
Ҳайқириб қувди қипчоқий маддоҳларни.

Бир ой кам бир йил савашди икки муҳолиф-,
“Падар”у “ўғлон” бири ҳам бўлмай ғолиб.

Охир оқибат нонкўрни “ютди” ўрмон,
Эҳтимол, бир кун жангга чорлар, бу гумон!?

* * *

Нақл бор: «Йиқилган курашга тўймас»,
Муҳолиф диллар ғанимлигини қўймас!



Оёгин жуфтлаб нонкўр наридан бери,
Кавказда зарба еб қочди Булғор сари.

Бешафқат йиллар ўтиб борди бу армон,
Лек Тўхтамишхон йиғди аскар беармон.

Булғору ўрис юртида эркин «тутқин»,
Маслакдошларин йиғди ёллаб туну кун.


Литва князидан олганмиш моддий ёрдам,
Олтин Ўрдани босармиш бир кун бардам?

Номаълум қабри, йўқолган ул бедарак,
Тузин еб “ўғлон” бўлган нонкўр, кўрнамак!

Одам оласи ичида дегани шу,
Ношукрликдан ул оқпадар бўлгани шу...!



ЖАҲОНГИРЛИК ҚИСМАТИ





Эронзаминга юришнинг баёни.

Эронзаминга ilk юришнинг зикри

«Шарқда мўғуллар этилди янчиб тор-мор,
Шимолий шарқда Тўхтамиш кўрнамак мор.

Шимолда тобе бўлди Хоразм сарҳади,
Жанубда Эрон, чўнгмиш зуғумнинг қадди.

Барқарор бўлар эрк Оллоҳ кучи ила,
Тинчлик уруғи унса исломий нур-ла.

Мовароуннаҳр тинч булар,замину осмон,
Соҳибқирон гар бўлса таянчу қалқон!

Мухолифларни бирма-бир этиб тор-мор,
Жанглар таҳлилин Темурбек кўрди такрор.

Лек Чигатойхон ҳудуди будланмаган,
Турфа подшоҳлар қўлида, бирикмаган.

Тақдири азал сиртмоғида одамзот,
Мисли парранда дон териб яшар, ҳайҳот!

Бир дона дон-ла гўлси да жигилдон гар,
Лек ҳамон банда нафс ўт-оловида ёнар.

Жамғариб молу мулкни этар захира,
Сўнгра нодир дур тўплаш-ла бўлар овора.

Кимлар босқин-ла элни талаб қақшатиб,
Ботмонлаб йиғар нафс отини кишнатиб.

Гоҳ кимлар яшар элу юрт-чун ловуллаб,
Лек кимлар дайди итдек ғингшиб, вовуллаб.

Англамай Ватан ҳиссин йиғар қўшқўллаб,
Гоҳо дайдилар ари каби ғувуллаб.

Иймону эрк-чун савашиб чет элларда,
Ҳумоюн навкаб дoston бўлган тилларда.

Машаққатга бой жаҳонгирлик қисмати,
Тақдири азал-қисмат Оллоҳ неъмاتي.

Жаҳонгирлар кўп ўтган кўҳна юртида,
Кимдан на қолган келажакка, ортида!?

Юртларни талаб Искандар Зулқарнайн,
Кўшкларни бузди, боғни қўриқди айнайин



Чингизхон талаб босди дунё ярмини,
Дорилбақога олиб кетдими камини?!

Чингиз авлоди элларни зўрлаб ёмон,
Мисли зулук бир юз эллик йил сўрган қон.

Туронзаминни фатҳ этолмай Доро⁵²,
Ул бошини узган, эл-юртпарвар умаро!

Арабистонлик Қутайба ибн Муслим⁵³,
Туронни топтаб, лек этолмади таслим!

Жаҳонгирликни сўраб Ҳақ Оллоҳ дилдан,
Ҳақ, ноҳақлигин қалб, улус, гиёҳ-гулдан:

“Асл шажарамиз Нуҳ пайғамбар наслидан,
Аждодларимиз амир, нўён аслидан.

Авлодларимиз донғи кетган Туронда,
Эрк-чун курашган якка қолиб бўҳронда.

Жаҳонгирликка биз ҳам ҳақли давогар,
Авлодларимиз эмас қул, бефикр, бадкор!

Адолат топса гар юртларда равнақ,
Мамлакатлар тинч бўлар, инсонлар иноқ!

Сарҳадлар бутун, ёшу қари шўх яшар,
Ер сатҳи обод, тинч, одамлар тўқ яшар!»

Ҳўй-у фикр ила Соҳибқирони аъзам,
Эрк бирлан Ҳақни тиклашга қилди жазм.

Илк бор ўрнатар эронзаминда тинчлик,
Эларо ақлу куч-ла тиклайди дўстлик!

Минг уч юз етмиш тўққизинчи йил, моҳи Ҳут,
Насафда навкар тўпланди сафарга бут.

Навкарлар ҳарбий машқин ўтарди тунда,
Сохта қоровул этар жанг иссиқ кунда.

«Ҳарб юриш беқон, Кенгаш-ла бўлса яхши,
Саркарда фаҳри, тоза қалбнинг нақши!»

Дебон элларга истаб эрк, тинчлик ёрон,
Элчи йўллади Ҳиротга Соҳибқирон.

Эрон шоҳларин Қурултойга чорлабон,
Билди мулкларда тинчлик йўқ, элда сарбон!

Ҳиротлик Малик Ғиёсиддин Пир Али,
Таширфин ортга сурди ул дағдағали.



Соний тўплади бисёр лашкар пинҳона,
Қалъа буржларин ислоҳи бир баҳона.

Ҳирот ҳукмдори элчини тутиб бир йил,
Чорлади Амир Темурни, жангга қойил!?

«Парчаланганди Ҳулоғухон давлати,
Буюк ул мулкни тугаб битган савлати.

Ҳар вилоятда бир давлатча, бир подшоҳ,
Суларди зўрлар даврин, ночор-бедаргоҳ!

Ироқи ажам, Ироқи араб, Эрон,
Озарлар мулки парча-парча-ю вайрон.

Картлар — Ҳуросон юртига эга-мулкдор.
Музаффарийлар — Форс мулкида ҳукмдор.

Исфариону Сабзаворда-Сарбадор,
Журжонлик қавмда — Чўпонийлар мулкдор.

Жалойирийлар — Ироқнинг мансабдори,
Жамики шоҳлар-бир мамлакат ҳукмдори.

«Чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар» нақли,
Шунга етмабди подшочаларнинг ақли!

Мамлакат нотинч, инқироз, очлик ҳукмрон,
Зўрники лаълу зар-дур, бойлик, ёрон.»

Ўй-ю ҳурфикр-ла буюк соҳибсалтанат,
Улкан бирликни тиклашга этди журъат!

Минг уч юз етмиш тўққизинчи йил, баҳор,
Кеш Қурултойи бу эрк ундови илк бор!

Илк анжуманга тўлаб сипоҳ, амирин,
Эрон ҳолига мос-хос айтди ўз амрин:

«Иймонсиз, каззоб подшоҳчалар Эронда,
Талаб ўз юртин ишрат қурган ҳар ёнда!

Шариат паймол, азобда халқу диндор,
Аҳволни ислоҳ қилиш Сиз-бизга дахлдор!»

Кенгаш-ла тузиб режа соҳибсалтанат,
Халоскор қўшин тизди, курсатиб журъат.

Ҳуросон сари қўшини Соҳибқирон,
Эрк туғин тутиб кўчди сарвари Турон.

Кешдан бошлади жаҳонгирлик қисматин,
Ҳақпарвар тотиб кўрар Тангри неъматин.



Эрк тугин тикиб қашшоқ, ғариб элларга,
Куч-қувват, таскин ҳады этар дилларга!

Пиру авлиё-анбиё турбатларин,
Этиб зиёрат тиклармиш ҳурматларин.

Дини исломга берармиш кенг йўл очиб,
Динлараро ҳам бўлмасмиш нифоқ, ошуб⁴⁶!

Хорини тиклаб, қуарар масжид,мадраса,
Улус ўқирмиш Қуръон, Ҳадис, Ҳандаса.

Чигатой улус сарҳадин будлаб умрбод,
Аждодлар руҳин Темур этармиш шод!

Олампаноҳ шу режа-ла тизди қўшин,
Жанговар сафи тигиз, жангари, жушқин.

Эронзаминга юриш арафасида,
Хушхабар келди Мохон аравасида.

Карвони Жони Қурбоний-қайсар боши,
Совға-салом-ла келди туркманбоши.

Совгалар ичра бор эди моҳи замон,
Жони Қурбоний ёлғиз қизи Хон Султон.

Темурни Мохон ҳокими Жони Қурбоний,
Олтмиш икки кун этганди банди, орий.

«Ал қассосу мин ал-ҳақ» — тақдири азал,
«Меҳмон бошин чопайми, ўқиб ғазал!?»

Туркийда «Меҳмон отангдан азиз» дейди,
Этайин ўсал, туркман адабин ейди!»

Ўй ошёнида суриб хаёл Соҳибқирон,
Меҳмон кўзига боқди савол-ла қирон.

Қасам-ла бўлди дўст, қуда-анда умрбод,
Эллар бириксин, орзу бўлмасин барбод!

Мохон сулуви-ҳоким қизи Хон Султон,
Сарвқад ойжамол туркманий моҳитобон.

Хон Султон ила Муҳаммад Султон бўйи,
Бир-бирига мос, ғаройиб ўтди тўйи.

* * *

Соҳибқироннинг девқад ўғли Мироншоҳ,
Улуғ нияти-мулкларга бўлиш подшоҳ.



Пировардида ўғлон орзусин пайқаб,
Хуросон мулкин инъом этди дилдан алқаб.

Жайхундан ўтди ўн тўрт яшар Мироншоҳ,
Шибирғон бўлди эллик қўшинга лашкароҳ.

Бир мингу уч юз саксон бир санада,
Хуросонга юрди саркарда ҳар ҳолда:

«Сара амирларсиз ўғлоним аҳволи танг,
Танҳо ўзи ёв бирлан қилолмас жанг!»

Дебон саркарда ўй мавжида сузганда,
Амирзода шай турди ясол тузганда.

Қўшин Мурғобдан ўтиб Бодхизга юзланди,
Темурзода жанг-ла ғолиблик кўзланди.

Чекинди ортга, кўрсатолмай қудратин,
Татиб кўрди илк мағлубият шарбатин.

Амирзодани сурди Малик Муҳаммад,
Хатосин уқди четдан кутмади мадад.

Синов жангидан Темур топибон хабар,
Хуросон сари юрди қўшин-ла сарсар.

Темур лашкари Андхўйга бўлгач дохил,
Манзилни этди лашкароҳ жаҳонгир аҳил.

Қадамжоларни бир-бир этиб зиёрат,
Хайру эҳсонлар улашиб, берди зиёфат.

Ҳайбати қўшин қолдиргач Маликни лол,
Мансабдор шахслар ташриф этди филҳол.

Сарахс ҳокими Малик Муҳаммад айёр,
Қалъа мифтоҳ⁴⁷ин жангсиз беришга тайёр.

Соҳибқиронни олса тан, топар сийлов,
Гар қон тўкилса жангда топади ийлов!

Вилоятини бежанг-жадал бемадад,
Суюрғол этиб олди Малик Муҳаммад.

Сониян Темур фатҳ этибон Мурғобни,
Тинчлик базмида айтди: «Тутинг, каззобни!»

Мурғобдан кўчиб Ҳирот Жигдалисига,
Тайёрланди саф жангнинг жадаллисига.

Жони Қурбоний туркманбоши ваъдабоз,
Ғажарчи одам бермади белафз шоввоз!



Қолди элчини тутиб ҳокими Моҳон,
Амир Темурга терс бош кўтарди нодон.

Уруш оловин ёқмоқчи туркман қуда,
Қилмишига мос тинчликдан бўлар жудо!

Хумоюн навкаб кўзин тикди Ҳиротга,
Суворий бўлиб афсоновий Ғиротга.

Ошён ҳукмдорин лоларанг қони тошган,
Қумсаб мўл ганжни Сабзавор мулкин босган.

Ҳирот беэга, Соҳибқиронга очиқ йўл,
Босса қўшинга тушади ўлжа мўл-кўл.

Ҳадикни илғаб қайтди ҳоким ортига,
Келарди эрқдор саркарда ул юртига.

Босқинга нуқта қўйибон Ғиёсиддин,
Ҳимояга бурди лашкар сафини ҳамдин.

Қавсия, Фушанж, Жом қалъалари сари,
Шиддат-ла кўчди жаҳонгир жавонғори.

Қавсия қалъа кутволи Маҳдий паҳлавон,
Жасур, элпарвар элга эмас зўровон.

Бўлди зарра қон тўкмай зудлик-ла таслим,
Кўрмади зуғум улус, бирорта муслим.

Жому Фушанж жон-жаҳд ила қилсада жанг,
Лек сара қўшин қалъа ҳолин этди танг.

Тирборону жанг, шўрушлар бўлди мўл,
Хандақ суви ранг очди мисли атиргул.

Пири Зайниддин Абубакр Тайободий,
Дуосин олмоқ эди Темур одати.

Темурнинг пири, ҳурфикр даҳои замон.
Совға-салом-ла кўчди саркарда ёрон!

Темурбек қаддан эгиб этди зиёрат,
Сўзин тинглаб уқиб олди куч-қудрат:

«Салтанат иши серқирра, гулдай нозик,
Тўрт амалдан Шоҳ олади қувват-озиқ.

Ҳар ишда Кенгаш, Машварату Маслаҳат,
Туғри, Ҳақ йўлни кўрсатур ҳар Насиҳат!

Қатъий Қарору Тадбиркорлик, Хушёрлик,
Эҳтиёткорлик маҳсули Барқарорлик!»



Пир ҳар бир гапин уқиб, этиб зиёда,
Хайри ниёздан сўнг, ортга қайтди пиёда.

“Ўрдудан чиқмас заҳарли қора илон,
Тўфон босса-да, бўлса охири замон”.

Малик Фиёсиддин шу қабилда тутиб иш,
Таслим бўлмади сулҳ, тинчгина боёқиш.

Тобе этибон сафлар Фушанж қалъани,
Сулҳ-ла безармиш оғритмайин каллани.

Йўллаб элчини қалъага соҳибқирон,
Вакил қайтмагач билди, бўлар жанг ёмон.

Қуршалди қалъа чор тарафдан сиқув-ла,
Соний бошланди тирборон ўқ-ёй ила.

Йигитлар гули жавонмард, алп полвонлар,
Қонга беланиб тақди қизил алвонлар.

Муҳолиф билди қалъа кетади қўлдан,
Малик Фиёсиддин мосуво бўлар элдан.

Боғизоғонда Амир Темур ўрдуси,
Ташриф этарди одам, келиб кўргуси.

Малик Фиёсиддин завжаси Султон бека,
Тўқай Темурхон сарвқад қизи, ажаб эрка.

Юкуниб таслим ила Соҳибқиронга,
Келдиким сўраб афв, сулҳ Боғизағонга:

«Хукмдорга айтинг, келсин ҳузуримизга,
Зеҳн солсин ҳарбий аҳволу қўримизга!

Эрк сақланади, мутлақо зуғум бўлмас,
Соғ-омон бўлгай, асло қадди букилмас!

Мўмин-мусулмон қонини тўкиш увол,
Бўлмайлик ёшлар жонига зомин-завол!»

Дебон саркарда кузатди элчиларни,
Пирмуҳаммад ибн Малик бош эркчиларни.

Тонгданоқ келди Фушанж ҳукмфармолари,
Малик Фиёсиддин бош шайх, уламолари.

Тикибон қалъа мифтоҳин бўлди таслим,
Қолдилар омон навкару аҳли муслим.

«Кечдик биз молу мулкингиз, қонингиздан,
Қилган кўп хато, гуноҳқор жонингиздан.



Ҳажга кетгайсиз ёхуд боргайсиз Ғурга,
Элингиз, уруғ-аймоққа, баракс ғурга!»

Деб олампаҳо тузлади собиқ шоҳни,
Малик ғиря-ла кутганди жазо-чоҳни.

Сийлади совға-салому сорполар -ла,
Кейин буклади шоҳни бийрон тил ила!

Малик Ғиёсиддин бўлди Ғурга бадарга,
Шукрона этиб яшар, дуо қилиб падарга!

“Куч-адолатда” эканлигин этиб исбот,
Аҳли уламо, қозига бу ҳам ибрат.

Фатҳи Қавсия, Ҳирот, Жом, Марв, Сабзавор,
Кечди қонталаб жанг-саваш-ла жанговар.

Эронзаминни очқичи шаҳри Ҳирот,
Манзилнинг фатҳи-голиблик чуғи, ҳайҳот!

Исфариону Нишопурга кеч пешин,
Юрди Жаҳоншоҳ Жоку бош катта қўшин.

Лашкар етгач бу мулклар белги-жойига,
Ҳоким тукиб дур, ақиқ сочди Темур пойига.

Сафланиб кўчди Соҳибқирон бош қўшин,
Колот-Тус томон тиглай деб баттол тўшин.

* * *

«Ман-ман»лигидан инсон мутлақо қолмас,
Мансаб чуғида тутаб курашдан толмас,

Алибек Жони Қурбоний белафз шоввоз,
Бўйинтовлабди қудага зид ваъдабоз!”

Белафзлик ўти тутаб, олса аланга,
Игна санчгандай бўлар юрак, товонга!

Эрон фатҳига чўзмади кўмак қўлин,
Тутмади дўстлик, тинчлик, эркпарвар йўлин.

Бермаса-да сал қуда кўмак ибтидосига,
Фатҳи Хуросон етди интиҳосига.

«Ман-ман»лик чуғи ўяди қуда бошин,
Оқибати «вой», кимга ортмоқлар лошин!?

Соҳибсалтанат қўшини етиб Марвга,
Лашкаргоҳ қурди ўзин қўйиб гаровга.



Қадамжоларни Темур этиб зиёрат,
Поклади хору хасдан кўрсатиб ибрат.

Мозори Абу Муслимни этиб зиёрат,
Қабри устига қурди нақшдор иморат.

Алибек туркман шу қабристон пойида,
Олампаноҳни кутарди тик жойида.

Тавба-тазарру ила келганди куда,
Саркарда афв-ла қилмади бошдан жудо.

Мушкул муаммо фатҳи Сабзавор, Мохон,
Лек Темур топди ечим тўкмай зарра қон.

Ҳокимият-чун курашарди сарбадор,
Гоҳ жанг қиларди бережа-ю бесардор.

Марвдан саркарда кўчгач Сабзавор томон,
Сарбдор боши юкуниб келди шу он.

Темур пойида Хожа Али Муаййад,
Тобуғ амалин бажарди қилмай уят.

Соҳибқирон ҳам кутди иззат-икром-ла,
Сабзавор мулкин инъом этди меҳр ила.

Лашкар фавжлари тинч йўл босиб тоғ томон,
Ўғилжатув кўк яйловини кўчди омон.

Ажабо серфайз манзил, дилдор оромгоҳ,
Сипоҳу навкар, чорвога улкан даргоҳ.

Йўллаб Валига тинчлик, сулҳ номасини,
Чиқариб ҳордиқ, кутди индоллосини.

Ҳокими Сабзавор амир Вали бўйинтов,
Ўқиб номани фаҳм этди ул беқистов.

Темурга чиқиб пешкашлар-ла пешвоз,
Топширди қалъа мифтоҳин шу дам шаввоз.

Ўғилжатувдан пастда Хурошо қишлоқ,
Баҳаво, салқин, атрофи кўм-кўк ўтлоқ.

Кешдан чамаси йигирма йил муқаддам,
Мўғулдан қўрқиб, қочиб келган бу одам:

Ҳожи барлосга Идику-туққан иниси,
Ватандан бирга-бирга қочган иккиси.

Амаки Ҳожи барлос Темурнинг оми,
Шаҳид этганлар шу заминда мисли.



Бузуқи зотлар уругин топиб бир-бир,
Тигдан ўтказди қириб барин, бирма-бир.

Кейин суюрғол этди ашроф қишлоғини,
Муҳаммад ҳам Али Дарвешларга хокини.

Ҳожи барлосга Али Дарвеш набира,
Инисин ўғли Муҳаммад хеш-набира.

Амаки қабрин дилдан этиб зиёрат,
Берди дилига таскин, халққа пур-пур зиёфат.

Саркарда мағрур юрди сўнгач дил қасди,
Ўтмишда қолди қаҳр ҳаётнинг баланд -пасти.

Суюрғол этди ҳукмдори замонийга,
Ўз мулкин Шайх Али Сабзаворийга.

Тобон баҳодир бўлди унга доруғачи,
Улусдан солиқ йиғиш, бўлмас нағмачи?

Соҳибсалтанат Темур ибн Тарағай,
Хуросон мулкин тобе этди жойма-жой.

Минг уч юз саксон биринчи йил,тирамоҳ,
Фатҳи Хуросон тугаб эл топди паноҳ.

Соҳиби тож-тахт амирзода Мироншоҳ,
Падарга бўлди қувват, мулкига огоҳ.

Эронзаминга Темурнинг илк юриши,
Фатҳи Хуросон ила тинди уруши.

Ғолиблик туғин тутибон олампаноҳ,
Эл-юртга қайтди лашкар ила босиб роҳ.

Куз. Бир минг уч юз саксон бир санасида,
Яйради лашкар шу фатҳ тантанасида.

* * *

Қиш фасли. Минг уч юз саксон бир санаси,
Бухорода дам олар бўлди чамаси?

Олампаноҳ йўл олганда Бухорога,
Бир нохуш хабар ҳам суқилди орага!

Мусибат чўғи тушди қалб ошёнига,
Жудолик доғи ўт қўйди жаҳонига!

Нурмушк оқа ниҳоли, Темур қизи
Дард чангалида сўлганди сарвгул юзи.



Бақога ўтгач Оқабегим Тоғайшоҳ,
Куйди дилбандин доғида туроний шоҳ.

Шўнғиди машъум шум ҳаёлат бағрига,
Ҳаётдан совиб қўл силтади барига:

“Фарзанддан аввал кетмоқ падарга яхши,
Дилбандлар кўнглин, ўтмиш ҳаётин нақши.

Она-отани бақога жўнатмоқ фарз,
Фарзанд кетса модар-падардан аввал қарз?”

Саркарда Темур дили эзилди анча,
Бисёр ҳамдардлар сўзин тинглади қанча.

Фарзанд доғи юракни этар хаста,
Ул гулдай қаддинг букиб хор этар аста.

Асло кўринмас молу мулк, мансаб кўзга,
«Шукр»дан бошқа бир давоси йўқ, ўзга.

Оллоҳ амрини олса тан ҳар бир банда,
Яратган Тангри наздида бўлмас ганда!

Бўлиб аркони давлат ишига бефарқ,
Боқий дунёга ажабо бўлармиш фарқ?

Мовароуннаҳр душманлари кўз тиккан,
Бўйинтов “шер”лар онда-сонда тик чиққан:

«Алибек туркман билан амир Валибек,
Белафз ҳокимлар Темурга қўйирмиш чек!»

Хуросондан нохуш сас-ла етди чопар,
Тарқаб кетди эл-юртга шитоб-ла хабар.

Хуруж қилганлар бисёр, бормиш шум дарак,
Соҳибқироннинг эса парвойи фалак.

Ҳумоюн навкаб опаси Қутлуғ Туркон,
Доно аёл ҳам маслаҳатгўй туғишган.

Инисин ҳолин сўрашга келди мушфиқ,
Кўз дурин тўкиб деди: «...ортган мунофиқ!»

Эгачисини панд-насиҳатига хос,
Темур «ўйғониб» ишларни бошлади мос.

Чорлаб Вазири аъзамни Соҳибқирон,
Мамлакат, улус аҳволин сўрди обдон.

Кенгашга йигиб билдиким, турмуш тарзин,
Тинглади сабр-ла амиру беклар арзин.



Қулин урибди исёнга Вали саркаш,
Туркман Алибек Жони Қурбоний қардош.

Тинч тинглаб, этиб муҳокама баёнин,
Деди: "Бостиринг бўйинтовлар исёнин!"

«Колотни босиб тутдилар исёнкорни,
Соний ясоққа тортдилар шу бадкорни!»

* * *

Қиш. Совуқ. Минг уч юз саксон иккинчи йил,
Соҳибсалтанат исёнкор томон олди йўл.

Колот қалъаси тош деворли истехом,
Ўтолмас бузиб, ошиб ундан ҳар ким ҳам.

Темур босишин билиб Жони Қурбоний,
Яшринди қалъа зирх қўғонига, орий.

Таслим бўлмас шум Алибек-туркманбоши,
Бойлиги сақланса бас, кесилса-да боши.

Фатҳ этиб бўлмас ҳарбий макрсиз қалъани,
Ул чекинтирди "қопқон" қўйиб барчани.

Қўшин ортига қайтгандан қалъа аҳли,
Қувди аскарни кутволни «кириб» ақли.

Босгач бир ярим фарсах йўл исёнкорлар,
Тушди сиртмоққа пайдар-пай ошубкорлар!

Тасхир ила сел каби босди навкарлар,
Қаён қочарин билмай синди саркорлар.

Чаққони етиб, кирди қалъа бағрига,
Қулфлади дарин, эрк бериб ўз қаҳрига.

Таслим қилишга саркарда топди амал,
Колотни ўраб этди ҳарбона қамал:

«Аввал йўллайлик тинчлик-ла ақл дўстин,
Кўнмаса сулҳга, сўнгра шилайлик пўстин!»

Дебон йўллади элчи Ҳумоюн навкаб,
Ҳоким сўкинди мисли портловчи кавкаб⁴⁷

Бемуҳлат қамал бошлади Соҳибқирон,
Алибек қочди қорли кўхистон томон.

Қалъа кутволи⁴⁸. гумашталар кенгашиб,
Сулҳ шартларини олди тан биргалашиб.



Ердан чикдими, осмондан тушди Алибек,
Кенгаш қарорин этди барбод теку тек.

Темур чорланди макр-ла Чуқур дарага,
Сулҳ ила бошин ем қилармиш қарғага?

Сийқаси чиққан бу талбисни Темурбек,
Тафаккур ила фаҳмлаб, сулҳга қўйди чек:

«Уч кунда аҳли қалъа бўлмаса таслим,
Наҳрлар тўсилар, қирилар бисёр муслим!»

Деб Колот сари тизди жанговар қўшинни,
Шомгача тор-мор этиб берармиш тешин.

Қалъа буржига ёйди кутвол оқ мато,
Талонда бўлмай дебон мулкдан мосуво!

Колотни тобе этибон Соҳибқирон,
Туршизга олди тик йўл, енгилмас қирон.

Кўҳистондаги зирҳ қалъалардан бири,
Мустаҳкам ошён, бисёр сиру асрори.

Саркарда бош-қош қорли баланд тоғ томон,
Саф-саф қўшини юрди жанговар омон.

Ясси довони ортда қолганда мардни,
Дилшод ого ҳеч сир тутолмади дардни.

Завжаси кўчди тинч Самарқанд шаҳрига,
Ортидан совга етди Чўлпон бағрига.

Жангари қалъа эл-юрт, халқ қалқони,
Сулҳ-ла тобе этмиш Темурга ёққани.

«Малик Гиёсиддин Темурга узангидош,
Қалбида на сир, мақсад ёхуд оғир тош!»

Собиқ ҳокимча садидийлар сардори,
Гур жамоасин қаҳрамони ҳам ори?»

Ўй-ла саркарда режа тузди ҳарбона,
Йўллади элчи этиб, сулҳ бир баҳона.

Лек Туршиз қалъа бошлади тирборон жанг,
Навкарлар ҳолин этди анчагина танг.

Малик Гиёсиддин саркарда фикрига мос,
От қўйди қалъа сари этиб илтимос.



Сулҳга кўнмайин жангари фикрдошлари,
Дўппаслади тир дўли-ла қардошлари.

Кенгаш фикрига мос лашкар олади дам,
Тизилар тошу нафт андоз қурошлар ҳам.

Қора қозон ҳам этар кучин намоиш,
Қалъада қилар ёнгин-ла ғаройиб иш!

Манжаниқу тош аррода зарб ўқлари,
Нишонни тешар, сўкилар чоклари.

Қалъа девори ҳам бўлди илма-тешиқ,
Кулади девор, дарвоза бирлан эшиқ.

Хандақдан оқиб кетди ҳимоя суви,
Сузарди ичак, тушгандай кутвол «чуви»!?

Босди навкарлар қалъани мисли бўрон,
Улус эди оч, сувсиз, хароб беэиён.

Фалакка чиққан оломон дод-фарёди,
Борарди сўқиш жанги, ёниб бунёди.

Таслим! Қалъа буржларида оқ байроқ,
«Ғалаба!» сўзи мисли момақалди роқ,

Янгради осмон узра чалиб гулдурас,
Чақин нуридек шиддат, ғалабага мос.

Шаҳидлар қони тутди садидийларни,
Тарқатди Темур исёнкор бадавийларни:

«Аҳли садидийлар Туркистонга оқ уйли,
Беуруғ-аймоқ, қариндош яшар беўйли!»

Олий Фармонга мос кетди кўчиб,
Жангари элнинг оти ҳам кетди ўчиб.

Сариқ оталиқ Туршизнинг доруғаси,
Солиқ тўплашдир асосий вазифаси.

Оқибатда Форс мулки бўлди таслим,
Исёнкор боши кетар қўзғолса муслим.

Фатҳи Туршиз бу қон тўкиш интиҳоси,
Оқ уйли бўлиш ибрат-жанг ниҳояси!

Соҳибсалтанат шахтидан чўчиб шоҳлар,
Изҳори таслим ила келди подшоҳлар.



Форс мамлакатин подшоси Шоҳ Шужоҳ,
Тобеликни изҳор этиб битди номаи Шоҳ.

Совга-салом-ла етиб келди элчиси,
Қушни мамлакат элчиси-ю эркчиси.

Фатҳи Туршиздан ҳукмдорлар олиб сабоқ,
Йўллаб дўстлик-ла вакилин очди қовоқ.

Ортиқча шаҳид бўлмай бегуноҳ муслим,
Колот ҳам Родгон Темурга бўлди таслим.

Лашкарга берди дам бўлсин дебон бардам,
Жангу жадаллар кутар олдинда ҳар дам.

Сўнг ҳамдам лашкар юрди Равғийни босиб,
Кабуджамога жангжўй сафлар шошиб.

Бу манзилларда ғолиб туғи остида,
Шошманд томонга етди саф от устида.

Мозандарондан юклаб лаълу садаф,
Вали элчиси қабулга бўлди мушарраф.

Ўтди тобелик туғин остига секин,
Тиклаб дўстликни, сўраб ҳақу ҳуқуқин.

Мозандарондан юрди Шомулғон сари,
Чормуғонни тинч босиб ўтди лашкари.

Манзили Родгон хушманзара оромгоҳ,
Қўналгоҳ этгач навкарлар тикди хиргоҳ.

Жанговар лашкар сафи тунда олгач дам,
Родгондан пойтахт сари олди йўл бардам.

Колот қалъасин этгач таслим қўшинлар,
Темур пойига юрди ғолиб жўшқинлар.

Ажаб алпозда кийгизиб бошига қоп,
Қўлини боғлаб, бўйнига осиб шоп,

Етаклаб Колот ҳукмдори Алибекни,
Юкунтирди Шайх Али баҳодир, нетекни.

«Етиб келдим ҳақ жазо остонасига»,
Деб туркманбоши боқди мастонасига.

Қуда нигоҳин ташлаб маҳбус юзига,
Олди хуш кутиб боққанча қўй кўзига.

Қудани Темур кутди ростмосига,
Иликин ечди кулиб дўстонасига?



Оқламай еган луқма, ошу тузини,
Темур оёғи остига отди ўзини.

Жон ширин бу ҳақ, қалтирарди Алибек,
Мана, ҳозир шоп серпайди-ку Темурбек?

Ишора ила бандилиқдан этиб озод,
Олампаноҳ-ла қуда кўнгли бўлди шод.

«Туринг қудажон! Ярашмагай бу Сизга,
Ўй-фикр этсангиз гултождур Сизу бизга!

Молу жонингиз, гуноҳингиздан такрор,
Кечгандик икки, яна кечдик учинчи бор!»

Деб Соҳибқирон боқди қудага зимдан,
Ўрнидан туриб деди: «Кечманг ҳар кимдан...

Қуда! Озодсиз, элингиз оқ уйли бўлгай,
Мовароуннаҳр овул-кентида тургай!»

«Ишратни нодон суриб, гурбатни доно...»,
Қабилида кун кўрган Алибек расво!

* * *

Саркарда ҳордиқ чиқариш палласида,
Хуфияларни ҳам тинглар иш орасида.

Қиссахон, аҳли илм, китобдор суҳбати,
Мароқли ўтар, қадрланарди меҳнати.

Эшик оғаси боқди тож-тахт жойига,
Қириб тамоғин сал ўтди тахт пойига.

“Не гап, мавлоно?” дебон аста, боқди тик,
Битикни тутиб, сўнг сўровга қўйди чек:

«Қабулга муштоқ бир пакана мунажжим,
Сирин айтмайди асло, кутмоқда жим-жим.

Мусаввирдай бир нуқтага боқиб чунон,
Жим турар ажаб меҳмонки яхши-ёмон?

Паст бўйли, семиз, катта калладор,
Олакўз, узун қўл, пахмоқ соқолдор.

Ҳукмдорлар сиру асрорин билувчимиш,
Пакана одам, тўғриси исковчимиш.

Сирларни билиб ютиб юрувчи одам,
Гоҳ-гоҳ бир сўзни такрорловчи дам-бадам».



Ўз соҳибини ташлаб қочган Пакана,
Соҳибқиронга келган истаб иссиқ жой, пана?

Ҳумоюн навкаб ҳузурида Пакана,
Тобуғ амалин бажариб тик турди яна.

Олампаноҳга зидма-зид ўринлашиб,
Гапни бошлади узоқдан сал-пал шошиб:

«Малик Фиёсиддин!» деб Пакана мунажжим,
Олақуз деди: «...ишладик унда жим-жим».

Сўнг Фиёсиддин сирин очди бирма-бир:
«Малик Фиёсиддин душман, сотқин!» бу сир.

Турди Сизга зид Колот, Туршиз кутволи,
Бебошинг иши, тутади нонлар уволи.

Вали-Алига белафз Алибек сардор,
Сизга ғирт душман, бўлинг эҳтиёт, зинҳор!»

Бисёр сирларни очди бунда Пакана,
Истеҳдоди-ла ўрдудан топди пана.

Пакана ўтди Темур узангисига,
Хуфия номи ила посангисига.

Янги хабарни айтар ошиқиб ҳар дам,
«Вот-вот» мунажжим из топишда пешқадам.

Юлдуз, Ой, Қуёш, фалакиётдан бохабар,
Фол очиб юлдуз ҳукмидан берар хабар.

Элда лақаби «Пакана мунажжим»,
Олазарак кўз, синчков, лек юради жим.

Сирларни танлаб ўрганар пухта, аниқ,
Хуфия ишин билади мукамал, тиниқ.

Гоҳ ногоҳ ҳалол одам бошига етар,
Тангри амри-ла боқийликка кузатар.

Пакана кеча-кундуз юрди қирма-қир,
Зап аниқлади душманларни бирма-бир.

Аввало кетди Малик Фиёсиддин боши,
Кейин амир Алибек туркманбоши.

Малик Муҳаммад, Гурийни этди даҳрий,
Кечарди чигал иши «Вот-вот»нинг маҳфий.



Эронзаминга икки йиллик юришнинг зикри

Ўтмиш тарихнинг ўчмас солномаси бор,
Ҳар варағида турфа хабарлар бисёр.

Эл-юртлар борким, тинчлик, дўстлик макони,
Улус яшар шод-хуррам, иқболдор ҳар они.

Лек текинтомоқ, муфтхўр, муфсидлар ҳам бор,
Мулкларда қуриб ин ҳамон яшар зулмкор.

Форс, Жилон, Журжон -Эрон мамлакатаида,
Оғирмиш аҳвол халқ ўлиш ҳалокатида.

«Зугумга қўйинг чек!» деб чорлабди эллар,
Юришга керак мушакдор қўл, зирҳ беллар.

Темур чоғлади ўзин эркли юришга,
Адолатпарвар озодлик бу урушга:

«Музаффарийлар аҳлин ҳоли эмиш танг,
Амиру беклар яшармиш пуп-пур, башанг.

Халқин талабон тавочилар дамбадам,
Шоҳу амирлар даврин сурармиш бардам.

«На қилмоқ керак?» деб чимирди қошини,
Топди: «... янчмоқ керак зугум бошини!»

Термиз томонда қурди улкан лашкаргоҳ,
Навкарлар «шаҳри» тўлди, эл бунга гувоҳ.

Бир мингу уч юз саксан тўрт санасида,
Қўшин сафлади моҳи Ҳут ҳилласида.

Ғариб муслимлар жони олсин деб ором,
Шайланди жангга пок эзгу-ла беором.

Қўшин тортиб ул Мозандарон устига,
Самон тикармиш талончилар пўстига.

Соний юрармиш Озарбайжон томон,
Элга келармиш фаровонлик ҳур замон:

«Исломий бурчим элларга эрк улашмоқ,
Зулм азобидан қутқармоқ-чун курашмоқ!»

Ўй уммонида сузиб соҳибсалтанат,
Эрк юриши-чун режа тузди ниҳоят.



Жаҳонгир Темур ғазабланди беадад,
Дил тугёни-ла лашкар тизди беадад.

Бир мингу уч юз саксан тўрт санасида,
Жўшди исломий куч- қудрат танасида.

Лашкар шахтидан чўчибон улус ажаб,
Этди муножот голиблигу эрк истаб.

Эслади устоз ҳақ каломини орий,
Битигин даҳо Абубақр ат-Туршизий:

«Подшоҳ не важдан юз тутар инқирозга,
Қилмаса амал ҳукмдор гар лафз-розга.

Подшоҳни эл-юрти кўrsa ҳўб ёмон,
Солиқчилар ҳам халқни эса беомон!»

Мозийда ўтган бепарво подшоҳ бисёр,
Ўз улусини босиб, талаган беор!

Минг уч юз саксон туртинчи йил баҳорда,
Жангчи қадами Балхни кучди саҳарда.

Лашкар оёғи етгач эронзаминга,
Дуо қилди Темур тинчлик тилаб заминга.

Таққа тўхтади ҳаракат- ҳарбий юриш,
Бўлмайдигандай жанг, саваш ёхуд уруш.

Ҳарбий тадбир-ла кутди Соҳибқирон,
«Эллар юкуниб бўлармиш тобе беқон?!»

Темур бошлади зўр тўй Балх жилғасида,
Муҳаммад Султон балқир ёр жилвасида.

Тўй-тамошадан шод улусу навкарлар,
Хизматда бўлди амиру бек, саркорлар.

Форс маликаси ҳурлиқо дийдораси,
Амирзоданинг гулёри дилдораси.

Ғулибону Шоҳ Шужоҳ жон чевараси,
Абу Исҳоқнинг оқида кабираси.

Тўй чиққанда зап авжига пешин маҳал,
Шодлик куйини босди шум сас бемаҳал.

Етди айғоқчи-ю чопардан нохуш хабар:
«Мозандаронда исён бўлинг бохабар!»



Тўхтади таққа тўй- тамоша бир ёнда,
Лашкар навқари шоён эди ҳар ёнда.

Тўплабон тизди сипоҳ, навқарлар сафин,
Мозандаронда этармиш кимни дафин?

* * *

Амир Валиким сардори Мозандарон,
Соҳибқиронни олмай тан, сўрабди қон.

«Арслон боласи чўлда бўлмас чаққон,
Чаён боласи заҳр бирлан бўлмас илон!

Лек бебошликнинг бордур бир зид жавоби,
Амир Валининг ҳам тортилури таноби.

Музаффарийлар зулмин йўқдур адоғи,
Талон-тароҷу зўрлик дилларнинг доғи.

Ироқи аҷам халқин тугаб бардоши,
Бизга ҳам етди халқнинг нола, кўз ёши.

Улус аҳволин подшоҳ, амир билганда,
Мамлакат ҳолин подшоҳ, Хон сўраганда,

Юрт тинчлиги-эл омили бўлганда,
Давлат бўлар тинч, обод, ҳар он омонда.

Улус сўрабди омонлик кўмагини,
Ёвга тик тутгай туронлик кўкрагини!»

Ҳурфикр комида балқибон Соҳибқирон,
Текинхўрга зап келтирар бўлди қирон.

Эл-юрт юрса гар эрк-ҳақиқат йўлига,
Эркесвар ўғлон тақмас шамшир белига!

Гар кимса берса озор ўзин элига,
Ғулғула кирар амиру шоҳ дилига!

Талонда қолгач эллар, кўпшийди заҳри,
Шундан Темурнинг орти зулмкорга қаҳри.

Сафлади қўшин тўй-томоша сўнгида,
Балх, Ғахористон, Бадахшон кўз ўнгида.

Қилич серпарга Балхдан ул Мурғоб сари,
Юрди пиёда, суворий қўшин бари.

Барақатошни босиб Сарахсга кўчди,
Лашкар Боварддан ўтиб Нисони кўчди.



Амир Валининг Говгариш қоровули,
Савашди амир Мубашшир чингдовули.

Амир Суюнчик бош, Шайх Али баҳодир,
Нисода ёғий қоровулин босди ботир.

Қалъа қамали толиқтиргач кутволни,
Тўхтатди жангни ўйлаб қон-жон уволини.

Фатҳи Говгариш — Нисо сафга тўёна,
Бошлади ғолиб шаънига тўй туркона.

Журжон қалъаси пойтахти Мозандарон,
Тошдевор, баланд ошён-Валига макон.

Шомолон-Журжон йўли чангалзор, ботқоқ,
Пистирма бисёр, йўл очиш оғир, иш чатоқ!

Саркарда Кенгаш қарорига биноан,
Берди беситам савобли Олий Фармон:

«Ҳазоражоту сада ҳозирлик кўрсин,
Тогдан тонггача ярим фарсах йўл кўрсин!»

Бўйинтов амир Вали қоровули гоҳ-гоҳ,
Бенаф савашиб турди қурдирмайин роҳ.

Кечаю кундуз йигирма кун қуриб йўл,
Азоб-уқубат-ла Журжонга етди қўл.

Минг уч юз саксон тўртинчи йил, қиш боши,
Ошёнга етгач, босди илк совуқ тоши.

“Лашкар бир кун дам билан кифоялансин,
Хандак, арава бирлан ҳимоялансин!»

Дебон саркарда қўшинни этди огоҳ,
Атроф зич жингил ҳам чангалзор манзилгоҳ,

Тунда ловуллаб Вали этди шабихун,
Пистирмада еб адабин сўнди шу тун.

Шамшир ўйнатиб ўттиз қўшин ортидан,
Ва нусратнишон босди зарб-ла кетидан.

Қувди Мироншоҳ жангжўй олов қўшини,
Қочоқни тутиб, чопар бўлди тўшини.

Қочди Домғонга ҳуфиёна жанг сурони-ла,
Юклаб амир бор-будин жон бўрони-ла.



Оила аҳлин ташлаб бевафо қари,
Ёлғиз бир ўзи отда елди Рой сари.

Беш амир қувди Ройгача тўзон сочиб,
Рой кўчасида тутолмади, кетди қочиб.

Жони ҳалқумга келган ҳолда ҳансираб,
Бошини урди эшикка эсанкираб.

Оғилда бўкди «хушбўй» ипорга чунон,
Ноқис мулкдорга бўлди парёстиқ сомон.

Ажал қувганда шопин кўтариб ёмон,
Шоҳу гадо ҳам билмас на қилишин шу он!

Солди тонгда дод хонадон соҳибаси,
Чорлаб мардини кучайди дағдағаси.

«Савдогарман» деб амир Вали ёлгондан,
Яширинганмиш қўрқиб босқин талондан.

«Меҳмон» иргитиб мардга ақча халтасин,
Илтижо қилди унитайлик деб барчасин.

Занона либос кийибон айтди раҳмат,
Қиздай паранжи ёпиниб, тақди чиммат!

* * *

Ҳақиқат топсин дебон ўқ қозигини,
Сўраб улусдан эл-юрт розилигини,

Темур Астробод вилояти мулкани,
Жами захираю инон-ихтиёрини,

Элхоний Луқмон ибн Тоғой Темурхонга,
Инъом этди илк бор элхонийзот -Хонга.

Қиш эшик қоқиб турганда Соҳибқирон,
Ҳарбий ҳаракат жиловин тортди ёрон.

Сара саф кўчди равон Рой жилғасига,
Ва саркарда ҳам чидармиш барчасига.

Ироқи ажам, Курдистон, Озарбайжон,
Подшоҳчалари тобелик-ла сақларди жон.

Жалойирия сулоласидан шоҳлар,
Эл-юрт талашни этибди касб гумроҳлар.

Жалолуддин Шайх Аҳмад Увайс подшоҳча,
Султоналия³³ тож- тахтида мулкдор шоҳча.



Соҳибсалтанат шахтидан ҳуркиб чунон,
Қочди мулкидан бесас ҳукмдор ёмон.

Қолдириб тахтни Оқбуғо писарига,
Табризга сурди шукр айлабон бориға.

Шоҳ дилбандини амир Аббос баҳодир,
Олтмиш отлиқ-ла босди жанговар ботир.

Падар ортидан Табризга етди жўшиб,
Ота-бола ўз юртидан кетди шошиб.

Султонияга лашкар-ла Амир Темур,
Дохил бўлди Ҳут охирида баҳузур.

Наврўз айёмин ўт-ўлан, дарахт сезганда,
Наботот кўрки дашту адир кезганда,

Бир минг уч юз саксон беш санасида,
Нур балқиб Амир Темур пешонасида,

Шу қалъа-қасрга Султон Зайнобиддинни,
Ўй-фикр-ла топди тахтга лойиқ ҳамдинни.

Омул тахтини берди Камолиддинга,
Сори тож- тахт, мулкини Разиуддинга.

Соҳибсалтанат икки йиллик юришда,
Адолат,ислом дини-чун юрди урушда.

Мамлакатларни олиб таъсир қабзасига,
Эрк,ҳақиқатни улашди барчасига.

Минг уч юз саксон бешинчи йил кузида,
Эронзаминдан қайтди нур порлаб юзида.

Падар юртига қайтиб соҳибсалтанат,
Қишлади сабру шукр-ла озроқ беғурбат.

Ором олдилар тахтдан узоқроқ жойда,
Қозонхон қурган ошён Занжирсаройда.

Тергаб турди Мовароуннаҳр мулкин,
Тобе мамлакат тинчлигу улус ҳулқин.

Сароймулқхоним-ла қишлади осуда⁴⁹,
Хуфияни ҳам сўрди дам оросида.



Эронзаминга уч йиллик юришининг зикри

«Эрон «Ёсо»си алдов яна барбодлик,
Босқин, талаш, бир-бирин эзиш, бедодлик.

Жаҳонда шу дард-зўрлик, бебошлик ҳукмрон,
Мамлакатлар хор, қашшоқ яшарди ёрон.

Одамотадан башар заминга тарқаб,
Ризқини териб еган Оллоҳни алқаб.

Кимларга берган мўлроқ ақл, риёзатни,
Баракс кимларга камроқ фаҳм-фаросатни.

Топган насибанг бўлса ҳалол-покиза,
Пушти-камаринг ҳам олур сендан андоза.

Мужассам этиб ақл-ҳушни қалбга беҳад,
Оллоҳим инъом этар сўнгида марқад⁵⁰ !

Тарбия-фарзанд умрининг асл гулбанди,
Падардан уқса нани, олғуси банди.

Овчи ўғлони қувиб тутади буғини,
Сиртлондек сакраб гиппа буғар бўғзини.

Аҳли илм ўғли ёд билади Қуръонни,
Орзуманди ҳарб кўради жанг-суронни.

Лек ҳар касб-ҳунар соҳибин аржуманди,
Меҳнат-ла топар иқболин орзуманди.

Тарбия ила бўлар олим, мударрис,
Шоир, мунажжим, саркарда ҳам муҳандис».

Ўй бўҳронида чарх айлаб ғир-ғир,
Мозийга назар тикди эркпарвар бир-бир:

«Тақдирга тушган Тангрим бир неъматни,
Ижроси залвор жаҳонгирлик қисмати.

Ислохий динни мустаҳкамлаш ҳам ёйиш,
Оллоҳ амри-ла динсизлар кўзин ўйиш.

Асил муддао-одамзотга омонлик,
Эл-юрт, улусга эрк, мўмин-мусулмонлик!»

Сайди ўй-фикр-ла халоскор Соҳибқирон,
Нигоҳин тикди ноҳақ ҳукмдорлар томон.



Элларни зуғум, хорликдан қутқарай деб,
Халоскор шамшир тутди ёвни қирай деб.

Минг уч юз саксон олтинчи йил баҳорда,
Лашкар қўзғолди туронзаминдан саҳарда.

Иликида куч тўплаб, қалбида журъат,
Эронга юрди такрор соҳибсалтанат.

Табриз томонга етиб қадами навкар,
Шанби Ғозоний манзилин кучди лашкар.

Табриздан саййид Ризо хожа Ҳожи-ла,
Хаттот Муҳаммад Бандагир, қози ила,

Соҳибқиронга бош эгди, беқон зинҳор,
Эрк, тинчлик истаб этди тобелик изҳор.

Табриз бўйинтов, қочган -писганга макон,
Карвон таловчи қора қўюнлуга қопқон.

Қочоқлар изғир, сокин пана-пўст истаб,
Табризга амир Вали келган «дўст» истаб.

Темур келишин билиб қочди хуфиёна,
Амир Маҳмуд-ла Ҳалҳолга махфиёна.

Хапакак асир этди «дўст»ни Ҳалҳолий,
Сўнгра тутиб олди сардор Қиморий.

Бефармон юлди амир Вали бошин,
Қиморий иноқ ёпди Мозандарон ишин.

Табризга бўлди ҳукмдор Муҳаммад Султон,
Ибн Жаҳонгир ибн Амир Темур кўрагон.

* * *

Озарлар халқи чекарди кўп азият,
Ҳукмдорларда йўқ эди исломий ҳамият!

Озарбайжон-чун жанглар кечди шиддатли,
Узоқ савашди, беаёв, талофатли.

Дарбанду денгиз суви, қумлоқ соҳилда,
Не-не йигитлар жисми қолди сабилда.

Майитлар дафни ўтди эҳтиром ила,
Заминга қўйди Қуръон тиловати-ла.

Сўнгра саркарда енгилмас ўз лашкарин,
Маржондек тизиб сафлади жаҳонбарин.





Жаҳонгир Темур сараланган аскари,
Нахичевонга йўл олди сафлар бари.

Қарний, Сурмалу, Қарс қалъалар девори,
Чўнг дарвозали, пулатзулфундор бари.

Енгилмас мардлар, улуси жангжўйсифат,
Хурфикр халқи иш тутади бомаслаҳат.

Элчилар олди йўл қалъалар сари бир-бир,
Тоғ оралаб, сой кечиб, босиб дўнгу қир.

Донолари кўп халқ, лоларанг қон истамас,
Ўлимдан қўрқмас, тобеликни хушламас.

Талаби Темур — тинчлик, мўмин-мусулмонлик,
Қалъалар аҳли англаб тузди сулҳомонлик.

Қуръони карим «Ҳаж» сурасига мос,
Ислом динини ёйиш иймонликка хос!

Мусулмонликка чорлаб гоҳ этар жиҳод,
Жангда бақога кетган шаҳиддур, ҳайҳот!

Ислом олами иккига тенг бўлинар:
«Дор-ул-ислом»у «Дор-ул-ҳарб»га муқаррар.

Наби Муҳаммад сафдоши - «Дор-ул-ислом»,
Бетазийқ Оллоҳ Ҳақ деганлар, вассалом!

«Дор-ул-ҳарб»-жангу жадаллар ҳосиласи,
Жиҳод-ла ўтган Исломга индоллоси.

Файри дин аҳдин исломга этиш даъват,
Савобдур барҳақ, эмасдур залвор бидъат.

«Ҳижрий саккизинчи юз йилликда бир Нур,
Балқиб чиққанким, бу Соҳибқирон Темур!

Ул Динга ривож бергувчи олампаноҳ,
Исломий динга очгайдур чарогон роҳ!»

Фатвони берган умумжаҳон уламоси,
Мир Саид Шариф Журжоний дин сиймоси.

Уламо сузи қонун ҳар мусулмонга,
Исломга давъат шараф, ҳақ ундов Иймонга!

«Оллоҳ йўлида ҳақ жиҳод ила жиҳод...
Кофирни муслим этиш-инсонга нажот.



Кофирлар юртин босиб этай мусулмон,
Муқаддас уруш ёхуд сулҳ-ла тамоман!»

Исломиё фикр-ла соҳибқирони замон,
Темур қўшини юрди Гуржистон томон.

Тик кўкрак кериб марди савашарди тек,
Таслим бўлмасдан жон берарди эли тик.

Уй-қалъалари мустаҳкам тошдеворли,
Эркаклари мард, зап хушфёъл, хулқ-атворли.

«Тифлис қалъаси истехком-халқ қалқони,
Зарб ила таслим этишнинг йўқ имкони.

Ажраламиз мул навкар, сипоҳ,амирдан,
Гар бўлса сулҳ-ла таслим, қайтамиз амрдан.

Уқмас тоғликлар оқибати жанг нотурғун,
Даҳшатли саваш сўнги қуюнли қирғин.

Оллоҳга сажда этмаган бандаларни,
Саждагоҳга ҳўп чорлади гандаларни,

Сўнг Нуҳ пайғамбар этганди дуоибад,
Олам туфони ютган бединни абад».

Сузиб ислومیё денгизида беканда,
Элни чорлаган барҳақ динга саркарда.

Ясаб навкарлар тик қарағайдан норвон,
Девордан ошиб қалъани босди ёмон.

Темур лашкарин куч-ҳайбатидан шошиб,
Гуржистон шоҳи жангни тўхтатди чўчиб.

Саждада ўқиб Калимаи шаҳодат,
Мусулмон бўлди Гуржистон шоҳи Букрот.

Шариатга мос иш кўрди мамлакатда,
Сурди ўз даврин шоҳ қолмай фалокатда.

Илк башар дини Ислон покларга манзур,
Тиловати Қуръон бағишлар дилга ҳўзур!

Билинг одамзот турфа тилда сўз айтар,
Динсизлар Тангри наздида соний қайтар?

Гуржилар юртин Темур этиб фатҳ қисман,
Ортга қайтди тоғ ўлкасидан ул расман.





* * *

Минг уч юз саксон еттинчи йил бошида,
Тифлистан кўчди Курага қиш қошида.

Бетакрор қўшнаҳр эмган қадимий Аррон,
Кура ҳам Аракс соҳилида бу ошён,

Серфайз дарахтзор ўрмонким улкан чорбоғ,
Шу боис Темур илк берди ном Қорабоғ.

Етиб масканга жанговар саф-қўшинлар,
Қурди лашкаргоҳ сипоҳ, амир жўшқинлар.

Ўрдуга Ширвонот шоҳи Шайх Иброҳим,
Тавба-ла ўтди юкуниб ул мулойим.

Қишни ўтказиб Қорабоғда нусратшон,
Юрди Бардаа томон баҳорда шоён.

Юриш тўхтади нохуш хабар-ла таққа,
Қўшин тарқади ёйилиб Қорабоққа:

«Нонкўр Тўхтамиш Дарбандни босганмиш,
Озарий халқин таптаб, чопиб осганмиш?!»

Инонмади «миш-миш»ни сўраб, ҳақлигин,
Билолмади не-не важдин жанг, нақлигин?

Темур йўллади Дарбанд сари қўшинни,
Катта амирлар бирлан қуллар-жўшқинни:

Икки Темур, Шайх Али ҳам Усмон баҳодир,
Лашкар-ла йўлга чиқди уч амир-ботир.

Ортидан Ҳожи Сайфиддин босди секин,
Ҳарб амирзода Мироншоҳ ҳам бирин-кетин.

Амирлар жангда таслим арафасида,
Кирди захира саф жон талвасасида.

Ёғийни босиб савашди тиккама-тикка,
Жўчилар синди, етолмади тилакка.

Асирлараро жўчизода Қозончи,
Сирлаб сандиғин очди бўлмай ёлғончи.

Темур бўшатиб юборди асирларни,
Тўхтамиш каби қипчоқий «басир»ларни.

* * *

Кура дарёси соҳилидан қўшинлар,
Кўкча денгизи сари кўчди жўшқинлар.



Чопар келтирди Моранддан бир хушхабар,
Сароймулкхоним қўналғисидан хабор.

Онахон сари Шоҳрух-ла Халил Султон,
Ошиқди уғруқ томон соғиниб чунон.

Ҳумоюн навкаб севарди жондан ортиқ,
Фарзанд, занларга боғларни этган тортиқ:

«Шоҳрух» кўргони, масжиди «Бибиҳоним»,
Боғи шимол асли Бека Султонхоним.

Соҳибсалтанат уғруқ-ла олибон дам,
Жанговар жангу савашга бўлди, бардам.

Бошланди кўрик, уруш тайёргарлиги,
Баҳоланди қўл, сафлар жанговарлиги.

Соний Илончиқ қалъани босди қўшин,
Жалойир Султон Аҳмад қочди кеч пешин.

Эгасиз ошён аҳли бош эгди беқон,
Тобелик онтини ичибон сақлади жон.

Ойдин қалъа аҳли юкунди, таслим,
Тўкилмади қон, жабр тортмади бир муслим.

* * *

«Озарбайжону Ироқни таловчилар,
«Қора қуюнлу» туркманзот кўчманчилар,

Талаб яшарди овул, қарвонларни,
Мовароуннаҳр сари юрган сарбонларни.

Муслмонлик бир фарзин ихлосига,
Зид турди алар талаб, Ҳаж ижросига.

Қақшатарди йўл устида босиб, талаб,
Бир кимса йўлин тўсмаган, барҳақ талаб!»

Востон, Урмия, Вон қўлларин қирғоғи,
«Қора қуюнлу» ўрдуси тўғрироғи.

Ойдин қалъанинг таслими-ла сониян,
Ёндош Авникни тобе этди қатъиян.

Тушгач Арзинжон ёни-Чиячур сойига,
Тахуртан сажда қилди Темур пойига.

Ҳумоюн навкаб ҳоким ихтиёрига,
Инъом этди мулкни бахтиёрига.



Қора Муҳаммад «Қора қуюнлу» боши,
Қорақчи, каззоб егани макруҳ оши!?

Тоғ қоясида юрар бамисли қоплон,
Ҳадикдан ўтар четлаб сиртлондек ҳар он.

Тулкидай сезар, сас мавжини узоқдан,
Қочиб яшайди, кеча-кундуз тузоқдан.

Уч фавж қўшин-ла Мироншоҳ, амир бузрук,
Қароқчини даф этишга олди буйруқ.

Амирзодага амирлар бўлди ҳамроҳ,
Малик қавчин, Шайх Али ила Иқболшоҳ.

Вон соҳилида босди Қора Муҳаммадни,
Савашмай тоққа қочди, кутмай мададни.

Иқболшоҳ, Малик қавчин қувди изма-из,
Чўнг тоғ бошида қалъага кирди беиз.

Ошён атрофи ўр-жарлик ҳар ким ўтмас,
Қадам босган ҳар кимса ортига қайтмас!

Қора Муҳаммад озодликда беармон,
Тулкидай тутқич бермайн яшар ҳамон.

Малик Изиддин қора қуюнлу ҳарби,
Қўшиндор сардор, кучлидир саваш зарби.

Вон қалъасида ҳоким, қуроолланган пухта,
Ошёнига ўқ ўтмас, ҳеч ёв қилолмас уҳда.

Ақл-фаросатин йигиб Малик Изидин,
Тобелик камар боғлаб бош эгди ҳамдин.

Жангари қалъа аҳли истамади сулҳ,
Захира чўғи ўчгач, очлар тузди сулҳ.

Йигирма саккиз кундан сўнг бўлди таслим,
Лек шаҳид кетди ҳарб, ёшу қари муслим.

Мусулмон марду занлар боши силанди,
Исёнкор авом бўйни тигла сийланди.

Малик Изиддин бўлди ноиби Гуржистон,
Инонди, яшар тинч деб, қилмас исён?

Қўшинга бериб дам, ғалаба базмин ўтказиб,
Навкар, сипоҳга мўл туҳфалар улашиб,

Мароғани босиб Гилонга чақ-чақлашиб,
Йўл олди лашкар Темур-ла бирғалашиб.



“Қора қуюнлу” мутлақ бўлмагач тор-мор,
Сара қўшинни тузишга қилди қарор.

Йўл олди уғруқ турган Олатоққа,
Абакан комида Темурбек қолди якка.

Форслар ҳокими Зайнобиддиндан Темур,
Хат-ла сўради тобеликни баҳузур.

Мазилга етгач Соҳибқирон қадами,
Пешвозга чиқди Форс эл-юртин маҳрами.

Соҳибсалтанат мезбонга қилди насиҳат,
Лек Зайнобиддин демади уни ҳикмат.

Бош эгиб тинглаб маккор, ваъдага қарши,
Исёнга уриб қўл белафз, қилмади яхши.

Такроран Форсга боқди, бўлади уруш,
Кимлар ўлади ё қолар бу қонли юриш...

Минг уч юз саксон еттинчи йил кузида,
Бошланди уруш Форс-Ироқнинг ўзида.

Ҳамадон бирлан Исфаҳон аҳли шаҳар,
Қон тўкмайин бўлди тобе тонг саҳар.

Юрт саййиди-ла ақобир-ашрофлари,
Дин пешволари Темурга етди сафлари.

Айланиб хоксор, вайрона турбатларни,
Ҳадя улашиб эслатди ҳикматларни.

Саййидлар бирлан кўрибон турбатларни,
Тузатди жами беқаров марқадрларни.

Таборак қалъа ичра жойлашди лашкар,
Қўшинлар олди дам, куч тўплади навкар.

Тортилди чақа солиққа Исфаҳон ҳам,
Йиғилар бўлди тақа нархича дирхам.

Лек бебош Али Кўчапо кайфдошлари,
Кечаси уйма-уй юриб сафдошлари,

«Солиқчи»ларни бесурон этиб шаҳид,
Халқ ила юрди ўрду сари эл шоҳид.

Минг уч юз саксон етти санаси, Жаддий
Уч минг амирлар шаҳид кетди ашаддий.

Исёнкор марднинг уруғ-аймоғи бир-бир,
Сафдошлари-ла тигдан ўтдилар дир-дир!



Дўноншоҳ ила Ҳожибек ибн Сорбуғо,
Исфаҳонга бўлди ҳимоячи оға.

Соний саркарда юрди манзилдан аста,
Форс вилояти сари, қўшин вобаста.

Исфаҳон бўлгач бир шаҳидмакон ошён,
Босди амиру бекни ғам-алам чунон.

Соҳибқироннинг салобат чўғи босиб,
Ҳукмдорлар чўчиб, қўрқиб писдилар шошиб.

Ҳокими Шероз кетди Козирун сари,
Оёқ остида ёнгандай қўмир қўри.

Зайнобиддинни асир олиб Шоҳ Мансур,
Амакваччани ўрдуга элтди мансур.

Тобелик тўнин кийиб қўрқув-ла ҳукмдор,
Тобуғ амалин бажарди шу он мулкдор.

Тиғ учини ҳеч букмай Ҳумоюн навкаб,
Фатҳ сарҳадини кенгайтирди сал дўғлаб.

Минг уч юз саксон еттинчи йил, қиш бели,
Сал-пал турарди чақиб изғирин ели.

Шероздан Тахти қорачага қўшинлар,
Лашкаргоҳ сари кўчди сипоҳ, жўшқинлар.

Абу Исҳоқким Шоҳ Шужоҳ боқимчаси,
Язд волийси, Сиржон қалъа ҳокимчаси,

Совга-салом-ла етди Темур пойига,
Қалъалар олиб ибрат, тушди жойига.

Катта-Кичик Лур Отабеклар ҳам элга,
Юкунди хизмат камарин боғлаб белга.

Темур амрига этиб сабру қаноат,
Қилди уч йилда Эронзамин итоат.

Баён айлаб жанг, саваш тавсифини,
Муншийилар битди юриш таърифини.

Эронзаминда бузилган маконларин,
Таъмирга берди куч, топиб имконларин.

Барқарорликни бузди Тўхтамиш «ўғлон»,
Мовароуннаҳр сари юрибон ёмон!

Лашкар-ла қайтди Соҳибқирон ортига,
Муфтхўрни енгиб падарзамин юртига.



Беш йиллик юришнинг зикри

«Кўҳна замин ғарқ бўлган ғурбат жомига,
Дин шариати кирган қуффор⁵¹ комига.

Ҳокимлар пур-пур яшар, зўр маишатда,
Улус аҳволи оғир бир машаққатда!»

Хуфиядан шум хабарни билиб қирон,
Юришга олди йўл халоскор Соҳибқирон.

«Тўрт йил ўтибди қайтмиш ота маконга,
Эронда кимлар қўлин урибди исёнга!

Тобелик-залвор юк, бардош бериш қийин,
Занжир бандлари мустаҳкам узиш қийин.

Мансаб, мулку тахт талоши абадий ҳирс,
Қуроли-туҳмат, зуғум, босқин, гоҳо инс-жинс.

Масабни гоҳ-гоҳ этиб суиистеъмол,
Йиғар зуғум-ла элдан ўлик-тирик мол.

Бефаҳмлигидан элга тиг йўллаб аксига,
«Подшоҳман» дебон урар панжа кўксига.

Авом-ун-носни бошин силамаган шоҳ,
Шоҳ эмас, заррин тўнли бир гадо, гумроҳ!

Нопок зотларни қирсин, элга шоҳ бўлсин,
Улус тинчлигу фаравонлигин кўрсин.

Афсус, мутлақо унутиб авом халқни,
Очкўзлигидан тўплайди зар-дур, мулкни.

Улус, эл-юртсиз подшоҳ кимга керак,
Бамисли қуриб битган бир бақатерак!

Гар эл тўқ бўлса, сен ундан ҳам тўқроқсан,
Эл-юрт фаровон, тинч, ғамдан йироқсан!»

Эслабон жаҳон дин уламо пандларин,
Темур букармиш шариатга зидларин.

Уламои дин Мир Саййид Шариф Журжоний,
Номасин боз ўқиди жаҳонгир орий:

«Саккизинчи юз йилликда халқчил Темур,
Дин шариатин поклар курашиб мағрур.



Саййид, уламо иззат-икромин тиклар,
Кофирларни тиг ила забт этиб буқлар!»

Номани олиб Абубакр Тайободий,
Йўллади жавоб ул жаҳонгирга орий.

Мактуб қатида: «Унутманг ислом ҳукмин,
Шариат, Оллоҳ инояту ҳуқуқин!»

Олиб ҳукмона жавоб ғоят суюнди,
Ижроси-чун ул ғайрат отига минди.

Тасарруфдаги мулклардан йиғди навкар,
Сафлади жангжўй бениҳоя мўл лашкар.

Моҳи Қавс. Минг уч юз тўқсон биринчи йил,
Олди қўшинот Ўтрор³⁴ томон жанговар йўл.

Кичик Кенгаш-ла Соҳибқирони аъзам,
Сафлади шунқор суворийни ҳам бардам.

Ўз улусига амирзода Мироншоҳ,
Олий Фармонга мос мулкига олди роҳ.

Ортдан юрди саф таниш Эронзаминга,
Тинчлик истабон ҳар мусулмон-мўминга.

Жанговарлар ҳам етиб Самарқанд томон,
Порсин даштининг бағрида тинди омон.

Манзил комида қишлади Соҳибқирон,
Ҳарбий машқ ила чиниқишди навқирон.

Минг уч юз тўқсон иккинчи йил, илк баҳор,
Табиат сепин ёйган, Шамсга интизор.

Йўлакай босиб манзилгоҳларни лашкар,
Ипор қўригин баҳрига кирди аскар.

Фанимга зидма-зид минсин деб отини,
Мулкдор этармиш набиралар зотини.

Қобул, Ғазни ҳам Зобулистон юртини,
Пирмуҳаммадга инъом этди мулкани.

Сафдош бўлди ҳар он жаҳонгирзодага,
Ишбилармон бош амирлар амирзодага:

Амир Қутбиддин, Баҳлул-ла Сулоймоншоҳ,
Али Ғончи-ла сафга кирди Иқболшоҳ.



Темурхўжа-ла Баротхўжа кўколдош,
Ҳусайн суфи-ла Исломухўжа қуролдош.

Хуббихўжа-ла Шамсиддин Учқора ҳам,
Ғазна томонга алар бўлди ҳамқадам.

Соҳибсалтанат залвор юкни юклади,
Набиражонга уқдириб тақидлади:

“Маҳмуд Ғазнавий юрти улкан мамлакат,
Обод этмоққа зарур журъат, ҳаракат.

Таъмир этингиз қалъа, ҳарбий истеҳкомни,
Хор қадамжо-ю хоксор номуштаҳкамни.

Саждага чорланг мўмину-мажидларни,
Ислому нурига бурканг хор масжидларни».

Дебон саркарда боқди амирзодага,
Сафардош амир, дуркун асилзодага.

Амирзода-ла саф жунаб кетган ҳамон,
Ҳумоюн навкаб ҳам отланди шу замон.

Лашкар-ла кўчди Ипор қўригидан,
Ортда қолмай деб қўшинлар қуйруғидан.

Кутарди Кониғил^{55*}, беҳиштмакон чорбоғи,
Фирдавсмонанд Самарқанд кенг қучоғи.

Сароймулкхоним етиб Темур қатига,
Ҳол-аҳвол сўраб зимдан боқди қаддига.

Очиб дилдан сўз набиралар тўйидан,
Хоним айланиб-ўргулди ёр бўйидан.

Тўй.Элчи, казо-казолару дорбозлар,
Янграр нағмалар-қуй, кузатар сарбозлар.

Пур-пур дастурхон, зеб-кўркидан вожаб,
Меҳмон оғзининг таноби қочди ажаб!

Фотима, Зуҳро, Робия — келинпошшалар,
Дуркун хонадон гулжамоли пошшолар.

Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир-қуёв тўра,
Абубакр Мирзо ибн Мироншоҳ-қуёв тўра.

Мирзо Рустамга мос Робия юлдузи,
Амирзодалар тўйи ўтди кундузи.



Соҳибқирон ҳам олиб келин саломин,
Такрор от сурди тарафи Эронзамин.

* * *

Амир Темур ҳам мўмин-мусулмон инсон,
Тоат-ибодат-ла Оллоҳдан сўрар Иймон.

Дин уламосин фатвоси кеча-кундуз,
Темурга бўлди Зухродек йўлчи юлдуз.

Минг уч юз тўқсон иккинчи йил ёзида,
Фатҳ мамлакатлар бебош бўлибди ўзида.

Қўзғолибди тан олмай Турон тахтини,
Фулғула солиб элга, истабди ўз бахтини.

Исёнкор Эрону Мозандарон ҳокими,
Кичик Луристон, ал-Жазоир боқими.

Муқаддам тайин этган Темур вакилларин,
Қирибди «Турон одами» деб кокилларин.

Ўйнабди тиг-ла фитнакорлар бешарпа,
Жабрин тортдилар доруға, бисёр шаҳна.

Улусдан йиққан беҳад мўл-кўл солиқ,
Ночор этган ўз халқин, қутқудор қилиқ!?

“Шоҳу эларо ўртада бўлса жарлик,
Юртда бедодлик, улусда ортар хўрлик!

Шўрлик аҳволга эл-юрт улуси тушган,
Каззоблар даврин суриб ҳаддан жўшган.

Шариатга мос аҳли мўмин — мусулмон,
Тоат-ибодат ила эрк сақлар ҳар он.

Масжид, мадраса хоки тўкилган, хароб,
Зулфунга осик занжир, мударрис бетоб!?”

Деб Соҳибқирон дилин этди жиз-кабоб,
Ислоҳ этмоқ ҳолатни кони савоб.

Тинчлик қалқони зуғумни онглаб чунон,
Кўмак берарга шошди, топай деб имкон:

«Ироқи араб, Эрон сари қўшинот,
Шитоб-ла юрсин, тизилиб жўшқин, ҳайҳот!»

Ёз боши, ҳаво иссиқ таниш заминга,
Лашкар-ла юрди Темур Эронзаминга.



Фикр-ла саркарда берди жанговар Фармон,
Сафлар тизилди, илғорда ул қумондон.

Минг уч юз тўқсон иккинчи йил, Саратон,
Турон лашкари юрди Бухоро томон.

Қўшинлар Жўйи зарга бўлганда дохил,
Темурни тутди дард, иситма қилиб ҳосил.

Лашкардан дардни сақлабон мутлақо сир,
Тўхтади қўшин таққа жойида бир-бир.

Муҳаммад Султон айтди Кенгашда бир ваз:
«Қўшин тўплашмиш бу ғалабага гул тож.

Етсин Хутталон, Ҳисор, Хоразм қўшини,
Олсин дам бироз, ул жанговар яшини!»

Баҳонасини таъкидлаб очмади сир,
Амирлар билди бу ҳам ҳарбона тадбир.

Пойтахтдан етди қатор орзумандлари,
Бибихоним бош завжа, аржумандлари.

Ҳожи Муҳаммад Табризий табиби хос,
Икки ҳафтада дардни қувди, қўйиб ихлос.

Иссиқ ёз. Минг уч юз тўқсон иккинчи йил,
Амуя сари лашкар сафи олди йўл.

Уғруққа амир Ҳожи Сайфиддин сардор,
Самарқанд сари қайтди толиқмай зинҳор.

Алар ортидан амирзода Шоҳрух ҳам,
Ҳимоя отин сурдилар дадил, ҳамдам.

* * *

Лашкар Жайхунни кечиб тиккач чодирин,
Улуғ юришга саралади қодирин.

Сониян Марву Мохонни босиб лашкар,
Ёлғиз ёғочга етди от-улов, навкар.

Ҳабушон- Ёлғиз ёғоч хуштабиат жой,
Ажабо серфайз манзил, набототга бой.

Илк бор савашди фатҳ юртнинг қоровули,
Мардонавор ибн Жаҳонгирнинг довули.



Ҳабушон сафи енгилиб қочди чунон,
Соний таърифи лашкар учди ҳар томон.

Ўрдуни қучди қўшини амирзода,
Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир Темурзода.

Ортидан етди сафдош амир Жаҳоншоҳ,
Ғалаба туғин қучди шараф-ла лашкаргоҳ.

Шитоб-ла лашкар босиб Астробод⁶⁶ сари,
Журжон дарёси соҳилига тушди бари.

Жами қўшинот тўпланди туриб сўзида,
Минг уч юз тўқсон иккинчи йил кузида.

Юкуниб ҳарбга Сори бирлан Астробод,
Тақди тобелик тамғасин кифтга умрбод.

Этиб лашкаргоҳ қирғоқни сипоҳ, навкар,
Олиб дам, тўплаб куч, отланди шиддаткор.

Журжон ҳокими Пир Подшоҳ қора кийган,
Луқмон Подшоҳ кўз юмгач, Тангри суйган.

Тобелик камар боғлабон матомсаро,
Темур пойига чўкди ҳурмат-ла ўзаро.

Ҳоким кўнглини хушлаб соҳибсалтанат,
Фотиҳага ўтди этиб эҳтиром, иззат.

Астробод мулкин қайта олди соғ-омон,
Пировардида Пир Подшоҳ бўлмас ёмон.

Журжондан юрди лашкар Омулга қараб,
Ўтди ботқоқдан сафлар хас-қамиш тўшаб.

Босиб балчиққа қамиш боғларин аста,
Қурди йўл, сафлар бўлмай тажанг, дилхаста.

Қаққайиб ботқоқ четида чўнг бир ошён,
Виқор-ла қиздай қаддин этган намоён.

Омул ҳокимин қасримиш тошдеворли,
Фатҳи жанг ўтар тасхир бирлан залворли:

«Қалъа-истеҳком гирд атрофин сув босган,
Хандақлар лиқ-лиқ, ўтиб бўлмас сув тошган.

Чирмашган улкан дарахтлар, зич чангалзор,
Тик ўтиб бўлмас, беҳад қалин жингилзор.



«Гар сулҳ-ла қалъа бўлса беозор таслим,
Қон тўкилмас мўл, шаҳид кетмасди муслим.

Нур устига нур, ечилар тугун осон,
Йўқса, оқади бисёр қизғолдоқранг қон!»

Хаёлий жангда Соҳибқирони азим,
Аввало, беқон йўл-сулҳни топди лозим.

Йўллади элчи-ҳоким орзуманддини,
Сулҳ мактуби-ла сафдош Гиёсиддинни.

Ҳақорат айлаб падари бузруквори,
Элчи ўғлонни тутдилар жавонгори.

Ҳокимдан бўлиб дилтанг паноҳижаҳон,
Саркашга берар бўлди жавобин ёмон.

Силтаб қўл зарда ила соҳибсалтанат,
Мукаммал режа тузди истаб имконият.

Ботқоқ устига ўттиз кунлик орада,
Жой олди нафт-раъд андозу тош аррода.

Минг уч юз тўқсон иккинчи йил,моҳи Мизон,
Тўкабошлаган зич-зич дов-дарахт хазон.

Ой ўртасида қалъа қилинди тасхир,
Юкунди ҳукмдор Темурга беакс ахир.

Ўтиб бўлганди тафтли моҳи Сумбула,
«Етилиб пишди» бефаҳм ҳоким — думбула.

Саккиз юз навкар босиб этди тирборон,
Ёғийни сурди келтириб тиг-ла қирон.

Босди пиёда ортидан саккиз қўшин,
Ёғийни янчиб, тутди ғалаба қўшин.

Сониян ҳоким саййид Камолиддин «шер»,
Таслим, оқ туғин тутди, бурни ўпиб ер.

Беғурур саййид Камолиддин паскаш,
Унутди нома жавобин белафз тиркаш.

Уч кунгача бир жавоб айтмади айёр,
Жанговар турди оёққа, жангга тайёр.

Такроран қалъа қилингач беҳад тасхир,
Ишга тушди-ку оғир қурол ахир:



Манжаниқ,нафту раъд андоз,тош аррода,
Шовқин-сурондан учди қушлар шу борада.

Илк қулаб тушгач қалъа буржу бораси,
Ошённи сақлаб қолишнинг йўқ чораси!

Минг уч юз тўқсон иккинчи йил,ниҳоят,
Мизонда бўлди мақсад ҳосил бағоят.

Саййидийларни сулҳга мос этди кўчирма,
Туронзаминга палапондек учирма.

Бўлди оқ уйли жами саййидий зотлар,
Барҳақ Хоразмга сузди омулий зотлар.

Кўч-кўронини юклаб зодалар ортидан,
Падар сузди оқ уйли бўлиб юртидан.

Омонат бўлди саййидий фарзандлари,
Кўтарса бош, кўз юмар орзумандлари!

* * *

Ҳарбий машқ-ла ов қилиб мисли дарранда,
Лашкар олди уч ой дам Мозандаронда.

Сониян қучди манзили Шосумонсой,
Кўркам,баҳаво даргоҳ, мафтункор сой.

Минг уч юз тўқсон учинчи йил бошида,
Форс-Ироқ томон босди шу йил қишида:

Манғулой сафда Муҳаммад Султон бош-қош,
Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир-ини сафдош.

Оғалар ортидан юрди амирзода Шоҳрух,
Сафлар зич-тиғиз, қўлласин Тангри, руҳ!

Шаҳзодаларга бош-қош амир-жўшқинлар,
Мозандарондан Форсга етди қўшинлар:

Ҳожи Муҳаммадшоҳ бирлан Шамсиддин Аббос,
Жаҳонгир баҳодир ила Ёдгор барлос.

Ортда қолдириб Яйлоқи Валини қўл,
Зафар ортидан зафар қучди қўшин мўл.

Озарбайжону Луристон ҳам Ҳузистон,
Тобеликни тан олди бежангу беқон.



Қон тўқмай Казвин, Султония эгди бош,
Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгирга тутиб ош.

Майфарогиз-ла Ова, Наҳованд, Пилгард,
Хуррамобод-ла Вуружирд текизмай гард,

Соҳибсалтанат жанг-савашлар ортида,
Тинчлик машъалин ёқди халқлар юртида.

Тобелик занжир бўйинга осилади,
Узувчи онда-сонда учрар, топилади.

Эронни Темур учинчи бор юришда,
Фатҳ этиб олган эди ғолиб урушда.

Музаффария қадим Форс мамлакати,
Уруш- бу шоҳлар ишининг фалокати.

Йиғмайин хирож солиғин элдан подшоҳ,
Исёнга урди қўлин беўй “шаҳоншоҳ”.

Сотқин, бебурдни Темур кўради ёмон,
Тутганин қўймас мутлақо озод, омон!

Саркарда юрди такрор Эронзаминга,
Исёнкор зотлар кетар таги заминга.

Минг уч юз тўқсон учинчи йил,моҳи Ҳамал,
Жаҳонгир ҳарбий режага қилди амал.

Ламкар Дамона наҳридан ўтиб лашкар,
Ҳафталар юриб Ромхўрмузни қучди аскар.

Ҳокими Катта Лур Отабек Пир Аҳмад,
Ҳадялар билан тўлиб-тошиб беҳад,

Томуғ⁵² амалин бажариб саркардага,
Юкиниб бўлди мулозим ул ўрдуга.

Ғалаба тугин чўнг тутиб олампаҳо,
Сафед қуруққа ой сўнгида олди роҳ.

Босиб Саҳрои зумра, Оби арғувон,
Қучиб Шустар Кажҳавас, Хуббихон,

Қолдириб ортда Амиршул манзилгоҳин,
Сафед қуруққа Темур тикди нигоҳин.

Саф пешида чўнг турар қалъа ҳарбона,
Ганч-тошдеворли мустаҳкам ошён-қоя.



Чўнг ҳимояси, қалъа ҳарбий истехком,
Саодат кутвол зид турди ул муттаҳам.

Қайсар, ўжарроқ, ўлимга тик боқади,
Гоҳ-гоҳ мўйловин учуриб, қош қоқади.

Азалдан Темур қонли жангга терс турар,
Одати тилу сулҳ-ла бежанг ҳал этар.

Қалъага элчи сулҳ истаб олди йўл,
Кутвол элчига кутарди зўравон қўл.

Қалъадан отди элчи зотин хокрезга,
Туроний лашкар кўринмай сўқир кўзга.

Қилинган ҳар бир амал, айтилган гап-сўз,
Топгай аксин қўл ёхуд кўргай ўткир кўз!

«Элчига ўлим йўқ!» нақлин билмаганми,
Димоғдор, довдир кутвол тахт кўрмаганми?!

Қамал этилди қалъа қуршаб ҳар ёндан,
Зарбали босқин, саваш айирди жондан.

Икки кунлик жанг кўрсатди самарасин,
Оқ байроқ-ла халқ кўрсатди ўз қорасин.

Асирга тушди ҳукмдорлар ҳолу беҳол,
Муҳаммад Озод меҳтар, Саодат кутвол.

Темур пойига сажда қилмай исёнкор,
Тик турди кутвол, бошини эгмай зинҳор.

Ҳақоратомуз сўзларни сочиб ҳар ён,
Жавобига чўнг тоғдан иргитди ёмон.

Исёнкорларга бу амал ибрат-жавоб,
Эл-юрт тинчлиги, фаравонлиги-чун-савоб.

Бегуноҳ асир-асиралар бўлди озод,
Улус, эл-юрт тинч, мамлакат бўлар обод.

Малик Муҳаммад Убахий бўлди кутвол,
Жангда кўрсатур қаҳрамонлик безавол.

Сафед қуруқдан отланиб сафи лашкар,
Қучди Навижон манзилин сафи навкар.

* * *

Лашкар олгач дам Тавонкорга етди қўл,
Йўлакай йиғиб захирани этди мўл.



Ошиб довондан етди Шери мардонга,
Соний Жуямдан сўнг баҳаво Хоржинга.

Шерозга йўллаб хуфия, олди хабар:
«Шоҳ Мансур тузиб ясол ул жангни кутар»

Билдиким, Темур олдинда жангу жадал,
Шоҳ Мансур ҳолин этар узил-кесил ҳал!?

Минг уч юз тўқсон учинчи йил баҳори-
Дала-дашт кўм-кўк, бу фасл кўрки, оҳори.

Хабарни тинглаб ҳурфикр соҳибсалтанат,
Сара лашкар-ла йўл босди қилмай миннат.

Манзилга бўлиб дохил, кўрди жанг кутар,
Қўшин жамлабди, кўрамиз жангни ким ютар?

Ясол тузибон икки муҳолиф томон,
Жангга шайланган бир-бирига зид ёмон.

Шиддат-ла босди Турон сафин Шоҳ Мансур,
Саркарда бошин кесармиш шоп-ла унсур!?

Жанг қизигандан қизиб узиларди бош,
Қонга белангган хок, лоларанг тусда тош.

Чўнг олатасир олган қамраб самони,
Шамширлар «шақир-шуқури» ён фазони.

Отлар йиқилган, ҳансираб берарди жон,
Чўзилиб навкар мукка ётар оқиб қон.

Даҳшат, беҳисоб шаҳидлар, кўзлар оққан,
Жангчи ётарди беқўл, оғзига тўлиб қон!

Жанг режасида гар бўлмаса гар қусур,
Мўкка ер тишлар ҳар қандай кучли унсур.

Қайсар Шоҳ Мансур, жанг билимдони, шунқор,
Савашда лашкар шахтин синдирар бадкор.

Ёндан бошқариб турар ул жанг мавжини,
Қайсар шу жангда букармиш Темур авжини.

Ҳимоясиз ён қирни босди Шоҳ Мансур,
Ўн икки отлиқ-ла Темур турарди мағрур.

Илкисдан пайдо бўлгач Мансур аскари,
Шошиб қолдилар Соҳибқирон навкари.



Темурни ўраб олди мухолиф чунон,
Қасоскор шу он қилич серпади ёмон.

Савашиб кетди, тенгмасди тигдор сони,
Тушиди шоп рақсга, жўшиди ғанимлар қони.

Қайсар аскари тасхир-ла мухолифни,
Отдан ағдарди нусратнишон голибни!

Навқари Турон савади даҳшатона,
Жийрон от қочди ҳуркканча голибона.

Ўн икки навкар жон-жаҳд ила савашиб,
Темурни айлар ҳимоя қилич серпашиб.

Бирма-бир сипоҳ, навкарлар бўлгач шаҳид,
Тўрт навкар қолди гирд ёнда қалқон воҳид.

Мухолиф манфур Темурга серпади шоп,
Навкар елка-ла тўсди қилич йўлин зап.

Жон талаб шамшир такроран тушар пайтда,
Одил ахтачи қалқони тўсди шартта.

Сўлдан шу қилич серпанди жон-қон сўраб,
Қора ясовул найзаси тўсди нураб.

Икки накар-ла ёлғиз саркарда боши,
Чидармикин бу жангга Темур бардоши?!

«Тирик ушланг!» чўнг жаранглади буйруғи,
Қилич серпашнинг кўринмасди қуйриғи.

Дутор торидай асаб зўр тарангланди,
Жаҳлдан вужуди саркарда теранланди.

Икки баҳодир, бир саркардани ёғий,
Сиқиб келарди тирик тутмоқ-чун, орий.

Яна бир сипоҳ ер тишлади ҳўнграб,
Мухолиф аскар келарди сиқиб, қамраб.

Жанг майдонида бир жангчи, бир саркарда,
Ҳаёт-мамот бу не айб шопу навкарда?

Якка навкарли Темурбекнинг теграси,
Шоп тасхири-ла келар ўлим чехраси.

Ҳаёт уммони дод-ла солди пўртана,
Ёвқур саркарда қилични тутди яна:



«Жон берарманми, ҳаёт бешиги нураб»,
«Ё Олоҳим!» деб қўлда шамшир кетди ўйнаб!

Ажаб савашди Темур ўйнатиб қилич,
Неча муҳолиф бўғзига тортиб қилич.

Лек кўз ўнгидан ўтарди фарзандлари,
«Тақдири азал» экан орзумандлари...

«Ҳаммаси тамом!» кўзга келмас қатра ёш,
Ғазаб ёнарди чўнг портлагандай қуёш!

Ўттиз йил аввал қўлда ўйнагандай шамшир,
Икки илик-ла қилич серпади шир-шир.

Тангри қўлласа илоҳдан келар шамшир,
Ёғийни қирар тадриж⁵³-ла қилич бир-бир.

Шул онда етди ул ҳифзу-ҳимояси,
Сипоҳу навкар нусратқарин мояси:

«Олға! Ур! Тезроқ! Ушла!» овози сурон,
Шитоб-ла етди сипоҳи Соҳибқирон.

Сулаймоншоҳ бош тезкор захира қўшин,
Шоҳ Мансур сафин ўраб янчди чўғ тўшин!

Ғолиблик туғи ортидан боз ғалаба,
Амирзодалар ҳам қучди соз ғалаба:

Муҳаммад Султон Мансурнинг ўнг қанотин,
Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир сўл қанотин,

Амир Оллоҳдод ёвни сиқиб мисли мор,
Муҳолиф лашкар марказин этди тор-мор.

Бош қўлда амир Шайх Нуриддин, Оллоҳдод,
Ва ёв илғорин Шоҳрух сафи этди барбод

Йиқилди отдан Шоҳ Мансур босқин, жангда,
Ҳеч ким боқмади ҳукмдор қолди хок-чангда.

Баҳодир Лоим қавчин чопиб бошини,
Темур пойига ташлади жанг “тоши”ни!

Ўрдуни босди тутмоқ-чун қумондонни,
Шошди ёв асир этишга кўрагонни.

Учраб муҳолиф беш қўшинот зарбига,
Тумтарақай зап қочди боқмай ҳарбига.



Шоҳ Мансурни тор-мор этиб Соҳибқирон,
Диниконга йўл олди қўшинлар шоён!

* * *

Минг уч юз тўқсон учинчи йил, илк баҳор,
Диникондан ҳам кўчди Шерозга саҳар.

Шероз улкан, нуҳ дарвозали жой- шаҳар,
Масжид,мадраса, маърифатга бой шаҳар.

Қўшинлар тушиб Дарвозаи саломга,
Тасхир этдилар қулоқ қоқиб каломга

Топди ҳукмдор Шоҳ Мансур хазинасини,
Ўрдуда ҳарбга сочди ганжинасини.

Улкан ғалаба музаффарийларга сабоқ,
Жанг якунидан сўнг мулкдор «очди» қовоқ!?

Тобелик камар боғлаб Язд ҳам Кирмондан,
Етди ажралмай деб захира-хирмондан.

Темур пойини «ўпди» Шоҳ Яҳё ўғли,
Султон Аҳмад ҳам ўтди ўрдуга тўғри.

Лек Соҳибқирон чўнг ўй-фикр қабзасида,
Подшоҳни танлар ул тинчлик ҳавзасида:

«Форс мамлакатин бўлажак бош ҳукмдори,
Ким бўлар, юртнинг таянчи, мададкори?!

Уч йил муқаддам бош эди музаффарий,
Элни талади бебош исёнкор, орий!»

Эл-юрт дардида ёниб хаёл комида,
Соҳибсалтанат ўй сурди халқ ғамида.

Кенгаш топади муаммо ечимини,
Хон бирлан Темур кўради бичимини!

Аҳли Кенгаш мўл исбот, мунозара-ла,
«Музаффарий» рад бўлди муҳокама-ла.

«Тирик қолган бор музаффарийзодалар,
Тўплаб куч бир кун ўйгонур бу тўдалар!»

Чуқурроқ ўй-фикр, мушоҳада-ла қирон,
Исломиий ечим қидирди Соҳибқирон.

Темур фикрини англаб Султон Маҳмудхон,
Ҳарбона бу зирх тугунни ечди шу он:



«Ясоққа тортинг музаффарий зотини,
Қуритинг буткул муфтхўр авлод отини!»

Фармонни бериб сўради ижросини,
Тигдан ўтказди музаффарий қорасини.

Амир Темур, Хон ўзаро бомаслаҳат,
Кенгаш фикрини ўқиб, қилибон ҳурмат.

Сўнг амирзода Умаршайхни атайин,
Форс мамлакати забтига этди тайин:

«Ўз улусига қарасин, ҳолин билсин,
Борига қилиб шукр, эл-юрт ила бўлсин!»

Чашмадек тиниқ ҳурфикр-ла олампаҳо,
Ўғлонига тик очди душворроқ бир роҳ.

Темурзодага амирлар бўлди бош-қош:
Амир Бердибек, Муаййад, Умар сирдош.

Бўлди Суюнчик баҳодир камарбаста,
Отланиб юрди ғолиблар секин-аста.

Мулозимликка ўтди содиқ амирлар:
Таваккал барлос ила Баён Темурлар.

Мулаш Аперди ҳам Давлатхўжа ҳарбдош,
Иш юритади сабр бирлан бериб бардош.

Исломий талаб бу шариятга мос-хос,
Жабрдийдаларнинг қаддини тиклайди мос.

Зиндонбанд бўлган бор шужоҳзодаларни,
Озод этди бир умрга шаҳзодаларни.

Ҳокими Лури бузrug Пир Аҳмад мулкдор,
Олди қайтариб эл-юртини ҳуқуқдор.

Бўлганди икки минг Лур уйи кўчирма,
Форслан ортига лурлар бўлди учирма.

Темур минг уч юз туқсон уч санасида,
Саховат қони жўш урди танасида.

Шосман комида қуармиш гумбаздор бино,
Офтоб нурида товланувчи кошона.

Кўм-кўк қуббали, ҳашаматли маскан,
Ўқирмиш унда ҳар ким, билим истаган.



Кошона битгач кўчди кўч-курони-ла,
Форсдан синъоат, илм аҳли карвони-ла.

Сайқали замин-Самарқанд беқўрк бугун,
Нураш ҳолида буржи мул бино, нечун?

Якунлаб Шероз фатҳини Соҳибқирон,
Жойига қўйди ҳукмфармоларни беқон.

Сониян олиб йўл Исфаҳон томон,
Кумшага етди қадами лашкар омон.

Илк «Нақши жаҳон» боғида олиб зўр дам,
Лашкар отланди Ҳамадон сари бардам.

Йигирма тўрт кун йўл босиб Соҳибқирон,
Манзилга етди чўл-боғдан ўтиб беқирон.

Жарбадақону Саҳройи фарроҳинни,
Сўнг Хардарани босиб кучди Ҳамадонни.

Уғруқ-ла Деҳи Алавиядан Шоҳрух,
Мироншоҳ бирлан келди бўлиб Шоҳу Рух.

Сароймулкхоним, Тумон оқа, шаҳзодалар,
Боғи эрамга кўрк бўлди аслзодалар.

Лашкар, саркарда, хоним, амирзодалар,
Ҳордиқ чиқариб берди тўй-томошалар.

Базми жамшидга ясаб якун саркарда,
Фикр суриб-кулиб очдилар сал дилпарда:

«Озарбайжондан Рум⁵⁷ гача жами мулкни,
Инъом этдик биз Мироншоҳга ҳуқуқни.

Рой, Дарбанд, Боку, Ширвонот-ла Гилонот,
Амирзодага мулк бўлгайким омонот!»

* * *

Минг уч юз тўқсон учинчи йил, иссиқ ёз,
Соҳибқироннинг дилида инсоний роз!

Кўнгил қатида яшар исломий туйғу,
Тинчлик, бирликни тиклаш бу асил қайғу:

«Мусулмонлик гар бўлса юртда барқарор,
Улус бўлар тинч, тўқроқ яшар муқаррар!»

Орзу баҳрида гаввосдай сузиб жаҳонгир,
Амалда озод қилди мулкларни бирма-бир.



Ҳамадонни ҳам олиб, шошиб қўшинлар,
Оқсулоққа юз бурди отлиқ яшинлар.

Йўлакай ўтди Илма қирқ марғузорида,
Туман-Бешбармоқ саҳролар гузорида.

Гумбазак ила Баркундукда сайд айлаб,
Сайру саёҳат этди, дам олди яйраб.

Ҳамадондан етди Мироншоҳ чопари,
Нохуш хабар-ла соҳибсалтанат сари:

«Тоғ дарасида Сарик Усмон туркманзот,
Қиличин қайраб ясол тузганмиш қат-қат!»

Соҳибсалтанат фавж-фавж этиб лашкарин,
Бош амирларга қўшди жангжўй навкарин.

Фавжлар титиб тоғ сўқмоқларин бирма-бир,
Савашди қувиб Сарик Усмонни қирма-қир.

Нотавон аскар тоғ бошидан думалаб,
Шаҳид кетди не мардлар жардан юмалаб.

Саратонда тоғ дараси дилкаш салқин,
Олиб кетарлар дил дардин қамраб сокин.

Дарадан шарпа аксланиб сало айтар,
Қоя тошлардан сўзинг, такрорлаб қайтар.

Қушлар овози жаранглаб куйлаб ўтар,
Дарадан қайтиб «ға-ға»лаб сайраб кетар.

“Сичқон-мушук”дай пойлаб Сарик Усмонни,
Фавжлар навкари тутолмади туркманни.

Лек тор-мор қилиб фавжлар қароқчи зотин,
Асирга тушди соқчи, қиз, жувон -хотин.

Ўлжага тушди бисёр оту қўй- чорпо,
Лашкар бойиди, этиб захира барпо.

Тоғ бағрида дам олиб яйради такрор,
Жангу жадалда қилич серпаган аскар.

* * *

Ёз сўнги. Минг уч юз тўқсон учинчи йил,
Бағдоддан элчи келди, узоқ юриб йўл.

Оқ булоқ сари етди тинчлик тахтидан,
Шоҳ Султон Аҳмад жалойир пойтахтидан.



Элчи Нуриддин Абдурахмон Исфроиний,
Дин пешвоси зот шайхулислом замоний.

Тожиддин Ҳасан бузруг сулоласин боши,
Улкан мамлакат, қадимдан дўст, қардоши.

Амир Темурни Султон Аҳмад жалойир,
«Бағдодга ташриф этинг!» дебди беғайир.

Ҳар қандай ўта қув одамни жаҳонгир,
Баҳсларда бийрон тил-ла этарди мот бир-бир.

Сўз гулханида товлаб турфа тақлид-ла,
Сўзлатар эди мақтову танқид-ла.

Шоҳ Султон Аҳмад элчиси шайхулислом,
Жалойир дилидан бохабар-ку, вассалом!

Элчи қалбини бийрон сўз-ла ёрибон,
Бемифтоҳ очди тилсимин болли забон.

Сиру асрорлар бўлди ошкора аён,
Қора Юсуф-ла Султон Аҳмад борар қаён?

Фикр-ла саркарда узди дўстлик риштасин,
Кутсин деди ул муфтхўрлар кушандасин:

«Қароқчи Қора Юсуфнинг иши талаш,
Бўлмасдур нопок зот ила асло яраш!

Каззоб, қароқчи ила дўст тутунса шоҳ,
Булар вайрона ошғени, қолар бепаноҳ!»

Ҳурфикрларини айтиб соҳибсалтанат,
Шайхулисломга «шоҳ» бериб, ул этди «мот!»

«Таслим» бўлибон бағдодлик шайхулислом,
Темурга эгди бош айтолмай бир калом.

Кетдилар жунаб элчилар иззат-икром-ла,
Кузатди Темур исломий эҳтиром-ла.

Қора Юсуфнинг ноисломий талошин,
Тўсиб йўлини кесармиш саркаш бошин.

Минг уч юз тўқсон уч санаси, моҳи Асад,
Қора Юсуфни Темур этармиш жасад?

Лашкар олди йўл Бағдодга тошиб-шошиб,
Чексиз биёбон, қор босган довон ошиб.



Саф Акабайи Иброҳимлакка тушгач,
Хуфия изғиб хабар қидириб кетгач,

Топибди «Вот-вот» мунажжим бир «миш-миш» ни,
«Гуёки Султон Аҳмад истармиш урушни»

Ўрдубозорда туркман айтганмиш ошкор,
Хабар бўлса лоф, мунажжим тортар озор.

Изқувар боши ясоққа тушар сўнгиди,
«Вот-вот» мунажжим турармикин сўзида?!

Қоровул етиб Бағдод остонасига,
Билдиким эл яйрарди мастонасига:

«Дажладан сузиб ўтганмиш Султон Аҳмад,
Қочганмиш Бағдод ҳокимчаси беимдод»⁵⁹

Чекланмай хабар ила соҳибсалтанат,
Қўшинни тизиб саф-саф кўрди куч-қудрат.

Шаҳарни тасхир айлаб Темур қўшини,
Султон Аҳмадга берар бўлди «тешини»:

«Доруссалом-чун бўлмагач жангу саваш,
Қочоқ ҳукмдор-ла бўлмас мутлақо яраш!»

Фазаб отига босди қамчи соҳибшон,
Қочоқни тутар албат тезда, бегумон.

Темур Фармони ила сафи диловар,
Ўтди гупсарга миниб Дажладан навкар.

Шўнгиб сузишни эплотмаган қай аскар,
Бақога дохил бўлиши ҳақ, муқаррар.

Дарёдан ўтиб юрди лашкарни бошлаб,
Кунботу жойга тушди Сарсарни хатлаб.

Изма-из Султон Аҳмадни сафи Турон,
Фротдан чунон қувди Карбало томон.

Қочоқ ҳукмдорга етиб Карбало даштида,
Муҳаммад Султон шоп қучди тутмоқ шаҳтида.

Енгилиб беиз қочди, айёр исёнкор,
Қир ошиб ўлим талвасасида ночор.

Хулла, Воситни тобе этиб Миреншоҳ,
Басрага олди йўл дашту қирдан, бироҳ.



* * *

Бетиним юриш ҳоритган жанговарни,
Қийнаб юборган одаму от жониворни.

Соҳибқирон ҳам жанг-савашда толиққан,
Асаблар таранг, мушаклар ҳам зўриққан.

Саркардани ҳар навкар этар ҳимоя,
Қалқондек тўсар тиг йўлин бениҳоя!

Ҳаддан ортиқ сабр-қаноат соҳиби,
Темурда ҳам бор ҳар иш, дамнинг ҳисоби.

Султон Аҳмаднинг «аш-Шамс» кенг кемасида,
Темур Дажладан ўтди тонг чамасида.

Аркони давлат, нуёнлар, Ибож ўғлон,
Темур пойига юкунди бари шу он:

«Ҳар он ғанимат, дам олинг Соҳибқирон,
Ёвга келтирар амирзодалар қирон!»

Хос табиб қўллаб сафдошлар илтижосин,
Деди: «Ҳақ талаб, бажаринг илтимосин?»

“Лек дўстларим кўринмас жанг интиҳоси,
Шул боис узоқ галаба шарораси!?”

Ягона душман жангда кўп ҳам саналур,
Мингта дўст эса ҳаётда кам саналур!

«Бир бурда айнайн лаҳм гўшт» — Аҳмад Жалойир,
Зўр ғаним тирик қилич серпар ул ғайир!»

Қизғин савашда шоп серпаб амир Билол,
Ғаним бўйнин ул узди шатоб-ла ҳалол!

Темур ҳақ сўзни олибон инобатга,
Бағдодга қайтди бош эгиб табобатга.

Босабр ул ўтди «Ал-Мансурия» сари,
Қалъа саришта, шинам, покиза бари.

Юриш ҳолидан хабардор бўлиб ҳардам,
Ошёнда икки ой даволанди олиб дам.

Бағдод мадинат ус-салом қадамжосин,
Кўриб тинглади халқ, диндор илтижосин.

Зиёрат этди пир-авлиёлар хокзорин,
Шайхи раббоний Иброҳим Яҳё қабрин.



Бозору мозор айланиб этди амр,
Улус, уламо этди вайроналарни таъмир.

Соҳибқироннинг бор эди зап одати,
Ҳар мазилга хос дилдан юксак ҳурмати.

Айлаб зиёрат улуғлар хос қабрини,
Обод этарди, тикларди хор қаддини.

Аждодлар бунёд этган обидаларни,
Ҳавас, ғурур-ла кўрар осудаларни.

Аш-Шаммосия^{33*} Эрондаги расадхона,
Халифа Маъмун қурдирган ижодхона.

Мингинчи йиллар арафасида ошён,
Буюк иншоот, илмда бўлган олди жаҳон.

Яҳё ибн Мансур фалакиёт дарғаси,
Само илмида замонасин даҳоси.

Умар Хайём, Ал-Хоразмий дури ошён,
Шеърият ила «Алжабр»да олди жаҳон.

Темур кўриб илм масканин харобасин,
Надоматлар-ла ўқлади хотирасин,

Суюкли Мирзо Улуғбек ибн Шоҳруҳга,
Такидлади бир бор, бўлажак дарга, Шоҳга:

«Иншооллоҳ, биз Самарқанд Она маконда,
Барпо этурмуз расадхона Туронда!»

Шаҳар аҳлининг ҳаёт-кўрмушига мос,
Покизаликка саркарда қўйди ихлос.

Ислокий ҳаёт жабҳасин кўрибон тик,
Майхоналарни ёпди, майхўрликка қўйди чек.

Амир Черкас сувчи бош саф ўшқириб,
Бор майни Дажла ичди бўкиб,пишқириб.

Савдо-сотиққа мос тикланди расталар,
Таъмирланди мадраса, масжид—хасталар.

Имкон яратиб аҳли илм, ҳунармандга,
Танлаб Бағдоддан йўллади Самарқандга.

Қўшиб карвонга завжаи исёнкорон,
Алоуддавла кўчди юклаб кўч-кўрон.



* * *

«Лашкар чарчаган, падар юртдан узоқда,
Чор тарафда ёв, қўшин гуё тузоқда!

Турар лашкари Мисру Шом шай савашга,
Қўнармикин сулҳ тузиш ила ярашга?!

Сайфиддин Барқуқ — Миср подшоси дилтангроқ,
Кеккайган, зиқна, мансабпараст, тажангроқ!»

Мулоҳаза-ла ўй суриб Соҳибқирон,
Миср-ла сулҳ тузар бўлди бежанг ёрон...

Кенгаш-ла йўллаб ҳурфикр элчилар сафин,
Кутди совға-ю, номанинг бирор нафин.

Миср подшоси қолди тутиб элчини,
Бу уруш, навкар отга босар қамчини!

Куз фасли, кунлар борарди совиб аста,
Гар бўлса уруш мўминни этар хаста.

* * *

Бағдод-мадинат-ус-Ислом тужжорларин,
Тинглади Темур бисёр арз-дод, зорларин:

«Муфтхўр, йўлтўсар, қароқчилар галаси,
Такритни макон этганмиш, индоллоси.

Ҳаж сафарига чиққан мусулмонларни,
Талаб, гоҳ шаҳид этармиш мўминларни.

Тожирлар иши тўхтаб қолган, начора,
Бозорлар бўшаб, кўп қийналган бечора.

Подшоҳлар қорни тўқ, зар либоси бутун,
Қароқчи зот-ла иши бўлмас куну тун!»

Сабр-ла тинглабон тужжорни олампаҳо,
Қўшинни сафлаб, истаб топди ул роҳ.

Минг уч юз тўқсон учинчи йил кузида,
Такрит қалъага отланди туриб сўзида.

Манғулой қисмга амирзода Шоҳрух бош,
Катта амирлар темурзодага бош-қош:

Ётоқ сўфи, Шайх Али баҳодир ёрон,
Шоҳмалик, Жалол Ҳамид ҳам Бурҳон ўғлон.



Ғона, Лажарма, Банд обор, Физистонни,
Босиб йўлакай тобе этди ҳар ённи.

Такрит қалъа уч ёни сувлик истехком,
Ғаич —тошдеворли, бузиб бўлмас, мустаҳкам.

Қон тўкмаслик-чун тугдор соҳибсалтанат,
Сулҳ-ла берармиш ғанимга имконият.

Қалъага элчи йўллади такрор-такрор,
Истамай қазо қамал аҳлига зинҳор.

Бўйинтов қалъа кутволи амир Ҳусайн,
Ноисломий иш тутиб дебди атайин:

«Сенга тиз чўкиб яшашдан ўлим афзал»,
Истабди уруш, кутволни тутар ажал!

Қирқ жойдан қалъа сари яшрин нақб қазиб,
Тўлатди ул хас - хору хашак, нафт, дори босиб.

Ўқланди нафту раъд андоз, манжаниқ ҳай,
Пиёда, суворий ўз мурчилларида шай!

Ловуллаб ёниб қўлда машғала турар,
«Олға! Ҳужумга!» буйруқ-имони кутар.

Тикиб саркарда ишорасига кўзин,
Кутар тутоқиб «Бос исёнкорни!» сўзин.

Қўл силтагач он енгилмас Соҳибқирон,
Портлаб нақб олов югурди қалъа томон.

Ёнди лаҳимда милтиқ дори ила хас,
Ёнғинга қарши кимса келолмас бас.

Қалъа қолди ўт-олов комида ёмон,
Даҳшат, кўринмас буржда оқ байроқ ҳамон.

Нафту раъд андоз ўз кучин кўрсатган он,
Ошённи ёнғин тутиб қамради ёмон.

Манжаниқ берди зарба девор пойига,
Навкарлар юрди сурон-ла қалъа комига.

Дарвозалар ҳам очилди навкарга ланг,
Бошланди талаш, ур-йиқит, савашу жанг.

Исёнкор Ҳусайн жавоби эди хатс,
Оқибат-таслим белгиси бўлди оқ мазо!



Кутвол тутилди бўйнига арқон ташлаб,
Ҳайдаб келинди Темур пойига бошлаб.

Бегурур кутвол гиря-ла сўраб жонини,
Темур оёгин ўпди «тўкманг» деб қонини.

Хўрликка туркман йигити бермай бардош,
Асир тўпидан отилиб чиқди қардош.

Ясовул шопин юлиб югурди чунон,
Суриб соқчини Ҳусайнга етди шу он,

Темур шоп тутмай турар,бузмай пинагин,
Атрофда кўплар тутиб қолган юрагин.

Букиб,синдириб сабр-тоқат, қалб тошини,
Туркманзот асир чопди кутвол бошини.

Асир кўзида чақнаб турарди ғазаб,
Ўзи бўлса-да қароқчи, қонхўр, каззоб.

Темур юзида кўриб шафқат нурини,
Чилпора этди дилдаги қаҳр зўрини.

Қонли қиличин улоқтириб шитоб-ла,
Темур пойига юкунди беитоб-ла.

Аҳли қалъа ҳам олди ўз жазосини,
Лек айтолмади асил муддаосини.

Олампаноҳ афв этибон мард хатосин:
“Деди: “... унса гар зуғум, олгай жазосин!”

Тайин этиб бош Такрит қалъа таъмирига,
Совға улашди навкар, сипоҳ-барига.

* * *

Кўчди Такритдан Темур ал-Ҳарбий сари,
Сафланиб навкар тус-тугал, омон бари.

Кўкаламзор жой, тўқайзор сой,шикорбоп,
«Қамал» сайдида ўлжа тушди мўл,қоп-қоп.

Захира қўри дўппайди қопдай дадил,
Навкар бақувват, кўпайди кулги-ҳазил.

Даму шикор ҳам бўлди юракдигидай,
Олдинда кутар уруш тилакдагидай!

Ироқи араб мулкига қўшин тарқаб,
Тутди бўйинтов, муфтхўрни босиб саваб.



Амирлар қайтди узоқлардан бирма-бир,
Дарё, чўлларни босиб, ошиб қирма-қир.

Ал-Ҳарбий комига туркманий эркчилар,
Совға-салом-ла ташриф этди элчилар:

Хушлаб «Оқ», «Қора қуюнлу туркман зоти,
Юкунди тобелик истаб “ман-ман” зоти.

«Эгилган бошни қилич кесмас» нақли бор,
Қуюнлуларнинг озодликка ҳаққи бор.

Иzzат-икромин топибон қуюнлу зот,
Сарполар олгач суюнди беҳад, ҳайҳот.

Шайх Хожа Али Сабзаворий ҳукмрон,
Забти Мадинат-ус-саломга содиқ ўғлон.

Бамайлихотир Темур кўчи Тук ёққа,
Қирқук қалъага етди, лашкар гулбоққа.

Ҳокими ошён амир Али Мўсулий,
Тобелик изҳор этиб бош эгди тукий.

Ибрати Тук-ла қалъалар ҳам бирма-бир,
Юкунди Темур пойига кутвол дир-дир:

Қизил Мир Али уйрот, Пир Али, Жаҳонгир,
Тинчгина мулклар, тўкди бисёр жавоҳир.

Атроф манзиллар тобелик этгач изҳор,
Тинчлик ўрнатиб кўчи лашкар беозор.

Ортда қолдириб Чинободни саркарда,
Мўсул шаҳрига дохил бўлди саҳарда.

Олампаноҳни илк «кўтариб» бошига,
Юкунди ҳоким Темур тахтин қошига.

Мулкдор Ёрали бирлан соҳибсалтанат,
Қадамжоларни дилдан этди зиёрат.

Жиржис пайғамбар⁵⁵, Юнус алайҳиссалом⁵⁶,
Марқадларини этди обод батамом.

Манзиллар бўлгач обод, пурнур, бахтиёр,
Сафлар бирлашиб кўчи бермайин озор.

Қалъа кутволи Исога йўллаб бир мактуб,
Мордин ёнидан ўтди, жавобин қуғиб.





Ошённи қамал қилмай туроний алқаб,
Рос-ал-Айн сари юрди Ҳумоюн навкаб.

Захира тўплаб манзилгоҳдан мўлу қўл,
Рухо қалъаси сари лашкар олди йўл.

Ал-Жазира-ю Рухо мустаҳкам қалъа,
Мордин даҳшатли ҳарбий истехком қалъа.

Безга Рухо ила Рос-ал-Айн ошёнлар,
Қочган ҳокимлар, тоғ бағрига “қуён”лар?

Навкарлар босиб ошённи этди ғорат,
Чунон талади, одамин этиб ҳақорат.

Қиш фасли. Минг уч юз тўқсон учинчи йил,
Моҳи Далв. Совуқ, изғиринли шамол мўл.

Темур ўн тўққиз кун очқўз кутволларни,
Кутди сабр ила беғам, бемажолларни.

Ҳасан кайфий-ла Жунаид туркман босабр,
Жавоҳир юклаб юкунди сал сақлаб қадр.

Кечикди амир Исо, Малик Иззидин,
Узолмай залвор ул мутеликнинг занжирин!

Терисин шилиб бийрон мақтов сўз ила,
“Тузлади” амир Исони гап тузи-ла.

Темур сўзидан амир Исо бўлиб сармаст,
Жангга чорлади қулф уриб қалъага маст.

Минг уч юз тўқсон тўртинчи йил бошида,
Тўпланди лашкар қалъа ўнг ёнбошида.

Тасхир-ла Мордин қуршалди секин-аста,
Кутвол Исони бир бор этай деб хаста!

* * *

“Падар чорлавин кечиктирмай” деб ўғлон,
Дара оралаб йўл босди Мордин томон.

Чўнг Курдистон тоғ бошида кушдек ошён,
Турар қалдирғоч уясидек бир макон.

Шавлистон йўлин устида тўкиб виқор,
Хурматур⁶¹ қалъа товланарди мафтункор.

Харсанг тош, ганчдан барпо этган мустаҳкам,
Тоғ бошида ул гўё шоҳий истехком.



Умаршайх бош-қош сафнинг тушиб нигоҳи,
Билар бўлдилар ошён кимнинг даргоҳи?!

Тирмашиб қоя, ҳарсанг тошларга ёрон,
Етди қалъага зич сафдоши-ла ўғлон.

Сезмагач бирор шарпа, одам қорасин,
Рост юриб кўрар бўлди қалъа чорасин.

Тик туриб деди: «Тирик жон борми ё йўқ»,
Шу онда шаҳид этди Умаршайхни ўқ!

Қирчиллама қирқ ёшида амирзода,
Афсус-ла шаҳид кетди Темурзода.

Чопар учди шум хабар-ла Темур сари,
Босди йўл гиря ила сафдошлар бари.

Темур қошида амирлар гунгу лолдир,
Хабарни тутди сир, сўз очмай бемажолдир.

Лек тиз чўқдилар саркардага сипоҳлар,
Таажжуб ила учрашди нигоҳлар:

«Не гап, воқеа содир бўлди жаноблар!»
Бокди сўров-ла Темур кутиб жавоблар.

Амир Аргуншоҳнинг дили кетди толиб,
«Вой жигарим!» деб йиғлади дод-вой солиб.

Темур билдиким, босибди мусибат тоши,
Сабр, шукр этса-да, сўкилди зирҳ бардоши:

«Мироншоҳимми, Шоҳрух орзумандларим,
Муҳаммад Султон, қай бири фарзандларим?!»

Чиқаролмасдан бир сас, юрагин ушлаб,
Ҳамма гунг эди, турарди тилин тишлаб.

Ниҳоят Ҳожи Сайфиддин Темур дўсти,
Оғиз жуфтлабон деди: «Умаршайх!», рости.

Дийдаси қаттиқ Темур сабр-ла эгди бош,
Бошини эккач кўзига қалқиди ёш.

«Вой болам!» лаб ул солди дод-фарёд чунон,
Гиря этгандек бўлди гўёки жаҳон!

Отилиб дўстлар Соҳибқирон бағрига,
Гиря этдилар шукр этиб Тангри амрига.





Тегирмон тоши босгандай Темурни ғам,
Тингач кўз ёшлар сафдошлар бўлди малҳам.

Диний удумга мос-хос Қуръон тиловат,
Амирлар ҳамдард бўлиб этди мурувват.

Жудолик чўғи куйдирар жонинг аста,
Вужудинг этар бир сиқим, дилинг хаста.

Сермулоҳаза фикр қилса Соҳибқирон,
Гулдек умр ўтар юриш, урушда, ёрон:

«Умаршайхимдан бўлдим эртароқ жудо,
Кимга керак бу заҳмат, ташвиш ҳам фидо?!

Бўларди-ку мен ўзгалардек яшасам,
Қилиб бориға шукр, ризқимни ошасам?!

Фарзандларимни суйиб, тўлибон бағрим,
Бу қисмат эмас, инъом-неъмат Тангрим.

Ўзгалар азоб-уқубатига бефарқ,
Исломга зид дид, шарораси раду барқ!

Дини исломга равнақ бериб ислоҳлаш,
Кофирни қалам⁵⁴ этиб, покни ҳамроҳлаш,

Муқаддас диний бурчи ҳар мусулмонни,
Давъат, ибрат-ла ҳурлагай Иймонини.

Мен ҳам мусулмон аҳлига мансуб банда,
Мен-чун ёмонни яхши демоқ ҳўб ганда.

Исломни ислоҳ қилиш Тангри инояти,
Маним давримда бордур имконияти.

Менга залворли юкни Тангрим юклаган,
Зуғум, зулм, жабрга зид юришга чорлаган!

Иложим қанча, Тангрига зид туrolмайман,
Қўрқаман, Оллоҳ амрин удалолмайман?!

Роҳату ишрат, кайф-сафодан узоқман,
Мусулмонга дўст, кофирга тузоқман.

Ғайри диндорлар бўлса мўмин-мусулмон,
Мамлакатлар тинч, олам бўлар нурафшон.

Эллар яшарди дўстлик, бирдамлик-ла тинч,
Тўкилмасди қон, адолат бўларди синч!»



Ўй-фикр баҳрида умрга этиб наззора,
Темур ўзи-ла мўл қилди мунозара.

Тарқаб амирлар кетди мурчилларига,
Бош бўлайин деб сафлар, жангчиларига.

Ғазаб ўтида ёнибон Соҳибқирон,
Чорлаб амирни қаҳр ила берди Фармон:

«Мордин қалъани шиддат-ла ўраб босинг,
«Ал қассосу мин ал-ҳақ!» тутганни осинг!»

Олий Фармонни қўшин олмасдан аввал,
Султониядан чопар келди даставвал.

Ҳожи Сайфиддин матомсаро пешига,
Қадам қўйди ул тишин босиб тишига.

Шодлик кучди уч ойлик жангдан сўнг ёрон,
Хабардан Темур бўлди беадад шоён:

«Ўғил топибди Шоҳрух-ла Гавҳар бегим,
Оллоҳ инъоми бу истак асл тилагим!»

Олий Фармонни шодлик-ла зуд этди рад:
«Жанг тўхтатилсин! Мордин қамали минъбад!

Илкис тўхтади уч ойчалик зирҳ қамал,
Қўшинлар қилди Фармонга мос-хос амал.

Оқ байроқ-ла юрди Темур элчиси,
Дарвоза сари шоён сафдош эркчиси.

Мордин кутволи Исо қолди зап шошиб,
Лаъл сандиғи-ла ўрдуни кучди тошиб.

Исёнкор Исо кутилди ҳурмат билан,
Сийловлар пурнур ажабо, иззат билан.

Лек Исо олди ўз жазосини Темурдан,
Суғурилгандай қил қўпчиган хамирдан.

Иниси бўлди илк кутвол Султон Солиҳ,
Мордин ҳукмдори Темурга бўлар солиҳ.

Хурматур қалъа фатҳига Курдистон сари,
Амир Учқора бош қўшин шошди бари.

Чилпарчин этиб қалъани тоғ бошида,
Йўлтўсарларни бурдалади тоғ тошида.



Қайтди зафар-ла сафи амир Учқора,
Қароқчиларга шудур энг одил чора!

* * *

Моҳи Савр. Минг уч юз туқсон түрт санаси,
Мординдан кучди Шатт-ул-Арабга барчаси.

Падар бағрига амирзода Мироншоҳ,
Жавжак йўлидан етди бўлай деб огоҳ.

Хоммадда исён, ғалаён боши ҳоким,
Савашармиш ул қони оққанча токим:

«Раият ҳоли хароб эмиш, кўзда ёш,
Жангга зугумкор, бойлар берарминч бардош?»

Амир Жоҳоншоҳ қўшини манзил томон,
Юрди жанговар саф тортиб шахт-ла шоён.

Ортидан Темур жангжўй лашкар-ла ахир,
Дажлани кечиб Хоммадни этди тасхир.

Мустаҳкам қалъа, ёши эмиш түрт ярим аср,
Холид ибн Валид маҳв этган истехком-қаср.

Қалъа девори устида юрар извош,
Эли жангари, марди эмасдир ювош!

Нақбчилар Усмон баҳодир-ла Арғуншоҳ,
Муҳаммад Дарвеш барлос ошёнга очди роҳ.

Милтиқ дори-ла портлатиб тош деворни,
Фатҳ этди ўшал кўҳна зирҳ устуворни.

* * *

Темур кўнгли бекатҳи Арзирум⁶² ғаш,
Шу боис ўтказди ҳарбий катта Кенгаш:

«Ироқи араб Арзирумсиз бут бўлмас,
Туркманлар чайир, қўрқмас мардлар тек ўчмас!»

Саркарда боқди амирларга бирма-бир,
Бошин эгибон кутди Фармонни дир-дир.

«Толиққан лашкар, кўрсин озроқ роҳатни»
Деб амирзода Шохрух бузди сукунатни:

Падар ўғлонни изза этди сўз билан,
«Тиглади» тикка боқиб ўткир кўз билан:



«Амирзодам сал чарчабсиз олинг дамни,
Уғруққа боринг, унутгайсиз жанг, ғамни!

Сизга мунтазир, ёрингиз қўзилайди,
Сизсиз бечора хўб йиғлаб, бўзлайди.

Дейдилар яқин орада ёради қўз,
Сиз унда даркор, топасиз сабр, ширин сўз!»

Дебон падари бийрон сўз-ла тузлади,
Орзумандининг бардошлигин қўзлади.

Ортдан «қаҳ-қаҳ» уриб кулди оғаси,
Ер ёрилсайди, кирса боққач отаси!?

«Доя» бўлибон агар қолса шу замон,
“Гар ёри тўлғоқ тутса на қилар шу он?!

Густоҳлик-чун афв сўраб падардан,
Уғруққа юрди ўғлон қолиб назардан.

Соҳибсалтанат югуртиб қўз нигоҳин,
Кенгаш аҳлидан сўради ўз қарорин:

«Чарчаганлар бор бўлса,амирлар айтинг,
Вақтни бой берманг, шитоб-ла ортга қайтинг!»

Сипоҳлар турар жим боладек ер чизиб.
Ҳожа Сайфиддин деди сукутни бузиб:

«Чарчаш» налигин билмас аскар,жаноблар,
Шоплар қайралган Арзирумга жавоблар!»

Уч кунлик ҳарбий тадорики қўзланди,
Сўнг Олатоққа қирон лашкар юзланди.

Бўлиниб учга босди лашкар йўл бир-бир,
Ўйнатиб отин суворий дикир-дикир:

Ҳарб амирзода Муҳаммад Султон бош-қош,
Жавонғор юрди Чиячурга олов йўлдош.

Мард амирзода Мироншоҳ бош баронғор,
Бидлис йўлига чиқди жангжўй жанговар.

Марказий қисмда нусратнишон саркарда,
Сивосни кучди яйраб қўшин саҳарда.

Саҳрои Мушкка жанговарлар етди секин,
Доҳили бирлан тизилди бирин-кетин.



Минг уч юз тўқсон тўртинчи йил, май ойи,
Сахро иссиқ, дим, йўқ салқин пана жойи.

Кенгашга чорлаб сипоҳу, шаҳзодасин,
Ва тузди фатҳи Арзирум бут режасин.

Вилоятлардан олгач эрк, тинчлик хатин,
Ўқиб кутволлар, билди хуш оқибатин.

Арзирумда ким дўст-душман бўлгач аён,
Исёнкор қалъа аҳли қочаркан қаён?

Илончиқ, Ойдин, Авник қалъалар томон,
Кўчди навкарлар жанговарона ҳамон.

Бўлди амирлар Илончиққа бетма-бет,
Муҳаммад барлос отин сурди кетма-кет.

Сониян Жўчи хонзода Бурҳон ўғлон,
Жаҳоншоҳ ботир, суворий Ибож полвон,

Мироншоҳ Мирзо бош жангжўй аскарлари,
Қалъани тасхир этдилар саркорлари.

Кўмакка амир Темурхўжа Оқбўго,
Илончиқ қалъа сари отланди оға.

Саркарда лашкар озиқ-овқат қўрини,
Ғамлашга қўйди амирларнинг зўрини.

Озарбайжон-ла Арзирум ҳудудидан,
Товочи йиғди озуқа бор-будидан.

Етди чопар Мушк саҳросидан кўчган он,
«Сароймулкхоним етармиш ҳали замон».

Ўй-фикр жомида балқиб соҳибсалтанат,
Ёрин ташрифи Темурбекка мукофат:

«Бир ой кам бир йил ўтибди сувдай оқиб,
Умр дафтарида зарҳал чокларин сўкиб!»

Деб жаҳонгир-ла юрди кўнгил диловар,
Учрашиб «Биби» бирлан бўлар мунаввар.

Карвони уғруқ Моранд-Хойни кучганда,
Учрашди интиқ диллари ой туққанда.

Уғруқ аҳлини либоси матомсаро,
Эғнидаги кўк ёхуд ранги тимқаро.



Умаршайх Мирзо дорилбақога ўтгач,
Амирзодани Шероззаминга қўйгач,

Эгнига олган матомсаро либос,
Амирзодага дўстлар қўйибон ихлос.

Юз бурди лашкар Ойдин қалъаси томон,
Кутвол сулҳни истабди тинчлик-ла ёрон.

Юкунди улким Соҳибқирон пойига,
Ва ҳукмдор бўлди таъзим-ла ўз жойига.

Ёз олди. Минг уч юз тўқсон тўртинчи йил,
Иссиқ, ҳаво нам, навкар терлаган ҳил-ҳил.

Рум сарҳадида Арзирум қароргоҳи,
Ёвга кўриниб турар Турон лашкаргоҳи.

Ҳоким Тахуртан шоён совға-салом-ла,
Эгиб бош, етди дўстлик, ширин калом-ла.

Авник қалъадан йўқ бирор шарпа, дарак,
Кутвол билмасми сийловни “бақатерак”?!

Ошённи ўраб амирзода қўшини,
Берармиш кутвол сўрамаган тешини?

Лек қалъа фатҳи кечмади тезкор, осон,
Қирқ тўрт кун тутди қамалда Муҳаммад Султон.

Қалъа кутволи Қора Юсуф ўғли Мансур,
Қароқчи туркман зотидан, ўта мағрур.

Қулоқ осмади панд-насихатга кутвол,
Уқмади мўмин шаҳидлар қони увол!

Тасхир-ла сиқиб қайта қуршалди чунон,
Нақбчилар лаҳим очдилар қалъа томон.

Зугумкор Мансур топмагач ўз ҳурматин,
Милтиқ дори ҳам кўрсатди ўз қудратин!

Саратон. Минг уч юз тўқсон тўртинчи йил,
Авникни ҳарблар босарга топди зўр йўл.

Ишга тушиб раъд андоз ҳам тош аррода,
Нафас ростларди гоҳ қуроғлар орада.

Тирчарх, манжаниқ ҳам тош аррода чунон,
Этди вайрона Авник қалъасин ёмон.



Ошён девори портлаб, қўшинга очди йўл,
Бор -буди куйиб совурилди мисли кул.

Амирзода бош қўшинот сиқиб, қамраб,
Исёнкорларни қирди қалъани ўраб.

Асирда кутвол Мансур, исёнкор зотлар,
Тигланди не-не ойжамол қиз, ойзотлар.

Зафар туғини тикиб падар қошида,
Қонталаб жангни тугатди ёз бошида.

Амир Сотилмиш бўлди Авникка кутвол,
Бир неча қўшин амирга сафдош тушқол.

Жоку барлосга Ойдин бўлибон таслим,
Қон тўкилмади, азоб тортмади муслим.

Фатҳ гирдобига тушган қалъа пойида,
Лашкар мириқиб олди дам ёз ойида.

Ёз тафти пастлаб қувиб борарди кузни,
Лек ёз охири завқлантирганди кўзни.

Сумбула. Минг уч юз тўқсон тўрт санаси,
Сердарахт Форсда ғалаба тантанаси.

Хушхабар кучди саркарда дил богини,
Навниҳол ўғлон поклада дил доғини.

Шаввол ойининг йигирма тўққизиди,
Таваллуд топди набира йил кузиди.

Иброҳим Султон ибн Шоҳрух ибн Темур,
Меҳмонни кутди тўй-ла саркарда мағрур.

Форс марғузурин қолдириб ортда лашкар,
Мингқўл манзилга юзланди сипоҳ, навкар.

Маскан ёқимли, хушманзара салқин жой,
Дилни ўйнатар шарқираб тезоқар сой.

Фатҳ маҳсули-чун тўй базми бўлар бир ой,
Эрон, Турондан келган совгалар той-той.

Фатҳи Эрон-чун бошланур тўй-томоша,
Туҳфалар олар хизматига яраша.

Турфа хиргоҳлар тунда товланар чунон,
Тўнкарилгандек бунда юлдузли осмон.



Нигоҳлар интиқ-муштоқ Соҳибқиронга,
Мунтазир меҳмон-меzbон шу лаҳза онга.

Тизилган сипоҳ,аслзода,шаҳзодалар,
Гилямдор йўлак бошида амирзодалар.

Узоқдан қўриб Амир Темур сиймосин,
Чодирдан чиқди занлар сочиб жилвасин.

Салом-алик-ла сочди жавзалар нисор,
Нусратнишонга меҳрин этибон изҳор!

Ўринлашгач он ташриф этган меҳмонлар,
Хизматга ўтиш аввалидан меzbонлар,

Ҳазрат,хос имом Хожа Нуриддин Коший,
Ўтганлар руҳин шод этай деб нуроний,

Қуръон тиловат қилиб қўл очди дуога,
Шукрона айтиб яратган Ҳақ Худога!

Тўйдан аввал Хатм ўқиб матомсарони,
Ечишди матом либосин-қўк-қорани.

Келтирди Шоҳрух дилбанди-мургаklarин,
Буvasи кўрди навниҳол гўдаklarин.

Мирзоларни бир-бир тутиб бобоси чўнг,
Пешонасидан оҳиста илк ўпди сўнг.

Зоижа очиб Абдулла мунажжим тек,
Башорат этди: «...бўлур тахт соҳиби, бек!»

«Ўнгда Муҳаммад ибн Шоҳрух амирзода,
Сўлда Иброҳим бинни Шоҳрух шаҳзода.

Навниҳолларга атаб Қуръон тиловат,
Дуога очди қўл, бўлсин деб ижобат.

Бошланди тўй-томоша, базм-ла чалиб уд,
Меҳмону меzbон юз-қўзи пурнур хуршид.

Ашула,базми жамшид нағмалар билан,
Мавжида ўйнар сиймтанлар хиром бирлан.

Қўли қўлига тегмай меzbонлар шошиб,
Хизмат этарди сертакаллуф-ла тошиб.

Минг уч юз тўқсон тўртинчи йил,моҳи Мизон,
Тукабошлаган дов-дарахтлар барг-хазон.



Темур кузатиб ёри жони-дил орин,
Ўғруқ ортида қолди тўкибон меҳрин.

Йўллади пойтахт сари олиб ризосин,
Эл-юртга ҳукмдор этиб Шоҳрух Мирзосин.

Амир Шоҳмалик қўшини пойтахт сари,
Тушдилар йўлга Туронзамин, тахт сари.

Отланди Темур лашкари Кавказ томон,
Тоғ ошёнларин таслим этармиш ёрон.

Жангларда Шеки, Буртос, Гуржистон қисман,
Форат этилди, фатҳ топмади мулк расман.

Кулгандай атай Соҳибқирон устидан,
Тўхтамиш белафз боз чиқди пой остидан.

Аввал айтгандик белафз Тўхтамиш тавсифин,
Такрорламаймиз бу кўрнамак таърифин!

Аввал инонмай қипчоқий босқинига,
Тиғ санчар бўлди Тўхтамиш биқинига:

«Чақиртикондай йўлдан чиқди Тўхтамиш,
Сарҳадлар хавфли, душманга бўлар емиш!»

Ўй-фикр-ла Темур тўхтатди Кавказ фатҳини,
Толеида на бўлса, кўрар нақдини!?

Халоскор Темур тиклар хор-зор заминда,
Илк эрк тугини тикди эронзаминда.

Озод бўлиб Ироқи араб, Эрон ҳам,
Беш йиллик юриш топди якун, барҳам!

Эронзамин фатҳи интиҳосининг зикри

Эронзаминда Темур тугатди фатҳни,
Муншийи битди тафсилнома-ю мадҳни.

Тахти қорача саҳнида тўй-томоша,
Зафар еллари учди чўлу тоғ оша.

Ўн бир йиллик умр жийрон-тулпор устида,
Эронда ўтди эркни тиклаш шахтида.

Диний шариат бўлди юриш мезони,
Халқ шикояти, «сув осған» эл қозони.



Исломий туғин остида Эронзамин,
Балх юриши-ла покланди кўҳна замин.

Кийди эл-юртлар илк бор эрк сарпосини,
Қурдилар пурнур дўстлик шарорасини.

Бўлди мамлакат тинч, обод-осойишта,
Шаҳар, қишлоққа қўнгандай бир фаришта.

Эронзамину Озарбайжон, Курдистон,
Комида қалъа, кент, овул бўлди бўстон,

Тиг жабрин тортди исёнкор, муфтхўр, бебош,
«Қора қуюнлу» туркманзот, афғон авбош.

Ҳақиқат наҳри топди асл ўқ ўзанин,
Қаззоб, газанда кўрди жазо тўзонин.

Сийланди шоҳлар, авлоди шаҳзодалар,
Падар мулкининг эгаси аслзодалар.

Фатҳи мамлакат топибон шаҳзодасин,
Тутди иликка тамға, байроқ шодасин.

Шоҳ Шужоҳларга мос бўлган шажараси,
Шоҳ авлодидан бор нишон-шарораси :

“Музаффария асл ҳукмдори Шоҳ Шужоҳ,
Авлоди эмас жулдур гадо, бедаргоҳ!

Шерозга-Исо, Кирмонга-Султон Аҳмад,
Исфаҳон бўлди тахти Султон Муҳаммад.

Сиржон бахт-тахти тегди Абу Исҳоққа,
Қилмасин исён, тақиб “сирға” қулоққа!»

Дебон саркарда нусратнишони замон,
Эронзаминга тилади тинчлик, омон.

Юртига эга энди шужоҳзодалар,
Адолат нурун ёқди амирзодалар.

Масжид, мадраса тўлди ислом нурига,
Иzzат-икром-ла имом ўтди тўрига.

Кам гуржий олди тан Муҳаммад динини,
Арманлар ҳам поклади дину иймонини

Беэтиқодлар тан олмаса-да Ҳақ динни,
Лек бисёр кофир олди Ислом динини.



Пойтахтга юрди лашкар-ла нусратнишон,
Ўйлаб эл-юртни, етди улус соғ-омон.

Аҳли донишу улус-ла суҳбат қурди,
Сониян масжид, мадраса тарҳин қурди.

Бир мингу уч юз саксон саккизинчи йил,
Шерозий аҳли дониш тахтга олди йўл:

Амири калон Алоуддин сафга бош,
Амир, бек аҳли сафарга мусадди қош.

Файласуфу фикҳ, муҳандису муаррих,
Шуаро, табиб отланди бу бир тарих.

Муסיқашунос, наққош бирлан диловар,
Ҳар касб устосин иши ҳам афсонавор.

Бош акобир Мир Саййид Шариф Журжоний,
Илму фалсафа, фикҳ, нужуми замоний.

Фикҳчи мавлоно Нуъмониддин Хоразмий,
Абдулмалик-ла Саъдиддин Тафтазоний,

Муҳандис хожа Муҳаммад Зоҳид Бухорий,
Муסיқашунос Абдулқодир Мароғий,

Олими нужум мавлоно Аҳмад бирлан
Донишлар юрди Самарқандга шахт билан.

Аҳлу аёли, кўч-кўрони ила шахдам,
Қадам-бақадам йўл босди қарвон бардам.

Замин сайқалин қучиб йигирма беш кун-тунда,
Қучди шаҳар-фирдавсмонанд юпунда.

Бир мингу уч юз саксон саккизинчи йил,
Фатҳи Эрон ҳам сабр-ла тугади буткул.

Темур ўрнатгач эрк мулклар ҳавзасига,
Эрон ҳам ўтди Туроний қабзасига.

***Ҳиндистон кофирлари устига
юришнинг зикри***

Чингизхон каби Темур амирзодага,
Инъом этди бир мулкни аржумандига.

Улкан сарҳадни ҳар қисмида бир ҳукмдор,
Бомаслаҳат иш тутар талтаймай зинҳор.



Озарбайжону Ироқ Мироншоҳ мулки,
Улкан мамлакат, зап маҳобатли кўрки.

Хуросон мулкида амирзода Шоҳрух,
Заминда бисёр маъдан, олтин, кумиш, рух.

Эронзаминда Пирмуҳаммад Жаҳонгир,
Эли жангари, шамоли эсар гир-гир.

Мовароуннаҳрда мирзо Умар Мироншоҳ,
Улуғ падарин юрти, азиз оромгоҳ.

Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгир ибн Темур,
Туркистон ила Фарғонада бош-қош турур.

Самарқанд Шарқда бой фирдавсмонанд шаҳар,
Мовароуннаҳр тахти ҳунарманд шаҳар.

Беҳишт, Дилкушо, ...бисёр боғлар макони,
Тўрт фасл ҳўб қайнар зилол булоқлар кони.

Самарқандда мўл маҳалла, дукон, бозор,
«Сўзангарон»-ла «Камонгарон»дек гузар...

Самарқанд шаҳар бўлган сайқали Турон,
Оллоҳ хуш кўрган адолатпарвар ошён.

Минг уч юз тўқсон саккиз санаси, моҳи Хут,
Баҳор сепини ёйган, атроф кўм-кўк ўт.

Сайроқи қушлар оромбахш сайрашлари,
Роҳат берарди дилга шўх яйрашлари.

Бир-бирин суйиб, эркалаб жами жонзот,
Фасл тароватин шимиб яшарди, ҳайҳот!

Шундай замонда юклаб ёмон залворли хабар,
Темурга етди Ғазнадан елиб чопар.

Ўрнидан турди падар боқиб вазминдор,
Суҳбат тўхтади, чамаси аҳвол душвор.

Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир мактубида,
«Бузулиш бўлди» дебди ислом кутбида:

«Султон Ферузшоҳ ўтгач дорулбақога,
Кофирлар турди тик ишонмай Ҳақ Худого.

Аҳли мусулмон фикрдош мўмин-маслакдош,
Тақоза этса гар тўқар қон кўмакдош.



Бобожон, этманг мени кўп ҳам маломат,
Кофир зотига келтирамиз қиёмат!

Улуғ Ҳиндистон мамлакатада зуғум,
Девдек пишқириб поклаб бормоқда туғим?

Султон Маҳмудхон-Ферузошох набираси,
Шоҳ бўлса-да эл-юртда йўқдир қораси.

Фатвоингизсиз бошлаб қўйдим юришни,
Кофирларга зид исломий чин урушни!»

Тинглаб набира мактубин Соҳибқирон,
Кўшин-ла юрар бўлди Ҳиндистон томон.

Ўй суриб Амир Темур хаёлатга чўмди,
Фикран мозийга боқиб тарихга ўзин кўмди:

Ҳалокуийлар давлатидек Ҳиндистон,
Парчаланибди қирқ тўққиз йиллик бўстон:

Бенгалия-ла Бахман, Жампур, Гужарат,
Истиқлол истаб халқлар тузган вилоят.

Ўттиз етти йил Ферузошох бош султонлик,
Туғаб набирага қолган беомонлик.

Тарқаб мусулмон эллар ҳар ён ҳудудга,
Масжид,мадраса вайрона, ёқмас дидга.

Ростлади қад оташкада,черков,
Мўмин дафнига “анқо уруғи” гўрков!

Деб Темур кўрди юришга тадорикин,
Захирага йиғди озуқа- егуликин.

Лашкарин сафлаб ўтказди ҳарбий кўрик,
Навкарин тизиб ўргатди мўл йўл-йўрик.

Ўтказиб қишни ҳарбона ниҳоят,
Тузди ҳаракат режасин чўнг бағоят.

Савр ойи.Минг уч юз тўқсон саккизинчи йил,
Лашкар Жайхунни кечди босиб узоқ йўл.

Кечувдан Хулмгар сари қўшин олди роҳ,
Манзилда қурди улкан лашкаргоҳ.

Уч кун олгач дам навкарда унди журъат,
Шайланди жангу жадалга жамлаб қувват.



Темур тинглади сабр-ла халқ арз-додини,
Сиёпўшлардан эл тортган дод-фарёдини:

«Катвар тоғида сиёпўшлар қурган макон,
Алар қорли тоғ бағрида яшар ҳамон,

Касби эл талаш, зуғум, ёввойи ёмон,
Жуннас, тил билмас, лек афти одамсимон.

Музлик, қорли тоғ бағрида яшар омон,
Сиёпўшлар-ла жанг қилиш эмас осон!

Билдиким, катвар уруғин туймай ҳозир,
Бормас Ҳиндистон, гар бўлса-да мунтазир:

«Таловчиларни тобе этмай қўшинлар,
Катваристондан олға босмас жўшқинлар!»

Ўй-фикр баҳрида сузиб соҳибсалтанат,
Сиёпўшларни қирар бўлди ниҳоят.

Андаробгача қўшин юрди беталофат,
Муф்தхўр афгонлар йўлдан чиқди фалокат.

Афгон пистирма-тузоқларини қўшиб,
Савади Катвар сиёпўшини жўшиб.

Нафсдан ўзга дарди йўқ қари-ёшида,
Яшар баланд қор босган тоғлар бошида.

Фору камарлар сиёпўшлар макони,
Тутганни талар, гар бўлса бурда нони.

Турку форс, араб тилин билмас мутлақо,
Ёввойисифат одам уруғи «анқо»!?

Талаб хўрлаган кўп мўмин-мусулмонни,
Исломни олмай тан, зўрлаган мўминни.

Жаҳонгир Темур режа тузди муфассал,
Сиёпўшларга ялатармиш талх асал.

Андарободда қолдириб лашкар чўғин,
Шоҳрух Мирзо-ла захира қурол қўрин,

Беш минг жанговар сипоҳу навкар бирлан,
Бароён томон отланди аскар билан.

Сўл қисмда жавон амирзода Рустам бош,
Мирзога Бурҳон ўғлон оталик, Беш-қош.



Суворий бирлан Темур юрди ўнг томон,
Хивақни кучди бесаваш, тинч, соғ-омон.

Сиёпўшлар чўнг тоғлар бошида яшар,
Оч қолса тоғдан овул талашга тушар.

Ашаддий муфтхўр, беҳаё ҳам зуғумкор,
Талаб халқ мулкин қашқирдай тўймас бадкор.

* * *

Аскар ўтлоққа қўйиб ҳайдов отларин,
Қидирди тоғма-тоғ ошиб ёв зотларин.

Важоҳат ила совуқда ҳарблар шошиб,
Қуртлаган уртик қор тўсиқларин тешиб,

Қоядан сойга очди навкарлар туйнук,
Қор қамалидан чиқди аскар бебуйриқ.

Тоғ тепасидан кўринар сой мафтункор,
Лек оёқ ости яхмалак, ҳушёрлик даркор!

Товланиб турар офтобда шуъла сочиб,
Шамс тушгандай илк бор жамолин очиб.

Қоядан оқиб турарди муз-сумалак,
Бамисли инжу шодаси, узун малак.

Сочларин ёйиб, кўз-кўз этиб шаршара,
Тола-тола сув сочар ажаб манзара!

Кимдир гимирлар сой пойида нишони,
Эҳтимол, шудир сиёпўшлар макони?

Атрофга нигоҳ югуртиб Соҳибқирон,
Жангчи ғами-ла хушёр турарди ёрон:

«Дарага тушинг, арқонни тутиб аста,
Сирпаниб, тойиб қору музда оҳиста!»

Шоти боғлашга қоқди қозиқ зарб-ила,
Соний саркарда боқди навкарга меҳр-ла.

Юз эллик газли нарвонда Соҳибқирон,
Бирпасда дара пойига тушди омон.

Тоғ ёнбағрида тик турарди бир ошён,
Мустаҳкам қалъа-катварийларга макон.

Қалъага ташлаб зимдан кўз қирин Темур,
Билдиким, бино турар қоядек мағрур:



«Қалғага бориб Али Султон товочи,
Билинг, ул кимга мансуб сиёпўш — оғмачи!»

Қалға ёнидан тутиб бир сиёпўшни,
Ўрдуга элтди жулдур бу гиёҳғўшни.

Ярим ёввойи одам, маймундек жуннас,
Англамас араб, туркий, форс тилин нокас!

Шайх Али Кепак сафидаги бир афгон,
Деди: «Сиёпўшлар қочибди, солиб фиғон.

Қалға ҳокими — гудошуви⁵⁵ бўлиб бош,
Қочибди аҳли сиёпўшлар-ла йўлдош?»

Қўшин қалғада тунаб, бесас, бетузоқ,
Тонгдан из қувиб тоғма-тоғ юрди узоқ.

Онда-сонда сал бўлди жангу савашлар,
Қирилди бисёр муфтхўр афгон авбошлар!

Юз элликтача муфтхўр кетди бақога,
Ўн турт туронлик шаҳид дорулбақога.

Тавба-тазарру ила сиёпўш сардори,
Тобелик-ла бош эгди муфтхўр саркори.

* * *

«Сўл саф қўшиндан йўқ бирор сас-нишона,
Ёвга тушдими асир, тақдир пешона?»

Ўй қумғонида жўшиб соҳибсалтанат,
Қидирарга қилди қарор, жазм ила журъат.

Тўрт юз турк, уч юз тожикка этиб сардор,
Ҳумоюн навкаб юклади залворли кор:

Отланди амир Муҳаммад Озод, Давлатшоҳ,
Идику Чақар уйғурни этиб ҳамроҳ.

Сафга ўтди Шайх Али баҳодир навкари,
Ва Шайх Муҳаммад Али пиёда аскари.

Шиддат-ла тоғдан тоққа ошиб навкарлар,
Орта қолдирди қор қопқонини шунқорлар.

Камар огзида кўриб бир тўп одамни,
Ҳайратга тушиб оҳиста босди қадамни.

Совуқдан титраб қақшарди бу «тутқин»лар,
Сафдошин кўриб йиғладилар мискинлар!



Алар шаҳзода Рустамнинг гур аскарни,
Қочганди Бурҳон ўғлон бебурд саркори.

Сиёпуш сафи шабихун-ла эрларни,
Шаҳид этганди ул исломий “шер”ларни.

Қолганди аскар беозуқа бемадад,
От-улов, ўқ-ёй, шопсиз бир жонли жасад!

Бақога кетди амир Шайх Ҳусайн сувчи,
Амир Одина ҳам Давлатшоҳ жибачи.

Бирлашган сафни тузди тигиз, мустаҳкам,
Муҳаммад Озод ҳам амирзода Рустам.

Бардам бошлади жангу жадалин қўшин,
Сиёпушларни қирди бирма-бир жўшқин.

Тутдилар қочоқ қиёт Бурҳон ўғлонни,
Темур пойида тўқимади ёлғонни.

Ҳазил,итоб-ла Соҳибқирон ҳар ёндан,
Деди: «Ҳорманг! Қўрқибсиз-да “қуён”дан?

Мозийдан маълум, қиёт-ўзбек сафида,
Бўлмаган кўрқоқ, қочоқ эллар тўпида!»

Осмон баланд, ер қаттиқ на қилсин ўғлон,
Бийрон забон-ла титратди буюк инсон.

Саркарда билиб тоғ, қорнинг қафасини,
Афв-ла бугмади қиётлик нафасини.

Олдинда катта жанг, савашлар бўрони,
Ҳиндистон чорлаб турар, шаҳидлар қони!

Туроний қўшин енгиб сиёпушларни,
Йўлга солди Катвар тоғдан гиёхпушларни.

Ўқиб катварлар Калимаи шаҳодат,
Исломга ўтди қилиб беш вақт ибодат.

Ман этилгач бор ноисломий одатлар,
Сажда этмаган қирилди беқанотлар.

* * *

Элчилар Олтин Ўрда, Мўғулистондан,
Соҳибқиронни тан олиб ҳар томондан,

Андаробда мўл кутди нусратнишонни,
Сиёпушларни енган соҳиби шонни:



Мўғулистондан Хизрхўжахон элчиси,
Олтин Ўрдадан Темур Қутлуғ эркчиси,

Манғит элидан Идикубий элчиси,
Улуғ сийлов-ла қабул бўлди эркчиси.

Дилдан жўшганда суҳбату мунозара,
Ўтмишни эслаб элчини этди овора.

Лек сўроқлади Тўхтамиш озорини,
Сўради анинг мавҳумроқ мазорини.

Бўлдики маълум, деганмишким Тўхтамиш,
Олтин Ўрдани такрор босиб олармиш?

Бир кам минг тўрт юз санасин ёзида,
Олтин Ўрда-чун жанг-талаш кезида,

Темур Қутлуғдан дарё Ворскле бўйида,
Енгилиб қочган жонин сақлаш кўйида.

Эмишким Литва князидан олиб мадад,
Навкар сафлабди Олтин Ўрдага зид номард?

Шодибек-Сибир хони қилганмиш гумдон,
Нонкўр Тўхтамиш юлдузи ўчгани гумон?

Манғит ўғлони Идикубий мансабпараст,
Темур Қутлуғ-ла бирикмас шуҳратпараст!

Элчиларга бериб туфҳа, пур-пур зиёфат,
Кузатди, кўрманг, деб элу юртда офат.

Мирзо Улуғбек бирлан Сароймулкхоним ҳам,
Пойтахтга қайтди элчи сафи-ла ҳамдам.

Уқмади улуг туйғу ҳиссиётларин,
Кўрсатолмади ҳинд ажойиботларин.

Ваъдага амал қилмайин Соҳибқирон,
Вужуди ёнди бўлибон жизза-бийрон.

* * *

«Тугади» деб ўй суларди ҳарблар уруш,
Лек бошланар энди Ҳиндистонга юриш.

Ҳинд кофирлари юртида исломга зид,
Қурол тутганмиш иймонсизлар зидма-зид.

Лек Амир Темур элларни этиб озод,
Вайронани хўб этарди мудом обод.



Манзилни обод этиш Темур одати,
Исломий ҳар бир одамнинг шарофати.

Беш фарсах қўشناҳр қазиб Борон сойидан,
Чиқар эмиш эл ғрзусининг жойидан.

«Моҳигир» атаб наҳр номин эл доҳоси,
Лашкарга зафар тилади дин уламози.

Борса-да жангу жадал Ҳинд хокин сочиб,
Жаҳонгир тузди режа қаҳр-ғазабин босиб.

Тазъийқи ислом уламолари кескин,
Борарди ортиб кундан-кунга бесокин.

Макка-Мадина жорубкаш⁵⁶лари ҳамон,
Турарди чорлаб ҳиндийлар юрти томон:

Ташриф-ла саййид Муҳаммад Мадоиний,
Жанги ғоратга ундардилар саййидий.

«Саккизинчи юз йиллик»⁵⁷да муслимпарвар,
Тарағай ўғли Темурбек исломпарвар.

Наби Муҳаммад Мустафо вакилимиш,
Ислони ислоҳ этишга ул ҳақлимиш!?

Кашмир подшоҳи Искандаршоҳ бир томон,
«Кофирлашмоқда ҳиндлар... Чорларди...» ҳамон.

Саркарда мўмин-мусулмон аржуманди,
Амир Темур ибн Тарағай асл фарзанди.

Исломий талаб — Соҳибқиронга қонун,
Ижро этмоқ шарт, тўкса-да қон ҳамчинун!

Пирмуҳаммаднинг чопари такрор келгач,
Турон лашкари юрди зуд хабар олгач.

* * *

Куз боши. Минг уч юз тўқсон саккизинчи йил,
Олди тизилиб қўллар Ҳиндистонга йўл.

Синд Нилобидан ўтиб жанговар лашкар,
Тушди Жалолий чўлига саф-саф аскар.

Мозийда Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ,
Чингизхон-ла ул жангда Синддан ўтган роҳ.

Синд соҳили қўшинга бўлди лашкароғҳ,
Тарихдан Темур билган, қўллар руҳ. Оллоҳ.



Нилобдан ўтиб бўлди ғирт чўл комида,
Ажаб қақшаган чўл Жалолий номида.

Қурди кантара кечув Нилоб устига,
Сониян сафлар ўтди шоён гаштига.

Оч чўлда икки кун жанговар йўл босиб,
Жамнага чиқди жанговар жангчи шошиб.

Бўлдиким маълум, хабаркаш забонидан,
Паскаш қайтибди берган лабз, каломидан.

Жазира ҳокими Шаҳобиддин Ферузшоҳ,
Тобелик аҳдин бузибди, бебурд гумроҳ.

Ўтиб кофирлар томон ул бошлабди жанг,
Белафзлиги-чун аҳволи бўладур танг!

Ҳумоюн навкаб шошди газаби қайнаб,
Нобакор шоҳни тутарга кўзи ўйнаб:

«Тутинг тириклай, на бўлса савашда,
Билайлик, бебурд шоҳ дили на ҳавасда?!

Собиқ шаҳзода қайтибдимиш исломдин,
Ортидан тушинг, тезда амир Шайх Нуриддин!»

Дебон йўллади шитоб-ла жангжўй қўшин,
Тор-мор этарга бу“шоҳ”ни мисли яшин.

Собиқ подшоча Шаҳобиддин Ферузшоҳ,
Чангалзорни зап этибди ажаб паноҳ.

Жингилзор узра қуриб тиконли истехқом,
Четан, арава ила тўсди мустаҳкам.

Қон тўкилмасин, деб бажариб бурчини,
Йўллади амир Шайх Нуриддин элчини.

Бефойда кетди панд-насиҳат сабоғи,
Ғаниминг сал-пал очилмади қовоғи.

Тунда шабихун уриб қочоқ шоҳвачча,
Туронликларга берди зарб анча-мунча.

Босди жанговар саф белафзни саҳардан,
Тутай деб лашкар сотқинни наҳордан.

Афсус, лашкаргоҳ холи экан жонзотдан,
Бўм-бўш қолмиш манзил ул касофатдан.

Юклаб икки юз кемага кўч-кўронини,
Қочибди ташлаб омонот кўрғонини.



Бораркан белафз Уча тарафга сузиб,
Қувди суворий наҳр соҳилидан ўзиб.

“Қайтарайлик” деб ноисломий шахтидан,
Қўлга тушса гар айрилмасдан патидан.

Катта амир Шайх Нуриддин, Сулаймоншоҳ,
Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирга бўлди ҳамроҳ.

Сулаймоншоҳга ул кўтариб қўлини,
«Шоҳ» йўлин кесиб чиқиб тўсди йўлини.

Савашди собиқ шоҳ тушгунча банди-асир,
Мил тегиб қўзсиз қолиб бўлгунча басир.

Кемалар чўккач наҳр комига бирма-бир,
Фарзанду занин этиб гарқ қочди қинғир.

Ҳеч Шаҳобиддин Ферузшоҳ топмай имкон,
Жингилзор комин этди зап ошён-қалқон.

Юзин ўгириб исломдан ўчгани-чун,
Занжирбанд бўлди гуноҳқор бўлгани-чун!

Ўрду комига тушгач асир-шоҳвачча,
Фингшиди ҳуриб, бамисли оч итвачча.

* * *

Саркарда юрди Жамна соҳили бўйлаб,
Жанговар сафнинг жангу жадалин ўйлаб,

Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир сафи томон,
Тортиб хавотир йўл босди олти кун омон.

Бир мингу уч юз тўқсон саккизинчи йил,
Моҳи Мизонда лашкар босди узоқ йўл.

Жамнага Чанов қуйилган жойда маскан,
«Иттифоқ» қалъа бу тоғларга багр босган.

Ошён кутволи очди тобелик дарин,
Топилмади қон талаб шахс, сочди зарин.

Қалъалар Жонжон, Тиламчи-ю Шаҳнавоз,
Ожудан бирма-бир таслим бўлди шоввоз.

Батнир қалъани лашкар олса-да қуршаб,
Лек зид турди гоҳ-гоҳ исёнкорлар қақшаб.

Қалъани этиб зирҳ макон гарданкашлар,
Ин қурган мулло муфсид-бебурд паскашлар:



Шайх Мунаввар, Шайх Саъд, Хожа Маҳмуд Шахоба,
Соҳибқиронга қилмасмиш асло тавба!

Элчини ҳоким Дулчин сўз-ла ниҳоят,
Калтаклаб дарров қувди, бебош бағоят.

Бир мингу уч юз тўқсон саккизинчи йил,
Куз. Сўлиб борар ўт-ўлан, боғ-роғда гул.

Сертароватли фасл сўнгида жаҳонгир,
Шайланди жангга навкарин тизиб бир-бир.

Холисгир қалъа комидан қўшин бари,
Саркарда бош-қош юрди муфсидлар сари.

Сўради йўллаб элчи беқон таслимун,
Тутмасин деб қон-жон,уволи муслимун.

Соний ўради манзилни чор тарафдин,
Таслим бўлмагач, эл айрилди шарафдин.

Очмасдан бир газ нақиб ошён ёнида,
Пайдо бўлди оқ байроқ қаср поёнида.

Сўнгра ул ҳукмдор Дулчин зодагонлари,
Темур пойига чўкди корчалонлари.

Тухфалар ичра ялт-юлт турарди нурлаб,
Олтин дастали қилич қуёшдек порлаб.

Эгар-жабдуги олтинли отда Дулчин,
Уч тўққиз от-ла келди тутибон лочин.

Яхши хабарни дейди олтин қаноти бор,
Учармиш, унга кимлар эмиш интизор.

«Ҳинду Туроний боғлагач камар белга»,
Таслими Батнир бўлди овоза элга!

Дулчин иниси Камолиддин бош муфсид,
Шодликка раҳна урди бузуқи палид.

Дарвозаларга қулф уриб ёпди қалъани,
«Сўқир, қар бўлиб» ишлатмади каллани.

Қайтадан қалъа қилинди босқин қамал,
Залвор қурол-ла бошланди ҳарбий амал.

Сафлар боши сабр-тоқат қилмади бироз,
Ишга тушдилар манжаниқ, нафт андоз.



Оғир қуроллар зап қилди кунпаякун,
Қалъа ловуллаб ёнди, қулади бутун.

Фитначи зотлар касрига кетди шаҳид,
Ўн минг одамлар ўтди бақога эл шоҳид!

Муфсидлар «асил» боши етди ясоққа,
Ким турса зидма-зид илинди тузоққа!

Ғолиблар олиб туфҳа,еб зиёфатин,
Деҳли томон тик тутди аскар қоматин.

Фатҳобод, Сомон, Мунку Қитил қалъалар,
Тобе бўлдилар қалам бўлгач каллалар.

Бир мингу уч юз тўқсон саккиз санаси,
Паннипатда илк қишни қучди барчаси.

Деҳли ёнида кўриб қўшин ҳайбатин,
Саркарда Амир Темур салоҳиятин,

Аҳли манзиллар чўчиб қочди ҳар ёнга,
Қасд қилмайин деб омонот, ширин жонга!

* * *

Темур Паннипат қароргоҳида аввал,
Ўтказди Кенгаш амирлар-ла мукаммал.

Тинглади фикру мулоҳаза тадбирин,
Билдиким, калта ўйланган жанг «қусурин»:

«Ҳиндлар қўрқмас, жангжўй халқ, ватанпарвар,
Юртини асраб сеивичи эл, эрқпарвар.

Паннипат саҳни-Деҳли шаҳри пойидир,
Бўлғуси саваш интиҳосин жойидир.

“Қўшин кирмасдан жанг-жадалга таваккал,
Деҳлига равон йўл очайлик даставвал.

Тобе этиб бор қалъа, кент даргоҳларни,
Мусаллам⁵⁷ этинг зирҳ бор лашкаргоҳларни.

Ўрганиб қалъа, ошён, қароргоҳларин,
Қўшинга очинг йўл, тозалаб чоҳларин.

Маллухон^{54*} моҳир саркарда, ҳарб билимдони,
Мардона қилар жанг куйибон виждони.

Лоларанг қони оққунча тандан шар-шар,
Аскари шитоб бирлан ўраб савашар.



Туронликларни Паннипатда Маллухон,
Босиб жанг ила этади бир имтиҳон.

Кофирлар сўнгра режа-ла қилади жанг,
Мухолиф босса, ҳолимиз бўлади танг!»

Мулоҳазани амирларга уқдириб,
Таъкидлади ҳар бир савашни бўрттириб.

Куриқда айтиб ҳар сипоҳу навкарга,
Юклади залвор вазифа ҳар сардорга.

Карйайидан то Лунига қадар лашкар,
Ферузшоҳ қасри Жаҳоннумойини ҳам навкар,

Поклаб қусурдан азим Деҳли роҳини,
Йўлакай тобе этди манзил-паноҳини.

Кутилмаганда Маллухоннинг лашкари,
Босиб келдилар шитоб бирлан аскари.

Қизил гуллади синов жангин дарахти,
Нопармон гуллар тўқди, кимнинг шум тахти?

Нозик навдалар сингач солди дод-фарёд,
Фазони тутди олатасир-ла вой-дод!

Тўрт минг суворий, беш минг пиёда сафи-ла,
Йигирма етти жанговар филлар ила,

Турон лашкарин босди ҳиндлар саркори,
Чор тарафдан гирд айлангириб навкари:

Уч юз аскар-ла Саидхўжа Мубашшир,
Қилич серпади Суюнчик баҳодир шер.

Маллухон ўқ-ёй ёмғири ила саваб,
Андак зафарга шошди жангчисин санаб.

Захира лашкар ўнг-сўл қанотидан,
Мухолифат³³ни ўраб олди ортидан.

Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин кетидан,
Мухолиф³⁴ сафин қамраб босди четидан.

Ҳинд аскарини босди даҳшат-ваҳима,
Маллухон қочди ҳўб босиб саросима.

Деҳли қалъаси ҳиндларга бўлди паноҳ,
Мухолифатга бу жангу саваш-бир огоҳ!



Деҳли фатҳи-чун Жовундан ўтгач нари,
Сипоҳу навкар тикди хиргоҳин бари.

Минг уч юз тўқсон саккиз сана қишида,
Турон лашкари саф тортди Деҳли қошида.

Ҳумоюн навқаб жанг майдонини кўриб,
Қўшинлар ўрнин белгилади тик туриб:

Жангни бошқарар албат саркарда Темур,
Баланд Пуштайи Бахалийдан баҳузур.

Зидма-зид ясол тузди муҳолиф лашкар,
Шоп серпар ҳинду туронлик сипоҳ-навкар:

Амирзодалар саф ўнг- сўл,ғулда сарвар,
Саркарда «сонсиз» қуллар-ла бўлди миҳвар.

Қирғин-борот-ла қон босиб қилич серпар,
Аямасдан жами яроғдорларни қирар.

Боронғор саф-ла Пирмуҳаммад Жаҳонгир,
Жангга киради Сулаймоншоҳ баҳодир.

Жавонғор қисм-ла Султон Ҳусайн баҳодир,
Халил Султон-ла тезкор Жаҳонгир ботир.

Захира қисмда шай амирзода Рустам,
Жанговар сафи шоп қайраб турар ўктам.

Амир Шоҳмалик,Шайх Нуриддин,Оллоҳод,
Жангда ҳамла-ла кўрсатур налигин дод.

Қирқ минг ўқ-ёйли пиёда ҳинд шай ҳамон,
Ўн минг суворий ила Султон Маҳмудхон,

Нишонни аниқ, бехато урган мерган,
Тўрттадан ҳар фил бошига ҳиндлар минган,

Жанговар бир юз йигирма филлар билан,
Жангу жадалга шай турарди ғазаб бирлан!

* * *

Қуръондан очиб фол, башорат қилган,
Паннипат жангин интиҳосин кўрган.

«Наҳл» ила «Юнус» сураларга инониб,
Жангга кирди ниҳоясига ишониб.

Савашди Деҳли ёнида қоровуллар,
Талашди бесабр жанговар чингдовуллар.



Жанг қизигандан борарди учқун сочиб,
Бақога кетарди қўрқоқлар кўзин очиб.

Жийрон, қорабайир, фил кўрмаган отлар,
Кишнаб, тисраниб чўнг сакрарди жонзотлар.

Бахайбат филлар ҳайқириб босган сайин,
Пишқириб отлар суворийга бўлди қийин.

Фил бошидан ўқ жаласини ёғдириб,
Келарди сафи ҳинд ваҳима тугдириб.

Бошланди қўшин ғулида саросима,
Дарҳол саркарда тутмасин деб ваҳима,

Захира сафдан Гиёсиддин тархонни,
Йўллади тезкор тавочи Али Султонни.

Жанг интиҳосин Темур этган башорат,
Мухолифга ҳеч қолдирмай имконият.

Сўқиш афсор⁵⁸ин олиб иликка Темур,
Қилич серпар ёв бошида тикка, мағрур.

Даставвал ул жанг режасин тузган пухта,
Қўллаб жангга нав қуролин қўяр нуқта.

Ҳар гал услуби сўқиш ўзгариб турар,
Қуръондан очиб фол, жанг охирин кўрар.

Хаёлан айнан кўриб сафлар қудратин,
Башорат ила айтар жанг оқибатин.

Ясатиб минглаб учқирра темир тикон,
Чиқарармиш фил сафин жангдан кўрагон.

Темур сўзига мос сипоҳ топиб имконни,
Иргитди филлар сари темир тиконни.

Қизигандан авж олганда мухораба,
Темир тиконлар этди филларни хароба.

Учқирра темир тиконни босгач филлар,
Туронликларга фаррон очилди йўллар,

Оғриқдан филлар важоҳат-ла қутурди,
Дуч келган жонни таптаб, оқсаб югурди.

Комондорларни бошидан отиб-сочиб,
Жанггоҳдан кетмиш жанговар филлар қочиб.



Бир маҳал етди, шаҳзода Халил Султон,
Қочиб келгандек ҳансираб буваси томон.

Амирзодани кўриб, ҳадикди Соҳибқирон,
“Фалокат содир бўлган” деб қилди гумон.

Улуғ падар қулоғига аста шивирлаб,
Таъкидлаб айтди ҳарбий макрни пичирлаб.

Саркарда деди: “Балли, ақл заковатингга,
Омад ёр бўлсин ҳарбона маҳоратингга!”

Уғруқда туя, ҳукузга боғлаб нафтпохол,
Ўт қўйиб жангга солди подани филҳол.

Жанггоҳга моллар сакраб куйгандан бели,
Оқиб кирди мўл оловли пода сели.

Югурган олов даҳшатидан ҳиндийлар,
Савашмай ортга чекинди бадавийлар.

Мағлубиятга юз тутиб ҳинд аскарлари,
Тисранди Деҳли қалъаси томон бари.

Ҳиндистон собиқ шоҳи Султон Маҳмудхон,
Кофирлар таянч синчи, сардор Маллухон,

Деҳли қалъасин этиб ҳарбий истехком,
Бекиниб олди ошён ичра батамом.

Хуфия берган хабарга мос Маллухон,
Султон Маҳмудхон бирлан қочди Тўғонхон.

Ўтди ошиб ҳинд ҳавозасидан эрқдор,
Босди Хандарон дарвозасини тезкор.

Ҳинд саркардаси Барака дарвозадан,
Чўчиб қочди ул ғойибона жазодан.

Таъқиб этишга ортидан тушди қўшин,
Тирик тутарга сафлар жанговар жўшқин.

Йўллаб навқарин таъкидлади ортидан:
«Безарар тутинг шоҳ кетмасдан юртидан!»

Жингилзор бўйлаб писиб кетди муҳолиф,
Туронлик лашкар Деҳлини олди, ғолиб.

Бир мингу уч юз тўқсон саккиз санаси,
Моҳи Далв, қўшин кўчди Ийдгоҳга барчаси.



Темур пойига чўкди Деҳли ҳокими,
Вазир Фазлуллоҳ Балхий пойтахт боқими.

Темур афв этиб, кечди Деҳли гуноҳидан,
Асирлар озод бўлди қароргоҳидан.

Жоме масжиди комига йиғиб донони-
Қози-ю, саййид, шайх бирлан уламони,

Темур номига мулло Носриддин Умар,
Хутба ўқиб ул тақди мутелик камар.

Сўнгра бошланди собиқ шоҳ чорбоғида,
Базми жамшид ҳам зиёфат оромгоҳида.

Авжга чиққанда базму ишрат, кайфият,
Нохуш хабардан бузилди зўр ҳамият!

Муҳаммад Озод эди Деҳли посбони,
Хуш кўрарди сабр, тартибли жамоани.

Деҳлини босди талон-тарож бўрони,
Фалак томидан ошганди халқ фиғони.

Қораунаслар сели Деҳлини босгач,
Зўрлик сурони, адаб ҳаддидан ошгач,

Посбон йўллади боққа ул чопарини,
Айтиб ул Зафарнишонни топарини.

Лек хабарчилар киролмай оромгоҳга,
Кетма-кет қайтди терс олатасиргоҳга.

Тезкор Муҳаммад Озод чопди ўқириб
Тўсди соқчилар йўлин тикка ўшқириб.

Муҳаммад Озод ноилож тутди шамшир,
Савашди қилич серпаб посбон шир-шир.

Шамширлар «қарс-қурс» рақсидан Соҳибқирон,
Сесканиб турди ўрнидан тез шу замон.

Кўриб Муҳаммад Озодни деди: «Тўхта!»,
Ва базмга жаҳл-ла шу онда қўйди нуқта.

Муҳаммад Озод шаҳид кетди бақога,
Сачраб иссиқ қон, руҳи учди самога.

Отланди шошиб сипоҳ Деҳли томонга,
“Барҳам берайлик” деб ноўрин исёнга.



Тушгач Ийдгоҳга амирзода-ю Темур,
Бебошлар жони кетар бўлди беҳузур.

Йўллади ўн минг “сонсиз” ни исёнкорга,
Ғалаён этган навкар, сипоҳ бадкорга.

Аямади тиг, таёқ, шоха тутганни,
Ҳинду туроний деб жанг-жадал этганни.

Бостирилди шу онда Деҳли исёни,
Ясоқда сабил кетди исёнкор жони.

Қораунаслар Мовароуннаҳр-юртга,
Олиб зарба, жазо қайтди шитоб-ла ортга!

* * *

Исёндан соний Темур бомулоҳаза,
Ўй уммонида сузди қилмайин маза.

Кенгашга чорлаб деди соҳибсалтанат:
«Етар! Қайтайлик эл-юртга соғ-саломат!

Кофирзотларни тор-мор ҳам этиб қўйдик,
Тангри наздида жангни савобга йўйдик.

Ҳиндистонда биз тиклаб дини исломни,
Беҳад шод этдик ҳўб аҳли мусулмонни!»

Ғимирлаб қолди амирлар ўз ўрнидан,
Мушт егандай меш каби тўқ қорнидан!

Амирлар сизди Соҳибқиронда чарчоқни,
Ҳориганидан истамасди жанггоҳни!

Юзлари салқи, ранги сал заъфаронроқ,
Исломга муштоқ, қалб диди улугворроқ...

Кимдир терс айтди: «Аввал миндикми отга,
Тушсак жийрондан, қолурмиз маломатга!

Жангни тўхтатиш туронликларга уят,
Бизда ҳам бордур озроқ ғурур, орият!»

Тинглаб талабни, ҳайқириқ садосини,
Саркарда кўрар бўлди жанг интиҳосини.

Амир Шоҳмалик ҳам Ғиёсиддин тархон,
Шайх Нуриддинга жанглар бўлар имтиҳон!

Саркарда Темур обдон лашкар сафини,
«Чертиб», тигизлаб, кўрар бўлди нафини.



Минг уч юз тўқсон тўққиз сана бошида,
Хожажаҳонга кўчди қўшин йил қишида.

Фирузсбоддан лашкар ўтди Вазирободга,
Тинчлик нурига чўмган ғўзал работга.

Баҳодир Бихор элчиси Лиховардан,
Темурга келди ул рожа диловардан.

Очиб тўхфа-ю совға-салом ҳуққа³⁶син,
Элчи тутқазди мутенома нўҳтасин.

Иззат-икром-ла этиб пур-пур зиёфат,
Кузатди кўрмасин дебон эл-улус офат.

Тонгданоқ лашкар даргоҳни этиб тарк,
Жовун дарёдан ўтдилар бўлмайин ғарқ.

Мирдавлатгоҳда тўхтаб бир кеча-кундуз,
Катаа номли маконга етди кундуз.

Йўлакай Боғи навни босиб етгач Асарга,
Соҳибсалтанат ўтди номози асрга.

Ўй-у фикр ила топди ҳақ гап айтарга,
Падар юртига боз шайланди қайтарга.

Лек Рустам барлос, Оллоҳдод ҳам Жаҳоншоҳ,
Деди: «Бирлашиб қилайлик жанг, бўлиб ҳамроҳ.

Беҳисоб ўлжа бизга муштоқ, кутмоқда,
Жангсиз кунлар ҳам завол бўлиб ўтмоқда!

Сипоҳларга ҳинд ёмбиси - олтин керак,
Жангдан чиқмасдур сўппайиб мисли терак!?»

Узоқ тортишув сўнгида олампаноҳ,
Деди: «Беҳуда қон тўкманг, бу гуноҳ!

Туронликлардан биди қолмасин иснод,
Ёйилиб кетар жаҳонга фисқу фасод!

Мазилларни сулҳ ила тобе этинг,
Ортимдан илдам қадам босиб етинг.

Лек ҳеч бир кимса тобеликни истамас,
Ҳеч бир мамлакат мутеликни хушламас!

* * *

Чорлаб Оллоҳдод, Рустам барлосни Темур,
Тутқазди тажанг жанг тизгиничи мағрур.



Ортидан қўшди бош этиб Шоҳмаликни,
Соҳиби ақл, сабр, саваш баҳри биликни.

Минг уч юз тўқсон саккиз сана бошида,
Амирлар илк бор турди лашкар қошида.

Лашкардан қолмай деб туроний қумондон,
Деҳлидан қўчди бесабр жанггоҳлар томон.

Асардан чиқиб қўшин қўчди Мирот сари,
Қилич серпамай, қон тўкмай етди бари.

Мустаҳкам ҳарбий метиндай зирҳ истехком,
Тарихда олган «Енгилмас қалъа» мақом.

Элчилар сулҳ-ла қатнади такрор-такрор,
Қалъа кутволи ҳақоратлади беор:

«Келганди босиб саркарда Тармаширин,
Темур букланур, юртдошидек, жон ширин.

Ажралар чўлоқ бўлиб соғ оёғидан,
Гар тинч кетмаса, тез Мирот ёнидан!»

Жавобга мос шоп ўйнатиб этди тасхир,
Қалъани навкар босиб қақшатди ахир.

Шилдатли икки кунлик қонли саваш, жанг,
Илёс афгонни довдиратди ҳангу манг.

Нақбчилар амир Оллоҳдод бош бир кунда,
Портлатди қалъа дарвозасини тунда.

Бошланди ошён комида жадал қиргин,
Том бошида «га-га»лади Илёс «қузғун»!

Асирга тушди кутвол Мирот томида,
Завлона⁵⁹ бўлди исёнкор мақомида.

Ганга бошида, куффони енгиб ҳамроқ,
Галаба қучди Жаҳоншоҳ, Сулаймоншоҳ.

Сипоҳу навкар Фирузпур, Туғлуқпурда,
Қалъага Турон туғин тикди ур-сурда.

Қучгач Фирузпур қалъасин Соҳибқирон,
Андак бетоблик дарди тутди ногаҳон.

Чиқармиш кифтдан туртиб оғриқ-ла хасмол,
Муолажага табиблар ўтди тусмол.



Унутиб хасмол дарду варажасини,
Суриштирди жанг, саваш ҳосиласини.

Гар узилмаса илон калласи дарҳол,
Ғанимга захрин сочар бўлса-да беҳол.

Хуфия берган ҳарбона хабари рост,
Тарқоқ ҳиндлар бирлашибди рӯйи-рост:

«Муборақхон мӯл ҳинд сипоҳларин тўплаб,
Беҳисоб аскар, қурол-аслаҳа юклаб,

Келмоқдамиш қирқ саккиз кемада гумроҳ»,
Ҳинд хуфиясин хабарига эл гувоҳ.

Қирғоқ сари йўллади қаҳр-ла сонсизин,
Қуролланган тиш-тироққача ёвузин.

Йил илк ойини нақд бели-ўртасида,
Туғруқпур сари кучди қиш чилласида.

Эсмоқда уруш иси тинч кунлар ўтиб,
Босармиш ҳиндлар кучини тўлаб кутиб.

Амир Оллоҳдод аскари Боязид қавчин,
Деди: «Гангага ҳиндлар йигилгани чин!»

Муборақхон бош сипоҳлар шай-шай турар,
Бесабр ўқ-ёй-ла тип-тикка жангни кутар.

Саркарда тузган режага қўшинлар мос,
Ганга бўйига юрди сафлар, гулдирос.

Амир Оллоҳдод бош туманот, садажот,
Дарёдан ўтди, кутмасдан мадад-нажот.

Сўнгра ҳиндлар лашкаргоҳин чунонан,
Босди илқисдан туронликлар суронан.

Замин бўялди қон оқиб лоларангга,
Тафсилоти жанг, савашга шоҳид Ганга.

Турфа забонда ярадорлар нидоси,
Фалакка чиқди дод-фарёд садоси.

Муборақхон бош ўн минг ҳиндлар сафи,
Девдай савашди, афсус бўлмади нафи.

Амир Оллоҳдод, Шоҳмалик Муборақхонни,
Тупроқ сочгандай чангитди “Зўрагон”ни.



Ул қочди Ганга томонга солиб сурон,
Ортида қолди мажруҳу маййит, тузон.

Уруш тугамай хуфия берди хабар,
Тоғлар комида ҳиндлар турар жанговар.

Малик Шиха бош ҳиндлар ўқ-ёй-ла башанг,
Чўнг тоғли водий Кублада кутарди жанг.

Амир Шоҳмалик ҳам Султон Али тавочи,
Водийга юрди куйлаб қўшиқ новочи.

Учраб чўнг тоғда ҳиндлар пистирмасига,
Мўл аскар кетди бақо бостирмасига.

Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир етиб ортдан,
Босди ҳинд сафин қилич серпаб тўсатдан.

Улуғ амирлар Шоҳмалик туманоти,
Сулаймоншоҳни ўқ-ёйли ҳазорати,

Қамраб чил-парчин этиб ҳинд аскарини,
Олди асирга бесаноқ навкарини.

Ноилож ҳиндлар синди жанг талофатидан,
Покланди Кубла водийси кофир зотидан.

Лек эсиб иси қон чўнг тоғлар-тузоқдан,
Чорлаб турарди жангчини жанг узоқдан.

* * *

Тоғли Сувалак тарафда ҳинд лашкари,
Ясол тузиб шай турганмиш мўл аскарари.

Моҳи Далв. Минг уч юз тўқсон тўққиз санаси,
Қиш. Лек очилган баҳор тафтин дарчаси.

Ҳиндистон қиши илк баҳорни бўйлатар,
Дала-дашти кўм-кўк дилларни ўйнатар.

Далада деҳқон, миришкор ғимирлаган,
Жонзотлар секин-аста сал қимирлаган.

Саркарда қўшин тузиб захира сафдан,
Ўтказди кўрик чўчиб наззора гапдан.

Қўшин олди йўл Сувалак томон аста,
Кофирзотларни этайин деб дилхаста.

Йўллабон Ҳалил Султон, Шайх Нуриддинни,
Манзилда лашкар босармиш ғайридинни.



Етибон навкар Сувалак сайҳонига,
Санаб бирма-бир боқди ўқ пайкон⁶⁰ига.

Кенгаш-ла тузиб қумондон жанг режасин,
Бетоблик ила ўтказди тун-кечасин.

Амирлар бўлиб жам саркарда пешида,
Таазарруъ-ла баён этди қошида:

«Оёқламоқда жанг, дам олинг, қумондон,
Азизсиз бизга, кутар улуси Турон!

Дайди ўқ-ёйдан сақламоқ бизнинг бурчимиз,
Лек хато қилар ҳар инсон-қўриқчимиз!»

Дардни дард демас Соҳибқирони азим,
Деди: «Турондан келиб қилмаймиз базм!

Тангрининг берган мўминга илтифоти,
Ғазот урушининг бор икки мукофоти:

Ёруғ оламда улуғвор шон-шуҳрати,
Боқий дунёда бор Оллоҳ неъмат.

Мукофотлардан мени этмангиз жудо,
Асл қисматларни менга юклаган Худо!»

Жаҳонгир Темур турди жангоҳда доим,
Фалокатлардан асраб юрди Худойим!

Минг уч юз тўқсон тўққизинчи йил, қиш бели,
Эсмоқда кўхи Сувалакдан жанг ели.

Қушинга тайин бўлгач яловбардорлар,
Ўнг-сўл қанотда турди амир сардорлар,

Фулда амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳмалик,
Захира қисмда Темур кўрсатур мардлик!

Икки кунлик жанг берди ўз самарасин,
Яллиғлантириб ҳинд сипоҳин ярасин.

Мухолиф бўлгач жангда зап бурда-бурда,
Темур туғини чўнг тикди Миёнпурда!

Қалъалар Бикри, Кундур, Шакки Сарсона,
Тобелик изҳор этди бежанг мардона.

Лек тоғ ортида, Кука дарагоҳида,
Рожа Рин ясол-ла турганмиш жанггоҳида?



Сафлаб лашкарни енгилмас Соҳибқирон,
Рин қўшинига келтирар бўлди қирон.

Лек жанггоҳ экан қалин жингил, тўқайзор,
Рожа ажабо жангжўй, жангга интизор.

Чангалзорда уруш борарди оғир,
Ҳинд аскарлари урушда моҳир-илғор.

Қўллаб ҳарбона ҳийла Соҳибқирон,
Сохта чекинди Хуму соҳили томон.

Йўлакай қуриб ўқ-ёйли бостирмалар,
Қўшин ортида қолдирди пистирмалар.

Жинава сари лашкар юрган ҳамона,
Чакалакзордан ёв чиқди шу замона.

Гар ўтсалар сезмай ҳинд сипоҳи “қопқон”дан,
Қалам бўлар ўқ-ёй бўрони ёққандан.

Хуму, Жинава ўртаси кўм-кўк майдон,
Аскарлар яйраб, ўйнаб турарди ҳамон.

Ҳинд сипоҳлари Хумудан ўтган замон,
Туронликлар чор тарафдан босди шу он.

Ажаб асирга тушди Хуму рожаси,
Суволик жанги тугади ярим кечаси.

Жинава дарё бўйида тўхтади уруш,
Олти ойдан ортиқ Ҳиндистонга юриш.

Ҳиндни инқиёд⁶¹ этибон Соҳибқирон,
Вайрона жойга этди маҳсул шахс,ёрон.

Таъмирни кўриб жангдан сўнгра бирма-бир,
Қолдирмади ул ортида туроний кир!

Эллик беш кунда эркпарвар Соҳибқирон,
Чўнг тутиб тугин кучди пойтахти Турон.

Пешвозга чиқиб шаҳар аҳли туманот,
Нисорлар сочди шаҳзода,занлар ҳайҳот!

Бир мингу уч юз тўқсон тўққиз санаси,
Моҳи Жавзо, гилос қийғос пишган палласи,

Конигилда тўй-томоша тантанаси,
Ғолиблар шаънин қутловлар ананаси.



Кийди сарполар ҳар ким хизматига мос,
Кимки Темурга гар қўйган бўлса ихлос.

Совгадан мамнун жангчи, амир, соқчилар,
Ошпаз, баковул, хуфия бирлан жарчилар.

Зарҳал совғалар улашди жононларга,
Шаҳзода, амир, дўст, хизматкор, занларга.

Тушди Сароймулхонимга Темур нигоҳи,
Нега хомушроқ ўлтирар жон огоҳи?

«Улуғ Ҳиндистон ажойиботларини,
Қўрсатолмади наҳр, набототларини!»

Дилдан назар-ла боқдилар Бибихоним,
Совғага эмас, ёрига қулди мулойим.

Нархи Ҳиндистон йиллик божича узук,
Ҳуққа-туҳфага боқмади сабр-ла тузук!

Соҳибсалтанат келиб сўрди оҳиста:
«Дур ёқмадими, қўринасиз дилхаста!?»

Тавози ила гул эгилгандай Хоним,
Деди: «Совгамиз Сиз-ку, Соҳибқироним!»

Тавозе ила Хоним ёрига зимдан боқиб,
Азиз жонининг кифтига қўйди қоқиб.

Ташриф этган турфа элатлик меҳмонлар,
Олқишладилар ризвон⁶² бирлан ёронлар.

Чорлаб тонгданоқ уста, меъморни Темур:
«Жоме масжиди бўлсин Шарқдаги бир дур!

Бибихонимга атаб қурмадик бир боғ,
Барпо этайлик масжиди Жоме мисли тоғ.

Мўмин-мусулмон ўқисин номоз ҳар кун,
Диллари тўлиб ислом нурига бутун!»

Қўрибон уста, наққош масжид тарҳини,
Ҳисоб-китоб-ла баҳолади нарҳини.

Лек юришлардан қайтмасдан Соҳибқирон,
Сароймулхоним ўз ҳақиққига ёрон,

Вафо рамзи деб масжид қурган ул замонда,
Темурбек эди беш йил фатҳи Эронда.



Лек меъмор, уста, наққош-ла боқиб сиймо,
Кўрдиким турар чўнг бўй чўзиб бир бино.

Нигоҳин узмай ул тушдилар ҳайратга,
Тасанно айтиб меъморий маҳоратга:

“Сервиқор бу қаср қандай бино оҳанин,
Уста, наққоши ким, касбига офарин!?”

“Ёрингиз Сизга атаб қурдирган масжид,
Ислоний дидга, ишқ рамзига мос масчит!”

Ул вафодорин чорлаб этиб илтижо,
Масжидни этди ул ўзидан мосуво.

Ҳумоюн навкаб совғани этди тортиқ,
Бибиҳонимга севганидан жондан ортиқ.

Амир Темурнинг масжидин дерлар бугун,
Масжиди Биби деюр инсонлар ҳар кун.

***Ҳиндистондан қайтган Амир Темурнинг
китобдор ила суҳбати зикри***

Бефаҳм очкўзлар йиғар зар, олтин, ақча,
Донишлар тўплар китоб бўлса-да қанча.

Соҳибқиронда бор инсоний бир хислат,
Такрор ўқирди китобни истаб ҳикмат.

Гоҳо битикдан топарди жанг ечимин,
Дарё ўзанин осон, саёз кечувин.

Ҳар китобни бир инсон қисмати дерди,
Авлиё-ю пир умрин ибрати дерди.

Қуръону карим жо олган қалб қошидан,
Қўлидан тушмас ёд билса-да ёшидан.

Лек мутолаа айлар такрору такрор,
Шариатга мос бўлар ҳар иши зинҳор.

Беш вақт намозин асло қилмасди канда,
Сафару жангда Оллоҳим, дерди ҳар онда.

Аҳли донишу китобдорга меҳри баланд,
Илмдорни этур ҳурмат ила сарбаланд.

Китобхона бир тилсимот, пурнур ошён,
Мавлоно Ориф унда китобдор инсон.



Китобни билар дил гавҳари, гул фарзанд,
Авайлар мисли зару лаъл севиб ҳарчанд.

Саркарда шоҳлар тарихин ғоят севар,
Китобдан ибрат топиб, бўлар мунаввар.

Пиёда борар мудом ҳар қабр бошига,
Тиловат айлаб юкунарди тошига.

Авлиё, пирлар қабрига қўйиб бошин,
Гоҳ дахма узра тўқардилар кўз ёшин.

Хилватда Амир Темур ўқирди китоб,
Ҳар ишга китоб берарди ечим, хитоб.

Чорлаб китобдор Орифни Соҳибқирон,
Сўради тарих китобин босабр қирон.

Китобдор икки асил китобни тугиб,
Саркарда сари елди елкасин бўкиб.

Варақлаб икки китобни олампаҳо,
«Билурмиз буни, сўзимга Оллоҳ гувоҳ!

Фатҳқор Искандар Зулқарнайну Чингизхон,
Тарихин билмоқ талаби ҳозир замон:

“Мавлоно, китоб ўқиса аҳли муслим,
Ҳар кор ечимин топар подшоҳу мазлум.

Китоб бетакрор бахту тахт, хазинадур,
Ҳар зардан афзал, бебаҳо ганжинадур.

Азиз тутинг ҳар китобни мисли дониш,
Ёхуд мумтоз куй, бир оромбахш хониш.

Китобдан топар ҳар шоҳ, саркарда ишин,
Тарихни ўқиб авлод билгай ўтмишин.

Не авлиё, пир, шафқатбарлар тарихин,
Масжид, мадраса, қаср, қалъа — бино тарҳин.

Илмлар мифтоҳи, тилсимот дури китоб,
Беабон устоз, устознинг зўри китоб!

Улуғланг асил китоблар хонасини,
Илим захирасин, жаҳон дурдонасини!

Китоб ўргатгай вазир, амир кимлигин,
Ҳотомтой ҳакам, шоҳу беклар бирлигин.



Китоб ўқимай асл вазир танлаб бўлмас,
Муқим амиру ҳокимни сайлаб бўлмас!

“Ёсо-юсун”ни битганмиш дер Чингизхон,
Фатҳ мулкларда бўлганмиш қонуни хон.

Мавлоно Ориф инсофу адолатга
Сўзин бурди ул ҳаёту қафолатга:

— Соҳибқироним, Сизда тенгсиз ганжина,
Даҳолар қўлин уролмаган хазина,

Ҳаётий, одил қонун, китоб — “Тузуқлар”⁶¹,
Давлат тузишга йўриқ, безак узуклар!

— “Тузуқлар” ҳар бир сатрида Маҳак тоши,
Жамиъ-ул жамъ Ҳақ, мисли само қуёши.

Мавлоно чўкиб шул асар бўҳронида,
Кўзин очди ул адолат бўстонида.

— “Ҳақсиз, учратиб биз тузуку нотузуқ,
Ҳаётий қонун сатрин қамради “Тузуқ”.

Ҳаётда, на-да бўлса адолат тузуқ,
Давлат тузуми, ҳар ишда бўлмас бузуқ.

Куч-адолатда билинг мавлона Ориф,
Керакмас ортиқ гап-сўз, мақтов, таъриф.

Агар ҳар мулкда бўлса қонун устивор,
Жанг-ла тўкмас қон, давлат бўлур улуғвор.

Ҳаётда кўрдик, синадик соний туздик,
Саралаб Ҳақни, тузуқдан битдик “Тузуқ”.

Адолат тўққиз ҳиссасин ҳақ машварат,
Бирини этди ҳал қиличи салтанат!

Лек забт этиб эл-юртларни юрган қирма-қир,
Шоҳу саркарда, амир ўтгай бирма-бир!

Шоҳлар бир-бирин босиб талаб, осарлар,
Ўз даврин суриб алар ҳам тез ўтарлар.

Зилзила, бўрон, тошқинда қолиб эллар,
Қирилиб, ютиб ер, пайдо бўлар қўллар.

Китобга олов-сув балоси тегмаса,
Ё басир қалбли одам боласи тегмаса,



Абадул-абад сақлар мозий қурини,
Анбиёлар, шоҳ, шоир бебаҳо дурини!”

Деб олампаҳо тик боқди китобдорга,
Мавлоно раҳмат айтди ул иқтидорга.

Сунг Соҳибқирон деди ширин суҳбат аро:
“Билимсизликдан чиқар элда мажаро.

Китобни асранг ҳар балосидан авлод,
Қайранг ақлни илм чархида мисли жаллод.

Китоб-бесадо сўзловчи дўсту устоз,
Дорилфунуни илм, маслаҳатгўй мумтоз.

Китобда сири назокату куч-кувват,
Китобда ҳикмат, ақл, ҳулқ-одоб, мурувват!”

Шом устига юришнинг зикри

Ҳумоюн навкаб жонлар бериб, тоқғ кучиб,
Эрон, Ҳиндистон диёрларин ул очиб,

Мовароуннаҳр сари етган замонда,
Жангни тугатиб тинч яшармиш омонда.

Лек Озарбайжон, Ироқ — Мироншоҳ мулки,
Сарҳадлар илма-тешик, бўлганмиш кулки.

Бой мулкка бўлинг деб бош-қош улуғвори,
Инъом этганди мулкларни бузруквори.

Қандай кайфият ила яшар амирзода,
Босганда мулкин бебош жалойирзода?

Исёнбошилар Султон Аҳмад жалойир,
Иниси Султон Тоҳир баттол ҳам ғайир.

Оға-инилар Бағдодда ҳўб бирлашиб,
Гуржистондан Жонибек ила тиллашиб,

Бошлабди Амир Темурға зид исённи,
Алар талабди бутун Озарбайжонни.

Амирзодани ҳолидан топиб хабар,
Урган исёнга қўл ҳокимлар бохабар.

Авникдан Саид Али Шакий гумроҳ,
Аланга тили бўб исёнга очган роҳ.



Юртга, улусга раҳнома бўлиш қийин,
Юксак маҳорат сўниб борар кун сайин.

Амирзодада ҳам аввал гулхани журъат,
Шуъласи осмон ўпарди ҳар он, ҳайрат!?

Фарангдан келиб архиепископ Иоанн,
Элчи Пайо де Сато Майор ҳам айнан,

Тан берган Эрнан Санчес де Паласуэлос,
Инсонийлиги, ақлига қўйиб зўр ихлос.

Падар ўғлондан бўлибон маъмнун шунда:
«Мироншоҳ Мирзо, салтанат таянчи унда!»

Добон инонган эди жасоратига,
Элчи-ла суҳбат қуриш маҳоратига.

Ҳиндистон сари лашкар-ла юргач падар,
Билди мулкларга тинчлик зарур нақадар!

Лек амирзода Мироншоҳ ўз мулкида,
Улусга бефарқ бўлганди суликида.

Ҳазина қулфу эшикларин очгач ланг,
Амиру лашкар талаб яшаган башанг?

Майпарастликка хуруж қилгандин Мирзо,
Хонадон, ёру дўст мутлақо норизо!

Кайф остида бир кун Хонзодаи Моҳни,
Ноҳақ ҳақорат айлаган бегуноҳни.

Султониядан бегим пойтахтга келиб,
Сирни Темурга айтган жаҳони куйиб.

Ботиб иллатлар ботқоғига Мироншоҳ,
Муфсидлар каби ажаб бўлганди гумроҳ.

Бозор, дўкондан олиб қимматбаҳо мол,
Ақчасин бермай кетар эмиш бемалол.

Бағдод устига қўшин тортиб бесабаб,
Мўминлар дилин айлаган «жизза кабоб».

Табриз исёни баҳонасида Мирзо,
Гумашталар-ла қазога берди жазо.

Ички-ю ташқи низо, ҳарбий вазият,
Ниҳоятда танг, ҳукмронмиш зил зиддият.



Сайфиддин Барқуқ — Миср султони бир ёнда,
Отланибди Шом сари, эл-юрт тугёнда!

Қиличин қайраб Рум қайсари Боязид,
Ҳамла қилишга тайёр турар зидма-зид.

Шу боис Амир Темур соҳибсалтанат,
Қалба ҳамият ўйғотди чўнг қатъият.

Бир мингу уч юз тўқсон тўққизинчи йил,
Ёз охирлаган. Оғир юриш, узоқ йўл.

Шоҳрух Мирзони инон-ихтиёрига,
Йўллади Ҳирот сари “бахтиёр” ига.

Мовароуннаҳр сарҳадин моясида,
Қолди захира ҳарб тинчлик ҳимоясида.

Амирзодалар бош катта амирига,
Юклади ишонч бирлан иш замирига:

Самарқанд ила Туронзаминга ҳукмдор бош,
Муҳаммад Султон бинни Жаҳонгир бош-қош.

Умаршайх ўғли Искандар Мирзо мутлақ,
Андижон бирлан Фарғонага кўз-қулоқ.

Ўнта амирлар шаҳзодага кўмак - бош,
Мудом мадакдор, ҳар ишида ўрнак, бош.

* * *

Амирзодалар мулкларга бўлгач тайин,
Исёнкорларга энди бўлади қийин.

Ҳиротга юрди тумани-ла барчаси-
Саидхўжа, Шайх Али ботир кечаси.

Жаҳонмалик хон Мирмуҳаммад Пулод,
Ғаламис зотлар ғортига этди жиҳод.

Отланди амир Сулаймоншоҳ ортидан,
Хуросон сари шоп-ла, тушмай эгидан.

Шоҳрух Мирзо ҳам Хуросон сафи ила,
Озарбайжонга Бастом-Домғон йўли-ла,

Жожиримни қучиб қурди улкан лашкаргоҳ,
Будлангач лашкар Астрободга олди роҳ.



Шайхун йўлида лашкари Шоҳрух Мирзо,
Навкарлар чанқаб, бесув бўлди норизо.

Қирилди отлар, чекди ғоят машаққат,
Фирузкўҳга саф етди этиб сабр-тоқат.

Амир Темур бош сафи туронлик лашкар,
Бастом-Домғон-ла юрди жангжўй жанговар.

Куз.Бир минг уч юз тўқсон тўққизинчи йил,
Озарлар томон қўшин олди зафар йўл.

Ҳамдин эл сари Амир Темур-ла лашкар,
Жайхундан ўтиб Ҳиндувонни қучди аскар.

Исломий дидга мос халоскор жаҳонгир,
Вайроналарни ул тиклатди бирма-бир.

Зиёрат этди ул балхийлар мазорин,
Хожа Уккоша, Сўфиён Сурий қабрин.

Файзл Аёз, Султон Аҳмад Ҳазравияни,
Садақа берди, аямади ҳадяни.

Қолдириб Сариқ қамишни лашкар ортида,
Қучдилар Аҳмад Жом ҳазратни шу юртида.

Ҳарб амирзода Рустам бош диловарлар,
Форс сари от сурди жанговарлар.

Амирзодага амир Суюнчик йўлдош,
Икки минг навкар сафи бўлди қуrolдош.

Бирлашиб такрор Пирмуҳаммад қўшини,
Бағдодни тобе этармиш ул жўшқини.

Мазондаронда лашкари падар — ўғлон,
Ирмоқдек қучди бир-бирин навкари Турон.

Айнан шу онда Табриз Қумтепасида,
Мироншоҳ Мирзо эди айш тепасида.

Учди зўр кайфи падардан топиб хабар,
Отланди пеши бузрукворига абгор.

Қадами Мирзо етганда Соҳибқирон,
Рай-Шаҳриёрдан ўтганди лашкар, ёрон.

Шоҳрух Мирзо-ла қалон амир Шоҳмалик,
Саъйи қўшиш-ла сўради шаҳоналик,



Амирзоданинг қабулига қўйиб ихлос,
Соҳибқирондан афв-ла қилди илтимос.

Иккинчи кунда Олампаноҳи замон,
Мироншоҳни зўр-базўр кўрди паришон.

Сўрмай ҳатто аҳволин ҳибсга олди,
Сафи тўқсабо соний қафасга солди.

«Қилмиш-қидирмиш» деймишким донолар,
Ҳаётда кўриб, синаб ҳурфикр даҳолар!

Мироншоҳ ўйлаб қўймаганди қадамни,
Ва дилхушлик-чун ўтказган ҳар бир дамни.

Қамоқ жоида ўйлаб икки кун пишди,
Бўлиб хижолат мансабдан пастга тушди.

Падар ўрнига ўтди Абубакр Мирзо,
Бобосидек эл-улусни этар ризо!

Қилинди тафтиш девони амирзода,
Камомат бисёр, йўқ зар, дур шода-шола.

Тортилди дорга девонлик камоматдор,
Жазо бир ўрнак, бўлмасмиш касофатдор?!

Султониядан кўчди Темур Қорабоққа,
Қадимдан таниш мафтункор кўҳна ёққа.

Қора дара ҳам Ардабил йўли бўйлаб,
Лашкар-ла қадам босди узоқни ўйлаб.

Кечалари дам олиб лашкари Турон,
Отланди қўйлаб эрта тонғданоқ ёрон.

Кечиб Араксни аскар кўрди лашкаргоҳ,
Дамдан сўнг олди Қорабоғ — Арронга роҳ.

Куз охири. Қиш келмоқда очиб дарин,
Совуқ еллар ҳам сочмоқда сал-пал заҳрин.

Умар Тобончи асл юрти Қўтуркентда,
Олий ўрду ҳам чодир тикди шу кентда.

Ҳокими Шакий Саид Али исёнкор,
Гуржийлар пойин ўпган шапкўр зиёнкор.

Илончиқда бир-бирин қўллаб кофирий,
Темурга зидма-зид юрдилар кўф-фориий.



Падардан Маҳмуд Али ранжиб-ўқиниб,
Ялинди Ширвон ҳокимиға юқуниб.

Қочоқ-ла ҳоким Шайх Иброҳим эркесвар,
Темур пойига етди афв-ла динпарвар.

«Орзуманд жазо олмас падар-чун асло»,
Дебон афв этди қилмайин ҳеч тазалло.

Падар мақомин инъом этиб шу йўлда,
Деди: «Эҳтиёт бўлинг, қарс икки қўлда!»

Кузатиб жавон ҳукмдорни Соҳибқирон,
Дилиға қўнди пурнур осуда замон.

* * *

Хабарчи зоти Турон мулки узоқдан,
Келди юклаб яхши-ёмонни озроқдан.

Билди ўтибди саркарда Хизрхўжагон,
Бақоға мутлақ, ён қўшнида йўқ қалқон.

Андижондан бор эмиш номаъқул хабар:
«Мўғулистонга от сурибди Искандар!»

Шаҳзода ўн беш ёшида ақли учиб,
Ғаламислар-ла совун кўпикда сузиб.

Калтафаҳм ила амирзода берухсат,
Мўғулистонни босди ул кутмай фурсат:

Катта амирлар Пир Ҳожи, Нурак барлос,
Пирмуҳаммад-ла жеталик ғаним ифлос.

Жони Қурбоний набираси Шерматбек,
Юриш бошлабди Тоғой Буго барлос тек.

Аввал Андижон лашкари босди ўшни,
Олой-Эргаштом, Қашқарда нақис тўшни.

Ёркенту Сарик қамиш, Қолпин, Олақўл,
Ёрқўрғондан сўнг Чоҳортоққа етди қўл.

Каюк боғ тобе бўлгач Уч қалъа сари,
Босди қўшинлар йўл беталофат бари.

Қирқ кеча-кундуз қамал этиб зўрма-зўр,
Ошённи олди ул қон-қақшатиб базўр.

Ғолибона бу босқин-талаш дардида,
Оқсувға етди завқ-ла турмай ҳаддида.



Бой-ю Қавсанни босиб бўлди ўлжадор,
Шапқур амирлар қўнжи ҳам ганжинадор.

Улусга берди навкарлар бисёр озор,
Чопғунда қўлга тушди қиз, онаизор:

Хизрхўжагоннинг қизи-ла муҳтарамаси,
Синан Мулк, Ҳожи Мулк оқа қизгинаси.

Оқсувга етгач чопари Соҳибқирон,
Тутқазди нома, ўқиди шаҳзода шу он.

Искандар ортга қайтди зап чўчиб-учиб,
Лашкарни бошлаб жон Андижонга шошиб.

Учиб ғанимлар гапига, қилмади сабр,
«Бебош» шаҳзода ишидан эл тортди жабр.

Ёш қалби учиб ғаламислар сўзига,
Қилди мўминга мўл жабр, Искандар-ўзига.

Ўтказиб тафтиш, аниқлаб юриш важин,
Айбдор ясоқда олди тўқмоқ жазосин.

Отолиг амир Баён Темур Беккичик бош,
Йигирма олти амир юмди кўз бебош.

«Навқирон» Мирзо афв сўрабон қутилди,
Пойтахтдан кетиб Қорабоққа тутилди.

* * *

Қиш чилласи. Бир мингу тўрт юз санаси,
Сафланди қўшин, жанг бўлади, чамаси?!

Озарбайжонни қақшатган гуржийларни,
Дафи-чун тизди навқирон жангжўйларни.

Такрор тафтиш-ла Илончиқ воқеасин,
Саркарда топди бузуқилар тўдасин.

Сипоҳ, навкарлар совут кийганди бари,
Темур-ла юрди Хумшо дараси сари.

Оёқ остида қор «ғарч-ғурч» турар сайраб,
Шаҳдам қадам-ла саркарда борар яйраб.

Дарани босди лашкар қор бўрони-ла,
Тўдани тор-мор этди жанг сурони-ла.

Соҳибқиронга зид турган задагонлар,
Абдулла Аббос, Муҳаммад Қизиллар,



Савашолмай зидма-зид исёнкорлар,
Муноқаша²⁶да асир тушди бадкорлар.

Бош амир Ямин Ҳамза қочди савашмай,
Бурҳон ўғлон ҳам ўғли-ла кетди талашмай.

Сотқинлар азиз боши етди ясоққа,
Гуноҳи кичик зотлар ўтди сўроққа.

* * *

Елиб келарди мавжи хабар ҳар бобдан,
Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқи арабдан.

Шероздан етди саркардага шум хабар,
Мавжи босиб ҳўп дилларни этди абгор.

Пирмуҳаммад ибн Умаршайх бинни Темур,
Ироқи араб йўлида юрди ул беғурур.

Фисқу фасодни тинглабон Пирмуҳаммад,
Раддия айтиб бўлолмабди ул мадад.

Иғвога учиб бурган жийрон жиловин,
Ортига қайтган беўй, билиб сўровин.

Амирзода ҳам илк тушди ҳибс комига,
Набира ботди қора ботқоқ жомига!

Қорабоғ чўпи ясоғда тортди жабрин,
Йўқотди бор-буд шонни тутолмай сабрин.

Муфсид мавлоно Муҳаммад Халифа бош,
Саид жарроҳ-ла Рустам Хуросоний қош,

Шерозда чўпи ясоқда олгач жазосин,
Иғвогар сўраб афвин кутди қазосин.

Элтди муфсидни Қорабоққа учовлаб,
Уч иғвогарни қочмасин деб тушовлаб.

Муборақхўжа ила Муҳиб шарбатдор,
Тавба-тазарру айтди ҳибсда гурбатдор.

Шайхзода Мазид қилмишларига мос-хос,
Этилмади афв, афсус бирлан ўчди нас.

Ҳар қилмишнинг бор мукофоти ё жазоси,
Бўйинтов бўлса, бошга келар қазоси!

* * *



Бир мингу түрт юз санаси, моҳи Хут,
Баҳор тафтидан пайдо ям-яшил ўт.

«Шаки ҳокими Саид Али ҳўп ғайир,
Озарбайжонда Султон Аҳмад жалойир,

Икковлон этган элларни талон-торож,
Халқ қирилиб, бўлган нонга муҳтож!»

Ўй-ла чорлади амирларин Кенгашга,
Гуржийлар сари жангу жадал, савашга.

Уч кун кўрилди жанговар тайёргарлик,
Сўнгра ҳарбона шиддаткор сафарбарлик.

Лашкар сафи ўн кун босиб машақатли йўл,
Ҳомун Бардаа комига ҳам етди қўл.

Ҳоким Таҳуртан юкунди Арзинжондан,
Совға-салом-ла сал чўчиб ширин жондан.

Ноиб бўлибон иззат-икромга лойиқ,
Вазифа олди ул ўзига, халойиқ:

«Рум тарафни қўриқланг кеча-кундуз,
Учиб ўтмасин Сиз томонга юлдуз!»

Дебон кузатди Арзинжон қўрқоғини,
Серташвиш сарҳад Рум томон «қулоғи»ни.

Кўчиб саркарда Тифлисни лашкар бирлан,
Йўллади элчи сулҳнома навкар билан:

«Ғаним Тоҳир ибн Султон Аҳмад жалойир,
Тинчгина келсин ўрдумизга беғайир.

Шарт шу тўкилмас қон, қалъа тошини бўяб,
Эл фарёд солмас ярадорини суяб!»

Афсус, Гургенхон Жонибек ажаб қайсар,
Элчини қувди ҳақорат-ла чўрткесар.

Аҳволни таҳлил этибон соҳиби шон,
Қурди ҳарбона суҳбат, сўнг деди чунон:

«Эҳ аттанг, яна тиг лоларанг тус олар,
Улус беадад талонга тушиб қолар.

Бошланур эрта тонгда жанги ғазоват,
Қириб ташланур кофир, бўлур қиёмат?



Тегинманг қораунносга қилич тутиб,
Сийланг исломга ўтганини хуш кутиб!»

Улусин ташлаб оғир фурсатда ёмон,
Қочди жуфтакни ростлаб тунда Гургенхон.

Шоҳрух Мирзо-ла мўл лашкари Хуросон,
Тифлис забтига тайин бўлди шул замон.

Қамалда синди Тифлис, беролмай бардош,
Бўлди гуронлик қўшинга таслим қардош.

Темур тоғ ошиб тушди Макрон даштига,
Белафз Гургенхон берарми дош шахтига?

Топибон хабар қумондон бардошидан,
Гургенхон ортга қайтди сўқиш бошидан.

Фаним шаҳзода Тоҳирни қочириб Румга,
Кўмар бўлдиким, қочоқ айбини қумга.

Тезкор келтирди Исмоилни шошириб,
Ҳийлакор айбин саркардадан яшириб.

Юқунса ёв афв этарди Соҳибқирон,
Ота-инилар гуноҳсиз бўлди ёрон.

Ғарданга илиб келди таслим тамғасин,
Темур пойига отди ҳоким танасин.

«Тобе бўлмаган гуржийлар ҳали бисёр,
Сванетияда зидма-зид турганлар бор.

Ҳокими даргоҳ чапани савашади,
Қону жон дебон гуржийлар талашади!»

Жаҳонгир Темур юрди жанговарона,
Сафни тигизлаб жангга кирар мардона.

* * *

Қорақалқонли элини босиб лашкар,
Қалъаларини тор-мор этди сарбасар.

Етибон ўрду — Манқўлга навкар орий,
Фарасирдга тоғ томон юрди суворий.

Турармиш қайраб гуржийзодалар шамшир,
Даф этарга Шайх Нуриддин юрди бир-бир.

Қалъаларни фатҳ қилишга зўр билимдон,
Етти ошённи талқон этди устомон.



Йиғилди лашкар Манқул қасабасига,
Ғалаба тўйин қутлуғ нашидасига.

Тўйга элчилар келди тўёна ила,
Фарангистондан ҳам авлиё Никола.

Рум саркардаси Боязидхон элчиси-,
Амир Муродбек, қайсарнинг шум «эркчиси».

«Элчилар зоти устомон, гоҳ эгилар,
Ўта қув, сергак, сал-пал ипдек эшилар,

Иззат-икромни кўради ҳаммаси хуш,
Хабар йиғади, асло этмай фаромуш».

Дебон меҳрини сочиб камтарин мезбон,
Зиёфат ила қилди бетакрор имтиҳон:

«Келтирган совға-саломи ҳам бир сийлов,
Мактуб-номаси шоҳга сўров ҳам ийлов!»

Деб Амир Темур номаларни ўқитди,
Бирма-бир тинглаб, жавобини тўқитди.

Мазмунин жойлаб буюк хотирасига,
Таҳлил этиб тўхтади хулосасига:

«Мақтанчоқроқ Рум қайсарининг номаси,
Битган менсимай чоғроқ саломномаси.

Румлик қайсарга тобе эмиш ярми жаҳон,
Боязид биздан ҳам таъмагир — нафси ёмон.

Инсонийликдан чиқиб сўрабди ўлпон,
Безбет Йилдирим Боязид⁶⁵ тубсиз ўпқон!

Дину тилимиз бир, иккимиз ҳам туркийлар,
Нага талашар, эмасмиз ёввойлар!?

Боязидхоннинг мул-қул бойлик, шон-шавкат,
Дилини қамраб ўзин этган бешафқат.

Фарангу англиз, сербу олмон мулклари,
Рум қайсаридан чўчимоқда халқлари.

Олти давлати Оврупо иттифоқдош,
Қидирмоқда қайсарга зид нифоқдош.

Фарангистондан элчи келган умид-ла,
Қайсарга зидма-зид ҳарбона сулҳ-ла.



Уруш,қон тўкиш исломга терс ҳаракат,
Эллар қийноқда қолар, кетар баракат!

«Сулҳ-ла қайсарни келтирайлик инсофга,
Қилма “ман-ман”лик, қорагин чор атрофга.

Бутун Оврупо қўзғолса, бошинг кетар,
Мусулмонлар гар урушса, қаддинг букар!

Туронликлар ер-сув сўрамайди қайсар,
Қўлламанг муфтхўр, йўлтўсарни сарбасар.

Паноҳингизда Султон Аҳмад жалойир,
Туркманзот Қора Юсуф сиёҳдил, ғайир!

Қароқчиларни этинг тезда занжирбанд,
Эл-юртлараро юрсин карвон емай панд!? »

Йўллаб Темур панд-насиҳатли номани,
Рум саркардаси олди талабномани.

Боязид ўқиб инсонийлик мактубин,
Важоҳат ила турди тик беўй худбин,

Мулозимларга тўлган девонхонада,
Жория айтди боз кўринишхонада.

Элчига боқиб такаббур Боязидхон :
«Айтганимиз, бу сўраганимиз қон-жон!

Талабгор эдик Темур-ла беллашишга,
Шамширлар «қасур-қусур»-ла савашишга.

Боязид енгар ёхуд туронлик оқсоқ,
Кимга бахт кулар, кимнинг ҳоли вой, чатоқ?! »

Тинглаб элчини сабр-ла Ҳумоюн навкаб,
Ўрнидан турди, афсус-ла дили ўйнаб.

Ўй уммонига шўнғиб бамисли ғоввос,
Билдиким,қўшин қуршовда қолган шоввоз:

“Ғанимлар қамал айлаш ўйида ҳанг-манг,
Турибмиз тўрт ёв ўртасида биз- наҳанг?!

Бирлашиб босса,мушук бўлади йўлбарс,
Мухолиф ёвга тайёр ем, эмасмиз барс!

Рум қайсари, Миср султони, Қора Юсуф,
Жалойир Султон Аҳмад босариш,туф-туф.



Алар бирлан биз жанг қиламиз бирма-бир,
Аввало Қора Юсуф қирилар дир-дир.

Сивос қалъани қўлга киритгач, албат,
Жалойир Султон Аҳмадга етар навбат.

Муфсид, бузгунчи, муфтхўр маҳлуқсимонлар,
Макони бўлса бут, тинч яшамас мўминлар.

Тангри таоло кўрсатур бирор йўлни,
Рум ёхуд Мисрга юрамиз тутиб қўлни?

Султониядан Кунияга боришда,
Табриз, Сивосдан йўл ўтади юришда.

Сивос қалъаси карвон йўлида таянч,
Гар забт этсак биз, лашкарга бўлмас аянч.

Аввало Сивос қалъаси бошин эгар,
Йўл устида жанг, савашга нафи тегар.

Қалъа мустаҳкам, тош девор, ҳавозали,
Ҳарбий истехком, етти темир дарвозали.

Бир томони қоқ ер, уч қисми ботқоқроқ,
Нақб қазишни йўқ иложи иш чатоқроқ.

Кутвол Мустафо жангу жадалга тайёр,
Икки минг отлиқ зимдан шай мисли сайёр»

Ўй-у фикр бирлан Соҳибқирони азим,
Қалъани тор-мор қилишга этди жазм.

Ишга тушди тош аррода-ю манжаниқ,
Кўрсатур ҳарбий ҳунарин нишон аниқ.

Ўн саккиз кунлик қамалга бермай бардош.
Муслими ошён бўлди тобе эгиб бош.

Саййидлар, ашроф, шайх, қози оқ байроқ-ла,
Кутвол Мустафо келди тобелик ила.

Мўмин-мусулмон аҳли олди омонлик,
Қурол ушлаган ҳар ким кўрди ёмонлик.

Қалъа Фармонга мос бўлди кунпаякун,
Ёғийга ибрат, жанг оқибатига якун.

Бағдод-Истанбул сулидан келгач чопар,
Темур карвонини тафтиш этди бохабар.



Румга йўл олган сафда бор экан душман,
Жалойир Султон Аҳмад қочоқвой «ман-ман».

Якка синглиси Дилшодбегим ҳамроҳи,
Бошпана истаб Румга тушибди роҳи.

Туркманзот Қора Юсуф ила зидлашиб,
Муфсид Бағдоддан қочган экан зудлашиб.

Сингилни этиб Йилдирим Боязидга,
Тортиқ бизга ул қайрармиш зидма-зидга...

Асир тушмасдан Темурбекка бетайин,
Карвон сафидан ул қочибди атайин.

Кўк шибар сойда эгар урилган отлар,
Аскар беҳабар ҳайдаб кетган безотлар.

Убулистонлик каззоб, муфтхўр, ўғрилар,
Юриб олиб кетган отни эгрилар.

Муфсид, текинхўр, тескаричи зотларин,
Таслим этибон қайтарди жангчи отларин.

Убулистонга лашкар, сафи яловоч⁶⁵,
Юргандан кутвол қалби бўлди ялонғоч.

Қириб турк зотин тинчликка урди раҳна,
Доруғачини қувди этиб бараҳна⁶⁶.

Темур етмасдан қочди жонин ҳовучлаб,
Гумашталарин ияртиб, бошин ушлаб.

Қувлаб жанговар, шиддаткор мўл суворий,
Қазосин берди бебош қочоқни орий.

Малатиядан Кохтагача қалъалар,
Фатҳи бирлан лашкар ўтиб йўл олар.

Покланди каззоб, муфтхўр, бузғунчилардан,
Йўлтусар ўғри ғаламис “қузғун”лардан.

Саркарда инъом этди инониб қардошга,
Малатияни Қора Усмон бағир тошга.

Чекланар Темур олмаса Шомни аввал,
Рум томон қадам босмасдан даставвал.

Соҳибсалтанат режа тузди шунга мос,
Бирлашмасдан Миср, Рум султонлари бехос.

* * *



Серқамровли ўй баҳрида Соҳибқирон,
Якка эшкак-ла сузди қидириб имкон:

«Қиличин чархлаб турарди Миср подшоси,
Гар кирса Шомга жанг, уруш муддаоси.

Боязидхон-ла чиқарар ўт алафдан,
Темур лашкарин босар, икки тарафдан.

Миср подшосин йўлин тўсмоқ муҳимроқ,
Зоҳид Барқуқ-ла сулҳ тузмоқ шарт, муқимроқ.

Шом ёхуд Мисрга туронлик аскар юрсин,
Оллоҳ қўлласа ғалаба, эллар эрк кўрсин!»

Саркарда чорлаб амирларин Кенгашга:
«Шом сари сафланг қўшин, вақт йўқ тўхташга!»

Акс садосидан билдиким, сустроқ суръат,
Сардорлар хомуш ҳеч сезилмайди журъат.

Саноқли амир кулгандек кетармиш ул,
Вайсаб ўчармиш Турон сафидан буткул:

«Ёв кучли, сонсиз аскар, чидолмаймиз,
Лашкар ҳориган, бардош беролмаймиз!? »

Дебон амирлар истади важ, баҳона,
Турон кучини баҳолади кўр-кўрона!

Хумоюн навкаб деди: « Қарорим қатъий,
Бажармоқ шартдур, Сизу бизга мажбурий!

Оллоҳ гувоҳдир исломий ҳаракатга,
Йўлиқтирмасдур лашкарни ҳалокатга!?»

Бир мингу тўрт юз санаси, моҳи Мизон,
Дов-дарахтлар ҳам тўкмоқда япроқ -хазон.

Қўзғолди улкан лашкар фавж-фавж тизилиб,
Мавжи ўрқачдор денгиздай чўнг чўзилиб.

Шоҳрух ибн Темур манғулой олд қисмда бош,
Узангисида катта амирлар сафдош.

Энтоб, Баҳасти қалъаларин манғулой,
Олиб Халабга етди босиб қуруқ сой.

Тинчлик усулин қўллаб соҳибсалтанат,
Йўллади элчи ҳурмат-ла қилиб иззат.



Ошён ҳокими бесабр амир Темиртош,
Аҳли аёли -ла Димишққа сукди бош.

Темур лашкарин важоҳатидан чўчиб,
Ҳолатни баён этди аввалроқ кўчиб:

«Адолатпеша мўмин-мусулмон Темур,
Исломиё руҳда савашади тик, мағрур.

Навқари сонсиз-саноқсиз куч, жанговар,
Қиличин серпар ўлгунча такрор-такрор.

Хоразм, Туркистон, Хуросон, Забулистон,
Буюк, тинч давлат ҳукмдори Соҳибқирон.

Ҳиндистондан то Табористон, Ироқ, Форс,
Озарбайжону Диёрбакр уради қарс.

Туролмаймиз зид, лашқар беролмас бардош,
Сурх қон тўқмайлик, туронлик аскар қардош».

Фармондор Султон Носиридин Фараж «шер»,
Қўрқоққа йўйиб Темиртошини не дер:

«Жангу жадалга мос қуроғлар, куч бисёр,
Захира мўл-қўл, қалъадек метин диёр!»

Дебон шайланди ҳокими Димишқ жангга,
Амир Темиртош фикри бўлди бир тангга.

Нохуш хабар-ла элчи қайтди ортига,
Надоматлар-ла қамчи босиб отига.

Ҳумоюн навқаб саф -ла юриб саккиз кун,
Халабни қучди лашқари Турон бутун.

Маскан ўралди қўшин бирлан ой қўрғон,
Қоронғи босди, тутаб ёнгандек ўрмон.

Тутинди жами навқар хандақ ўйишга,
Нақбчилар узун, чуқур лаҳим қазишга.

Ҳарбона макрни ёв ҳимояга йўйди,
Шабахун уриб ёғий ўз бошин ўйди.

Талофат тоши халабликларни босгач,
Қочди қалъага, йиғлади асирга тушгач.

Икки асирни сўроқ қилди ўрдуда,
Бийрон тил айтди, қолмади сир ўртада.



Халабликлар ҳам тузди жанговар ясол,
Савашди Абубакр тумани-ла тик, ҳалол.

Икки кунлик жанг кўрсатди самарасин,
Халабликлар рост қочди ияртиб қорасин.

Аскар учинчи кунда қилич серпашди,
Амирзодалар Халаб жангин ёпишди:

Абубакр сафи душман майсарасини,
Султон Ҳусайн — жангжўй майманасини,

Янчди Темур қалб қисм марказ туғдорин,
Хароб бўлгач ёв, қочди-ку ташлаб борин.

“Қочган ҳолини қувганда кўр” нақлидек,
Кетма-кет босди хандаккача ҳақлидек.

Зовур - сарҳаддан ўтганнинг кетди боши,
Пистирмага ем бўлди, аскар сафдоши.

«Гар кунпаякун этсак Халаб қалъасин,
Таларнур ошён чигирткадек барчасин.

Мўмин-мусулмон қолар қийин аҳволда,
Кечирилмас бу гуноҳ, қоламиз уволда!»

Дебон йўллади саркарда элчиларин,
Ўйлабон қалъа улусин, эрчиларин.

Саййид, шайх, имом, қози, уламолар-ла,
Кутвол юкунди Темурга таслим ила.

Бўйинтов Шадун, Темиртош, Шом бойлари,
Тушди асирга омонотдек жонлари.

Димишққа юрди Эҳсон доводдор элчи,
Сулҳда сўралди афви Итилмиш эркчи.

Ижро бўлмаса магар калонлар боши.
Бақога кетар омонот асл сафдоши.

Хат Носириддин Фараж қўлига етгач,
Ижросин кутди саркарда элчи кетгач.

Жаҳонгир Темур Халаб ҳимоясига,
Тайинлаб ҳукмдор, юрди фатҳ ниҳоясига:

Амирлар Саид Изиддин, Баён Темур,
Мусо Тўйбуго ҳам Султон Маҳмуд мағрур,



Кўз-қулоқ бўлар Малик Ҳазорагири,
Амирлар элга бош бўлар сарбасари.

Сониян тайин этди қўшинларга бош:
Манғулой қисмга Абубакр Мирзо бош-қош.

Қуролдош катта амир Сулойманшоҳ бош,
Амир Суюнчик баҳодир паноҳ, кўз-қош.

Нусратнишоннинг зафарнишон қўшини,
Хоми, Кумисни тор-мор этди яшини.

Йигирма кеча-кундуз Кумисда лашкар,
Олди мириқиб дам, теранлашди навкар.

Туронликлардан ёдгор-эсдалик дебон,
Барпо этдилар кўҳли бинои замон.

Жаҳонгир шаҳар кўркига қўшай,деб кўрк,
Манзил комига қурди девонхона, кўшк.

* * *

Шом жанг-жадали олдинда, даҳшат кутар,
Жанг, саваш доми кимларни бефарқ ютар.

Совуқ жунжитиб тирик жонни воажаб,
Зўрларни қамаб қўйди чодирга ажаб.

«Ҳориб битганмиш» от-улов, сипоҳу навкар,
Қишда савашини, жанг «эмиш кимга даркор!?»

Жангчи дилини Темур зимдан овларди,
«Жонини бериб жабборга» ул қувнарни.

Бошлади илкис катта базмдор зиёфат,
Мақтав, сийлов сўз бирлан берди мукофот.

Кетди чарчоқлар, кўтарилди кайфият,
Ёвни босиш-чун кучга кирди ҳамият.

Кўзғолиб зич-зич чигирткадек аскарлар,
Шитоб-ла юрди Баалбекка навкарлар.

Лек Амир Темур Фармонига биноан,
Бўлинди лашкар икки сафга чунонан.

Саида-Димишқ-Бирувватга қараб сўл қисм,
Баалбек томон юрармиш сафи ўнг қисм.



Қалъа Баалбек қурилган маҳобатли,
Харсангтош-ганч девори салобатли.

Қалъани лашкар қуршади сиқиб-қамраб,
Икки кундан сўнг юкунди беҳолсираб.

Тукилмади қон, шаҳид кетмади инсон,
Кутвол яхшилик, тинчликни этди эҳсон.

Олгач манзилда лашкар,улов уч кун дам,
Ғалаба туғин тагида турди бардам.

Улуғ қадамжо Нух пайғамбар турбати,
Инсонлараро доим буюк ҳурмати.

Зиёрат айлаб лашкар азиз маконни,
Мадад сўради руҳидан забт, имконни.

Икки саф бунда ўзаро дийдорлашиб,
Димишққа олар бўлди йўл саф бирлашиб.

Бир мингу тўрт юз санаси, моҳи Жаддий,
Бўлади жангу жадал ошён-чун жиддий.

* * *

Султон Фараж — Миср султони,ўта найранг,
Жосусликдан ҳам қайтмас, устоси паранг.

Чўчиб мардона курашнинг асроридан,
Аввал топармиш йўл макр, қабиҳ ғоридан.

Катта қўшинни йўллади мақсад томон,
Орзумандин бош этиб, ҳарбга қумондон.

Абдулазиз илк бор лашкарга бўлди саркор,
«Туронликларга зарба бериши даркор!?»

Темур лашкари етиб Димишқ остонасига,
Кайхон Пуда дам оларди мастонасига.

Абдулазиз ибн Барқуқ йўллади элчи,
Пинҳона қабиҳ ишига “ботир” йўлчи.

Уқдириб пухта суиқасд ишин чунон,
Йўллади элчи этиб туронлик томон,

Ва деди:«Шохланг ханжар-ла мисли эчки,
Заҳардан қони увушиб, ўлсин эрчки!



Чодирда Темур гули сунса баралла,
Турон зарбидан қутилгай Миср бир йўла! »

Элчилар совға-салом юклаб карвонга,
Минг- минг динорни солиб нопок кармонга,

Кайхон Пу сари отланди куйлаб шодон,
Билмай асирга тушарин номард, нодон.

Аср номозидан сунг етди Темур пойига,
Ангиз⁶⁷ тиғи-ла тушармиш ул пайига.

Абдулазиз илк элчисин этмай мунтазир,
«Сулҳ-ла келган» деб қабул этди беназир.

Икки қуриқчи найзадор тахт ёнига,
Муншийи Маъсуд Симноний тахт пойида.

Амир Шоҳмалик Темур ихтиёрида,
Юриш режасин тузарди меъёрида.

Элчини кўрган заҳоти Темур бир-бир,
Қиёсат⁴⁸ бирлан сизди афтидан бир сир.

Элчи тутганча совға-салом ҳуққа⁶⁸син,
Сўл қўл-ла тутиб «бийрон тилли» номасин,

Дир-дир титрарди тутмай ҳаяжон нўхтасин.
Муншийи хосга узатди шоҳномасин.

Ҳаяжон босиб «эркчи» зотини ёмон,
Дирдирарди қўл-оёғи, йўқдай дармон.

Ҳушёр тортди тахт устида қумондон,
Бемалол эди хавф сезса-да ул ҳамон.

Элчилар Темур тахти сари эмаклаб,
Бажарди томуғ амалин сал эрк сақлаб.

Илкис сакради ҳайқириб сотқин элчи,
Важоҳат бирлан ханжар-ла жосус-«эркчи».

Саркарда тепди «элчи» кўксига чунон,
Учди лайлакдай қўлин ёйиб ул ёмон.

Ҳибсга олинди «элчи» зоти шу замон,
Хатосин англар қалбида унса армон.

Уч мода харга ўтқизиб терс-тескари,
Сотқин устидан кулди эл ёшу қари.



Завлона солиб қўл- оёққа бинойи,
Миндириб мода эшакка этди сазойи.

Қилмишин битиб қўйди гарданга илиб,
Суиқасд сирин элу юрт қўйди билиб.

Олдинда эшак, ортида лашкар фавжи,
Димишққа етди, навкарнинг келиб авжи.

Етгач хандаққа лашкар тўхтади таққа,
«Элчи» эшак-ла ўтиб кетди ёв ёққа.

Қўриқдан ўтгач лашкар фавжлари шай-шай,
Бош амирлар ҳам олди мурчиллардан жой.

Зидма-зид тузди ясол жанговарона,
Шиддат-ла кирди жангу жадалга мардона:

Қоровул қисмда амир Суюнчик баҳодир,
Илғорда Соин Темур, Донахўжа ботир,

Ики Таваккал бовурчи бирлан қавчин,
Олтин бахши —ла жангга кирди чинма-чин.

Саидхўжа, Шайх Али баҳодир ўнгда,
Ҳарб амирзода Рустам сафи сўл қўлда.

Икки муҳолиф қутирган девдай наъраб,
Савашди босиб, бир-бирин тикка қараб.

Оқди кўпириб диндош мусулмон қони,
Каллалар тансиз думалар, чиққан жони.

Эмаклар мажруҳ ҳаётдан умид узмай,
Оёқ остида ётар тана пайдар-пай.

Дустомон ҳўнграб чала жон,инграб ётар,
Ичак-чавоғи тўкилиб, “яйраб” ётар.

Турфа забонда солиб фарёд чопишар,
Қўлу юзи қон. Ҳаёғоҳ ўлим топишар.

Минглаб қиличдор икки терс ғаним-“аждар”,
Қон сўраб шамшир серпармиш тунга қадар!

Алар гардани қирсиллаб жабобир⁶⁹ -ла,
Қўйруғи ўйнаб саваларди жаббор⁷⁰-ла.

Эртага сўнар қонталаб жангу жадал,
Кимлар бошига қўнарлар тақдир-ажал.



Беролмай мисрлик сафлар бу қирғинга дош,
Қочди енголмай Димишққа ночор диндош.

Холсизланиб ёв, чўзилиб сўнса нури,
Униб чиқарлар тинчлик гулларин дури!

* * *

Ўпкасин қисиб қўлтиққа амирзода,
Отолиғ ила аразлашди шаҳзода.

Аждар силласи қуриб бўлганда нимжон,
Улуғ падарга зид турди набиражон!

Иғво комига амирзода бўлиб ғарқ,
Ғанимдан топди «дўст» падарга бефарқ!

Жанг паёнида амирзода Султон Ҳусайн,
Қочиб ўтди Шом тарафга бу бетайин.

Абдулазиз зар тўнин ёпди “мараз”га,
Темур сирларин билиб ўтди ғаразга.

Енголмаслигин Абдулазиз илғабон,
Бермади сир бой,кутиб жангни безабон.

Амирзодани қайради тонгги жангга,
Улуғ падарга зид тушди сўнгги жангга!

Бир мингу тўрт юз биринчи йил бошида,
Тугилди Султон Ҳусайн сўқиш қошида.

Асирга тушиб қоплондек бу шаҳзода,
Бўлди шарманда, муфаттин «амирзода».

Дийдаси қаттиқ улуғ падар ўнгида,
Юкуниб “сотқин” афв сўради сўнгида.

Ясоқда олиб жазо бўлди беҳурмат,
Боз топармикин Мирзо, энди сал иззат?

Оқабегимдан бир ягона шўрлик,
Темурга олиб келди азият, хўрлик.

«Халқ озодлиги улуг, муборак туйғу,
Сотқин набира иши дилдаги қайғу.

Эл-юрт ғами бу ёндирувчи шарора,
Ўзингники - ўйиб куйдирувчи, начора! »

Дебон саркарда кўрди жанг тадорикин,
Мақсал-кўрмоқдур шомий лашкар таслимин.



Селдай супуриб, тошди голиблик ҳаддан,
Денгиздай сочиб кўпик ошди сарҳаддан.

Саҳарлаб кўчди Кайхон Пудан қумондон,
Димишқда этай деб мухолифни гумдон.

Тушди Канъон-Миср йўлига туроний саф,
Этармиш Шомий сафни тезкорона даф.

Жангга чорловчи чўнг садолар остида,
Мухолифат саф-саф тортган девор пастида.

Аҳли Димишқ ҳам очган тўфон баҳрини,
Келарди селдай, сачратиб ўз қаҳрини.

Қирғин-боротда қолди оломон ёмон,
Қуролсиз мардлар, бегуноҳ мўл мусулмон.

Етти қўшин-ла жангга кирди жаҳонгир,
Қўшинот қамраб босди мисли дўл-ёмғир.

Ишга тушди ҳарб қуроли тош аррода,
Нафт андозу манжаниқ шу борада.

Тошлар шодаси бамисли дўлу ёмғир,
Қулатди қалъа буржларини бирма-бир.

Шоҳ иморатлар ҳам бўлди кунпаякун,
Борарди нураб зарблардан қалъа бутун.

Тўхтади ҳарбий ҳаракат-жанг кечқурун,
Талаби: Сулҳ: Шом йиғсин ўз шуурин.

«Итилмиш ўғлон озод бўлса қамокдан,
Уруш тўхтайди, қон томмайди яроқдан! »

Дебон сулҳнома йўллади Соҳибқирон,
Подшоҳўжа бош икки сафдош-ла ёрон.

Номани ўқиб Абдулазиз ҳийлакор:
«Маъқул, тартиб-чун беш кунлик муҳлат даркор!»

«Мисрдан Шомгача беш-олти кун йўл босар,
Абдулазиз зап падардан ёрдам кутар! »

Фикр-ла саркарда ўтди такрор таъқибга,
Сафга саф қўшиб куч бердилар таркибга.

Мухолифдан ҳеч бўлмагач бирор хабар,
Тасхирга ўтди қамрабон жами лашкар.



Ёгий элчиси келди ютибон қаҳрин,
Сулҳ ижроси-чун уйлаб боз ҳийла макрин:

«Лашкари Турон, гар қайтса лашкаргоҳга,
Чиқармиш кутвол тобелик ила роҳга?»

Туроний лашкар саф-саф қайтгач ортига,
Темиртош-ла ул қочди Миср-ўз юртига.

Хабарни бериб хуфия-амир Чақмоқ,
Деди: «..хабар асл мисли кундузги чақмоқ!»

Шоҳрух, Мироншоҳ мирзоларин таъқибга,
Йўллади ортдан шомий қочоқ—рақибга:

Амирзодалар, амир жангга қодирлар,
Шайх Нуриддин ҳам Суюнчик баҳодирлар,

Шоҳмалик ила Оллоҳдод бош саркорлар,
Ёгий ортидан қувиб босди фатҳкорлар.

Қувди сарҳади Мисрга қадар қиронлар,
Қайтди тутолмай муҳолифни ёронлар.

Ўлжа, асирни тўплаб юкунди лашкар,
Темур шартига жавоб беролмай навкар.

Димишқ қамали бу қаҳрли уруш-талош,
Ижроси-таслим, ёгий-ла бўлмас яраш!

Савашда ғалғор, лашкар бўлди авангард,
Абубакр Мирзо, амир Жаҳоншоҳ ҳам мард.

Бу ҳаёт-мамот, жаҳолат жанги талон,
Жангдан қочмас қочгани бўлар ғилмон⁷¹.

Қалъада даҳшат, зуғум, тўполон ҳукмрон,
Ноинсонийлик ин қурган, жидий бухрон.

Ўғирлик, зўрлаш, қабиҳлик ҳамма тури,
Ёвга ёв бўлган ҳайвонсифат зот зўри!

Бири тепалаб кетарди, бири талаб,
Аҳвол жиддийроқ, ваҳшийлик ётар тутаб.

«Мусулмонларга тегманг, қўл чўзманг асло!»
Фармон-ла шаҳар тинчланди, иншоолло.

Осоишталик элда бўлгач барқарор,
Вайроналарни тикламоқ шарт, муқаррар!



Жангни бой бергач ёгий жангчи қасрига,
Ғолиб ўтди Миср султонининг қасрига.

Ором олиш-чун Темурга етди фурсат,
Жой қидирарга амирлар олди рухсат.

Кошона ошён ёққач Темур дидига,
Султонлик қасри мос-хос тушди дилига.

Муҳташам кўшқлар тегди нўён, амирга,
Лек эл,оломон қолди зап талон, жабрга.

Моҳи Далв. Бир мингу тўрт юз бир санасида,
Мусаллам бўлди куч қолмай танасида.

Димишқ саййид, шайх, казо-казолари,
Мусулмонлару ҳокимлик аъзолари.

Тавба-тазарру бирлан улус юкунди,
Олиб Темурни тан насроний чўқинди.

Аҳли Шомга лиқ тўлгач Уммавий масжид,
Жами саййидлар, имом, шайх ҳам мажид,

Ўқилди Қуръон, Темур номига Хутба,
Бўлсин деб ўрнак, қилсин деб шукр, тавба!

Темур номига зарб этди кепаккий пул,
Муомалада илк расмдор-бутагий⁷² пул.

Юз эллик, ўн мисқол олтин-кумуш танга,
Куч берди тужжор, савдо-сотиқчи жонга

Бутагий олтин, кумуш танга суратдор,
Ўнг томонида Амир Темур расми бор.

Тескари сиртда калиман Тоййиба,
Ёвга бу пуллар -ҳарбий-сиёсий зарба!

Шошилинич Темур сафдан танлаб айтийин,
Димишққа сайлаб доруга этди тайин.

Мулозим, сафдош ҳам бирталай кўриқчи,
Зийрак навкар-ла камондор моҳир ўқчи.

Қиш ўртасида бошланди қимматчилик,
Нарх-наво ортиб келарди очарчилик.

Фармони Олий берди уйлаб ҳаммасин:
«Дон омборига ҳеч ким кўлин чўзмасин!»



Лек онда-сонда учради оч ўғрилар,
Йўлдан оздилар ҳатто айрим одам-тўғрилар!

Жамлаб Димишққа бор захира қўрини,
Улашар бўлди омбордан дон борини.

Зеро саркарда — илму-ҳунар ҳомийси,
Билимдонларни йиғди дин фидойиси.

Сафлаб ҳунарманд, аҳли олим карвонин,
Йўллади пойтахт Самарқандга сарбонин:

Табиб мавлоно Сулаймон сафга бош йўлдош,
Синъоат⁶⁶ корлар, моҳир устолар қўлдош.

Файласуф Холдун, болакай Ибн Арабшоҳ,
Фирдавсмонанд дур пойтахт сари олди роҳ.

Отланди узоқ сафарга зиёдалар,
От, туяга ким суворий, ким пиёдалар.

Эрта баҳор, минг тўрт юз бир санасида,
Оққанда шарбат наботот танасида,

Кўчди саркарда Димишқни ортга ташлаб,
Лек оғриб қолди, вужуди зимдан қақшаб.

Лашкар дарёси тинди шартта уч кун-тун,
Соҳибқирон кучга энди тезда кунба-кун.

Сўнг қўшин наҳри оқди мавжланиб кескин,
Манзил Ғутада тикли хаймасин секин.

Сафлар олди дам, саркарда бўлди бардам,
Икки нома-ла чорлади Темур шу дам:

Бири Муҳаммад Султон вориси тахтга,
Сўнгиси эрса Султония-уғруққа.

Жаҳонгир билди лашкар Қумусга етгач,
Ғимирлашибди муфтхўрлар сабр етмагач.

Тинчмас Онадули, Тадмор, Фрот соҳиллари,
Қўзғолибдилар туркманий жоҳиллари.

Афюн ичгандек гоҳ қўзғоларди исён,
Эл-юрт тинчлигин бузарди муфтхўр “ёрон”.

Бебош тўдалар дафи-чун юрди лашкар,
Шаҳзодалар бош йигирма беш минг навкар:



Абубакр, Султон Ҳусайн ҳам Халил Султон,
Фрот қирғоғида келтирди ёвга қирон.

Амирзодалар янчибон ҳуркканларни,
Мусаллам этти Зулқада туркманларни.

Қора Усмонбей туркман жанг қуйида,
Юкиниб келди мулозимлик ўйида.

Соҳибсантанат туркманзотга элини,
Вилояти-да этди инъом қўлини.

Захира туглаб Рос ул-Айн сайдгоҳида,
Руҳо, Мординга етди қўл ўз роҳида.

Мордин ҳокими қўлин уриб исёнга,
Темур қалбини тортди ғазаб-туғёнга.

Қора Усмонбей навкарлари шу кун,
Уйини ёқиб қилдилар кунпаякун.

Пойтахтдан келиб хазиначи Ҳиндушоҳ.
Ҳисобот берди Темурни этиб огоҳ.

Туман оқа-ла Тўкал хоним карвонда,
Ҳиндушоҳ ила келганди бир армонда!

Турфа зиёфат ила сийлабон мезбон,
Амирзода-ю Хонимларни этди меҳмон.

Мирзо Улуғбек бирлан Сароймулкхоним,
Уғруққа юрди хайр деб Соҳибқироним!

* * *

«Гуржийлар ила Қора туркманлар фикрдош,
Исёнга қўлин урибди бу безикр бош! »

Нохуш хабар-ла Илончиқдан бир чопар,
Темур пойига энди зукко изтопар:

«Илончиқ қалъа—истеҳком қуршовда,
Айғир от каби кўпдан буён тушовда.

«Етар, раҳимдиллик! Босинг бебошларни,
Бузуқи гуржий ҳам туркман авбошларни.

Исённи зудлик билан бартараф этинг,
Мусаллам етиб зўр ғалабага етинг! »

Дебон саркарда берди Фармони Олий,
Отланди лашкар фавж-фавж бўлибон орий:



Абубакр Мирзо жанговар лашкарга бош,
Мирзолар Султон Ҳусайн, Пирмуҳаммад қош.

Амир Жаҳоншоҳ, Темирхўжа, Оқбуго,
Саидхўжа, Шайх Али баҳодир оға,

Шаҳзодаларга бўлди қуролдош, сафдош,
Жангга кўз-қулоқ, кўмак, тезкорликка бош.

Илончиқ қалъа сари юрди лашкар-ла,
Ғалаба сари енгилмас жўшқин-ла:

Мирзолар Шоҳрух, Мироншоҳ бош-қош қўшин,
Физруҳшоҳ, Шайх Муҳаммад туман жўшқин.

Қамал этарди Илончиқ қалъасини,
Сулҳ ла сўради таслиму тавбасини.

Лек бадкор кутвол Сиди Аҳмад Ўғилшо,
Ўйламади эл, қалъа аҳволин расво.

Очлик ханжари тик етганда сўнгакка,
Одамлар ўлди зор бўлиб нон -урвоққа!

Бақога кетмай, деб чайнаб ютди борин,
Қайнатиб егач улус пойафзал чармин,

Қалъа акобир, аёнлари кўплашиб,
Шайх Ҳамза сўзин тинглади бирлашиб:

«Таслим бўлмасак чорамиз ягона ўқ,
Лек мансабпараст кутволнинг истаги йўқ!»

Дебон Шайх Ҳамза кутволга солди кишан,
Афғорни элтди уриб ўрдуга бешон.

Илончиқ қалъа таслими бўлди ибрат,
Тиращан Авник аҳлига бу мукофот.

Бўйинтовлар отахони Гургенхон,
Ўрдуга келди афв сўраб тўкмасдан қон.

Тугатиб муфтхўр, қароқчилар тўдасин,
Вайрона этди мулоҳида⁷¹ ўрдусин.

Кўриб жангжўйлар тобелик ниҳоясин,
Гуржистон жанги ҳам топди интиҳосин!

* * *

Минг уч юз саккон олти санада ҳамдам,
Темур Эронни фатҳ этганди муқаддам.



Жалойир Султон Аҳмад саккиз йил аввал,
Паноҳ истаб Миср сари қочган таваккал.

Падар заминга қайтгач Соҳибсалтанат,
Ўша замонда Бағдодни босган фалокат.

Бир мингу уч юз тўқсон тўрт санасида,
Бағдодни олиб юрган тахт панасида.

Малик аз-Зоҳир Сайфиддин Барқуқ синчи,
Қора қуюнлу, Қора Юсуф таянчи.

Румдан Йилдирим Боязидхон шу ёнда,
Уч ҳарбий оқим Темурга зид уч ёнда.

Соҳибсалтанат истади ҳарбий имкон,
Ўрамдан чиқай деб режа тузди ёрон:

«Озарбайжону Форс, Хуросон учлиги,
Қора қуюнлу дафига боғлиқ тинчлиги!»

Моҳи Саратон. Минг тўрт юз бир санаси,
Жалойир Султон Аҳмад зўр дағдагаси.

Турон давлатин менсимай бу бенишон,
Соҳибқиронга терс турибди ул шоён.

Саркарда сокин ўйлаб юрди Бағдодга,
Тугал йўллади лашкарни нақд мақсадга:

Ҳиндистон собиқ ҳарби Султон Маҳмудхон,
Амирзода Рустам қўшинга бош ҳам қалқон.

Жанговар сафга жангжўй бош бўлгач тайин,
Сафарбарлик ҳам авжга чиқди кун сайин.

Лашкар ёнида кеча-кундуз қуролдош,
Еттита катта амирлар бўлди бош-қош:

Таваккал барлос, Мизроб-ла Сулаймоншоҳ,
Жоку барлос-ла Суюнчик баҳодир ҳамроҳ...

Жангжўй лашкарга Соҳибқирон ўзи бош,
Улуғ амирлар узангисида сафдош.

Уч минг суворий Фаррухшоҳ бош ғайирзот,
Темур бош сафга зид турди жалойирзот.

Али Қаландар, Жон Аҳмад бош аскарлар,
Жангу жадалга кирди сипоҳ, навкарлар.



Бошланди қирғин- барот Дажла бўйида,
Султон Аҳмаднинг улкан қасрин қуйида.

Дарёни бўяб, тупроқни қориб қонга,
Бақога кетди ҳарб ажал етгач жонга.

Жон Аҳмад-ла уч юз бешта жалойирий,
Исёнкор, муфтхўр ҳам қароқчизот,орий.

Жангда лашкари мутлақо бўлгач мағлуб,
Қочганча кирди Бағдодга, уввос солиб.

Дажладан ўтиб Соҳибқирон бош қўшин
Босди «Куббат ул-аъқоб» қасрни жўшқин

Дарёдан сузиб ўтгач шитоб-ла лашкар,
Тасхирга олди қилич серпаб жанговар.

Кема, қайиқда тик ўқ-ёйли ёв жиддий,
Талофат берди Туронга ул ашаддий.

Қўрғон ғарбида амирзодалар огоҳ,
Мироншоҳ, Шоҳрух ҳам амир Сулойманшоҳ.

Шимол тарафда шаҳзода Рустам ила,
Амир Шоҳмалик сафи Али Султон-ла,

Янчиб Бурундуқ барлос ўтди чўнг мавжга,
Қирғин-барот-ла жанг-жадал чиқди авжга.

Ер тишлаб дохил бўлди бақога эрлар,
Фатҳи Бағдод-чун шаҳид кетди кўп “шер”лар:

Бурундуқ барлос ўтди босиб ҳужумга,
Авжга чиқди жанг, ёв туйилди ғужумга.

Қария амир Сулаймоншоҳ—ла амрад⁷⁴.
Қиргин —ла босди ёв чокларин авангард,

Жанггоҳда қолди бежон туронзодалар,
Зафарнишонга содиқ асилзодалар:

Муншийи Маъсуд Симноний буюк хаттот,
Минглихўжадек амирлар ёвни этиб мот.

Ўқ-ёй ёмғири узди кўпнинг ҳаётин,
Гулдек бахтини бузиб, ёқди тахтин.

Ҳар дарвозада тасхир-ла икки қўшин,
Ошённи қамраб, босиб қиларди ишин.



“Дор ус-салом”ни тутди қамалда қирқ кун,
Қўргон аҳлининг қуриди жони бутун.

Нақбчи лаҳими етгач ҳақ иншоотга,
Девор портлади, очилди йўл ғоратга.

Ҳарбий қурооллар ишга тушди шу замон,
Манжаниқ, нафту тош арродалар ёмон.

Қўргон девори бўлгач зап илма-тешиқ,
Қолмади бирор бутун иморат, эшиқ.

Шаҳри бирунга Мирзо Халил Султон бош,
Шайх Нуриддин ҳам Рустам Тоғой Буғо қош.

Қўшин илк кирди яшиндек ёғду сочиб,
Шаҳри дурунга ўтди шомда сув кечиб.

Шаҳар айланди мисли тўзонхонага,
Машғум кўриниш қон оққан кушхонага.

Думалар бошлар оқиб лоларанг қони,
Фалакка чиққан доду фарёд сурони.

Кўзлар чиққан, тил осилган ажаб мудҳиш,
Серпарди аскар шоп ҳансираб, тик сўқиш.

Оёқ босарга покиза ер топилмас,
Қалашиб ётар маййитлар боқиб бўлмас!

Бағдод мубтало бўлди зап қатли омга,
Душворлик тушди аҳли шаҳар авомга.

Саййидлар, шайху машойих, уламолар,
Муҳандис, билим-илм аҳли-қуромалар,

Алар ўтди афв чизигидан иззат-икромда,
Мусаллам бўлганжони қолди омонда.

Эркпарвар инсон дилдан сийланди, ҳайҳот,
Таслим бўлмаган жон жони қучди мамот.

Хулла — Воситда лашкар тиклади поклик,
Қирилгач муфтхўр, каззоб қўнди сокинлик.

Бениҳоя жанг қилиб жалойирбоши,
Бебош қайсарлар тўфонда қолди боши.

Жалойир Султон Аҳмадни этиб тор-мор,
Соҳибқирон ҳам дами этди ихтиёр.



Ғолиблик туғин лашкар-ла кўтариб чўнг,
Соҳибсалтанат Қорабоққа кўчди сўнг.

Йўлакай Табриз-Султония йўлида,
Сароймулхоним кутди Чоғду бўйида.

Жовдираб кўзлар учрашди тиккама-тик,
Соғинчин изҳор этиб Хоним, Улугбек.

Бағдоддан чиқиб Табризга бўлгач дохил,
Билдиким тинчлик, улус яшарди аҳил.

«Йўлтўсар, муфсид иғвоси-ла Гургенхон,
Бўйинтовликка утибди белафз ёмон!»

Хабарни билиб хуфия баёнидан,
Турди Темур тик ранжиб муфсид исёнидан.

Отланди жамлаб лашкарни Илончиққа,
Манзилга етиб сафлар тўхтади таққа.

Тушовли отдай Гургенхон сакраб-сакраб,
Инисин қўшиб элчига узр-афв сўраб.

Ажал комидан қўрқиб ул йўрғалади,
Сониян исён ковушин тўғрилади.

Бебурд зот ўзин “саркарда” деб чоғлабди,
Узр риштасига эмакдошин боғлабди.

Темур уқибон туллак орзусини шу он,
Деди: «Оғайинг тинч юрсин, қилмай армон!»

* * *

Соҳили Кўкча денгиз- хушманзара жой,
Сўнгги манзилгоҳ сўлим, орамбахш, ҳой-ҳой.

Қоровултепа денгиз соҳилидан кўркам,
Шикорбоп, ором бергувчи мисли кўклам.

Сароймулхоним, Хонзодахоним ила,
Мирзо Улугбек Суюртгамиш Мирзо-ла,

Ташриф этдилар саркарда ҳузурига,
Қоровултепа оромбахш марғузорига.

Темур бағрига босиб набирасини,
Тортиқ этди бир ғаройиб дил сарасини.

Олтин дастали қилични Темур тутиб,
Зардўз камар-ла қўйди тақиб сал кутиб:



«Чопгун-чун эмас Улуғжон, сиёсатга,
Шамшир тўкмасин қон, тегиб раиятга!»

Ерга, судралган қиличга қия боқиб,
Хушвақт набира кифтига қўйди қоқиб.

Сўнгги манзилда бир ойчалик олиб дам,
Ганжа-Бардаа—Қорабоққа етди қадам.

Қишлади Темур лашкар-ла оромгоҳда,
Сайёд бўлибон ов қилди шикоргоҳда.

Ноҳос ўрмонда учраб қорли уртукка,
Тушганди кўҳна сув ўзани буртоққа.

Чуқур ҳам энли бу қадимий наҳри об,
Тўлиб ётарди қум-лой босиб зап хароб.

Темурда бор бунёдкорлик фазилати,
Наҳрда - мужассам ҳаётбахшлик қуввати.

Чорлаб ҳашарга эрта баҳордан эли,
Умумҳашарда эрлар боғлади белни.

Сафарбар этиб навкар, сипоҳ, эл барин,
Покланди хокдан мозийлик наҳр ўзанин,

Уч минг икки юз йигирма саржин замин,
Наҳрдан шимиб сув, очди асил гулбағрин.

Наҳр олиб «Барлос» номин олти аср яшар,
Кемалар қатнаб тужжорлар тўлиб-тошар.

Элчилар ташриф этди Олтин Ўрдадан,
Ажралмайлик деб туркий улуғ шодадан.

Шодибек Олтин Ўрдада янги ҳоким,
Мақсади дўстлик, бўлмасмиш асло боқим.

Қутилиб Дашти қипчоқ хавфли даргоҳдан,
Мириқиб олди дам чўчимай қароргоҳдан.

Пойтахтдан келур меҳмон Муҳаммад Султон,
Нуфузгоҳ сари келарди набиражон.

Амирзодалар Шоҳрух бирлан Мироншоҳ,
Амир Жаҳоншоҳ, Шоҳмалик, Сулаймоншоҳ,

Чиқиб пешвозга, олди Оқтомда кутиб,
Шоён мезбонлар турди сўлагин ютиб.



Олий ўрдуга бўлгач амирзода дохил,
Зиёфат, сийлов қўнжида бўлди аҳил.

Далв. Бир минг тўрт юз биринчи йил қишида,
Уруш тўхтаган, Қорабоғ тинч қошида.

Соҳибсалтанат чақирди Қурултой,
Тарихий ишни ижроси-чун, ҳойнаҳой.

Ташриф этдилар саййиду уламолар,
Аркини давлат, казо-казо сиймолар.

Аҳли Қурултой кўз ўнгида нусратшон,
Амирзодани чорлаб ёнига шу он ,

Муҳаммад Султон юзига боқиб хушвақт,
Деди: «Бошингиз узра айланур бир бахт.

Набиражон, Сиз бугунданоқ валиаҳд,
Турон давлатин гули вориси тахт! »

Қўндириб Мирзо бошига илк олтин тож,
Истади ҳарбий маҳоратига ривож.

Эрк курашига ундаб амирзодани,
Бағрига босиб қутлади шаҳзодани.

Соний белига боғлаб заррин камарни,
Деди: "Самодан илк тутинг Шамс-Қамарни!"

Такрор Қуръони каримдан этиб тиловат,
Қўл очиб дуо қилди соҳибсалтанат.

Ва деди: «Етдик, хайрият шу замонга,
Худойимга шукр, етказган нурли онга!»

***Амир Темурнинг Рум саркардаси
Боязид ила ёзишмалари ҳамда
жангининг баёни***

***Саркарда Йилдирим Боязид
аждодлари тарихининг зикри***

Бир мингу уч юз йигирманчи йилларда,
Қабила аҳли кўчиб юрган чўлларда.

Хуросонда Турк-Ўғиз яшаган иноқ,
Ер-сув талашмай умр ўтказган бенифоқ.



Кунияга турк - ўғиз Қой қабиласи,
Чорвадор кўчган -ҳаракат ҳосиласи.

Сардор Эртўғрил бўлган эпчил, довюрак,
Куния шоҳи қувмади элни тумтарақ.

Подшо Султон Алоуддин Кайқубод,
Сегут ерларин берди яшанг деб умрбод.

Қабила боши бўлсин дебон тўғри дил,
Улус-ужбеги тайин бўлди Эртўғрил.

Инқироз мавжи қамрагач султонликни,
Куния халқи кучди якка бекликни.

Ярим аср ўтгач Эртўғрил ўғли Усмон,
Мустақил Сегут бекликда бўлди Султон.

Усмон салжуқий беклар ҳам греклар ила,
Аввал талашди, савашди урушлар-ла.

Никея,Ени-шеҳирга кучди мулк истаб,
Урушга тортди Усмонбек Қойни қистаб.

Енгиб даставвал Бурса ҳокимин осон,
Қўринди яқин кўзига баланд осмон.

Жанг-ла Никея, Вифиния мулкларин,
Фатҳ этди Эгей денгизи қирғоқларин.

Минг уч юз йигирма бир санада Усмон,
Музолинани янчди шафқатсиз ёмон.

Безбет юриш-ла босди,чопди кетма-кет,
Мўл савашди ён қўшнилари-ла бетма-бет.

Тор-мор этибон Кирмиён амирини,
Зўрлик-ла олди ул эски шеҳирини.

Пигида енгиб шаҳзода Михаилни,
Константинопол томонга чўзди қўлни.

Каталония шоҳин ул этиб тор-мор,
Оврупо томон силжиди бамисли мор.

Босқинчиликни давом эттириб Усмон,
Бурсага боқди аждаҳодек беомон.

Бир мингу уч юз йигирма олти санада,
Манзилни олиб мавжланди янада.



Дилда гар бўлгач муфтхўр, босқинчи қони,
Талар экан ҳар ённи чиққунча жони.

Чиққач қўшини флот қуриб уммон томон,
Оврупога кўз тикди Ўрхун ибн Усмон.

Дарданеллга чиқиб Сулаймон ибн Ўрхун
Галлиополи аҳлидан сўради хун.

Ул бир мингу уч юз эллик тўрт санада,
Ошённи этиб фатҳ айш сурди янада.

Византияни босди подшо Сулаймон,
Қалъаларин фатҳ этиб талади ёмон.

Элларни талаб етмади муддаога,
Лек подшо олиб кетмади хас бақога!

Санаси бир мингу уч юз эллик етти,
Замин остига мангу маконга кетди.

Султон Мурод Бир Усмонбек аждодидан,
Шафқатсиз Ўрхун таловчи авлодидан.

Тож-тахт вориси- Ўрхуннинг кенжа ўгли,
Тасарруфига ўтди Болқон ярим ороли.

Бир мингу уч юз етмиш бир санасида,
Эдирне⁶⁶ ила Фракея⁶⁷ орасида,

Ғолиблик туғин ўрнатиб саркорлари,
Қақшатиб талаб кетдилар навкарлари.

Босқинчи зоти фатҳ манзилларин бир-бир,
Рум тасарруфи томон қўшди бирма-бир:

Филиппопол⁶⁸, Ниш, Суфия, Шуменни зуд,
Булғору Сербни фатҳ этди чалиб уд.

Албанияни ҳам қўшгач кабзасига,
Босқинни тугиб қайтди юрт ҳавзасига.

Қайтгач Сегутга Онадугли турклари,
Кўтарди исён Серб, Булғор ҳалқлари.

Македония мулкидаги турк зотин,
Қирди қонхўр деб жами зулуклар отин.

Лазар-Тварко бош-қош ўттиз минг жангчи,
Озодлик истаб жангга кирди салибчи.



Қайта бошланди босқинчилик юриши,
Серб, Булғорга зид турк султонин уруши.

Бир мингу уч юз саксон саккиз санада,
Султон Мурод Бир тинч турмади янада.

Андрианполда тўплади катта қўшин,
Жанговар ўттиз минглик аскар оташин.

Очилиб баднафс подшо тубсиз ўпқони,
Тирновани фатҳ этди қўшин қопқони.

Ошиб Сўфия довонидан шитоб-ла,
Тасхир-ла олди Филипполни итоб-ла.

Кўчди Сербия томон қўшинот шаҳдам,
Косово жангу жадал-чун тиг-ла бардам.

Икки ёв ҳаёт-мамот жанг даргоҳида,
Ясол туздилар Косово жанггоҳида.

Султон Мурод Бир бирлан саркарда Лазар,
Қилич серпар қон сўраб бақога қадар.

Турфа қуролин қўлаб туркка зид ёмон,
Вук Бранович ҳам жангга кирди беомон.

Мол-мулк талашиб, бориға шукр қилмайин,
Жон бериб, тўкиб қон бўлдилар бетайин.

Бирлашган Хорват, Босния, Серб қўшини,
Жангга кирдилар Албан, Булғор яшини.

Бир мингу уч юз саксон тўққизинчи йил ёзида,
Бир-бирин чопди қону жон азобида .

Лазар куёви Милош Обилич ягона,
Турк хиргоҳида сассиз пинҳона,

Чавоқлади ул Шоҳ Султон Мурод Бирни,
Турк либосида қочди ўлдириб зўрни.

Бақога кетгач подшо Султон Мурод Бир,
Бошланди қочиш Турк сафидан бирма-бир.

Бермай фурсатни бой Йилдирим Боязид,
Падар-чун қилди жангу жадал зидма-зид.



*Рум саркардаси Йилдирым
Боязиднинг тор-мор
булиши зикри*

Ўттиз тўрт ёшда енгиб ўз мухолифин,
Вук Бранович-ла Лазарни этди дафин.

Жангни ютиб туг тикди голибона,
Мухолифларин этди қатл мардона.

Турклар қўшинини ғалабаси жаҳонда,
Ваҳима туйди қўрқинч қалъа, ҳар ёнда.

Илк Византия императори чўнг бош,
Юкунди Иоанн Палиолог ёрмай қош.

Юриб боболар изидан тинчимас каззоб,
Мулкларни босди, эллар тортди қўп азоб.

Бир мингу уч юз тўқсон уч-тўқсон беш санада,
Босқинчиликни кучайтирди янада:

Македония, Булғория, Марея,
Талон-тарождан эзилди Фассалия.

Турк қўшинининг босқинчилик уруши,
Ларзага солди Оврупога юриши.

Қўшни давлат: Олмония, Фарангистон
Ёнида чўчиб турар Венгрия бўстон.

Овруполиклар жанг қилармиш бирлашиб,
Боязидни тор-мор этармиш жипслашиб?

Оврупо тўплаб куч қилди салиб юриш,
Турк қўшинига зидма-зид ҳарбий уруш.

Франция ила Венгрия қироллари,
Бирлашди кучу жанговар қуроллари.

Қирол Шарл олти бирлан қирол Сигизмунд,
Рим папаси бош-қош, жанг-ла бўлдилар банд.

Чамалаб ҳарбий аҳволни Боязидхон,
Билдиким, икки ёв икки ёнда ёмон.

Турар икки ўт оловин чангалида,
Турклар қўшини қолар ўт чангагида.



Ғарбдан бирлашган Оврупо қўшинлари,
Шарқдан туронлик Темурбек жўшқинлари.

Соҳибқиронни макр-ла аввал чалгитар,
Сўнг салибчиларни босиб бир-бир қийратар.

Сухандон қози Шамсиддин Фридунбек бош,
Румдан Темурга келди нома-ла қардош.

Билса-да Темур чалгитиш ўйинини,
Чолди билмаслик ҳарбона сир куйини.

Номада қайсар бўлиб зўр тилёглама,
Темурни авраб мақтабди бирёқлама:

«Рубъи маскунни шоҳлиги олампаноҳ,
Қаддингизга зап ярашур Оллоҳ гувоҳ.

Турклар ҳазратта итоат этиб тургай,
Хизматкорлик чўнг мақомида ҳам бўлгай.

Мутлақо энди, тобелик ҳалқасида,
Оёғимиз ҳам бўлгай индоллюсида!»

Номани ўқиб улуг соҳибсалтанат,
Талбис сирини топдилар бомаслаҳат:

«Фирибгар дунё ярмини титратибон,
Даъвогар мутлақ, якка шоҳлиги жаҳон.

Нега бизни тан олиб қайсари замон,
Камарбастамиш оққунча лоларанг қон?

Бу тилёглама, бийрон номаси сохта,
Боязидхон зўр режани тузган пухта!»

Саркарда қилиб ҳолатни мушоҳода,
Лашкарни қайта тузармиш шода-шода.

Сийловлар ила кузатди Рум элчисин,
Тутқазиб нома ортга бурди «эркчи»син.

Номада: «Ҳибсга олинг, Қора Юсуф-ла,
Жалойир Султон Аҳмадни Фармон ила?»

Етиб Эдерне остонасига элчи,
Берди номани тақир бўлса-да гарчи.

Тақирроқ таъмин суриб жангдан кейинга,
Номани ўқиб тушди ҳарбий ўйинга!



Шарқдан босқин кутмай Боязидхон,
Тукармиш Салибчилар қонин беомон!

* * *

Граф Невер саккиз минг салибчиларга бош,
Қирол Сигизмунд-Венгер сафига бош-қош.

Зирх кийган, қалқон тутган салибчи аскар,
Жангу жадалга тик турувчи жанговар.

Қўшинга бош-қош Венгрия қироли,
Турк қўшинлари сонсиз, кучли куроли.

Минг уч юз туқсон олти сана кузида,
Илк Никополни қуршади йўқ ўзида.

Ажаб савашди бирлашган салибчилар,
Боязид сафи ила эрк истовчилар.

Уч баробар кўп қўшинлар-ла талашиб,
Сўқишди қирғин-барот-ла ёқалашиб.

Қўшилиб оқди мусулмон, куффор қони,
Бақога кетди жангчилар қолмай жони.

Жангу жадалда аскар топди-кумамот,
Салибчилардан мўл ўлиб кетди, ҳайҳот.

Тирик қолгани қочди ололмай ўчин,
Турклар йўқотди чорак қўшинот кучин.

Граф Невер тушди асирга аскар ила,
Қирол Сигизмунд қочди ношуд навкар-ла.

Турк яничарин ғалабаси оламшумул,
Оврупо ҳоли оғир, ечими мушкул.

Асирга тушгач салибчилар қироли,
Туркларга ўтди Болқон ярим ороли.

Канстантинопол қамали залвор кўчди,
Эл жабр тортиб, жон бериб, инграб қон қусди.

Қамраб келарди қаҳатчилик куюни,
Бошланди очлик, ҳукмрон талбис ўйини.

Очлар, ўғрилар бисёр, бебошлик ҳукмрон,
Топилмас анқо уруғидек туқ инсон!

Юклаб ўн етти кемага озиқ-овқат,
Франция кўмак қўлин чўзди фақат.



Икки минг рицарга маршал Бусико бошга,
Келди кемада, Византияга ул қардош.

Константинопол шахрин ҳимоясида,
Қалқон бўлолмай синди интиҳосида.

Папа Мануэл Палеолог оҳиста,
Оврупо сари кетди бамисли хаста?

Рум саркардаси қўюн-ла қамраб-талаб,
Валахияни олди аёвсиз таптаб.

Мореяни сўл томондан Эвренусбей,
Рост тарафдан сал босди пошшо Еқуббей.

Штиринни беҳад яничарлар қақшатди,
Аридек талаб пайхон этиб ўхшатди.

Уруш бўрони Оврупони босганда,
Қироллар боши таҳликадан қотганда,

Архиепископ Иоанн етди Парижга,
Византиядан илк бор чиқди хорижга.

Диннинг таянчи, улус ҳимоячиси,
Папанинг диндор, эрқдор, махсус элчиси.

Кенг қамровли шахс, ҳурфикр юритувчиси,
Дунё аҳволин ҳам билувчи, эрқчиси.

Франция мулкин қироли Шарл олтинчи ,
Архиепископ Иоанни биринчи,

Чорлабон якка ҳузурига таваккал,
Билар бўлди ул жанг-саваш ҳолин аввал.

Шошиб буюрди камергер¹³га: «Тез боринг,
Дарҳол, авлиё отани олиб киринг! »

Келишди икки киши шоҳ даргоҳига,
Луврдаги шинам қирол оромгоҳига.

Авлиё ота ила Франциск-архимандрит,
Келганмиш ҳазрат «овлагани бир мурид?»

Меҳмону мезбон хоҳалаб кулиб қўйди,
Зероки гапни дўстона ҳазилга йўйди.

Қирол эшитиб қайсар жангин тавсифин,
Воқиф бўлибон илғади уруш хавфин:



«Тамербек қўрқмас, эрқпарвар саркардами,
Тинчлик истовчи, тўғри ё гандами?»

Авлиё ота: «Ҳақ гапки, жаноблари,
Покни пок, ҳақни ҳақ деюр жавоблари.

Ўлимга тикка боқар, ништар кўзлари,
Икки қўлда шоп серпар қўрқмас ўзлари.

Сон-саноксиздир сипоҳ, навкарлар сони
Ҳақиқат ила тўғрилиқ бош мезони!

Туғилган гўё «ҳарбий» бўлиб, бақувват,
Зукко билимдон, соҳиби ақл, мурувват.

Адолатпарвар, афв этувчи қумондон,
Олам таянчи, эрқпарвар элда қадрдон!

Аскари қилич, найза, ўқ-ёй тақади,
Суворий бўлиб отда учиб чопади.

Мулжалга отар артиллерияси бор,
Жанговар фили олтмишдан ортиқ тайёр!»

Қирол ҳангу манг қолди, ажаб ишониб,
Боязидга зид куч борлигига инониб:

«Темурбек ила Боязид гар бирлашса,
Газоват жангин бошлар биз-ла зидлашса?

Даҳшатдан ҳоли Овропо оғир кечар,
Ноисломийни қирар, шартни ким ечар?

Ислонда шунга ундовчи гап-сўзлар бор,
Чорасин кўрмоқ керак шов-шувсиз зинҳор!»

Авлиё ота : «Бу борада кўзлар кўп,
Жаноби қирол, турфа баён, сўзлар кўп.

Дўстлашмайди Темурбек билан Боязид,
Бирлашмайди ҳеч, терс нифоқдор зидма-зид.

Темурбек билан тузайлик ҳарбий иттифоқ,
Орага зинҳор туширмай қилча нифоқ!»

Авлиё ота қиролни кузатиб, шунда
Деди Ватикан фикрини айтди лўнда:

«Мусулмонларни уруштириб сониян,
Темурбекга биз қўл чўзамиз қатъиян!»



Боғланса дўстлик риштаси ҳарблараро,
Ўртада чиқмас бирорта ҳам можаро.

Берамиз денгиз ҳам қуруқликдан ёрдам,
Темурбек икки ёқ-ла бўлади бардам.

Қиради жангда мусулмонлар бир-бирин,
Оврупода тинч, бўлади ҳаёт ширин!

Бутун Осиё бизники бўлар албат,
Қўлимизни гар тутса соҳибсалтанат!»

Дебон Ватикан вакиллари завқланди,
Боқиб қиролга мамнунликдан шодланди.

«Браво, эй азиз меҳмонлар -маслакдошлар,
Темурбек-ла сулҳ тузинг, кўмакдошлар!

Биз Византия, Венеция фикрлашиб,
Кастилия-ла ҳарбона зирҳ бирлашиб,

Иттифоқдошлар келганмиз бир қарорга,
Қолгани, Тангри таоло, Парвардигорга! »

* * *

«Овруподаги ҳарбий-сиёсий танглик,
Давлатлараро пайдо этди ул бирлик ».

Хуфия берган хабарга мос қумондон,
Ҳарбона режа тузди, ўйлабон обдон.

Мўмин-мусулмон қонин тўкмайлик дебон,
Рум-ла сулҳ тузар бўлди туғдор кўрагон.

Боязидни кўп чорлади дўст бўлсин деб,
Овруполиклар жомида куймасин деб.

Такрор-такроран йўллади кўп номалар,
Бўлиб ўтди мўл беписанд ҳангомалар.

Қўлламанг дерди муфтхўр, каззоб,ғайирни,
Қора Юсуф-ла Султон Аҳмад жалойирни.

Соҳибқироннинг панд-насиҳат сўзларин,
Уқмай Боязид «очолмади» кўзларин.

Мўл ғалабалар қилганди кўзин «ғилай»,
«Ман-ман» бўлганди, маслакдоши бир талай.



Емади ул сулҳ, дўстлику бирлик пок ошин,
Сийлади отиб ҳақорат, туҳмат тошин.

Жаҳолат сари чўкарди Боязидхон,
Истаги бўлиш жаҳонга якка хоқон.

Ёзишма шунга етдики, Боязидхон,
Турфа ваҳ ила Темурдан сўради қон!

Сўнгги номада Боязид бўлди қайсар,
Шоҳга номаъқул сўз айтди чўрткесар:

«Яхши билгилким, мени тезлама чўлоқ,
Гар келмасанг, хотинларинг уч талоқ!

Гар сен келсангу, сен-ла курашмай қайтсам,
Хотинларим уч талоқ, ичдим мен қасам!»

Шундай номаъқул нома-ла қўйди нуқта,
Амир Темур ҳам жавобин айтди пухта:

«Талоқ қилувчи хотинларимиз йўқдир,
Тангри таоло қўлласа жавоби-ўқдир!»

* * *

Қўзғолди икки суронли ҳарбий тўлқин,
Ўркачи олов ёндирувчи яшин-учқун.

Бир-бирин босиб, тиглаб оқизар қонин,
Қўксидан юлиб олар беаёв жонин.

«Икки қўчқорнинг боши бир баркашга сиғмас,
Икки ялонгоч шамшир бир қинга кирмас!»

Ҳаётий нақл бор элларда, ёронларим,
Жангу жадалда қирилар қиронларим...

Икки саркарда ганим, боши бирикмас,
Маҳв этгунча бир-бирин, асло зерикмас!

Икки саркарда мижози жаҳонгирлик,
Мутлақо ўчмас, келмас пас, чўнг мағрурлик!

Санчилгач ғурур нафсига Темур сўзи,
Шоп қиндан чиқди, лек очилмади кўзи.

Минг бир афсус-ла турди қиличин қайраб,
Жаҳонгир тизди жангжўй қўшин яйраб.

Кенгашга чорлаб амир, бек, нўъёнларни,
Батафсил баён этди ҳарбий туғёнларни:



«Бесабр Боязид чорлабди қонли жангга,
Йўйибди бизни қўрқоқ, аҳволи тангга.

Бараҳна шамшир, чорлабди ул жанггоҳга,
Борамиз албат, сўнги тақдири даргоҳга!»

Совуқ. Бир мингу тўрт юз икки санада,
Ўт изғирини кучайганди янада.

Совуқдан чўчиб ваз истаб таваккалга,
Амирлар юриш вақтин солди пайсалга:

Амир Сайфиддин Аббос, Худойдод Ҳусайний,
Айтибди: «Қайсар аскарини кучли, ҳақиқий,

Турон лашкари тинмаган, толиққанмиш,
Кетма-кет жангда навкарлар зўриққанмиш?»

Шу боис ҳазрат Шамсиддин Олмалиғий,
Амирлар сўзин топди маъқул, замоний.

Кириб саркарда ҳузурига оҳиста,
Амирлар «дурд»ин айтди босиқроқ, аста.

«Ҳазратим, Кенгаш қарорини, биз ёлғиз,
Ортга сурмаймиз, юриш тўхтамас, ҳаргиз!

Орқага қайтиш — мағлубият белгиси,
Лашкар фавжлари истар олға юргиси!»

Соний саркарда мунажжимни чорлабон,
Юлдузлар ҳукмин сўради, боқиб шоён.

Абдулла Лиссон - мунажжим очди китоб:
«Марғуб юлдузи хира, эҳтимол бетоб?»

Очиб Муҳиддин Мағрубий юлдуз китобин,
Сатрларин ўқиб, шоён айтди хитобин:

«Ҳамал буржида Зу дувоба юлдузи,
Ҳазратим порлар пурнур ғолиб юзи.

Бошланур юриш машриқдан мағриб томон,
Рум мамлакатин аҳволи бўлур ёмон!»

Ҳазрат Шамсиддин Олмалиғий эгиб бош,
Соҳибқиронга тилади ғалаба, бардош.

Румга юриш куни ўн олтинчи Ўт санаси,
Ижобат бўлғай мурод-мақсад барчаси.



Кун- «зикри тоат ҳам ҳосили муродот,
Пок, яхши ният кунӣ-ҳалли мушкулот!»

Ҳумоюн навкаб Сабзаворда соғ-омон,
Ҳут сўнгигача олди дам, йиғди дармон.

Жанговар лашкар кўчи Шамқур даштига,
Темур Бардаа-Ганжани кўчи гаштига.

Ўтиб Курадан Мирзо Муҳаммад Султон,
Юрди соҳилдан қўшинот олгач Фармон.

Йўллабон уғруқ карвонин Табриз ёққа,
Кўчи саф Шамқур даштидан Олатоққа.

* * *

Соҳибқирон қон тўкмаслик қарорида,
Йўллади элчи Румга йил баҳорида.

Номада талаб сўзлари эди бисёр,
Бўйин эгишни ёв этарми ихтиёр?

«Рум қабзасига киритилган мулкларни,
Соҳибига бер, қарғамасин туркларни!

Қайсар шу тарзда, Рум бўлади мусаллам,
Юртлар дўстлашар, жанг тугайди, вассалом!»

Элчи қайтмагач, Тарқумни тобе этиб,
Авникда турди нома жавобин кутиб.

Ислохий меҳр-ла дўстликни истаб Темур,
Ўй баҳрида сузди говвосдек баҳузур:

«Катта мулк, бойлик, шону шуҳрат жаноби,
Ўйлайдиким, ҳеч тортилмайди таноби.

Мўмин-мусулмон гар тўкса қон,гуноҳдур,
Шафқат,муроса мамлакатга савобдур!

Улкан қўшинлар босса халқ тартади жабр,
Қондош улус эл-юртида ортади қабр.

Бўлар қошона, манзиллар кунпаякун,
Азобда қолар жонзот, жангга шу якун.

Кийиб тескари тўнини Боязидхон,
Ўйладиларким, кўланкаси бир жаҳон!

Элчини ортга қайтармади Боязид,
Акнун босамиз Румни бу жанг зидма-зид!»



Мулоҳаза-ла икки ой Соҳибқирон,
Сабр-ла қутди жавоб, ҳукмдори Турон.

Эртага ишни қолдирмайдиган Темур,
Турар шодлик-ғам бошида ғамхур, мағрур.

Мирзо Муҳаммад Султон эмишким бетоб,
Чорлади айни тигиз, қизгин вақт-шу тоб:

Мирзо ўғлони шаҳзода Саъд Ваққосни,
Маҳд улё Туман оқа-зани ул хосни...

Тўйсин деб ота-бола ўз дийдорига,
Шукр айлаб, Оллоҳ инъоми-тақдирига!

* * *

Этарди ташриф давлатлар элчилари,
Темурни олиб тан мулklar эркчилари:

Византиялик элчи Франческо жаноб,
Туронга истаб дўстлик, яхшилик, савоб,

Бошин суққанки Авник қалъаси томон,
Номасида бор бисёр гап, яхши-ёмон:

«Византия шу кунданоқ Соҳибқирон,
Хазиначиги тўлайди йиллик ўлпон.

Денгизда йигирма кема жангга тайёр,
Император зот Иоанн бундан бахтиёр!

Тарабзуннинг ҳокими Сиз тарафда,
Эътиқоди чўнг, курашади бир сафда».

Византия-ла Турон тузгач иттифоқ,
Турон бирлан Румаро кучайди нифоқ.

Сивосга етган онда лашкари Турон,
Қайтарди қайсига ҳам Чимбойни омон.

Рум ҳам элчилар йўллади сарбасари,
Хом «бачки»ларин Сивос жилғаси сари.

Туфҳа жомида ўнта оту бир лочин,
Турарди гоҳ-гоҳ очиб патли қулочин.

Рум элчисига бериб камроқ эътибор,
Тортиқларини олмай қайтарди тезкор.

Қиблага боқиб шаҳона тусда мағрур,
Кузатар экан элчига деди Темур:



«Боязидхонга айтинг, Тангри берар нур,
Агар қўлласа, ҳуққа тўла лаълу дур,

Мамлакатидан ўтар бўлса гар лашкар,
Улус, эл-юртга келтирар бисёр зарар.

Гўзал маконлар бўлади кунпаякун,
Юрт хароб, босади очлик—қора қуюн.

Бегуноҳ мўмин-мусулмон қон қақшайди,
Қаҳатчиликда эл қандай яшайди?!

Қўрқаман даҳшат, буюк шу фожиадан,
Юборсин ўғлин, жой берай ноҳиядан.

Талабимизни гар бажарса, биз шунда,
Румни қўлида қолдирамиз, яшар унда!»

* * *

Лашкар жам бўлгач юрди бўрондай қамраб,
Олди Хорук-ла Қайсарияни ўраб.

Сўнг Анқурия сари отланди лашкар,
Жанговар сафлар саваб отин шиддаткор.

Хуфия боши берди аниқ хабарни,
Йўллади Темур энг кучли изқуварни:

«Анқурия ён биқинида қўшинлар,
Турганмиш Қизил ирмоқда яширинлар»

Тезкор отланди хуфия «тил» тутишга,
Амир Шоҳмалик сафи моҳир бу ишга.

Кўрди фарсах йўл босгач бегона аскар,
Боязидхонга мансуб туркий яничар.

Савашди икки мухолиф томонлари,
«Қамал»дан қочди яничар омонлари.

Лашкаргоҳни ёв ташлаб кетди бирпасда,
Соқчи сафи-ла Боязидхон ҳам аста.

Амир Шоҳмалик воқеа тафсилотин,
Соҳибқиронга баён этди бирин-кетин.

Аввал инонмай турди соҳибсалтанат,
Кенгашда этди муҳокама-машварат:

«Бу шавкатли ҳарб ишига мос эмасдур,
Чекиниш алдов бўлса ҳам ажабмасдур...



Йўлга қўйгандир пистирмалар бисёр,
Айланиб ўтинг, ўзга томондан ҳушёр.

Босса рост- сўлдан турклар келтирар қирон,
Қуршовда қолар албат, аскари Турон!

Қовун тушириб, ўт чиқарманг алафдан»,
Деб Шоҳмаликка боқди Темур дафъатан.

Жаҳонгир аввал йиғингача оҳиста,
Деди амирзода ўнг қулоғига аста:

«Боязидхонни кўздан қочирманг асло,
Уруш бўлмасин десангиз Мирзо, расво!»

Уқди шаҳзода Муҳаммад Султон босабр,
Улуғ саркарда туркларга кўрсатар меҳр.

Даст ўрнидан тик туриб амирлар томон,
Шитоб-ла юрди берай деб Олий Фармон.

Чорлаб йўллади амир Илёсхўжани,
Темур ўғлон-ла Шайх Али ботир хўжани.

Ёрдмга Ҳусайн қавчин бош -қош жанговар,
Изқувар сипоҳ қайсар ортидан борар:

«Изма-из боринг, қадамини кузатинг,
Сирли ҳаракат шов-шувсиз иш тутинг!»

Кенгаш юриш режасини муфассал,
Мулоҳаза-ла тузди тезда мукаммал.

Йиғин келди уч муҳим сирли тўхтамга:
“От-улов, икки минг аскар бог-ўктамга,

Эрта тонгданоқ мирзо Султон Ҳусайн бош,
Лашкардан ажраб кўчар амир, сафдош.

Иккинчи тўхтам - Анқурия қамали,
Ёвни захира йўлини тўсиш - амали.

Мухолиф қолса ҳечвақо- беахира,
Бўлар очликдан таслим улус, бечора!

Чопғун ила ён атрофдан озиқ тўпланг,
Туркларга залвор вазифаларни юкланг.

Шаҳар аҳлини чулғасин саросима,
Қишлоқларда эл кўтарсин зўр ваҳима!

Учинчи тўхтам бу- бог-ўктамдан чиқиш,
Қизил ирмоқ орт соҳилин жанггоҳ этиш.



Соҳил орти кенг қуруқлик, текис сайҳон,
Ҳал қилувчи жанг шу ерда, тўкилар қон!»

Минг тўрт юз икки санаси, ёз чоғида,
Икки буюк ҳарб савашар жанг чоҳида.

Турку туронлик саркардалар терс ҳамон,
Жангга киради жанговар, чўғдай ёмон.

Тонг ёришмасдан лашкар-ла Соҳибқирон,
Қизил ирмоқ сўл соҳилини қучди омон.

Анкурияни паст томондан айланиб,
Ўтди Боязид қўшинига шайланиб.

Шаҳар буржига бесурон бўлиб дохил,
Қамраб таслимин сўради беқон аҳил!

Қалъа бўлмади бир урунишда таслим,
Ҳимояланди амир Ёқуббей, муслим.

Тайинлаб қўшин қамалга олампаҳо,
Уруш майдони-Чибиқободга олди роҳ.

Ўринлашди чўнг тепаликка лочиндек,
Кўзга кўрунур жанггоҳ, қалъа лошиндек,

Саросимада қолди турк қўшиноти,
Амир, хабаргир, сардор, яничар зоти.

Чибиқободда тун бўйи тузди қўшин,
Тиғизлади саф-саф этиб довқур тўшин.

Боязидни зап қамраган ғалаба ўйи,
Соҳибқиронни шон-шараф туғи, базм-тўйи.

* * *

Амирзодалар Шоҳрух-ла Халил Султон,
Боронғорда шай турдилар мисли қоплон.

Туманлар-ла катта амирлар сафдош,
Сулаймоншоҳу Ёдгор Андхудий қардош.

Амир Суюнчик баҳодир, Давлат Темур,
Рустам Тоғой Буқо савашар мағрур.

Саф канбулида амирзода Султон Ҳусайн,
Тўйбуғо, амир Мусо чайир мисли қайин.

Жавонғорга бош амирзода Мироншоҳ,
Улуғ амирлар Шайх Нуриддинга ҳамроҳ.



Али қавчин-ла Мубашшир, Бурундуқ барлос,
Султон Санжар-ла ҳожи Абдулла Аббос,

Сайфиддин, Умар Тобон, Шайх Иброҳим,
Ширвоншоҳ ила арзинжоний ҳоким.

Қисм канбулига амирзода Абубакр бош,
Амир Жаҳоншоҳ, Қора Усмон туркман қардош.

Пир Али сулдус, Таваккал барлос турар,
Рум аскарини қамраб, қириб -ла босар.

Лашкар марказий қисмин ўнг қанотида,
Шаҳзода, амир жүчизот хизматида:

Шай турди Юсуф мўғул, Жалол бовурчи,
Искандар Ҳинду Буқо—толиқмас жангчи.

Хожа Али ибн Аперди яловдорлар,
Шитоб-ла босар туркларни жанговарлар.

Мирзо Аҳмад ибн Умаршайх, Давлат Темур,
Темур ўғлон бош, қўшинга бўлди ғамхўр.

Лапқар марказий саф қисмин сул қанотда:
Шай турди навкар босиқ, сабр-қаноатда.

Жалол ул-ислом ҳам Таваккал қарқара,
Хожа Муҳаммад Халил тортибон наъра.

Луқмон тавочи, подшо Иброҳим Қумий,
Хожа Сайфиддин етар ғалабага орий.

Лашкар марказий ғулига бўлди бош-қош,
Ҳарб амирзода Муҳаммад Султон қондош.

Пирмуҳаммад ибн Умаршайх ғулда ёндош,
Искандар бинни Умаршайх турар қондош..

Амирлар Хожа Али баҳодир нўъён,
Жанговар жангчи амир Шоҳмалик ёрон.

Ўқчи, нафт андоз жойланиб фил бошига,
Тизилди ҳарблар жангжўй илғор қошига

Лашкари қайсар пиёдалар ўқ-ёйли,
Зирҳ либосида, турфа миллатли ўйли.

Сафи турк ислом-ла гайридин насроний,-
Турк, гуржий, туркман, серб, булғору фарангий.

Лашкар маймана қисмда Лос Ифранжий бош,
Қайнағажонга ифранжий аскар сафдош.



Туркий маймана сафга зид Турон турар,
Мул суворийлар шартли имони кутар:

Амир Пир Али, Шайх Иброҳим, Ширвоншоҳ,
Туркманий Қора Усмон, амир Жаҳоншоҳ.

Турарди аскар ясолда қутиргандай,
Аждоҳа каби « пуркаб ўт туфургандай».

Ноғора,карнай-сурнай бермасдан садо,
Турон аскари жангга кирди ажабо...

Амирзодалар Шоҳрух-ла Халил Султон,
Майсарадан жанг бошлади солиб сурон.

Амирлар Султон Тоғой Буқо, Али Султон,
Амир Суюнчик баҳодир оқизиб қон.

Зарб ҳамла ила шоп серпагач нўёнлар,
Қонга бўялиб борарди хок, ҳар ёнлар.

Дажжол босгандай турфа овоз, ҳайқириқ,
Сиймтандай шамшир рақсга тушган,қийқириқ!

Ўйнарни қилич бошларни чопиб чунон,
Оқарди мўмин, кофирий лоларанг қон!

Филлар ҳайқириб борарди босиб- топтаб,
Ёвни босганди жон талвасаси қамраб.

Даҳшатни ёзай десам, чархланган қаламим,
Синарди тиғи, сўндириб бор алҳомим!

Эрону Турон жанги экан ўйинчоқ,
Исфандирёру Рустамники-бекинмачоқ.

Савашарди бир-бирин асло суймайин,
Тепада боронғор оёғи тоймай, куймайин.

Чўнг тепаликда олти қўшин-баронғор,
Мирзо Муҳаммад Султон бош жанговар,

Тисранди пастга ёғий ғули босганидан,
Тепаликка ёв ўрнашди тошганидан.

Савашни кўриб, олампаноҳи жаҳон,
Қўшин ташлади тепаликка шу замон.

Йўллади мадад кучин мирзо Шоҳрух бош,
Отланди шошиб мирзо Мироншоҳ қондош.

Лашкар тушганди зап чекиниш пайига,
Сафдошлар босгач қўшин қайтди жойига.



Топгач маймана, майсара сал талофат,
Боронгор қаддин ўнглаб келтирди офат.

Тепалик қўлдан боз кетди туркка ўтиб,
Лек боронгору жавонгор қувди титиб.

Тепаликни такрор турклар олди қўлига,
Боязидхонни қамраб солди жанг йўлига.

Сайдгоҳдагидек ёв тушгач тир-боронга,
Тиғ теккач қушдай ағнарди хок тўзонга.

Боязид кўрган бисёр жанглар суронин,
Турклар тепага йўллади жанг бўронин.

Интиқом тиғи зарбига дуч келмаган,
Пиёда, отлиқ тепаликка йўлланган.

Муҳаммад Султон сари амир Сулаймоншоҳ,
Тепаликка тип-тикка шошди очиб чоҳ.

Лашкари Турон тепани босгач қамраб,
Боязидхон тик тушди отидан сакраб.

Борарди ботиб Офтоб, хайрлашиб аста,
Тун чадраси босар жанггоҳни бирпаста.

Баронгор сафи тиғлаб босади жанговар,
Сийраклашмоқда тепаликда туркий аскар.

Боязидхон терс кийди шу топда тўнин,
Сездирмай зирҳлаб туйди мағлублик туғин,

Мағлубиятга юз тутиб қочди сираси,
Жанггоҳдан ўчди Рум қайсарин қораси.

* * *

Қочоқ Боязид Йилдирымни қувди қўшин,
Султон Маҳмудхон бош суворийлар жўшқин.

Тутди бир кўркам қишлоқ остонасида,
Ўрдуда кўрар борин пешонасида.

Иликин ортга боғлабон келди ҳайдаб,
Сўйишга илож йўқ, келди пичоқ қайраб.

Кириб чодирга кўрди ул бир кўз бирлан,
Машғул жаҳонгир Амир Темур иш билан.

Хаттот, мавлоно Шамсиддин Олмалиғий,
Мунажжими хос-мос Абдулла Лиссоний.



Муншийлар боши Зайниддин Кеший ила,
Амир Шоҳмалик банд эди жанг таҳлили-ла.

Ҳумоюн навкаб кўрди туркий «чақмоқ»ни,
Оқ сариқ, қотма, чўнг сергавда турк аймоқни.

Ёлғиз соғ кўзи қинин бузадигандай,
Боқарди тикка ул еб қўядигандай.

Зимдан имтиҳон этибон Соҳибқирон,
Тик қаради соғ кўзига қаҳр-ла чунон.

Юзига олов пуркагандек шу қирон,
Сесканди тани жунжикиб куйди чунон:

«Ҳолинг шу экан, савашиб на қилардинг,
Афсус, гапимни олсанг омон қолардинг!?

Сониян Темур деди: «Қўлини ечинг!
Туркийда шоҳни афв-ла хатосин кечинг.

Мозийда шоҳлар маҳбус бўлмасмиш, дейди,
Олсангиз гар ҳибсга шоҳни чертмасмиш” дейди.

Боязид қўлин ечди сипоҳлар мағрур,
Ўтиришга жой кўрсатди Амир Темур.

Билакдан тутгач Темур, Олмалиғий тек,
Ўтирмади Рум қайсари боқибон тик.

Сабр-бардош ҳукми етганда қиёмига,
Темур етаклаб ўтқизди ўнг ёнига.

Ғолиб ёнида ўтириш ўзи синов,
Қайсарни тинчлик, дўстликка эди ундов...

Шаҳид кетганлар учун этиб тиловат,
Темур кўрсатди ҳарбга исломий ҳурмат.

Дуога очиб қўл, етинг деди тилакка,
Боязид қўли етмади чўнг иякка!

Лек Соҳибқирон тўкиб солди бор дардин,
Боязидга бу оғир эди ҳар надин!

Турк саркардаси хап тинглади эгиб бош,
Муқаррар тортар жазосин, билди қардош.

Улуғ инсоний салоҳият-ла ҳамдин,—
Темур забон-ла эгди Боязид қаддин.



Хатосин олиб тан, торгади жазосин,
Кузига қалқиб ёш, асир тўсди юзин:

«Гар афв этсалар, ўтса гуноҳ, бадимдан,
Ўзим, фарзандлар чиқмас муте ҳадимдан!»

Боязид гапи маъкул тушгач Темурга,
Шоҳона сарпо ёпди чек қўйиб гурурга.

Боязид ўгли Мусони топиб ёрон,
Хос чопон ила сийлади Соҳибқирон.

Ҳумоюн ўрду комида тикиб чодир,
Рум қайсарига кўрсатди нега қодир.

Меҳмон этди бир ой ўрду хиргоҳида,
Адолат кучин олдириди тан роҳида.

Пойтахт Бурсага бормаин Боязидхон,
Оқ шаҳарда бир умр қолди чиққунча жон.

Тожу тахт дарди, алами мағлубият,
Кемирди ичдан дилга бермай ҳамият!

Шоҳлиқдан дарвеш бўлишни топиб маъкул,
Яшади элга кўринмай ҳужрада нукул.

Бир мингу тўрт юз уч сана, Ҳут бошида,
Ўлди Шайх Маҳмуд Хайрон қабрин бошида.

Ҳужрада тўққиз ой ёлғиз яшаб қайсар,
Қирқ тўққиз ёшда рихлат этди саросар.

Хоки абадий қолди шу ер қатида,
Шайх Маҳмуд Хайрон мазоратида.

* * *

«Аввал изҳори таъзия, соний бемор!»
Дебон саркарда қилди инсоний қарор.

Кириб Шайх Маҳмуд Хайрон мазоратига,
Саркарда ўтди Қуръон тиловатига.

Боязид қабрин узра тўкиб кўз дурин,
Сийлади хокин эгиб бошу гурурин.

Такроран Қуръони каримдан ўқиб сура,
Гулчамбар қўйди қабрига қўлин ура.

Хонадонига кириб этди таъзия изҳор,
Сарполар ёпди ул беғараз зинҳор.



Боязид ўгли Мусо эътиборига,
Бурса-ла Румни топширди ихтиёрига.

Ол-тамғадор зар билан битилган ёрлиқ,
Тутибон деди: «Тотувлик Сизга боғлиқ!»

Эл-юрт тинч бўлса, ҳар одам ризқин топар,
Гар нотинч бўлса, подшоҳни талаб, чопар!»

* * *

Юртни қамрагач жаҳонгирлик шуҳрати,
Элларда ортди Соҳибқирон ҳурмати.

Шодлик ортидан гоҳ келаркан ғам-ғусса,
Иложи қанча гулдай умр, куни битса?!

Мудҳиш хабар-ла Қора шаҳардан чопар,
Амирзодани Тангри эмишким олар,

Мирзо Муҳаммад Султон вориси тож-тахт,
Валиаҳдга ҳам тайёрамиш бақода тахт?

Ўз мудҳишидан ўзганикин чўнг йўйиб,
Доноҳўжа-ла кетмади ўзин койиб.

Ўзга қадрини ўзидан юқори қўйиб,
Олмади бирор одам кўзини ўйиб.

Румда исёнга қўл урган мазилларни,
Бирма-бир тобе этдилар жоҳилларни.

Гуржийлар элу юртида бор йўлтўсар,
Қирилиб битса айнайн Гургенхон нетар?

Бор-буди хокдур одам-олам гултожи,
Хокка боргайдур шоҳу гадо, йўқ иложи!

Талашманг олам хокига ер сарвари,
Бир кун тўлгайдур хокка кўзу қаншари.

Жаҳонгирлик интиҳоси

Серсавлат, ҳориш налигин билмас инсон,
Саркарда Темур соҳиби буржи қирон.

Жанглардан қайтгач буюк Ҳиндистондан,
Миср шаҳзодасин енгиб Шомий бўстондан,

Анқурияда янчиб ул Рум қайсарин,
Чиндан жаҳонгир ҳордиққа қўйди сарин.



Рум қайсарин тор-мор этиб жаҳонаро,
Темур тиклади эрк, дўстликни эларо.

Тангрига шукур этиб сўради Иймон,
Дили жонига мадад, сабр-тоқат, дармон,

Тангридан элни сақлагин деб хорлиқдан,
Соний дам олиб чиқар эмиш ҳордиқдан.

Қучиб диловар Кеш остонасин ёрон,
Юкинди падар заминга Соҳибқирон.

Ўтди нурафшон саййидон мазорига,
Муножот этиб ҳада берди хорига.

Нурилайн⁷⁶ Темур ота-она хокларин,
Зиёрат айлаб таъмир этди чокларин.

Шамсиддин Кулол, Жаҳонгир Мирзо қабрин,
Тавоб-ла Темур очди муштоқ кенг баҳрин.

Сониян ошиб довони Кешдан шошиб,
Тахтиқорача сари олди йўл босиб.

Қоратепани Темур қолдириб ортда,
Қасрижаҳонамо ичра олди дам юртда.

Пешвозга чиқиб пойтахтдан казо-казолар,
Нисорлар сочди бошидан шаҳзодалар.

Бир минг тўрт юз тўрт сана, Саратонда,
Ўрду-ла Темур қучди тонгни Туронда.

Боғи Чинорда олиб ярим кун дам,
Пойтахтни кўрди соҳибсалтанат бардам.

Ўқиб масжидда ул Аср намозини сўнг,
Муҳаммад Султон марҳадида турди чўнг.

Соҳиби тожу тахтни беҳад қумсаб,
Қуръон тиловат этиб, қолдилар тунаб.

Тонгда чорлабон уста, ганчкор, меъморни,
Кўрсатди янги мақбара тарҳин улугворни.

Юксак пештоқли, равнакли самодек ошён,
Кўм-кўк қуббаси товланар мисли осмон.

Меъмор Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний,
Чўнг пештоқдор мақбарани қурди, орий.



Ховлилар ҳаққин тўлаб серфайз ёзида,
Гулзор боғ барпо этди шу йил кузида.

Ўз битигида қўлаб арабий имло,
Ранго-ранг кошин, мрамар ила берди жило.

Зангори қубба қўнгандай само гумбази,
Таҳсинга етмас адиблар сарафрози!

* * *

Фирдавсмонанд Самарқанд қароғида,
Барпо этдирган жаннатмакон боғида ,

Сайр айлаб, олиб дам бўшроқ чоғида,
Тўй-тамошалар этди боғ қучоғида.

Ноилож кўриб топшириқлар барчасин,
Бирини бузди, бирини тузди, нечасин.

Бибиҳонимга хос мадраса қошида,
Пастқам мадраса турар йўлак бошида,

Вайрона этиб қилдилар кунпаякун,
Қурилажаги бўлар жилодор дуркун.

Ўзига барпо этмади ҳатто бир боғ,
Лек сарой, кушқу боғда яйради эл чоғ.

Элга қурдилар ул жилодор кўп бино.
Шул боис Темур бўлди бенуқсон сиймо.

Хазинада бор-будин берди халқига,
Дуконлар қуриб улашди ризқ мулкига.

Масжид, мадраса, қаср қурди юртига,
Карвонсарой, тим⁷⁷ бозор боқмай ортига.

Ўқисин деди шу улус фарзандлари,
Илмли, ҳунарманд бўлсин орзумандлари.

Савашди Ислон йўлида ул жанггоҳда,
Жон бериб, кечиб қон дашту гоҳ чоҳда.

Тиклаб элларда эркни Ҳумоюн навкаб,
Жангу жадалда қалбга тукканди савоб!

Бисёр суиқасд жомида чунон қайнаб,
Қоплондай чиқди ақл-ла қопқондан ўйнаб.

* * *



Буюк хаёлат тўфонининг мавжида,
Қилни қирқ ёриб ўтди ўй-фикр авжида:

«Гар мусулмонлик бўлса юртда устувор,
Иймоним комил, тинчлик бўлади барқарор!

Эллар дўстлашар, яшар буюк туйгу-ла,
Хонадон тўкин, умр ўтар беқайгу-ла.

Авлодлар юрар илму ирфон сари,
Мамлакат бўлар озод, тинч, эркли бари.

Ҳар элнинг бўлган мозий хокин сарҳади,
Тикламоқ уни ҳар халқнинг буюк дарди!

Дил лаъли ила қалбда ўйиб чизғилар,
Туркий сарҳадни қирон бутлар-тўғрилар.

Тангри бу залвор ишни юклаган нетай,
Улуғ юмушдан қочмайин ижро этай!

Танимда бор экан Сллоҳ берган иссиқ қон,
Ижросига тез киришгаймиз шу замон!

Турк қавм-элларин ер-сувин тиклаб умрбод,
Улуғ аждодлар руҳини этайлик шод!

Мозийга боқсак тарихан тузукроқ чин
Туркка мансуброқ шимолий Чин-мочин.

Туркийлар мулки қадимдан бу ер-ўтлоқ,
Ечимин кутар бугун, шу тугун-жумбоқ!?"

Ўй-фикр уммони уюриб мисли бўрон,
Қамраб борлигин кўзгарди дилда сурон.

Тушларга кирар қўшинларин ҳайбати,
Уйғонгач, такрор зўр жушарди ғайрати!

Тикибон тарих зарварағига нигоҳин,
Топарди тугал, зарҳал битик вароғин:

«Мозийда турклар саккиз асрча муқаддам,
Чин-мочин қўшни ила яшаган ҳамдам.

Даставвал бўлган борди-келди синовлар,
Турк ҳоқонларин этган сийлаб куёвлар.

Жабуга⁷⁸ларни хушлаб чин-мочин қизлар,
Фарзандли бўлиб, соний отган илдизлар.



Ўзаро қуда-анда бўлиб икки эл,
Тотув давр сурган бенизо, боғлаб зирҳ бел.

Мансабдор бўлиб чин-мочинлар юртида,
Турк жабуғалар эли қолган ортида.

Унутган Она юрт, Бузруквор заминни,
Талашган гоҳ-гоҳ хешу тобор-“ганим”ни.

Молу мулк, ер-сув талашда бўлиб устун,
Ҳоқонларни ҳуб талаб, қақшатган бутун.

Боболар юртин босиб завқланган жўшиб,
Соний турк мулкин олган Чин-мочин қўшиб.

«Ўз гўштини ўз мойида илк қовурган»,
Турклар мулкин нобуд қилган, совурган.

Турклар бошига қўнган буюк фожиа,
Бирлашмай қолган ерсиз қавм-жамоа!

Ноилож турклар кўчган ўзга ерларга,
Аждодлар мулкин ташлаб кетган “зўр”ларга.

Минг уч юз тўқсон саккиз санага қадар,
Тижорат ўсган Чин-мочин-ла сарбасар.

Мин сулоласи келгач ҳокимиятга,
Туркий қавм тўлаб турган бож салтанатга.

Эл бирлан қувғин этган мўл мусулмонни,
Улоқтирган бир минг икки юз мўминни.

Минг уч юз тўқсон саккиз-тўққиз санада,
Юз минг мўмин қатл қилинган панада!

Мусулмонликни тугатай деб юртида,
Мўмин қолмасмиш император ортида!?

Ҳукмдор Мин Хун–Ву туркни этгач қатагон,
Қолган кифтида ювилмас лоларанг қон!

Турон мулкига мансуб шимолий Хитой,
Қайтармоқ-чун чин жанг қиламиз, ҳойнаҳой!?

Кўҳна заминни иликка олмоқ мушкул,
Оламиз ёхуд бўламиз Хитойга қул! »

Деб Соҳибқирон шайланди боз юришга,
Ундаб шиддатли, қон-жон талаб урушга.



«Фағфур⁶⁹-ла сулҳни «пишитсак» ақл-ла ҳил-ҳил,
Баракс юришлар бўлади ниҳоят зил.

Гар ортса ўртада зидма-зид тортишув,
Лашкар тортибон босамиз, бўлар қон кечув! »

Ўй саноси-ла тоғлардан ошиб Темур,
Зафар туғига иликин чўзди мағрур?

“Осмон ўғли”миш фахфур Юн Ло инчунин,
“Олам маркази Чин-мочин”миш ҳамчунин?

“Ўғлим” деб хушлаб-чорлаб туркий эл шоҳин,
Таъмагирликка фахфур очган ўз роҳин.

Тўлармиш ўзга мамлакатлар бож-ўлпон
Ажаб нафси чўг, оч аждоҳадек ёмон!”

Деб нусратнишон кўриб жанг тадорикин,
Тизди пиёда—суворий зўр-зўр кўркин.

* * *

Сароймулқхоним мадрасаси комида,
Ишлар ижросин кўрди шоҳ мақомида.

Сўрди раият, халқ, ҳар одам танҳосин,
Тужжор бозорин нарху наво-баҳосин,

Солиқчизотлар ғазабини қосибдан,
Аҳли илм зорин мударрис-муносибдан.

Айбдорлар кўпи тортилди чўпи ясоққа,
Лек кимлар қочди жазодан баланд тоққа.

Сониян қабул этди Хитой элчисин,
Олтин Ўрдалиқ Идику ўзбек эркчисин.

Мамлакат ҳолин билди изқуваридан,
Сиёсий ҳолни хуфия сарваридан.

Пакана «Вот-вот» мунажжим зўр юкуниб,
Амир Темурга боқди чўчиб, ҳадикиб:

«Хитой элчисин кеча-ю кундуз кузат,
Хатоларингни тезда «мунажжим» тузат!

Чин-мочин қорасига соядек эргаш,
Мисли кана унга илашу тиркаш.»

Топшириқ бериб хуфия сардорига,
Элчини тутиб қолар бўлди ҳар корига:



«Эмиш Чин-мочин мулкин чекка сарҳади,
Хазар⁷⁹ денгизи, чаккимас фағфур ҳади!»

Шу боис ақча сўраган бефаҳм элчи,
Соқолин лик-лик этиб бамисли эчки.

Ань Чжидао, Го Цзин Хитойи элчи,
Тавба, сўрабди ул ўлпон чин-мочинчи?! »

Ўқиб номани кўзғолди Соҳибқирон,
Тамагир Юн-Ло талабидан шу замон.

* * *

Темур мафтункор Конигил қўриғида,
Олар бўлдиким дам Дилкушо боғида.

Танида сезиб беҳоллик аломатин,
Кимсага баён этмади саломатин.

Нусратқаринга табиб зимдан боқиб,
Сезди толиқиш дардини елка қоқиб.

Ўрду табиби хос мавлоно Табризий,
Деди: «Дам олинг, саркардаи замоний,

Илк муолажа ҳар танга шифо, орий»,
Шу талаб ила дамни топди зарурий.

Саркарда таслим бўлиб табиби хосга,
Икки ҳафтага бош эгди илтимосга.

Шул осойишта жимжитлик оромғоҳда,
Тузармиш юриш режасин шу дарғоҳда:

«Туркийлар мулкин ўзиники қилибон,
Уялмай биздан сўрабди Фағфур ўлпон!

Мўғулистон, Қошғар, Хутан, шимолий Хитой,
Тарихан эди туркий мерос, бизнинг жой!

Бостириб кириб Етгисув, Фарғонага,
Халқни талаб айлантирган девонага!

Самарқандга шу боис элчилар йўллаб,
Юн-Ло сўраган ўлпон таблисин ўйлаб.

Қўямиз нуқта кўҳна таъмагирликка,
Тўҳмату каззоб, талашу олғирликка!

Чин-мочинга илк юриш-қасдма-қасд талаш,
Жонлар бериб, қон тўкадиган жанг-саваш!»



Ўй ҳавзасидан бошин кутариб кўрди:
Жони жаҳони «Биби» келибди, кулди.

Лутфу ибo-ла лабдан учганда ҳар сўз,
Қалб гавҳари-ла учрашарди интиқ кўз.

Ўн саккиз баҳор оғушидагидек дил,
Талпинарди бир-бирига чўзибон қўл.

Лек суҳбатаро набиралар ўқишидан,
Сўради ҳаёт ўзанида сузишидан:

«Олим бўлгайдир Улуғбек, иншооллоҳ,
Тангрим берса гар самодан нурафшон роҳ.

«Аш-Шаммосия»⁶⁴ каби қураб Туронда,
Расадхонаким, улуғ бўлгай жаҳонда! »

Деб қўйди кулиб саркарда мийигида,
Хоним ёнди юзин зар дурра қийиғида.

* * *

Хитойга юриш бўлишин Соҳибқирон,
Кўксарой⁷⁰да илк бор қилди орзу армон.

Икки ой ўтгач армон бўлди ошкора,
Бандланди ҳамма юриш ила аввора.

Бесабр Чин-мочин элчилари ташвишли,
Учрашди Амир Темур-ла дили ғашли.

Ўн бештача чет эллик-ла қуриб суҳбат,
Жаҳонгир лутф-ла деди: «Тўйга марҳамат!»

Янги бетимсол чорбоғда тўй-томоша,
Сийлов-ла элчи кетади шу тонг оша.

Ўй қумғонида мезбон қайнаб тошибон,
Тўйбоши хизмат этар ажаб шошибон:

«Турфа элчилар ҳурматига зиёфат,
Берайлик Янги боғда этиб зўр иззат.

Кўз-қулоқ бўлиб ҳар бирига икром-ла,
Хизматин қилинг шарқона эҳтиром-ла.

Руи Гонсалес де Клавихо⁶⁵ жанобни,
Тинглабон сокин, пухта айтинг жавобни!

Ань Чжидао, Го Цзин хитойи элчисин,
Ҳар сўзин тингланг сабр-тоқат-ла «эркчи»син.



Соний кетади Чин-мочинга таъмагир,
Хитойга қуруқ «Гап ўлпонни-ла» гир-гир».

Айтибон: "Олиб борамиз мўл ўлпонни,
Зўр кузатамиз ўз юртига "ўпқон" ни.

Йўлда тутса гар Шош, Сайраму Ашпара,
«Меҳмон»ни уч-тўрт кундан, бу сўнгги чора!

Уруш хабарин етказур бир ойча кеч,
Жанговар вақтдан ютамиз шошилмай ҳеч».

Деб амирларга уқдирди сирни очиб,
Зиёфат берар бўлди борини сочиб.

Меҳмоннавоз-ла кутиб фағфур элчисин,
Қадахлар тутиб очди ғамгин чехрасин.

Қирқ бир кокилин ёйиб сиймтан раққоса,
Ўйинга тушди кўзни ўйнатиб роса.

Учарди мисли капалақдек парвона,
Дилларни мавжга соларди шу жонона.

Юртида кўрмай шоҳона илтифотни,
Эъозланмаган, кўрмаганлар ҳурматни.

Айтди қайтишин элчи шира кайф билан,
Олиб кетармиш ўлпонни ўзи бирлан.

Фағфур кутармиш ботмон кумуш-олтинни,
Қуруқ қайтса гар қонхўр олармиш жонни?!

Тошқинли ўй-фикр соҳилида қад ростлаб,
Саркарда Темур жавобни айтди мослаб:

«Қадам ранжида қилиб, юклаб ўлпонни,
Хурсанд этамиз албат буюк ўғлонни!»

Дебон жаҳонгир айвонга этди таклиф,
Айтди лутф ила Хитойга этишин ташриф.

Элчилар олгач сарпо, совға-бисотин,
Қалбга жойлагач инсоний таъсиротин,

Кузатди тонгда саркарда "қайгу"ларни,
Номада баён этиб ҳис-туйғуларни.

Фағфурга этиб туфҳани сал вазминроқ,
Элчи юкини қилди сал залвор тўқроқ.

Кузатди узоқ Чин-мочин юрти сари,
«Хуш-хуш»лашибон аркони давлат бари.



* * *

«Хайр-хуш» базмидан икки ҳафтача аввал,
Баён этганди махфий юриш сирин даставвал.

Моҳи Сумбула. Минг тўрт юз тўрт санада,
Махфий Кенгашда сир очилди янада.

Сароймулкхоним мадрасаси зап салқин,
Юракда борин баён-ла этди талқин..

Кенгашда аҳли нўён, амирлар,вазир,
Хитой юришин билди, ташвишин ҳозир.

Аркони давлат, улуғ амирлар, нўён,
Воқиф бўлди бу сирдан вазири калон.

Кенгаш қўшинга этди сардор тайин,
Фавж ўринларин белгилади атайин:

Шаҳзода Сайди Аҳмаду Халил Султон,
Боронгор қисмда бўлар жанговар қалқон.

Амир Худойдод Ҳусайний, Шамсиддин Аббос,
Шаҳзодаларга қўмакдош устоз, мос-хос.

Ҳарбий ҳаракат боши серфайз илк кўклам,
Қишлов манзили Шоҳрухия, Шош, Сайрам.

Жавонғорда бош шаҳзода Султон Ҳусайн,
Саброн ҳам Ясси қишлаш манзили тайин.

Гулда Темурга амирлар соф жафокаш,
Оқсулот, Ўтрор қишлаш макони захкаш!

Отланиб залвор юриш тараддусига,
Қўшинлар сафин йўулади ўрдусига:

«Узоқ муддатли босқин, жанговар юриш,
Қирғин-барот-ла кечар қонталаб уруш.

Матлаби юриш-жанговар тайёргарлик,
Талаби-қурол-аслаҳа, сафарбарлик!

Бу икки мезон-ғалаба устунни-синчи,
Захира отлар улкан уруш таянчи!

Қўрганмиз Она қарғавийда азобни,
Ўтхўрлик, очлик, қаҳатчилик, каззобни.

Тўпланг егулик озиқабоп дон-дунни,
Қўрмайлик такрор мудҳиш оч-зорлик кунни!»

Дебон саркарда юклади залвор юмуш,
«Ҳокимлар, навкар йиғинг бу оғир юриш!



Тўпланг икки юз минглик жанговар лашкар,
Мовароуннахр, Туркистон, Балхдан навкар.

Хоразм, Бадахшон, Румдан зиёдаларни,
Мозандарон-ла Шомдан пиёдаларни,

Сеистон ила Хуросондан камондорни,
Қиличбоз, эпчил шиддаткор найздорни.

Қурол-аслаҳалар ҳолини, билинг сонини,
Сув сепгандай сир тутинг бу ҳарб корини!»

* * *

Халққа улашиш завқ, бахт-исломий ҳислат,
Соҳибқиронда мужассам инсоний одат.

Бир минг тўрт юз тўртинчи йил йўриғида,
Бўлади тўй-базм Кониғил қўриғида.

Қўриш набира, жиян тўй-тамошосин,
Юришга қадар дуркун келин пошшосин.

Соний улусу мулкка ҳукмдор тайинлаш,
Юртларни инъом этиб гарданга юклаш.

Оромбахш боғи Дилкушода катта базм,
Тўй-томошага таклиф этган, қилиб жазм.

Элчилар, казо-казолар-улуғ меҳмонлар,
Совға-саломин тутар чаққон мезбонлар.

Таширф этган Миср, Бобилу Франциядан,
Испания, Рум, Жета, Шом, Англиядан,

Италия-ла Сақлаб, Зобулистондан,
Олтин Ўрда-ла Руму Мўғулистондан,

Византия-ла Хитой ҳам Ҳиндистондан.
Пойтахтда қўним элчихоналаридан

Олтин Ўрдалиқ элчи бош аъёнлари,
Азиз меҳмондур гулбадан аёллари.

Турунда муқим меҳмонхоналаридан,
Таширф этган жами ошхоналаридан.

Қуёв-Улуғбек ибн амирзода Шоҳрух,
Иброҳим Султон бинни шаҳзода Шоҳрух,

Ийжил Мирзо ибн Мироншоҳ ибн Темур,
Сайди Аҳмад бинни Умаршайх бинни Темур,



Пирмуҳаммад ибн Умаршайх амирзода,
Мирзо Байқаро—шоҳ жияни-аслзода.

Йигирмадан қўп хорижий бўлди меҳмон,
Элчи зоти еб - ошади қилмас армон.

Буюк давлатлар чет эллик элчилари,
Икки ой тўйда яйради эркчилари.

Элчи зотига ёпиб заррин сарполар,
Шоҳига битди соф ниятли номалар.

Кузатди сўнг ўз элчисин қўшиб бир-бир,
Боқиб ортидан Темур қувонди масрур.

Руи Гонсалес де Клавихо жаноблари,
Мўл-қўл экан ул сўрову жавоблари.

Ҳис-таъсиротлар баҳрига шўнғиб қайтди,
Соҳибқирон-ла суҳбат қурганин айтди.

* * *

Бир минг тўрт юз тўрт сана, куз сўнгида,
Мунажжим чўкиб тиз саркарда ўнгида,

Самога боқиб очди зоижа Бадриддин,
Юриш вақтини башорат этди ҳамдин.

Бир мингу тўрт юз беш сана, илк Ҳамалда,
Юрар лашкари Турон шарққа амалда.

Бир минг тўрт юз тўрт сана, илк қиш бошида,
Буюк юришга сафланди ул қошида.

Оби ҳаво тунд, шамол, қорли изғирин,
Бет-қўлни ялаб турарди сочиб заҳрин.

Паға-паға қор ёғиб турса-да Темур,
Совуқда юрди Ўтроп сари баҳузур!

Ёғарди тинмай қор, манзара бетакрор,
Муччи оларди ердан ўйнаб лайлакқор,

Далаларга зеб бериб ёпди оқ пўстин,
Лек навкар босар қадам сусайтмай шахштин.

Турарди жилва этиб “Қорқиз” жамоли,
Чақиб турарди “Илон ўти” шамоли.

Лашкаргоҳ қуриб Оқсулотда қўшинот,
Навкар олди дам шоп серпаб, ўйнатиб от.



Совуқдан танлар қақшабон анча-мунча,
Манзилда турди йигирма саккиз кунча.

Ортда қолдириб Оқсулот оромгоҳин,
Босиб ўтди Узун, Хўжа, Қиморшоҳин.

Соний Султоншайх, Зарнук йўл азобида,
Ўтрорга етди жангчилар жанг ғазобида.

Босиб отланди шитоб-ла лашкар жиддий,
Қишлоғга етди тўлганда моҳи Жаддий.

Қилич серпашди навкар кечаю кундуз,
Ҳарблар машқида бўлди саркарда юлдуз.

Олампаноҳ ҳақ талаб, адолатпеша,
«Куч- адолатда» деб иш кўрди ҳамиша.

Беҳад талаб ҳар сўқиш, жанг-жадал,ишда,
Юмшатмас дилин баҳор, ёзу куз,қишда.

Улашиб совға, улуфа жангдан аввал,
Этарди жангни хос башорат бирлан ҳал.

Моҳи Далв.Совуқ. Минг тўрт юз беш санаси,
Қақшай бошлади илқис Темур танаси.

Ёнида табиб хос Фазлулло Табризий,
Муолажа - ла банд табиби замоний.

Лек кундан-кунга кучаярди хасталик,
Шоҳ ётарди умр қолгандек бир пасдалик.

Ўй кузгусида тизилб,тасвирланиб,
Ўтарди ҳаёт лаҳзалари товланиб.

Қилган исломий ишлари қад-бўй чўзиб,
Умр гулшанида мағрур турарди қулиб.

Қурган мадраса, масжид,қаср,наҳр,боғлари,
Рухдек афв сўрар видолашув чоғлари.

Сароймулкхоним турар кўзи тўла ёш,
Илтижо қилиб Тангрига, эғибон бош!

Оллоҳга қилиб илтижо, мурожаат,
Аста ўқирди Калимаи шаҳодат.

Саркарда кўзин сал очиб қилди имо,
Тавба, ақлу хуш эди бутун, ажабо:



“Посбонга айтинг, амирларни чорласин,”
Шоҳ кўрар бўлди амиру дўст қорасин.

Сал ёнбош бўлиб жаҳонгир Соҳибқирон,
Умр интиҳосин билиб амир-ут-Турон:

“Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир ул валиаҳд,
Шу онда Сизлар ичинг онт, қилинг аҳд!

Зое этмасин ишларимни шаҳзода,
Ҳимоя қилсин динни, бир дури шода!”

Тинглабон Амир Темур Ҳақ васиятин,
Ичиб онт, сақлар бўлди Шоҳ қадриятин.

Фаҳм этдики, қалб қафасининг руҳ куши,
Чоғланса таркка, одамнинг учар хуши.

Шоҳмалик: “Ҳазрат, мулклар, топсинми хабар?”
Сўровни тинглаб соҳибсалтанат-бемор:

“Шоҳрух Мирзони кўрмадим бу замонда,
Бўлғуси шоҳким, жони бўлсин омонда.

Жоним манимким, хеш-табор омонотга,
Дийдори фарзанд қолдилар қиёматга!”

Сониян икки бармоқларин тутди тик,
Ва деди: “Қолди бир пасгина умр, вақт зиқ!”

Бу видолашув сўзи эди сўнгсўзи,
Жиққа ёш-дурга тўлди борлиқнинг кўзи!

Аҳли Турон-ла жаҳон тўкиб дурларин,
Гиря этдилар кузатиб халоскорин!

Кечди не даврлар тожу тахт талашида,
Не саркарда-ю эркесвар эл бошида.

Йигирма етти юртга тиккан ўз тугин,
Тикланди тинчлик, адолатли зирх бугин!

Тангри инъоми — тақдир тақозаси,
Шундай тугади жаҳонгирлик интиҳоси.



Хотима

Буюк самони яратганнинг шайдоси,
Наби Муҳаммад динининг жонфидоси,

Саккизинчи юз йиллик Соҳибқирони,
Эркпарвар Амир Темур Тарағай ўғлони.

Олампаноҳни бор тўрт ўғли, икки қизи,
Серқирра фикрли, қирғийдек ўтқир кўзи.

Мирзо Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух,
Оқабегим ҳам Султонбахтбегим гулруҳ.

Оллоҳ юклабон илоҳият неъматин,
Вафо ҳукми-чун Темур тикди қисматин.

Илоҳий талаб фақат Ҳақиқат, Поклик,
Заминда Тинчлик, эларо Бирлик, Дўстлик!

«Падарзаминни севмоқлик Иймондур,
Озод, мустақил этмоқ бахти инсондур!»

Деб эрк-чун Темур этганди жонин фидо,
Лоларанг чаноқ тузди эл-чун бенидо,

Ватан ишқига этибон бир умр вафо,
Темурбек бўлди унутилмас бир сиймо!

Даставвал бутлаб Туронзамин ҳудудин,
Турон давлатин тузиб, тикди ўз тугин.

Илоҳий тугён бўлганди дастур-амал,
Қон кечиб этди мўл қалъаларни ишғол.

Тангри амри-ла учинчи Соҳибқирон,
Тобе этди Рум, Жета, Қипчоқни ёрон.

Жанубий Хоразм ерларин муте этиб,
Эронда тикиб эрк тугин олди қўшиб.

Нонқур Тўхтамиш кўмак ила бўлгач хон,
Оқбат мадад бергандан сўради қон!

Ноилож «падар» қувиб беҳис «ўғлон»ни,
Чала жон этди саҳройи ул «илон»ни.

Кофир, муфтхўрни тиглаб бирма-бир сўнгра,
Ҳақни тиклади ошён, манзиллар узра.



Мусулмонлик-чун қилиб жанг олампаноҳ,
Хўрланганларга бўлди зирҳ қалқон, паноҳ.

Ватан-чун ҳар ким тикиб ширин жонин,
Фидо этмас эл эрки-чун иссиқ қонин!

Равнақи дини ислом деб жондан кечиб,
Ўтди ярим умр жанг, отда эгар қучиб.

Чопди каззобу сотқин, муфтхўр илдинин,
Ўйди қароқчи, каззоб, муштумзўр кўзин.

«Ман-ман»лар ҳолин қирғин-ла этиб танг,
“Куч-адолатда” дебон қилди исломий жанг.

Элларда тиклаб наби Муҳаммад динин,
Ростлади саййид, уламо, олим қаддин.

Бутлай деб бу фоний дунёнинг кўркин,
Юртларни озод этиб тиклади эркин.

Мамлакатларда ўрнатиб соғлом тартиб,
Наҳр қуриб обод этди боғлар яратиб.

Тужжорлар иши тушди изга жойма-жой,
Қурди тим бозор, работ, карвонсарой.

Савдогар савдо-сотиги тушгач йўлга,
Дўконлар тўлди молга, ҳамёнлар пулга.

Кафолатланди савдогар, савдо иши,
Ҳимояланди кеча-кундиз ҳар киши.

«Куч-адолатда, келажак-уқувликда,
Ободонлик—тинч ҳаёт, тотувликда!»

Дебон қурди чўнг қуббадор мадраса,
Ўқисин улус, Куръон, илму ҳандаса.

Элларга тикиб эрк туғин Соҳибқирон,
Улуғликка йўл очди халқпарвар қирон.

Эл-юртлар ўтди Темур туғи остига,
Мамлакатлар илк бор этди эрк постига.

Барпо этди боғ, қурди гумбаздор кўшк, қаср,
Қаддин букканмас ўтса-да вақт-олти аср!

Каззобларни қириб юртларни этгач озод,
Вайроналарни тиклабон этди обод.

Адолатпарвар Амир Темур сиймоси,
Ўхшар Қўшга беминнат шарораси.



Тинчлик, адолат қалқони — кафолати,
Поклик, исломий ҳис-ла яшаш одати:

«Тангри таоло менга ато этган дур,
Самодан олов пуркаб куйдирувчи нур.

Тинчлик-ла бирлик, дўстлик-ла поклик туғин,
Муслмонлик-чун ёйдим кураш ёғдусин.

Покларга синчман, каззобга лаҳча чўгман,
Йўлтўсарга ўқ, муфтхўрга найза-тиғман.

Иймонлига мен муаттар настарин гул,
Кофирга қирғин берувчи соққадек дўл!

Мен Амир Темур — тинчликнинг далилиман,
Осойишталик, дўстликнинг кафилиман!”

Деб Амир Темур ибн Тарағай Тангрига,
Адолатпеша бошин эгди ул тақдирига.

Исломий руҳда жанг қилиб кўп кўриб мен,
Йигирма етти мулклар узра мен дерман:

«Кўтариб бола бир баркаш олтин танга,
Ўтса мамлакат бўйлаб камаймас бирга!»

Деб Амир Темур Ҳақни ёйди бир умрга,
Адолатпеша бошин эгди Тангрига.

Хумоюн навкаб Темур соҳиби ҳурфикр,
Ҳақиқат, эркни тиклади мўл қилиб зикр.

Таъмирлаб авлиё-анбиёлар турбатин,
Ўрнига қўйди илк хоксорлар ҳурматин.

Қадамжоларни таъмир этиб ул мудом,
Ўтганлар руҳин шоён этди, бу эҳтиром.

Уламоларни ўзига яқин тутиб,
Исломий руҳда эъзозлади хуш кутиб.

Атаб барпо этди кушк, қаср, масжид, мадраса,
Муфассал ўқиб билсин деб авлод ҳандаса.

Масжидлар тўлиб ўқилса Ҳадис, Қуръон,
Озиқ олибон поклар ўз қалбин инсон.

Улус онгига сингач билим, маърифат,
Шул гузал юртдан қочар бало-ю офат!

«Аҳли илм юртнинг умрбод сўнмас чироги,
Порлоқ ҳақ йўлин ёритувчи шамчироги!»



Дебон саркарда илмлига бўлди ҳомий,
Иzzат-икромин этди ҳар он замоний.

Яратди ул турфа имкониятларни,
Пойига тўкди жавоҳириятларни.

Илмдорга сочиб хазина зарларини,
Жамлади китоб, ҳар зарварақларини.

Чизди илм аҳли қалъа-ю, қаср, кўшк тарҳин,
Сўрамай барпо этиш муҳлату нарҳин.

Кешда Оқсарой — Текина Моҳ қасрини,
Турон қудратин кўргай ул вақт-асрини!

“Шоҳрухия” Шоҳрухга Сир ортида,
Жоме масжиди Бибиҳоним отида,

«Тортиқ этдимки боғларни ёру қизимга:
“Боғи Беҳишт”ни Туман оқа бегимга,

“Дилқушо боғи” аталган ёш ёримга-
Мўғул Хизрхўжа қизи Тўқол хонимга».

Қурди Муҳаммад Султонга атаб турбат,
«Валиаҳд Мирзо ётсин дебон беғурбат!»

Лек қурмадилар нусратқарин сиймо,
Ўзига атаб пастқамгина бир бино.

Темурга атаб қурганди Бибиҳоним,
Ўз маблағига Жоме масжидин хоним.

Юришдан қайтиб Темур ташлаб нигоҳин,
“Тавба, бу қандай зебо қасри оҳанин?”

Балқиб турарди исломий нурли ошён,
Темур инъомни этди совға, ёр шоён.

Ул масжидни дер: “Бибиҳоним масжиди”,
Соҳибқиронга далда бергувчи вужуди.

Исломий тавҳид, калимаи шаҳодат,
Темур қалбининг гавҳари, эмасдир бидъат.

Мадраса, масжид қурди, берибон сайқал,
Жаҳонда мангу қўйди ўзига ҳайкал!

Жвҳонгир Темур ўхшар сертафт қуёшга,
Элга меҳрибон, ҳар бир қари-ю ёшга.

Йигирма етти мулкда исломга равнақ,
Бериб каъбага ул очди пок роҳ, барҳақ.



Озод заминда улус яшар нуробод,
Соҳибсалтанат яшар қалбларда умрбод!

Оврупо дўстлик қўлин чўзиб элчи-ла,
Ҳарбона кўмак сўради тинчлик ила.

Оврупода Рум босқинининг барҳами,
Бўлди дўстлику тинчлик туғин ҳамдами.

Озод бўлдилар зуғумдан бисёр эллар,
Савдо-сотиққа очилди равон йўллар.

Жаҳонгирлар кўп ўтган қадим замонда,
Қолдирмай яхши изин кетган армонда.

Ер юзин босиб, титратган Искандаршоҳ,
Ўтди қолдирмай на боғу бирор даргоҳ!

Шарқда элларни талабон этган маҳбус,
Обод юртларга берган зап вайрона тус!

Жаҳон ярмини босиб мўғул Чингизхон,
Ўтган эл талаб, ул изсиз, босқинчи хон.

Барпо этмай бог, экмасдан бир туп ниҳол,
Зулукдай сўриб қон, аждоҳодек филҳол⁴⁰.

Соҳибсалтанат Амир Темур намуна,
Адолат ила эрка бўлган парвона!

Соҳибқирон ул адолатпарвар сиймо,
Халқлар улус қалбида ўчмас ёғду доимо!

Қаддини тутсин ғоз Ўзбекистон фарзанди,
Жаҳонда Темурбек руҳи қалба уйғонди.

* * *

Халқим Истиқлол нуридан олиб шарора,
Соҳибқироннинг руҳи покланди тобора.

Ва дунёга кўрк бергай, бахш этиб сайқал,
Шошу Самарқанд, Кеш, жаҳондаги ҳайкал...

Улуғ эркпарвар Амир Темур — чун таъзим бу,
Мангу тугамас ашъор, дoston ҳам назм бу...

ТАМОМ

ИЗОҲЛАР

- ^{1*} Шайх Шамсиддин Кулол, Амир Темури
^{2*} Нуҳ ибн Ламак ибн Матушлак ибн Аннуҳ(Идрис) ибн Барад ибн Маклайил ибн Кийнон ибн Ануш ибн Шиш ибн Одамота-пайгамбар
^{3*} Рус ибн Ёфас ибн Нуҳ
^{4*} Александр Македонский
^{5*} Чингизхон ўғли, иккинчи император
^{6*} Гуякхоннинг беваси.
^{7*} Мовароуннаҳр хони(1318-1326 й.)
^{8*} Динар - 4,235 г олти
^{9*} Дирхам- 1/3 мисқол(1 мисқол 4,464 г. тенг огирлик ўлчови)
^{10*} Мовароуннаҳр хони(1326-1334 й.)
^{11*} Мовароуннаҳр хони(1336-1344 й.)
^{12*} Мовароуннаҳр амир —ул-умароси.
^{13*} Амир Темури амакиси
^{14*} Муғулистон хони
^{15*} Хужанд ҳокими
^{16*} Амир Ҳожибск, муғул амири. Жста амири, вақтинча Шош ҳокими бўлган.
^{17*} Амир Темури қайнағаси- Ҳисор ҳокими.
^{18*} Муғулнинг етти саркардаси.
^{19*} Туғлуқ Темурхон ўғли. (Илёсхўжа)
^{20*} Тотканд — Сарипул ҳокими
^{21*} Балх ҳокими.
^{22*} Жста бош амири.
^{23*} Хутталон(Кўлоб) ҳокими
^{24*} Нурмушк оқа отаси, Амир Темури қайнотаси.
^{25*} Моҳон ҳокими.
^{26*} Амир Темури пири.
^{27*} Қадимги Афғонистондги турк-муғул қабиласи
^{28*} Хусор-Қаршининг шарқий жанубида
^{29*} Термиз шаҳрига берилган исломий унвон.
^{30*} Дуклот амири, Амир Темури опаси Кутлуг Туркон оқа эри
^{31*} Амир Темури синглиси Шербийк оқанинг эри
^{32*} Балх шаҳрига берилган исломий унвон
^{33*} Ҳидоят Маоб, Андхудлик машҳур саййид, Макао мукаррама саййидлар бошлиғи сифатида 1370 йили Соҳибқиронга давлат рамзи сифатида туғ, алам(буйруқ) ва ногорани топширган Амир Темури пирлари, 1404 йилгача ҳарбий юришларда Амир Темури билан бирга бўлган. 1404 йили Қорабоғда вафот этган. Андхудда дафн этган. 1409 й. Шоҳрух Мирзо фармони билан хокини Самарқанддаги Темурийлар хилхонасида Амир Темури бош томонига қучириб қайта дафн қилинган.
^{34*} Элбурс қалъаси.
^{35*} Чингизий, Олтин Ўрда хони(1412-1442). Ўзбекхон
^{36*} Муғулистон подшоҳи. асли уйғурларнинг дуклот қабиласидан.
^{37*} Урусхон-Чингизий, Оқ Ўрда хони(1361-1376)
^{38*} Тўхтамышхон отаси.
^{39*} Оқ Ўрду ҳокими. кейин Дашти Қипчоқ ҳукмдори.
^{40*} Муғул саркардалари Қамаридин, Хизрхўжа, Анқо тўра.
^{41*} Хизрхўжа - Муғул саркардаси
^{42*} Анқо тўра - Муғул саркардаси
^{43*} Қозонхон қурдирган улкан сарой.
^{44*} Ўғузхон-Ибн Қорахон ибн Муғулхон
^{45*} Муғулистон подшоҳининг оромгоҳи.



- 46* Туқол оқа-Мўғулистон хони амир Хизрхўжахон қизи, Амир Темур завжаси.
 47* Амир Темур завжаси.
 48* 500 аскарли ҳарбий бўлинма-қўл
 49* Қозоғистондаги Кичик тоғ.
 50* Марказий Қозоғистондаги тоғ.
 51* Шимолий Қозоғистондаги қўл.
 52* Ахоманийлар давлатининг подшоси(мил.ав.336-330й.)
 53* Араб саркардаси (Қутайба ибн Муслим)
 54* Утрор-қадимги номи Фароб, Туркистондаги шаҳар. Арис сойининг Сирдарёга қуйилиш жойида жойлашган.
 55* Конигил- Самарқанд шарқида Сиеб ариғи бўйида жойлашган қўриқ.
 56* Астробод-Каспий денгизининг шарқи-жанубий тарафида, Мозандарон чегарасида жойлашган шаҳар.
 57* Туркия давлатининг қўҳна номи.
 58* Бағдоддаги Аш-Шаммосия расадхонаси.
 59* Жиржис пайғамбар.
 60* Юнус алайҳиссалом.
 61* Курдистон баланд тоғидаги қалъа.
 62* Султония билан Куния оралиғида, Тарабзун-Эрон катта қарвон йўлида жойлашган шаҳар-қалъа.
 63* Ҳижрий йил ҳисобидаги саккизинчи юз йиллик.
 64* Ҳиндистонлик саркарда.
 65* Рум подшоси.
 66* Эдирке (Андрианполь)
 67* Фракея-Болқон ярим оралинини шарқидаги вилоят
 68* Филиппопол (Пловдив)
 69* Фахфур- Хитой императорига бериладиган унвон (лақаб)
 70* Самарқанд қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш корхонаси.
 71* Кастилия қироли Генрих уч элчиси.

ЛУФАТ

- 1 Баронғор-қўшиннинг ўнг қаноти.
 2 Жавонғор-қўшиннинг сул қаноти.
 3 Партав(а)-Нур, шуъла.
 4 Сиедат- Саййидлик, пайғамбарликка мансуб ном,
 5 Миррих-Марс сайёраси(планетаси).
 6 Зуҳал-Сатурн сайёраси(планетаси).
 7 Каманд(арабча)- Сиртмоқ, арқон сиртмоғи.
 8 Шариф-ҳимоячи.
 9 Урду-Подшоҳ, қўшин, давлат бошқарув қароргоҳи.
 10 Барлос(мўғулча)-Шижоатли, жасур йигит.
 11 Филҳол- Шу ҳолда, дарров.
 12 Жангжўй(ф)-урушқоқ.
 13 Сарбасар(саросар)-Бошдан оёқ, бутунлай.
 14 Тасхир-Қуршаб олиш, ҳалқа қилиш..
 15 Қантара-Қуприк
 16 Чингдовул-Қўшин ортидаги ҳарбий қоровул.
 17 Фул-Қўшиннинг марказий қисми.
 18 Чаноҳ-Қўшиннинг кичик қанотлари.
 19 Шош(Чоч)-Тошкент шаҳри.
 20 Интиҳоб-Сайлаш.
 21 Канбул-Лашкар қанотини ҳимояловчи махсус ҳарбий қисм.
 22 Ҳировул- Қўшиннинг илғор қисми ортидан борувчи бўлинма.
 23 Ядачилар бугини-Яда(жада) тош ёрдамида қаттиқ довул, қор, ёмғир ёғдирувчи ёки уларни қайтарувчи одам-жодугар.
 24 Синъоатзода- ҳунарманд, санъаткор.
 25 Сарбадор-Бошини дорга тиккан озодлик курашувчиси.



- ²⁶ Айнайн(а)-Икки кўз.
²⁷ Алҳол(форсча)-энди, ҳозир, шупайт.
²⁸ Хиргоҳ-Чодир
²⁹ Хийма-Чодир
³⁰ Қурагон(муғулча)-куёв
³¹ Фаррон-Текис, равон, тез.
³² Муффатин-Исёнчи, фитначи
³³ Доруға-каптархоначи
³⁴ Қоқим(арабча) -Териси майин ва оқ рангили сув ҳайвони.
³⁵ Самур(арабча) -Қундуз (сув ҳайвони).
³⁶ Уғруқ-Хукмдор фарзандлари, набиралари, хотин-халажлари турдиган манзил.
³⁷ Ўрол - дарёси
³⁸ Чилоб -Челябинск
³⁹ Итил- Волга дарёси
⁴⁰ Кавзан-суғур
⁴¹ Дарахт шохли ҳайвон-Буғи
⁴² Камоҳий-Айнан, шундай, ўзидай.
⁴³ Олачуқ - муваққат чайла.
⁴⁴ Ёйиқ - Ўрол дарёси
⁴⁵ Бадхоҳ(форсча)-Душман
⁴⁶ Ошуб-Ғавго, тупалон.
⁴⁷ Мифтоҳ(а)-Калит.
⁴⁸ Кавкаб-Юлдуз.
⁴⁹ Кутвол(ҳиндча)-қалъа бошлиғи, қуриқчиси.
⁵⁰ Осуда(форсча) 0 Тинч, тинчгина
⁵¹ Марқал(арабча)-Қабр, гур
⁵² Куффор-Кофирлар.
⁵³ Томуг амали-туркийда эмаклаб бориб Хукмдор тунининг пешини
упиш амали
⁵⁴ Тадриж-Аста-сскинлик
⁵⁵ Қалам этмоқ-қириб ташлаш(жангда)
⁵⁶ Гудошув-бошлик, саркор.
⁵⁷ Жорубкаш(форсча)-Хизматкор
⁵⁸ Мусаххар-забт этиш.
⁵⁹ Афсор-Жилов, тизгин, нўхта.
⁶⁰ Завлона-Кишан.
⁶¹ Пайкон-Камон ўқининг учи.
⁶² Инқиёд-Буйсиндириш, таслим этиш.
⁶³ Ризвон-Мамнуният
⁶⁴ "Тузуқлар"-Амир Темур ёзган асар номи.
⁶⁵ Муноқаша(арабча)-жанжал, тортишув.
⁶⁶ Яловоч-Хабаркаш, хабар етказувчи..
⁶⁷ Бараҳна-Ялонғоч.
⁶⁸ Ангиз-Қасд.
⁶⁹ Қиёсат-Хушёрлик, зийраклик.
⁷⁰ Хуққа
⁷¹ Жабобир(форсча)-зулм, жабр, ситам.
⁷² Жаббор-(арабча)-қудратли, азамат.
⁷³ Гилмон-қул
⁷⁴ Бутаги пул-Одам сурати солинган пул.
⁷⁵ Мулоҳида-дахрий, динсиз.
⁷⁶ Амрад-Ўспирин.
⁷⁷ Камергер-(французча)-сарой аъёнларининг унвони
⁷⁸ Нурлайн-Севимли фарзанд.
⁷⁹ Тим бозор-томи спилган кенг бозор.
⁸⁰ Жабугалар (хитойча)-эрийгитлар
⁸¹ Хазар-Каспий денгизи

МУНДАРИЖА

Бир кўнгилнинг хумори (Ҳ. Сатторий).....	4
Ибтидо	7
<i>Биринчи фасл. ХАЛОСКОР СОҲИБҚИРОН</i>	
Амур Темур ибн Тарагай шажарасининг баёни.....	12
Соҳибқирон шажарасига мансуб томирлар.....	12
Амир Темур аجدодларининг зикри.....	13
Амир Темур таваллудининг зикри.....	16
Амир Темур ёшлик ва навқиронлик даври туғёнларининг зикри.....	17
Мовароуннаҳрнинг Муғулларга тобелиги зикри.....	24
Мовароуннаҳрдаги ички низоларнинг зикри.....	29
Мовароуннаҳр улусининг тарқоқлик гирдобига тушгани зикри.....	30
Муғул ҳоқони Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга босқинининг баёни.....	32
Аввал Туғлуқ Темурхон тавлуди ва мусулмон булганлигининг зикри.....	32
Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхон босқининг зикри.....	33
Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхоннинг биринчи босқини зикри.....	35
Муғулистонда тўс-тўпалон, Мовароуннаҳрда эса бошбошдоқликнинг зикри.....	36
Уйғониш ёхуд эрк сари илк юришнинг зикри.....	40
Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхоннинг иккинчи босқини зикри.....	46
Мовароуннаҳр истеълосининг зикри.....	47
Хон ҳузурига Темурбекнинг чорланиши зикри.....	53
Ҳусайнбек ибн Мусвллабнинг қочиб яшириниши зикри.....	55
Илёсхўжахоннинг Хон бўлиши ва эркчиларни таъқиб қилиши зикри.....	57
Темурбек саргардонлигининг зикри.....	59
Муғулларга қарши илк иттифоқ тузилишининг зикри.....	61
Мохон ҳокими Темурбек ва Ҳусайнбекни бандиликда тутганлигининг зикри.....	64
Темурбек ва Ҳусайнбекнинг бандиликдан озод бўлиши зикри.....	66
Темурбек ва Ҳусайнбекнинг ажралиши ва қайта	



бирлашиши зикри.....	68
Сеистондаги Зуранж жангининг зикри.....	71
Мовароуннахрнинг озод этишга шайланиш зикри.....	77
Ички душман-Ҳусайнбек гаразлигининг зикри.....	79
Темурбекнинг Шош шаҳрида муолажа олиши зикри.....	92
Мовароуннахрда бўлиб ўтган Хон интихобининг зикри.....	93
“Лой жанги” ёҳуд Жетанинг сунги босқини зикри.....	97
Самарқандни ҳимоялаган сарбадорларнинг озодлик кураши зикри.....	100
Улус ҳокимиятига қарши Ҳусайнбек гаразлигининг зикри.....	103
Ҳусайнбек мунофиқлигининг зикри.....	106
Мовароуннахрдаги сиёсий ва ҳарбий тангликнинг зикри.....	113
Ҳусайнбекнинг тобелик сарҳадини кенгайтириш ҳаракати зикри.....	114
Ошкора олишув интиҳоси ёҳуд Ҳусайнбекнинг қаландар либосида шаҳид бўлишининг зикри.....	120
Темурбек орзуси ушалишининг зикри.....	127

Иккинчи фасл. АДОЛАТ ҚАЛҚОНИ

Мовароуннахр яхлитлиги учун ҳарбий юришлар баёни.....	132
Мовароуннахрдаги ички аҳвол зикри.....	132
Хоразмлик Суфиларнинг кирдикорлари зикри.....	133
Нобакор амирлар хуружининг зикри.....	145
Тўхтамишни Дашги Қипчоққа Хон этишда Амир Темур кўмагининг зикри.....	147
Амир Темурнинг “Уч бошли аждар”-ла олишуви баёни.....	154
Соҳибқирон Амир Темурнинг амир Қамариддинни таъқиб қилиши зикри.....	155
Мўғул амирлари амир Анқо тўра ҳам амир Хизрхўжахон ибн Тўғлуқ Темурхон таъқиблари зикри....	168
“Учбошли аждар”ла савашиш ниҳоясининг зикри....	176
Амир Темур лашкарининг Мўғулистондан Самарқандга қайтиши зикри.....	178
Самарқандга Қора мармартош келтирилишининг зикри.....	180
Мовароуннахрга Тўхтамиш “ўғлон” босқини зикри.....	182

Тўхтамишнинг Мувароуннаҳрга такрорий босқини зикри.....	188
Сароймулкхоним ҳийласи ёҳуд Тўхтамишхон лақмалигининг зикри.....	193
Дашти Қипчоқ илони устига Амир Темур юришининг зикри.....	195

Учинчи фасл. ЖАҲОНГИРЛИК ҚИСМАТИ

Эронзаминга юришнинг баёни.....	214
Эронзаминга илк юришнинг зикри.....	214
Эронзаминга икки йиллик юришнинг зикри.....	231
Эронзаминга уч йиллик юришнинг зикри.....	237
Эронзаминга қилинган беш йиллик юришнинг зикри.....	246
Эронзамин фатҳин интиҳосининг зикри.....	281
Ҳиндистон кофирлари устига юришнинг зикри.....	283
Ҳиндистондан қайтган Амир Темурнинг китобдор ила суҳбатининг зикри.....	309
Шом устига юришнинг зикри.....	312
Амир Темурнинг Рум саркардаси Боязидхон ила ёзишмалари ҳамда жанггин баёни.....	345
Саркарда Йилдирим Боязид аждодлари тарихининг зикри.....	345
Рум саркардаси Йилдирим Боязидхоннинг тор-мор булиши зикри.....	349
Жаҳонгирлик интиҳоси.....	367
Хотима.....	381
Изоҳлар.....	386
Луғат.....	387

Адабий-бадний нашр

Фулом Жўра

**ТУРОНЛИК СОҲИБҚИРОН
АМИР ТЕМУР**

Достон

Муҳаррир

Рассом

Саҳифаловчи

Т. Ҳайит

Ш. Хўжаев

С. Саидрашодов

Нашриёт лицензияси АИ-170. 23.12.2009.
Босишга рухсат этилди 12.03.2015. Бичими 84x108¹/₃₂
Офсет қоғози. Times Uz гарнитураси. 21,5 нашр т.22,66
шартли б.т. Адади 500 нусха. Буюртма №185.

«Navro'z nashriyoti», Тошкент ш.,
Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. тел.: 162-08-43.